

Д.А. ТАДЖИБАЕВА, И.О. МУМИНОВ

МИКРОМОЛИЯЛАШТИРИШ:

**Микромолиявий ташкилотлар
учун қўлланма**



Д.А. ТАДЖИБАЕВА, И.О. МУМИНОВ

МИКРОМОЛИЯЛАШТИРИШ: МИКРОМОЛИЯВИЙ ТАШКИЛОТЛАР УЧУН ҚЎЛЛАНМА



Тошкент — "МОЛИТ"

Д.А.Таджибаева, И.О. Муминов. Микромолиялаш: микромолиявий ташкилотлар учун қўлланма. – Т.: Молия, 2010. 208-б.

Қўлланма Германия Техник ҳамкорлик жамияти (ГТЦ) "Марказий Осиёда микромолиялаштириш секторини қўлаб-қувватлаш" лойиҳаси доирасида микромолиялаштириш ташкилотлари за кредит уюшмалари миллий ассоциацияси эҳтиёжлари учун нашр этилди.

Ўқув қўлланма микромолиявий ташкилотлар ходимларининг ҳуқуқий ва иқтисодий билимларини кенгайтириш, микромолиявий маҳсулот ва хизматлар таклиф этилаётган соҳа, молиявий ҳужжатларни тўғри расмийлаштириш масалаларида уларга ёрдам бериш мақсадида тайёрланди.

Мазкур ўқув қўлланма микромолиявий ташкилотлар ходимларига, микромолиявий тармоқнинг ривожланиш масалаларини ўрганувчи олим-тадқиқотчиларга, олий ўқув юртларининг иқтисодиёт мутахассислиги бўйича таълим берувчи ўқитувчи ва талабаларга мулжалланган.

*Масъул муҳаррир: иқтисодиёт фанлари доктори,
профессор А.В. Вахабов.*

*Тақризчилар: Ш.З. Абдуллаева — иқтисодиёт фанлари доктори, профессор,
Ф.У. Додиев — иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент*

*Қўлланма Ўзбекистон Миллий университети иқтисодиёт факультетининг Илмий
Кенгашида муҳокама қилинди ва нашрга тавсия этилди.*



gtz

МУНДАРИЖА

Кириш.....	5
1-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА МИКРОМОЛИЯЛАШТИРИШ ИНСТИТУТЛАРИ ФАОЛИЯТИ.....	7
1.1. Микромолиялаштириш тараққиётининг қисқача тарихи.....	7
1.2. Ривожланган мамлакатларда микромолиялаш ташкилотларининг роли ва аҳамияти.....	14
1.3. Ўзбекистонда микромолиялаштириш ривожи.....	17
1.4. Ўзбекистондаги микромолиялаш секторининг умумий хусусияти.....	22
2-БОБ. МИКРОМОЛИЯВИЙ ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ.....	29
2.1. МДХ давлатларида микромолиявий институтларнинг норматив- ҳуқуқий шароити.....	29
2.2. Ўзбекистонда микромолиялаш институтларининг ҳуқуқий асослари.....	41
3-БОБ. МИКРОКРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ.....	48
3.1. Микрокредит ташкилотларни давлат органларида рўйхатга олиш.....	48
3.2. МКТнинг дастлабки таъсис мажлисини ўтказиш.....	49
3.3. МКТ таъсис ҳужжатларининг нотариал тасдиқланиши.....	50
3.4. МКТнинг вақтинчалик жамғарма ҳисобварағини очиш.....	50
3.5. Рўйхатдан ўтувчи органга ҳужжатлар тўпламини топшириш, рўйхатдан ўтиш туловини тулаш.....	50
3.6. МКТнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги туғрисидаги гувоҳномани олиши.....	52
4-БОБ. МИКРОМОЛИЯВИЙ ХИЗМАТЛАР ВА УЛАРНИНГ ТУРЛАРИ.....	58
4.1. Ўзбекистонда микромолиявий хизматлар.....	58
4.2. Микромолиялаш хизматлар бозори.....	59

5-БОБ. МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ СТАНДАРТЛАРИ	67
5.1. Молиявий ҳужжатлар.....	70
5.2. Нобанк микромолиялаш ташкилотлар фаолиятининг молиявий мониторинги.....	74
6-БОБ. ММТ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ	89
6.1. Кредит портфели сифатини баҳолаш кўрсаткичлари.....	89
6.2. Самарадорликни баҳолаш кўрсаткичлари.....	92
6.3. Ижтимоий таъсирни баҳолаш.....	95
7-БОБ. ММТ ФАОЛИЯТИНИ БОШҚАРИШ	102
7.1. Ташкилий тузилма.....	102
7.2. Ходимларни бошқариш ва ривожлантириш.....	107
7.3. Акциядор ММТлар учун махсус тавсиялар.....	112
8-БОБ. МИКРОМОЛИЯЛАШТИРИШ УЧУН СОЛИҚ ТИЗИМИ	118
8.1. Умумий солиқ тизими.....	119
8.1.1. Қўшилган қиймат солиғи.....	119
8.1.2. Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи.....	136
8.1.3. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи.....	151
8.1.4. Мол-мулк солиғи.....	160
8.1.5. Ер солиғи.....	163
8.1.6. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ.....	165
8.1.7. Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи.....	167
8.2. Бошқа мажбурий туловлар.....	169
8.2.1. Ягона ижтимоий тулов ва фуқароларнинг мажбурий сугурта бадаллари.....	169
8.2.2. Реализация қилинган маҳсулот (иш, хизматлар) ҳажмидан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ҳамда Республика йўл фондига жамғармасига мажбурий ажратмалар.....	171
8.2.3. Мактаб таълимини ривожлантириш учун мажбурий ажратмалар.....	172
8.3. Солиқ солишнинг соддалаштирилган тизими.....	173
Хотима	180
Стандарт молиявий атамалар, кўрсаткичлар ва микромолиялаштириш учун тузатишлар глоссарийси	182
Фойданилган адабиётлар	189
Илова	192

КИРИШ

Ўзбекистонда микромолиялаштиришнинг пайдо бўлиши ва тараққиёти тарихи Ўзбекистон иқтисодиёти, айниқса, банк кредитларини олишда муаммога дуч келаётган аҳоли ва кичик бизнес учун банкларни тўлдирувчи мазкур молиявий хизмат сегменти қанчалик муҳимлигидан далолат беради. Аҳолининг тадбиркорлик имконияти кенгайди, тадбиркорлик кўникмаларининг умумий даражаси ошди одатий кредитлаш учун мижоз манбаи ўсди.

Микромолиявий хизматларга талаб 2,3% га қондирилганда, иқтисодий вазият бозор иқтисодиёт кўрсаткичларига жавоб бермайди. 2006 йилда мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти якунига ва 2007 йилда иқтисодий ўзгаришларнинг энг муҳим тамойилларини чуқурлаштиришга бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгашида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан банкнинг филиал тармоғини ривожлантиришдан ташқари молиявий-кредит хизматларини кўрсатишнинг турли хил тизимини яратиш ҳамда тизимли ишлаш асосида аҳолини молиявий-кредит манбалари билан таъминлаш масаласини ҳал қилиш зарурияти таъкидланди.

Ўзбекистонда микромолиялаштиришнинг 10 йиллик ривожланиш тарихи бундай тизимли ёндашувнинг компонентларидан биридир. Ўзбекистон Республикаси молиявий тизимининг ажралмас қисмига айланганлигини тан олингунга қадар нисбатан қисқа вақт ичида мазкур тармоқнинг моҳияти, унинг ҳаётийлигининг исботи, қонунчилик базасини яратиш, стандартларни ишлаб чиқишгача бўлган катта йўл босиб ўтилди.

Ушбу турдаги хизматларнинг муҳимлиги ва унга нисбатан талабнинг юқорилигини исботловчи микромолиялаштириш дастурининг амалий апробацияси билан бир қаторда, бу масала мамлакат ҳукуматида катта қизиқиш уйғотди. Шуни таъкидлаш керакки, микромолиялаштиришнинг турли хил компонентлари (илмий, консультатив ташкилий-ҳуқуқий ва амалий) киритилган микромолиялаштиришни ривожлантириш Давлат дастури (2007 — 2010) қабул қилинди.

Ўзбекистонда иқтисодиётни модернизациялаш даври, бир томондан, қулай ва тезкор молиявий хизматлардан фойдаланишга эҳтиёж бўлган кичик бизнес ва тадбиркорлар сонининг ошиши билан, ик-

кинчи томондан, мамлакатнинг турли хил ҳудудлари хорижий инвесторлар ҳамда маҳаллий институтларнинг ўз кучлари билан ривожланаётган микромолиялаштириш дастурлари амалиётининг қўпайиши билан тавсифланади.

Иқтисодийни модернизациялаш шароитида ММТни тузиш ва уларни бошқаришни удалайдиган мутахассислар етишмаслиги микромолиялаштириш тармоғида кучли сезилмоқда, бу эса, ўз навбатида, Ўзбекистонда ва Марказий Осиё давлатларида микромолиявий тармоқнинг кенгайишига тўсиқ бўлмоқда.

Мазкур қўлланма микромолиявий ташкилотлар ходимларининг касбий малакасини ошириш ва микромолиявий дастурларни самарали амалга ошириш орқали микромолиявий ташкилотларнинг ташкилий салоҳиятини оширишга қўмаклашади.

Қўлланмадаги материаллар "Микромолиялаштиришни ташкил этиш ва амалга ошириш асослари" беш кунлик интенсив ўқув курсининг кенгайтирилган кўринишидир. Курс иштирокчиларига амалий машғулотларда микромолиялаштириш дастурини мустақил равишда ишлаб чиқишлари учун лозим бўлган маълумотларни олиш, ўзлаштириш ва қўллаш мақсадида муайян тартибда берилди. Қўлланмани тайёрлашда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёти дастури АҚШ Ҳалқаро ривожлантириш Агентлиги, микромолиялаштириш дастурлари, Ўзбекистоннинг микрокредит ташкилотлари ва кредит уюшмаларининг амалий тажрибасидан фойдаланилди.

Муаллифлар и.ф.д., профессор А.В. Вахабовга (Банк-молия академияси), и.ф.д., профессор Ш.З. Абдуллаева, Ш.Х. Хайдаровга (Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки), И.Х. Голишева ва Д.Султоновга (Молия вазирлиги), и.ф.н. Ф.Додиевга (Макроиқтисодий тадқиқотлар институти) мазкур ўқув қўлланмага зарур тавсия ва таклифлар билдирганликлари учун ташаккур билдирадилар.

1-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА МИКРОМОЛИЯЛАШТИРИШ ИНСТИТУТЛАРИ ФАОЛИЯТИ

1.1. Микромолиялаштириш тараққийётининг қисқача тарихи

Ўтган асрнинг 50 — 70-йилларида ижтимоий-иқтисодий тараққиёти паст даражада бўлган мамлакатларда давлат идоралари ва доно ташкилотлар ўрта ҳамда кам таъминланган фермерларга уларнинг ишлаб чиқариш унумдорлиги ва даромадлилик даражасини ошириш мақсадида субсидияли қишлоқ хўжалик кредитларини бера бошладилар. Қарз беришда асосий эътибор ижтимоий аҳамиятга қаратилганлиги муносабати билан 80-йилларнинг ўрталаридан бошлаб, субсидияли кредитнинг мазкур модели жиддий танқид объектига айланди.

Бозорга мос ёндашувни топишнинг долзарблиги тобора равшанроқ бўлиб қолди. Бу эса Микромолиявий ташкилотлар (ММТ) номини олган ва паст даромадли аҳолига хизмат кўрсатишга ихтисослашган ташкилотларнинг вужудга келишига олиб келди. Мазкур ёндашув микромолиялашни молиявий барқарорлик принциплари асосида фаолият юритувчи молиявий секторнинг таркибий қисми сифатида баҳолади. Субсидияли қарзлар беришда эътибор аҳолига аниқ йўналтирилган ёрдам ҳамда молиявий ва операцион нуқтаи назардан барқарор бўлган маҳаллий институтларни яратишга қаратилди.

Жамоавий кредит бериш услубини қўлловчи дастлабки микрокредит дастури доктор Муҳаммад Юнус раҳбарлигида Бангладешнинг Grameen Bank банкида 1976 йилда бошланган эди. Ҳозирги вақтда Grameen Bank 2,4 млн. дан кўпроқ мижозга хизмат кўрсатувчи дунёдаги энг машҳур микромолиялаштириш институти ҳисобланади. Қарз олган камбағал оилаларнинг 48%и қашшоқлик балосидан қутула олганлиги сабабли банкнинг дастури макроиқтисодий аҳамиятли деб тан олинди. Умуман олганда, Бангладешда Грамин банкнинг 5% мижозлари микромолиялаш дастурларида иштирок этган ҳолда ҳар йили қашшоқлик даражасидан қутуладилар.

Ўзгаришлар анъанавий молиялаш воситачилари ўртасида ҳам рўй бера бошлади. Мисол учун, Индонезиядаги Bank Rakyat (ИБР) турли молиявий хизматларни таклиф этувчи қишлоқ банкларининг кени

кинчи томондан, мамлакатнинг турли хил ҳудудлари хорижий инвесторлар ҳамда маҳаллий институтларнинг ўз кучлари билан ривожланаётган микромолиялаштириш дастурлари амалиётининг қўпайиши билан тавсифланади.

Иқтисодийни модернизациялаш шароитида ММТни тузиш ва уларни бошқаришни уदдалайдиган мутахассислар етишмаслиги микромолиялаштириш тармоғида кучли сезилмоқда, бу эса, ўз навбатида, Ўзбекистонда ва Марказий Осиё давлатларида микромолиявий тармоқнинг кенгайишига тўсиқ бўлмоқда.

Мазкур қўлланма микромолиявий ташкилотлар ходимларининг касбий малакасини ошириш ва микромолиявий дастурларни самарали амалга ошириш орқали микромолиявий ташкилотларнинг ташкилий салоҳиятини оширишга қўмаклашади.

Қўлланмадаги материаллар "Микромолиялаштиришни ташкил этиш ва амалга ошириш асослари" беш кунлик интенсив ўқув курсининг кенгайтирилган қўринишидир. Курс иштирокчиларига амалий машғулотларда микромолиялаштириш дастурини мустақил равишда ишлаб чиқишлари учун лозим бўлган маълумотларни олиш, ўзлаштириш ва қўллаш мақсадида муайян тартибда берилди. Қўлланмани тайёрлашда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёти дастури АҚШ Ҳалқаро ривожлантириш Агентлиги, микромолиялаштириш дастурлари, Ўзбекистоннинг микрокредит ташкилотлари ва кредит уюшмаларининг амалий тажрибасидан фойдаланилди.

Муаллифлар и.ф.д., профессор А.В. Вахабовга (Банк-молия академияси), и.ф.д., профессор Ш.З. Абдуллаева, Ш.Х. Хайдаровга (Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки), И.Х. Голишева ва Д.Султоновга (Молия вазирлиги), и.ф.н. Ф.Додиевга (Макроиқтисодий тадқиқотлар институти) мазкур ўқув қўлланмага зарур тавсия ва таклифлар билдирганликлари учун ташаккур билдирадилар.

1-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА МИКРОМОЛИЯЛАШТИРИШ ИНСТИТУТЛАРИ ФАОЛИЯТИ

1.1. Микромолиялаштириш тараққиётининг қисқача тарихи

Ўтган асрнинг 50 — 70-йилларида ижтимоий-иқтисодий тараққиёти паст даражада бўлган мамлакатларда давлат идоралари ва донор ташкилотлар ўрта ҳамда кам таъминланган фермерларга уларнинг ишлаб чиқариш унумдорлиги ва даромадлилик даражасини ошириш мақсадида субсидияли қишлоқ хўжалик кредитларини бера бошладилар. Қарз беришда асосий эътибор ижтимоий аҳамиятга қаратилганлиги муносабати билан 80-йилларнинг ўрталаридан бошлаб, субсидияли кредитнинг мазкур модели жиддий танқид объектига айланди.

Бозорга мос ёндашувни топишнинг долзарблиги тобора равшанроқ бўлиб қолди. Бу эса Микромолиявий ташкилотлар (ММТ) номини олган ва паст даромадли аҳолига хизмат кўрсатишга ихтисослашган ташкилотларнинг вужудга келишига олиб келди. Мазкур ёндашув микромолиялашни молиявий барқарорлик принциплари асосида фаолият юритувчи молиявий секторнинг таркибий қисми сифатида баҳолади. Субсидияли қарзлар беришда эътибор аҳолига аниқ йўналтирилган ёрдам ҳамда молиявий ва операцион нуқтаи назардан барқарор бўлган маҳаллий институтларни яратишга қаратилди.

Жамоавий кредит бериш услубини қўлловчи дастлабки микрокредит дастури доктор Муҳаммад Юнус раҳбарлигида Бангладешнинг Grameen Bank банкида 1976 йилда бошланган эди. Ҳозирги вақтда Grameen Bank 2,4 млн. дан кўпроқ мижозга хизмат кўрсатувчи дунёдаги энг машҳур микромолиялаштириш институти ҳисобланади. Қарз олган камбағал оилаларнинг 48%и қашшоқлик балосидан қутула олганлиги сабабли банкнинг дастури макроиқтисодий аҳамиятли деб тан олинди. Умуман олганда, Бангладешда Грамин банкнинг 5% мижозлари микромолиялаш дастурларида иштирок этган ҳолда ҳар йили қашшоқлик даражасидан қутуладилар.

Ўзгаришлар анъанавий молиялаш воситачилари ўртасида ҳам рўй бера бошлади. Мисол учун, Индонезиядаги Bank Rakyat (ИБР) турли молиявий хизматларни таклиф этувчи қишлоқ банкларининг кенг

кўламли тармогида ўзининг филиалларини қайта ташкил қилди. Мақсадга қаратилмаган ва фоиизсиз, шунингдек, қишлоқ, эҳтиёжлари учун махсус ишлаб чиқилган омонат хизматларини жорий қилиш қайта ташкил қилишнинг устувор йўналиши бўлди.

80-йилларнинг бошларидан ММТ фаолияти асосан молиявий барқарорликка йўналтирилганлиги туфайли микромолиялаш тизими янада ривожланди. Микромолиявий хизматларни даромад олиш мақсадида кўрсатиш дунёда микромолиялаштириш жараёнининг энг кўп учрайдиган тури ҳисобланади.

Ўтган асрнинг 90-йиллари охирида дунёдаги бир қатор етакчи ММТлар томонидан анъанавий молиявий воситачилар гуруҳига ўтиш орқали микромолиялаш банклари шаклланиши жараёни бошланди. ММТнинг молиявий барқарорлиги заруратини тан олиш ҳар қандай мамлакат молиявий тизимининг таркибий қисми сифатида мазкур секторнинг муҳимлигини тушунишга олиб келди. Ушбу йўналишнинг асосий тамойили субсидияланган “текин” кредитдан воз кечиш ва ММТ фаолиятини фойда олишга йўналтиришдан иборат.

XXI аср бўсағасида микрокредитлаш дунёнинг турли минтақаларида иқтисодий тараққиётнинг самарали усули бўлиб санала бошлади. Жаҳон банкининг маълумотларига кўра дунёнинг ривожланаётган мамлакатларида 500 млн.дан зиёд мижозларга хизмат кўрсатувчи 10000 дан кўпроқ ММТ мавжудлиги бугунги кун молиявий хизматлар бозорида микромолиялаштиришнинг аҳамиятини кўрсатади.

Микрокредитлаш пайдо бўлган вақтидан бошлаб дунёнинг турли минтақалари шароитларига мослашган иқтисодий тараққиёт стратегиясига айланди. 80-йилларнинг ўрталаридан бошлаб, микрокорхоналарни молиялаш бўйича ташкилотлар ўз йўналишини ўзгартириб, дастурларни рўёбга чиқариш соҳасида илмий тажриба ўтказишдан анча фойдали ва юқори малакали дастурларни амалга оширишга ўта бошлади. Доимий фаолият юритувчи молиявий ташкилотлар мижозлардан хизматлар эвазига тушувчи тўловлар ва фоииз даромадлари ҳисобига йиллик эксплуатацион харажатларини қоплаб, миллионлаб кам таъминланган ишбилармонларга хизмат қилади.

Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари, муваффақиятли ММТнинг алоҳида хусусиятлари

— Улар ўз бозорларини билади: даромад олишга муҳтож бўлган тадбиркорлар кредитлар учун ҳақ тўлашга рози.

— Маъмурий харажатларни камайтириш мақсадида кредитлаш тартиби ва назоратини тезлаштирадilar.

— Қарздорлар томонидан кредитлар сундирилишини таъминлашда махсус усуллардан фойдаланадилар.

— Асосий мақсад рентабеллик ва барқарорликни ошириш.

Бугунги кунда жаҳон микромолиялаштириш соҳасидаги вазият ўзгармоқда. Ушбу секторда турли-туман методологиялар татбиқ этила бошланди, жамғарма депозитлари, суғурта ва пул ўтказмалари ҳисобига молиявий хизматлар диапозони кенгайиб бормоқда. Қарзлар ҳам гуруҳли, ҳам якка тартибда берилиши мумкин, кредитларни тўлаш миқдорлари ва муддатлари мижозларнинг эҳтиёжларига мослашувчан бўлиб бормоқда. Микромолиявий муассасалар юзага келаётган эҳтиёжларга таъсир кўрсатиш орқали янги маҳсулотларни ишлаб чиқмоқда. Умуман олганда, микромолиялаштириш донорлик маблағлари ҳисобига, кам таъминланганларга кредит ресурсларини тақдим этиш тизимида ўзгармоқда. У молиявий воситачиликнинг ҳақиқий қуролига айланиб бормоқда. Янгиликлар фақат кредитлаш дастурлари соҳасида эмас. Жамғармалар соҳасидаги янгиликлар — бу ҳар куни сотувчилардан омонатларни йиғадиган кўчма тузилмалардан фойдаланиш, қишлоқ жойларида бармоқ изларини танийдиган банкоматларни ўрнатиш бўлиб, бу саводсиз мижозларга ўз ҳисоб рақамларидан фойдаланиш имконини беради. Микрокорхоналарнинг самарали фаолиятини таъминлаш бўйича стратегиялар такомиллашиб бормоқда ва микромолиялаштириш катта миқдордаги кишиларни қашшоқликдан олиб чиқиш имкониятларини илгаригига қараганда янада юқори даражада намоён қилмоқда.

Микромолиялаштириш деганда кўпинча кенг хизматлар доираси (шу жумладан, кредит, жамғариш, суғурта ва ҳатто, пул ўтказмалари) тушунилади. Кам даромадли мижозлар микромолиялаштириш хизматларидан асосий фойдаланувчилар бўлиб ҳисобланади, бироқ кўп ҳолларда уй ҳужаликлари базасида мустақил тадбиркорлик билан банд бўлган ва нисбатан барқарор даромад манбаига эга бўлган хотин-қизлар ҳам бундан мустасно эмас.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига кўра микромолиялаштириш — бу қонунчилик билан белгиланган ҳажмдан ошмайдиган миқдордаги микрокредит, микроқарз ва микролизингни бериш бўйича микромолиявий хизматлар, шунингдек, микромолиявий хизматларни кўрсатиш тўғрисидаги шартномага мувофиқ бошқа хизматларни кўрсатадиган ташкилотлар фаолиятidir.

Микрокредит деганда қарз олувчига тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириши учун энг кам иш ҳақининг минг баробаридан ошмайдиган миқдорда тўлаш муддатли, фоизлилиқ мажбуриятлари ва

қайтариш шартлари билан бериладиган пул маблағлари тушунилади. Микрокредит қарз олувчига шартномага мувофиқ равишда муайян мақсадлар учун пул маблағларидан фойдаланиш шarti билан берилиши мумкин (мақсадли микрокредит).

Микроқарз деганда микрокредит ташкилотлари томонидан қарз олувчига — жисмоний шахсга тулаш ва қайтариш шартлари билан бериладиган, шартномада кўзда тутилган бир қатор ҳолатларда бўлса, энг кам иш ҳақининг юз баробаридан ортиқ бўлмаган миқдорда тулаш шarti билан бериладиган пул маблағлари тушунилади.

Микролизинг — бу микромолиявий хизматлар кўрсатадиган ташкилот томонидан лизинг олувчининг талабига кўра, учинчи томондан мулкни харид қилишни ҳамда уни лизинг олувчининг ихтиёрига ва шартномада кўрсатилган муайян туловларни амалга ошириш шarti билан фойдаланишга тақдим этишни кўзда тутадиган хизматдир. Микролизинг лизинг туғрисидаги қонунчиликка мувофиқ равишда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун энг кам иш ҳақининг икки минг баробаридан ошмайдиган миқдорда тақдим этилади.

Молиявий инқироз даврида микромолиялаштириш

"Ривожланган мамлакатлар касаллиги" молиявий инқирози ривожланаётган мамлакатларга етиб келадиган кун бўлиши кўпчиликнинг ҳатто тушига ҳам кирмаган. Бугунги кунда жаҳон молиявий инқирози сабабларидан хабардор бўлган оддий одам ҳам унинг иқтисодийётга кўрсатадиган зарарли ҳолатини таъкидлайди. Чунки, инқироз оқибатларидан ишончли ҳимояланган бирор-бир тармоқни қидириб топиш қийин. Молиявий инновацияларни ўрганиш Маркази инқироз даврида микромолиявий ташкилотлар дуч келадиган рискларни аниқлаш учун микромолиялаштириш соҳасидаги амалиётчилар ва маслаҳатчилар, инвесторлар ўртасида сўров ўтказди. 82 та мамлакат ва барча йирик халқаро ташкилотларни ўз ичига қамраб олган ушбу сўров 2009 йилнинг апрель ва май ойларида ўтказилди.

Аналитиклар сўров натижаларига асосланган ҳолда инқирознинг микромолиялаштириш секторига таъсирини микромолиявий ташкилотларнинг кўшни ва ривожланган мамлакатлар билан интеграциялашув даражаси ҳамда молиявий бозорлар орқали кредитлаш ва миждозларнинг ҳолатини ўрганиш орқали баҳолашди.

Бунинг устига мавжуд миждозлар ва хизматларни сотиш бозори жиддий молиявий қийинчиликларни бошидан кечираётган бир пайтда барқарорликни сақлаб туриш янада мушкуллашади.

Марказ томонидан ўтказилган сўров натижаларига кўра, микромолиявий фаолият билан боғлиқ бўлган қуйидаги рисклар аниқланди. Қавслар ичида тегишли рискларнинг йиллар бўйича аҳамияти кўрсатилган.

1. Кредит rischi (10). Илгари кредит rischi бизнес учун унчалик муҳим муаммо ҳисобланмаган, унинг одатий мижозлари ажойиб тўловга лаёқатлик тарихига эга бўлишган ва 2008 йилда ўтказилган сўровга кўра, бу риск 10-ўринни эгаллади. Мураккаб иқтисодий вазият ва микромолиялаштиришнинг ичидаги таркибий ўзгаришлар комбинацияси, дефолтларнинг аҳамияти ва кредитларнинг йўқотишларини оширди.

Инқироз даврида қўлаб омиллар таъсирида рискнинг янада ошиши кутилмоқда: иқтисодиётнинг секинлашиши, ишсизлик даражасининг ошиши, товарларнинг ўзгарувчан нархлари ва бошқалар. Риск инқироздан олдинги даврда юқори даражадаги қарздорлик билан характерланганлиги учун янада кучаяди. Кучли рақобат шароитида банклар ва микромолиявий ташкилотлар турли хил шартларда, қарз олувчининг кредитга лаёқатлигига қўйиладиган талабларни камайтириш орқали кредитларни бериш йўли билан мижоз вазифасини оширди.

Бундай ҳолат қарз олувчилар бўйича ахборот айирбошлаш тизимининг мавжуд эмаслиги билан янада чуқурлашиб, бунинг натижасида, ҳатто инсофсиз қарз олувчилар ҳам бир вақтнинг ўзида бир неча кредитларни олишди ёки бир кредитни бошқа микромолиявий ташкилотнинг кредити билан қайтаришди. Микромолиявий ташкилотларнинг йўқотишлари ва синиши, омонатчилар ва инвесторларнинг уларга бўлган ишончига салбий таъсир кўрсатди. Ушбу муаммони ҳал этишнинг мантиқий ечимларидек туюлган кредитлаш шартларини кучайтириш ва тўловга қодир бўлмаганларга нисбатан қатъий чоралар қўриш ўзига хос кредитлаш тизими билан фарқланадиган микромолиявий ташкилотнинг обрўсига путур етказди.

2. Ликвидлилик (20). Кредитни бериш имконияти ва бир вақтнинг ўзида депозитларни қайтариш бўйича талабларнинг қондирилишини ёки бошқача қилиб айтганда, ликвидлилик инқироз даврида 20-позицияга кўтарилиб, "фахрли" ўринни эгаллашини олдиндан айтиш қийин эмас. Бунда ликвидлилик омонатлар ва бошқа банклар кредитларини жалб қилишдан иборат бўлиб, асосий эътибор ушбу манбаларни бошқаришга қаратилади. Банк кредитлаш даражасининг камайтиши инқирознинг иккинчи номи — "кредитларнинг чекланиши" ни юзага келтирди, бунинг натижасида бир неча йирик банклар банкротлигининг гувоҳи бўлган сармоядорлар ва омонатчилар маблағларини жалб қилиш тобора қийинлашмоқда.

3. Макроиқтисодий конъюнктура (23). Куплаб аналитикларнинг фикрича, инқироз ривожланган мамлакатларга қараганда, ривожланаётган мамлакатларга кўпроқ таъсир кўрсатади. Гарчи миқдорий ифодалаганда инқирознинг ривожланган мамлакатларга кўрсатадиган зарарининг ҳажми ривожланаётган мамлакатларга қараганда анча кўп бўлсада, бундан ривожланаётган мамлакатлар харид қобилиятининг паритети ва ривожланган мамлакатларга иқтисодий жиҳатдан боғлиқлиги туфайли кўпроқ зарар кўришади. Ҳозирда ривожланаётган мамлакатлар, озик-овқат ва энерготашувчилар нархларининг тез-тез ўзгариб туришидан қийналишмоқда. Айниқса, қашшоқлик даражаси баланд бўлган мамлакатлар, ҳатто майда макроиқтисодий муаммоларнинг ҳам хатари ошиб бормоқда.

4. Бошқарув сифати (1). Ушбу жиҳатнинг баҳоланиши ўтган йилга нисбатан уч позицияга пасайганига қарамасдан, бошқарув сифати асосий масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Хусусан, малакали мутахассисларни жалб қилишдаги қийинчиликлар, тайёрлов структурасининг етишмаслиги, ижтимоий ва молиявий мақсадларнинг бир-бирига мутаносиб бўлмаслиги кабилар, жорий бошқарув сифатининг микромолияштириш ташкилотини ҳеч бир зарарсиз олиб чиқа олишини шубҳа остига қўяди.

5. Қайта молиялаштириш (28). Қайта молиялаштириш rischi ёки ушбу ҳолда иқтисодий инқироз натижасидаги шароитдан келиб чиққан ҳолда сармоядорлар ва донорлар маблағларидан иборат асосий молиялаштиришнинг тўхташ эҳтимоли асосан ушбу манбаларга боғлиқ бўлган ривожланмаган давлатлар ММТларининг жиддий муаммосига айланмоқда.

6. Молиялаштиришнинг етишмаслиги (29). Микромолиялаштириш ташкилотларининг ажралиб турувчи хусусиятларидан бири бўлиб молиялаштиришдаги етишмовчилик муаммосининг йўқлиги ҳисобланар эди. Тармоқнинг пойдевори ижтимоий мақсадли ташкилотлар томонидан қўйилганлигига қарамасдан, бугунги кунда кўпчиликни ушбу йўналишдаги тижорат фаолияти қизиқтиради. Тижорат банклари кредит линиялари, инвестицион жамғармаларни очишди ва жисмоний шахслар ўз пулларини реал самара келтирадиган қонуний бизнесга қўйишди. Бироқ, юқорида қайд этиб ўтилган хатарлар туфайли молиялаштириш манбаларидаги салбий ўзгариш ҳам истисно этилмайди.

7. Корпоратив бошқарув (2).

8. Курс фарқи (12).

9. Рақобат (7).

10. Сиёсий аралашув (9).
11. Фоиз ставкаси (6).
12. Даромадлилик (22).
13. Номутаносиб қонунчилик (3).
14. Кадрларни танлаш (5).
15. Бошқарув технологиялари (8).
16. Ошкоралик (11).
17. Обрў (9).
18. Амалга ошмайдиган режалар (13).
19. Фаолият йўналишининг ўзгариши (14).
20. Фирибгарлик (15).
21. Омонатчининг ишончи.
22. Бэк офис операциялари (18).
23. Эгалик қилиш структураси (17).
24. Янги маҳсулотларнинг ривожланиши (24).
25. Молиялаштиришнинг сероблиги (21).

Юқорида келтириб ўтилган хатарлар микромолиялаштириш йўқолиб кетиш арафасида турибди, деган маънони англатмайди. Ҳар бир муаммо тегишли қарор ишлаб чиқишни талаб қилади. Агар микромолиялаштириш ташкилотлари инқирозга тайёр бўлишмаса, ўзини сақлаб қолишга бўлган кўникама энг муҳим чораларни кўришга мажбур қилади. Шунингдек, донорлик маблағларини жалб қилишда юзага келган қийинчиликларнинг микромолиялаштириш ташкилотлари фаолияти йўналишининг ўзгаришида намоён бўлиши мумкинлиги кутилади. Чунки, улар муқобил молиялаштириш манбалари, айти тижорат ресурсларига ёндашиб, мантиқан эътиборни янада бой миқозларга қаратиш орқали хизматлар учун янги нархларни ўрната бошлашади. Аналитикларнинг фикрига кўра, фойда олиш мақсадидаги микромолиялаштириш ташкилотларидан фарқли равишда ижтимоий мақсадлари устувор бўлган микромолиялаштириш мустақкам молиявий ўзакка эгаллиги туфайли ўз фаолиятини энг кам йўқотишлар билан давом эттира олади.

Камбағалларга ёрдам бериш бўйича маслаҳат гуруҳи (Consultative Group Assisting Poor) нинг маълумотларига кўра, 2008 йилда бошқариладиган активларнинг умумий қиймати 6,5 млрд. АҚШ доллари бўлган 104 та микромолиялаштириш жамғармалари фаолият кўрсатишган. 2008 йилда 11 та янги микромолиялаштириш жамғармалари, шу жумладан, 2008 йилнинг сентябрь ойидан сўнг, айти Lehman Brothers банки банкротликка учраганидан кейин еттига бошқа микромолиялаштириш жамғармалари ташкил этилди. Микромолиялашти-

риш ҳатто инқирознинг иккинчи тулқини келганида ва ликвидликнинг кучли етишмовчилиги пайдо бўлганида ҳам ўз позициясини сақлаб қола олди.

1.2. Ривожланган мамлакатларда микромолиялаш ташкилотларининг роли ва аҳамияти

Ривожланган мамлакатларнинг қарз маблағлари миллий бозорларида иқтисодни либераллаштириш шароитларида инвестицион ва молиявий компаниялар, хайрия жамғармалари, кредит-омонат уюшмалари, бошқарувчи компанияларига алоқадор махсус нобанк кредит ташкилотлари муҳим роль ўйнай бошлади. Пул маблағларини ишга солиш ва жамғаришда кредит кооперативлар кўзга кўринарли ўрин эгаллади. Жумладан, Европа Иттифоқи мамлакатларида, кредит кооперативлар мижозларининг умумий сони 100 млн. кишидан ошди ва ушбу ташкилотларнинг банк хизматлари бозорларидаги улуши мисол учун, Финляндияда 30% ни ташкил қилади.

Англияда кредит уюшмаларининг афзаллик жиҳати аввалданоқ тан олинган. Мисол учун, Краутер истеъмол кредити қўмитаси (1971) уларнинг ривожлантирилишини қўллаб-қувватлашни зарурий деб ҳисоблади. Уларнинг фаол тарафдори сифатида, истеъмолчиларнинг миллий кенгаши 1979 йилда қабул қилинган кредит уюшмалари тўғрисидаги қонун лойиҳасини илгари сурди. Ҳукуматнинг бир неча маҳаллий органлари қарамоғида бўлган ҳудудларда, кредит уюшмаларни ташкил қилиш учун субсидиялар бериш ёки уларнинг ривож билан шуғулланувчи махсус одамларни тайинлаш кредит уюшмаларни ривожлантиришга ёрдам беради. Кредит уюшмалари ўзларини "АПЕКС" деб номловчи ташкилотлар орқали ўз манфаатларини ҳимоя қилишади. Бугунги кунда Буюк Британияда активлари 200 млн. ф. ст. дан ошувчи чамаси 700 та кредит уюшмалари мавжуд. Ҳар йили тахминан 50 та янги ташкилот пайдо бўлади.

Ҳозирги вақтда Франциядаги ўзаро кредитлаш муассасаси Англиядаги қурилиш жамияти ёки АҚШдаги кредит уюшмалари, тижорат банклари ва молиявий компанияларга тобора рақобатчи бўлаётган йирик ва ўрта банкларга ўхшайди. Улар мижозларга айна турдаги: жорий ҳисоблар ва кредит карталар очиш, қимматбаҳо қоғозларни харид қилиш ёки автомобиль олиш учун кредитлар бериш каби банкоматлар тармоғидаги турли хизматларни таклиф этади. Ахборот технологияга (уйда интернет орқали банк хизмати, телефон орқали молиявий ҳамда банк операциялари ва бошқалар) кредит операцияла-

рининг жорий қилиниши молиявий инжиниринг тизимини ривожлантиради. Аҳоли даромадининг ошиши, қимматбаҳо қоғозлар бозорининг ривожланиши, банклар амалга ошира олмайдиган махсус хизматларни кўрсатиши, банк мақомига эга бўлмаган ихтисослашган муассасаларнинг таъсир доираси ортишига сабаб бўлди. Бу каби ташкилот ўзаро ва тижорат банклари билан кредит операциялари, шунингдек, пул маблағларини жалб қилиш соҳасида қатъий рақобат жангини олиб боради. Кредит уюшмалари мижоз базасининг нисбатан куплиги уларнинг тез ва салмоқли ривожланишига, шунингдек, операцияларнинг маълум даражада кенгайишига сабаб бўлди.

Кредит уюшмалар фаолияти тартиб-қоидаларини оммалаштиришда халқаро ташкилотларнинг роли жуда катта аҳамиятга эга бўлмоқда. Хусусан, кредит уюшмалари Халқаро Кенгаши кредит фаолиятини ривожлантиришни дунёнинг 84 та мамлакатада мувофиқлаштиради. Кредит уюшмаларида миллий ташкилоти шу қадар мустақкам бўлган мамлакатлар мавжудки, улар нафақат ўз мамлакати иқтисодига муҳим таъсир кўрсатади, балки бошқа мамлакатлар кредит уюшмаларига катта молиявий, ташкилий кўмак беради.

2000 йилда American Banker журнали томонидан олиб борилган изланиш шуни кўрсатдики, унга кўра кредит уюшмаси аъзоларининг аксарияти (79%) кредит уюшмалари томонидан тақдим этилувчи молиявий хизматлар сифатидан тўлиқ қониққан. Айни вақтда банк кўрсатган хизматлардан қониққан мижозлар сони бор йўғи 53% ни ташкил қилди. Кредит уюшмаларининг иштирокчилар томонидан бундай юқори баҳоланиши, нафақат ҳар бир иштирокчига хизмат кўрсатишнинг индивидуал ёндашуви билан, балки бир вақтнинг ўзида ушбу ташкилотлар эгаси бўлувчи иштирокчилар билан қалин муносабатлар ўрнатилиши билан ҳам изоҳланади. Ўз иштирокчилари билан бундай муносабатлар ўрнатиш кредит уюшмаларига бошқа кредит ташкилотларига нисбатан афзалликларини намоён этади.

Хусусан, мижозлар билан индивидуал тарзда алоқа қилиш тўғрисида, кредит уюшмалари кредитлар бериш билан боғлиқ трансакцион харажатларни маълум миқдорда қисқартира олдилар. Бундай харажатларнинг камайиши, қайтмайдиган кредитларнинг миқдорининг камайишида ва натижада кредит уюшмаларининг умумий кредит портфелида ҳисобдан чиқарилиш даражасида намоён бўлади.

Шунингдек, таъкидлаш жоизки, ривожланган мамлакатлар кредит уюшмалари муваффақиятига, улар ташкил қилинишининг энг дастлабки вақтидан бошлаб истеъмол кредитларини беришга йўналганлиги сабаб бўлди. XXI аср бошларида ушбу кредитлар улуши кре-

дит уюшмалари ажратган кредитларнинг 98% дан ошди. Банк ташкилотлари кредит портфелида истеъмол кредитларининг улуши тахминан 15% ни ташкил қилади.

Ривожланган мамлакатларда кредит уюшмаларининг самарали фаолият юритишида мувофиқлаштирувчи ва бошқарувчи марказ бўлиб ҳисобланган уюшмалар муҳим аҳамият касб этади. Бундай марказ ликвидлик жамғармасини ташкил қилиш, депозит захираларни бирлаштириш, аудит ўтказиш ва умумий раҳбарликни амалга ошириш учун кенгаши аъзоларини, менежерлар ва ходимларни тайёрлаш ҳамда ўқитиш учун хизмат қилади. Марказлар бозордагига қараганда анча паст нархларда аъзоларга хизматлар кўрсатиб, уюшмалар фаолияти харажатларини камайтиришга ёрдам беради. Ҳукуматда, банк соҳасида ва халқаро ташкилотларда кредит бирлашмаси номидан вакил бўлган Марказ, шунингдек, фаолиятга тегишли бўлган умумий масалаларни кўриб чиқиш билан шуғулланади.

Бу жиҳатдан Франциядаги банк тизимининг назорат ва идора қилиш системаси қизиқарли кўринади. Назорат қилишнинг асосий тамойилларидан бири, банк ва бошқа кредит ташкилотларининг Француз банклари Ассоциацияси, молиявий жамиятлар француз ассоциацияси, махсус молиявий институтлар бирлашмаси каби банк ва бошқа кредит муассасаларининг профессионал бирлашмаларидаги иштироки мажбурий ҳисобланади. Ушбу ташкилотлар марказий тузилмалари назорат органлари ва кредит ташкилотлари орасида воситачилик вазифасини бажаради.

Жумладан, ўзаро алоқадор қишлоқ ҳўжалик кредит ташкилотлари тармоғидан иборат бўлган Credit Agricole тизимида — асосий бўгин қишлоқ ҳўжалик кредитининг Миллий кассаси саналади (Caisse Nationale de Credit Agricole - CNCA). У қишлоқ ҳўжалик кредити минтақавий кассаларининг бўш нақд пул маблағларини бошқаради ва 59 та ҳудудий банклар учун қайта молиялаш, мажбурий захираларни шакллантириш ва сақлашни таъминлаш ҳамда махсус резервларни шакллантириш (масалан, омонатлар бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлашдаги хатарни қоплаш учун ликвидлик захираси) орқали "охирги кредитор" ролини бажаради.

Франциядаги қишлоқ ҳўжалик кредитининг миллий кассаси, АҚШдаги кредит уюшмалари лигаси каби марказий органларга тартибга солиш ва назорат қилиш вазифаларининг юклатилиши, банклар фаолияти ҳамда уни назорат қилишнинг янги талаб ва шароитларга мослашувчанлигини ошириш билан боғлиқ.

Бугунги кунда кредит кооперативлари тизими банкларни ўз хизматларини кенгайтиришга ҳамда сифатли янги банк-молия маҳсулотларини яратишга мажбур қилаётган қудратли рақобатчи ҳисобланади.

1.3. Ўзбекистонда микромолиялаштириш ривожи

Ўзбекистонда микрокредитлаш дастурининг ташкил қилиниши Қашқадарё ва Қорақалпоғистон Республикасидаги икки синов лойиҳалари орқали 1998 йилда БМТнинг Тараққиёт Дастури (БМТТД) доирасида амалга оширилган. Лойиҳалар учта ННТ-ММТ тузишга қўмаклашди. Лойиҳаларни амалга ошириш 2002 йил августда қабул қилинган 309-сонли "Ўзбекистон Республикасида микромолиялаштиришни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги асосий қарор қўринишида миллий қонунчиликка асос солди. Мазкур лойиҳаларнинг асосий натижалари оилавий активлар, чорва қўпайтириш ва хизмат курсатиш асосида ишлаб чиқаришда микробизнесни ташкиллаштириш, кичик қўламдаги ишлаб чиқариш фаолиятида, савдода иштирок этиш учун кам даромадли одамларнинг молиявий маблағлардан фойдаланиш ҳуқуқининг амалий кенгайиши бўлди.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда микромолиялаштириш тижорат банклари, Микрокредитбанк, кредит уюшмалар (КУ), микрокредит ташкилотлар (МТ) ва халқаро молиявий институтларнинг (ЕРТБ, ОРБ) кредит линиялари орқали амалга оширилмоқда. Тижорат банкларининг ўз маблағлари банкларнинг микрокредитлар беришида асосий роль ўйнайди, уларнинг микрокредитлар миқдоридаги улуши 80% дан кўпни ташкил этади.

"Банк микрокредити" тушунчаси 1999¹ йилда пайдо бўлди. Микрокредитлар ажратиш тизими Тошкент вилояти ҳудудида муваффақиятли ўтказилди ва ҳозирда республиканинг барча ҳудудларида кенг қўлланмоқда.

Банklar томонидан микрокредит беришнинг ажралиб турувчи хусусияти микрокредитнинг² анча юқори суммаси, ва микрокредитнинг 50% ини нақд пул билан олиш имкони мавжудлиги эди. Бунда олинган нақд пул ва унга ҳисобланган фоизларнинг қайтарилиши фақат нақд пул билан амалга оширилиши лозим.

¹ Алоҳида корхоналарга кредит бериш тартиби, кичик бизнес субъектларига №755 Бюджетдан ташқари фондлар кредит линиялари тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби. 20 июль 1999 йил.

² Ўз фаолиятини юридик шахс мақоми билан амалга оширувчи кичик бизнес фермерлари ва бошқа субъектлари учун микрокредитлар хорижий ёки миллий валютада 3 йил муддатга 10000 АҚШ доллари қийматида бериллади. Микрокредитлашнинг жисмоний шахсларга бериш тартиби фақатгина бир қарор билан 1000 АҚШ доллари миқдорида бериллади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Микрокредитбанк "Акциядорлик-тижорат банкини тузиш тўғрисида"ги Фармониға мувофиқ кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ҳамда фермерликни ривожлантириш, яққа тартибдағи меҳнат фаолиятини, оилавий бизнес ва касаначиликни фаоллаштириш йўли билан янги иш ўринларини яратиш, айниқса, қишлоқ жойларида аҳоли кенг табақаларининг микромолиявий хизматлардан баҳраманд бўлишини таъминлаш учун молиявий маблағлар беришни янада кенгайтириш мақсадида "Микрокредитбанк" ташкил қилинди.

Мазкур банк республика бўйича 70 дан ортиқ филиалга эга куп тармоқли "Тадбиркорбанк" акциядорлик савдо банки негизиде ташкил қилинган. Қайта ташкил этилган банкнинг асосий вазифалари куйидагилардан иборат:

- кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик субъектларига, фермер ва деҳқон хўжаликларига ўзларининг ишлаб чиқариш фаолиятини мустақамлаш ва кенгайтиришлари учун микрокредитлар бериш, кенг қўламдағи банк ҳамда консалтинг хизматлари кўрсатиш;

- микрокредитлар бериш ҳамда микролизинг йўли билан микрофирмалар, оилавий тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлантиришни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш ҳисобига тадбиркорлик соҳаси кенгайишига қўмаклашиш;

- қарз олувчи томонидан тақдим этиладиган бизнес-режани, унинг молиявий ҳолатини, кредитни тулаш бўйича мажбуриятларни таъминлаш манбаларини синчиклаб таҳлил этиш асосида микрокредитларнинг қайтарилишини таъминлаш;

- микрокредит бериш ва микролизинг бўйича хизматлар кўрсатишни кенгайтириш учун халқаро молия институтлари ҳамда етакчи хорижий банкларнинг имтиёзли кредитлари, инвестиция ва грантларини жалб этиш;

- айниқса, қишлоқ жойларда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатиш учун қўшимча имкониятларни таъминлайдиган филиаллар ва мини-банклар тизими орқали молиявий инфратузилмани янада ривожлантириш.

Республика ҳукумати томонидан "Микрокредитбанк" фаолиятини ривожлантириш учун чоралар кўриш ҳам, унинг фаолиятига ҳамда микромолиялаш тизими ривожига яхши таъсир кўрсатди.

2006 — 2007 йилларда мижозлар базаси ривож бўйича Ўрта Осиё минтақасининг ихтисослашган банклари орасида банк ўз мижозлари сонини 124% га ошириб, учинчи ўринни эгаллади (1.1- жадвал). Дастлабки икки ўринни эгаллаган 135% ва 163% даражали ўсишга эга Тожикис-

**Ўрта Осиёнинг энг йирик микромолиявий ташкилотлари
(10 минг қарздорлар ёки ундан кўпроқ)**

Микромолиявий банклар номи	Мамлакатлар	2006 йил	2007 йил	Усиш
FMC	Қирғизистон	37,867	63,996	69%
Mikroredit Bank	Ўзбекистон	22,807	51,026	124%
Aivi Bank	Қирғизистон	45,085	46,172	2%
Kompanion	Қирғизистон	21,801	40,326	85%
FFSA	Қирғизистон	21,026	30,160	43%
KMF	Қирғизистон	22,469	27,153	21%
IMON	Тожикистон	14,182	19,696	39%
FMFB – TJK	Тожикистон	6,755	17,778	163%
FINCA – TJK	Тожикистон	4,717	11,096	135%
MicroInvest	Тожикистон	5,854	10,435	78%

Манба: MIX market, 2007.

тоннинг FMFB-TJK ва FINCA-TJK банклари тегишли равишда халқаро молиявий ташкилотларнинг кўмагига таянишни ҳисобга олганда, "Микрокредитбанк"нинг келгусида юксак тараққиёт имкониятлари мавжуд.

2008 йил 1 сентябрь ҳолатига кўра, "Микрокредитбанк"нинг фаол мижозлари сони 2007 йилга таққослаганда 150% га ортган, яъни 127600 нафарга етган.

Юқорида таъкидланганидек, тижорат банклари томонидан қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун кредитлар берилади. "Чорвачиликни ривожлантириш учун шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларига тижорат банклари томонидан имтиёзли мақсадли кредитлар бериш тартиби тўғрисида"ги Низомга мувофиқ, Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан чорвачиликни ривожлантириш учун 3 йил муддатга энг кам иш ҳақининг 80 бараварида кредитлар берилади. Кредит учун фоизлар қайта молиялаш ставкасининг 1/4 қисмини ташкил қилади. Бунда кредитлар нақдсиз ва нақд пул кўринишида берилиши мумкин.

Тижорат банкларининг ўз маблағлари ҳисобига чорвачиликни ривожлантириш учун микрокредитлар бериш "Чорвачиликни ривожлантириш учун шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларига имтиёзли, мақсадли микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида"даги Низомга мувофиқ деярли ўшандай шароитларда амалга оширилади, лекин кредит фоизи қайта молиялаш ставкасига баробар бўлади.

Банк кредит бериш соҳасида иқтисодни эркинлаштириш шароитларида қабул қилинган асосий ҳужжатлардан бири "Ёш oilаларга имтиёзли асосда тижорат банклари томонидан кредитлар бериш тартиби

тўғрисида"ги Низом бўлди. Низомга кўра ёш оила аъзолари тадбиркорлигини ривожлантириш учун кредитлар қуйидаги мақсадларда берилади:

- юридик шахс мақомига эга бўлмаган оилавий тадбиркорлик билан шуғулланиш учун;
- юридик шахс мақомига эга микрофирмалар, кичик корхоналар, фермер хўжаликлари, шунингдек, деҳқон хўжалиklarининг дастлабки сармоясини шакллантириш учун;
- якка тадбиркорлик, микрофирмалар, кичик корхоналар, деҳқон ва фермер хўжалиklarининг кенгайиши ва ривожини учун.

Кредит ҳажми энг кам иш ҳақининг минг баробари миқдоридан ошмайди, фоиз ставкаси қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизини ташкил қилади.

2002 йилда "Кредит уюшмалари тўғрисида"ги Қонун қабул қилиниши ва кредит уюшмалари вужудга келиши билан республиканинг чекка минтақаларида аҳолига микрокредит бериш имкони анча ошди. Кредит уюшмаларининг вужудга келиши аҳоли пул маблағларини депозитга жалб қилишга, шунингдек, кредит ташкилотлари ўртасида рақобатни кучайтиришга имкон яратди.

Ҳозирги вақтда 100 та (1 январь 2010 й. ҳолатига) кредит уюшмалари берилган лицензияга мувофиқ Ўзбекистонда фаолият юритади. Активлар ҳажмига кўра улар учта тоифага ажралади: йирик (активлар билан 500 млн. сўмдан ортиқ), ўртача (100 млн. дан 500 млн. гача) ва кичик (100 млн. дан камроқ).

Мижоз таркиби тизимида жисмоний шахсларнинг (90% дан зиёд) кўпчиликини ташкил қилиши Ўзбекистондаги КУ фаолиятининг ажралиб турувчи хусусияти бўлиб ҳисобланади.

Мулкнинг бундай тузилиши ўз асосий мақсади — кредит-молиявий хизматларнинг самарали ташкил қилиниши ҳисобига иштирокчилар сифатини оширишга эришиш учун масалани ҳал этишнинг энг мақбул вариантларини излаб топишда кредит уюшмаларига максимал тарзда ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикасининг "Микромолиялаш тўғрисида" 2006 йил 15 сентябрдаги ҳамда "Микрокредит ташкилотлар тўғрисида"ги 2006 йил 20 сентябрдаги қонунлари қабул қилиниши билан тегишли равишда микромолиялаш бўйича хизмат кўрсатувчи бир нечта ташкилотлар микрокредит ташкилотлар билан тўлдирилди ва Марказий банк томонидан 24 та микрокредит ташкилотлар (МКТ) рўйхатга олинди.

ЕТТБ кредит тизими.

ЕТТБ тизими бўйича микрокредитлар бериш Вазирлар Маҳкамасининг 367-сонли 10.09.2001 йилдаги "ЕТТБ билан микрокредитлар бериш дастурларини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар туғри-сида"ги Қарорига мувофиқ 2001 йилда бошланди. 20 млн. АҚШ доллари миқдоридagi ЕРТБнинг биринчи транши "Ипак йўли" ва "Ҳамкорбанк" тижорат банклари орқали кичик тадбиркорлик субъектларига берилди.

ЕТТБ кредитларига бўлган асосий талаб бир қатор омиллар туфайлидир. Биринчидан, ЕТТБ, бошқалардан фарқли ўлароқ³, савдо-сотиққа пул ажратади. Иккинчидан, кредит инспекторларининг маоши туғридан-туғри берилган кредитлар сонига боғлиқ бўлади. Учунчидан, мижозлар кредитни ўз ихтиёрлари бўйича сарфлайди. Бундан ташқари, яна бир ўта муҳим қулайлик — кредитнинг муддатлари ва тартибини мижоз илтимосига кўра ўзгартириш мумкин. Фоизлар бўйича туловлар ҳар ойлик асосида ҳамда бутунлай кредитни қайтариш муддати тугашини кутмасдан амалга оширилади.

1.4. Ўзбекистондаги микромолиялаш секторининг умумий хусусияти

Ўзбекистонда микромолиялаш ривожининг умумий хусусиятларига қуйидагилар киради:

— **Мақсадли гуруҳ.** ММИнинг барча типлари бўйича микрокредит олувчилар орасида иккита гуруҳ аниқ ажралиб туради — савдо вакиллари ва қишлоқ хўжалик ходимлари.

— **Микрокредит ҳажми ва фоизли ставка.** Банк кредитининг ўртача ҳажми КУ кредитидан кўра 3 марта кўп ва ММТдан кўра 16 марта ортиқ. КУ ва МКТ анча "қиммат" кредитлар беради ва бунда узиш муддати анча қисқа бўлади. Шунинг учун КУ ва МКТ кредитлари банкларга хос бир қатор етишмовчиликлардан холи, улар қарздорларнинг кам таъминланган тоифасига мўлжалланмаган.

³ Ўзбекистонда қуйидаги халқаро молия институтларининг кредит тизимлари очилган: АТБГ, ТТБ, ОПЕК Фонди, МФК, Эксимбанк США, Ислон тараққиёт банки, АКА банк (Германия), Банкгезельшафт (Германия), Дрезднер банк (Германия), Хипо Верейнс (Германия, Италия), АВН AMRO банк, Банк Национале де Лаворе/Саче (Голландия), Коммерцбанк (Германия), Банк Гезельшафт Берлин (Германия), Туркэксимбанк (Турция). Ушбу тизимлар МБ ТИФ, "Асакабанк", "Саноатқурилишбанк" томонидан тақдим этилган.


— **Самарадорлик.** Суровлар шуни курсатдики, банкка оид бўлмаган кредитлар микробизнеснинг даромадлилиги ва барқарорлигини самарали равишда оширади. МКТ мижозлари ўз фаолиятларидаги анча ижобий ўзгаришларни кўпроқ ҳис қиладилар: мижозларнинг 71% да товар айланмаси, 60% да эса даромади ошди. Микрокредитлар савдода, маҳсулотлар ишлаб чиқаришда ва умумий овқатланишда катта самара, (пул айланиши ва даромаднинг ўсиши) беради. Улар қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини етиштириш ва хизмат кўрсатиш соҳасида анча самарасиздир.

— **Ахборот.** Микрокредит олишга қарор қилган тадбиркорларда микрокредит берувчи ташкилотлар тўғрисидаги маълумотларга талаб катта. Ҳужжатларни расмийлаштиришга ёрдам бериш иккинчи ўринни эгаллайди.

Бугунги кунга келиб республикада фаолият юритаётган барча микромолиялаш ташкилотлари томонидан кўрсатилган микромолиялаш хизматлари ҳажми 670 млрд. сўм миқдорида баҳоланмоқда.

МИКРОКРЕДИТЛАШ		Гаровсиз кредит бериш методикасидан фойдаланиш асосида кам таъминланган мижозларга қисқа муддатли микрокредитларни самарали бериш
МИКРОДЕПОЗИТЛАР		Депозит хизматларига алоқадор кичик миқдордаги суммаларни хавфсиз ва яқин жойларда сақлаш
МИКРОСУҒУРТА		Хавф-хатарларни камайтириш ва аҳоли заифлигининг ташқи салбий омилларга таъсирини камайтиришга суғурта хизматлари имконият беради
ПУЛ ЎТКАЗМАЛАРИ		Пул маблағларни хавфсиз амалга оширишга молиявий хизматлар имконият беради

Таъкидлаш жоизки, кўрсатилаётган микромолиялаш хизматларидаги нобанк кредит ташкилотларининг улуши шиддатли равишда ўсиб бормоқда. Кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари ва ломбардлардан иборат бўлган ушбу ташкилотларнинг жами активлари 2010 йил 1 январь ҳолатига 224 млрд. сўмни ташкил этиб (1.1-расм) ўсиш суръати 2009 йилнинг шу даврига нисбатан 89.9 фоизни ташкил қилган бўлса, 2008 йилга нисбатан қарийб 4 баравар ошган-



1.1-расм. Нобанк кредит ташкилотлари жами активлари динамикаси (млрд. сўмда)

лигини кўрсатмоқда. 2005 йил бошида атиги 3.5 млрд. сўм миқдоридаги активларга эгалик қилган сектор ҳозирда 60 барабардан қўпроқ имкониятларга эга.

Қайд этилган кўрсаткичлар моҳиятини таҳлил қиладиган бўлсак, биринчи навбатда, ушбу ташкилотлар сонидаги ўзгаришлар кўриб чиқиши лозим. Жорий йилнинг 1 январидан республикада 103 та кредит уюшмалари, 32 та микрокредит ташкилотлари ва 48 та ломбардлардан иборат жами 183 та нобанк микромолиялаш ташкилотлари фаолият юритмоқда (1.2-расм). Улар сони олдинги йилга нисбатан 32.6 фоизга ёки 45 тага ошган бўлса-да, активлар миқдоридаги сезиларли ўзгаришлар кредит уюшмалари ҳисобидан амалга оширилганлигини қайд этиш мумкин, чунки бир йил давомида кредит уюшмалари сони 78 тадан 103 тага ошгани ҳолда микрокредит ташкилотлари 6 тага, ломбардлар сони эса 14 тага ошган.

2010 йил 1 январь ҳолатига республика ҳудудида 183 та нобанк микромолиялаш ташкилотлари фаолият юритаётган бўлса, уларнинг 72 таси ёки 39.3 фоизи Тошкент шаҳрида жойлашган (1.2-жадвал). Республиканинг 5 та вилоятида жойлашган микромолиялаш ташкилотлари сони жами ташкилотларнинг 78.1 фоизини ёки 143 тасидан



1.2-рasm. Нобанк кредит ташкилотлари сони

1.2-жадвал

Худудларда фаолият юритаётган нобанк кредит ташкилотлари сони

Худуд номи	НКТ сони	Жумладан		
		МКТ	Кредит уюшмалари	Ломбардлар
Қорақалпоғистон Республикаси	4	3	0	1
Андижон вилояти	17	1	15	1
Бухоро вилояти	13	4	8	1
Жиззах вилояти	2	0	2	0
Қашқадарё вилояти	6	2	2	2
Навоий вилояти	5	2	3	0
Наманган вилояти	4	2	2	0
Самарқанд вилояти	8	2	4	2
Сурхондарё вилояти	4	2	2	0
Сирдарё вилояти	2	0	2	0
Тошкент вилояти	16	4	8	4
Фарғона вилояти	25	3	21	1
Хоразм вилояти	5	0	4	1
Тошкент шаҳри	72	7	30	35
Республикада жами	183	32	103	48

иборат. Бу эса, ўз навбатида, айрим вилоятларда соҳа нисбатан кен-
гроқ ривожланганлиги ва айримларида эса деярли шаклланмаганли-
гидан далолат беради.

Шуни таъкидлаш жоизки, кредитнинг ўртача ҳажмини оши-
риш микромолия ташкилоти фаолияти куламини кенгайтириш ва
йириклаштириш натижаси бўлиб саналади ва микромолиялаш ри-
вожига ижобий таъсир ўтказмайди. Кредитларнинг ўртача суммаси
ошиши билан кредит ташкилотларининг йирик қарздорлар билан
ишлашга мойиллиги ошади, бу эса майда қарздорларга нисбатан
эътиборсизликка олиб келиши мумкин. Натижада қисман банклар
учун жозибадор бўлмаган қатламларни молиялаштиришга йўналти-
рилган микромолиявий ташкилотлар фаолиятининг ижтимоий маз-
муни йўқолади.

Айни ҳолатни республикадаги кредит уюшмалари мисолида
кузатишимиз мумкин. Жорий йилнинг 1 январь ҳолатида 5 млрд.
сўм ва ундан кўпроқ активларга эга бўлган кредит уюшмалар
сони 10 тани ташкил этиб, уларнинг жами кредит уюшмалари
активларидаги улуши 42,2 фоизни ташкил этмоқда. 1 млрд. сўмга-
ча активга эга бўлган кредит уюшмалари сони 45 тани ташкил
этиб, ушбу секторнинг 9,1 фоизини ташкил этмоқда. Алоҳида
эътиборга молик тарафи шундаки, йириклашув натижасида кўрсат-
илаётган хизматларнинг битта аъзога тўғри келадиган ўртача миқ-
дори ошиб бормоқда. Хусусан, йирик уюшмаларда ҳар бир аъзога
тўғри келадиган хизмат миқдори ўртача 2,3 млн. сўмни ташкил
этса, энг кичик категориядаги уюшмаларда ушбу кўрсаткич 1,7
млн. сўмдан иборат, яъни кейинги категорияда ўртача хизмат миқ-
дори 26 фоизга камни ташкил этади.

1.3-жадвал

Кредит уюшмалар йириклашуви (млрд. сўмда)

Гуруҳлар	Активлар	Кредитлар	Депозитлар	Уюшмалар сони	Аъзолар сони
1 млрд. сўмгача	19,2	16,8	13,4	45	17 686
1 – 3 млрд. сўм- гача	70,3	60,2	50,9	39	49 481
3 – 5 млрд. сўм- гача	33,1	28,9	24,3	9	24 385
5 млрд. сўм ва кўпроқ	89,5	78,3	62,7	10	61 511
Жами	212,1	184,2	151,3	103	153 063

Банк ва кредит уюшмаларининг энг кам фаоллиги озиқ-овқат маҳсулотларига тегишли, унинг ҳиссасига ҳаммаси бўлиб 3,8 ва 7,3% тўғри келади. Микрокредит ташкилотининг кредит портфелида мазкур жойни хизмат кўрсатиш ва умумий овқатланиш соҳаси эгаллайди. Ушбу сектор ҳиссасига ҳаммаси бўлиб берилган кредитларнинг 1,7%и тўғри келади. Юқоридаги жадвал бўйича шуни таъкидлаш жоизки, банклар ва кредит уюшмалари худди шу каби фаолият йўналишига эга бўлади, унда микрокредит ташкилотларнинг афзаллиги осонгина фарқланади. Шу сабабли, мантиқан тахмин қилиш мумкинки, тижорат банкларида рад қилинган (иқтисодий мақсадга мувофиқ эмас) қарздорлар кредит уюшмаларидан кўра микрокредит ташкилотларда қаноат ечим топишлари мумкин.

Тижорат банклари кредит портфелида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва етиштиришнинг улуши катталиги мазкур сектор анча узоқ муддатга нисбатан катта миқдордаги маблағлар ва паст фоиз ставкаларини талаб қилиши билан изоҳланади. Мазкур талаб тижорат банклари (1.4-жадвал)нинг кредит бериш шартларига мос келади. Банк кредитининг ўртача миқдори 3250 АҚШ доллари эквивалентидаги суммани ташкил қилади, бу эса МКТ кредит беришининг ўртача даражасидан 11 марта ортиқдир.

1.4-жадвал

Тоифасига кўра кредит ташкилотлари томонидан бериладиган кредитлар тўғрисида маълумотлар

Микрокредит олиш тартиби	Кредитнинг ўртача ҳажми (АҚШ долл.)	Ўртача ойлик фоиз ставка	Қарзнинг (ўртача муддати)	Кредитнинг иккисодий самарасини пасайтирувчи омиллар
Банкда	3250	2	21	1. Кредитни расмийлаштириш баҳосининг қимматлиги 2. Кредитнинг нақд пулсиз шакли 3. Транш системаси 4. Кредит учун талабларнинг узоқ муддатда қуриб чиқиши
КУ	2522	6	7	Кредитни расмийлаштириш баҳосининг қимматлиги Кредит миқдорининг ҳар ойда қайтариладиган қисми
МКТ	292	5	5	

Айни вақтда кредитнинг ўртача фоиз ставкаси МКТникидан икки марта пастдир. Лекин банк кредитида қарздорларни бошқа кредит ташкилотларига мурожаат қилишга ундовчи баъзи бир хусусиятлар мавжуд. Бу қўпинча — кредитни расмийлаштиришнинг юқори қиймати, унинг нақд пулсиз шакли ва аризани қуриб чиқиш муддатининг узоқлигидир.

Кредитни олиш жараёнини қийинлаштирувчи бошқа омил банк томонидан берилган кредитларнинг транспорт воситалари орқали таъминланишидир. Кредитларнинг 43,5% таъминоти шу аснода таъминлангандир (1.5-жадвал). Гаров таъминотининг навбатдаги афзал шакли кредитларнинг 1/5 қисми таъминотини ташкил этувчи, идора ва ишлаб чиқариш бинолари шаклидаги кучмас мулк бўлиб ҳисобланади. Кредитларни автотранспорт воситасида қайтариш КУ кредит портфелининг 26,4% ини ташкил этади. Агар кредит олувчи учун гаров таъминоти муаммо бўлса, у ҳолда қарз олувчи кредитларининг 94% ҳеч қандай таъминотга эга бўлмаган микрокредит ташкилотини танлайди.

1.5-жадвал

Гаровли таъминот турлари

Гаров турлари	Банкда	КИда	МКТда
Гаровсиз	0	3.7	94
Заргарлик буюмлари	4.7	24.5	0.3
Турар жой	5.6	6.1	0
Қишлоқ хўжалик ерлари	0.9	3.7	0.6
Мол	5.1	1.2	0.3
Идора/ишлаб чиқариш бинолари	20.1	10.4	0
Транспорт	43.5	26.4	2.3
Қишлоқ хўжалик техникаси	15	12.3	2.6
Сўғурта компаниянинг кафолати	6.5	0.6	0
Хусусий фирма кафолати	12.6	3.1	0
Депозит	0	8	-

Микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилотларнинг кенг қўламда ахборот тупланишида яқдилликка эришиши муаммо ҳисобланади. "Ёмон" қарздорлар кредит тарихи бўйича ахборотларнинг ҳозирда мавжуд сегментланганлигидан фойдаланиб қоладилар.

Кўрсатилган муаммоларнинг макроиқтисодий оқибатлари қуйидагилар ҳисобланади:

– Қамров даражасининг пастлиги. Микромолиявий дастурларнинг географик қамрови ва қўллами аҳамиятсиз ҳисобланади. Қамровнинг ўртача ҳисобдаги даражаси тахминан 9%⁴ ни ташкил қилади (ММТ Шарқий Европанинг ривожланган мамлакатларида 20 – 25% гача боради).

⁴ Қарзнинг ўртача ҳажми ЯИМга нисбатан ўлчанади. CAMFA маълумотиға кўра, Ўзбекистон ҳудудида фаолият юритувчи 11 та йирик МФТ 2005 йил 1 апрелда қарзнинг ўртача миқдори 146 АҚШ долларини ташкил қилди. World Bank маълумотиға кўра, ЯИМ ҳисоб кўрсаткичи Ўзбекистонда аҳоли нисбатига олинган нисбати бўйича 2006 йилда 2250 АҚШ долларини ташкил қилди.

— Кам таъминланган аҳоли қатламида қамровнинг пастлиги. Мазкур кўрсаткич 0,6%⁵ дан кам даражани ташкил этади, бу эса 2% деб баҳоланувчи нисбатан паст ўртача минтақавий даражадан ҳам пастдир.

— Бобни яқунлаётиб, шуни таъкидлаш жоизки, микрокредит беришни ривожлантиришда асосий роль ҳалиям республиканинг тижорат банкларига тегишли бўлиб қолади. Кўпгина хусусий тадбиркорлар банклардаги кредит бериш жараёнини оғир деб ҳисоблашларига қарамай, тижорат банклари фоиз ставкаси ва маблағлар ҳажми бошқа микроолиявий ташкилотларга қараганда банк кредити жозибадорлигини оширади. Шуни тан олиш керакки, бугунги кунда бир йил давомида ҳеч бўлмаганда инвестициянинг ярмини қоплайдиган етарли миқдордаги инвестицион лойиҳалар мавжуд эмас. Шу муносабат билан, кредит уюшмаларда ва микрокредит ташкилотларда кредит учун ўртача фоиз ставкаси йиллик 60 фоизга етади. Бу кредит қисқа муддатли ҳисобланади. Мазкур ташкилот томонидан берилган кредитларнинг асосий қисми савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасига тўғри келади. Шу сабабли иқтисоднинг реал секторини молиялаштириш кўп жиҳатдан узоқ муддатга асосланган банк кредитларига ва нобанк кредит ташкилотларининг фоиз ставкасидан 4 баробар паст бўлган жозибадор фоиз ставкаларига боғлиқ бўлади.

⁵ МФТ миқдори сони кам таъминланган аҳоли нисбати билан ҳисобланди. World Bank маълумотларига кўра, Ўзбекистонда кам таъминланган аҳолининг умумий сони 2007 йилда аҳоли умумий сонидан 23,6% даржасида ҳисобланди (28 млн. одам 2008 йилда).

2-БОБ. МИКРОМОЛИЯВИЙ ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

2.1. МДҲ давлатларида микромолиявий институтларнинг норматив-ҳуқуқий шароити

Ўтиш даврини бошидан кечираётган мамлакатлар, шу жумладан, Ўзбекистон ва бошқа МДҲ давлатларининг молиявий тизимида янги турдаги институтлар тобора кўпайиб бормоқда. Микромолиявий ташкилотлар тижорат банклари, nobank молиявий институтлар, кредит уюшмалари билан бир қаторда, ушбу молиявий тизимнинг муҳим элементига айланиб бораётган бўлиб, улар энг кам таъминланган аҳоли қатламлари учун хизматлар бозорида молиявий воситачилар функциясини бажаришади.

Ўтиш даври иқтисодиётидаги мамлакатлар молиявий тизимларида жиддий таркибий ўзгаришлар нафақат янги, илгари мавжуд бўлмаган кредит институтларининг вужудга келишига, балки турли даражадаги молиявий ташкилотлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг модификацияланишида, турли хил молия-кредит институтларининг мутаносибликлари, ихтисослашуви ва ривожланиш динамикасининг ўзгаришида ўз ифодасини топади. Бу, ўз навбатида, мустаҳкам қонуний базани талаб қилади. Айтиб ўтилган жараёнларнинг ўзига хослиги шундаки, ўтиш даври иқтисодиётидаги давлатлар, бир томондан, миллий иқтисодиётлар шаклланишининг миллий ва тарихий хусусиятларини ҳисобга олишга интилсалар, бошқа томондан, анчадан бери мавжуд бўлиб келётган халқаро тажрибага ва турли-туман молиявий институтларни муваффақиятли қўллаш тажрибаларига асосланишга интиладилар.

90-йиллар давомида кўпгина давлатларда банклар ва банк фаолияти тўғрисида янги қонунчилик қабул қилинди, давлат банкларининг тор доираси ўрнига катта миқдордаги нодавлат молиявий институтларнинг мавжудлиги билан характерланадиган икки поғонали банк тизими вужудга келди. Молиявий воситачиларни эҳтиёткорлик билан тартибга солиш ва назорат қилишни амалга оширишда миллий назорат органлари Европа банк қонунчилигининг қоидалари ва стандартларига мувофиқ фаолият юритишмоқда.

Молиявий фаолиятни тартибга солишнинг асосий тамойиллари

МДХ давлатларидаги қонун чиқарувчилар томонидан ҳисобга олиниши керак бўлган тамойиллар Микромолиялаштириш секторида тартибга солиш ва назорат қилишнинг бош принциплари қўлланилмасида⁶ баён этилган.

Қуйида қисқартирилган шаклда асосий стратегик тавсияларни санаб ўтамиз:

1. Микромолиялаштириш салоҳиятини мазкур секторни тўлиқ лицензиялаштириш ва пруденциал назорат қилиш концепцияларини қўллаш орқалигина тўлиқ амалга ошириш мумкин.

2. Микромолиялаштириш секторида пруденциал тартибга солиш микромолиялаштириш ташкилотларининг ривожланиш даражасига қараб мунтазам равишда юз бериши керак.

Бунгача нопруденциал тартибга солиш қоидаларидан кенгроқ фойдаланиш керак бўлиб, уларнинг бажарилиши йирик маъмурий харажатлар билан боғлиқ бўлмайди.

3. Қонунчиликда микромолиявий ташкилотлар томонидан тақдим этиладиган кредитлар бўйича фоизлар ставкасини тўғридан-тўғри чеклашдан эҳтиёт бўлиш керак. Қонун чиқарувчи, қабул қилувчи орган ушбу сектордаги фоиз ставкаларининг банк кредитлари бўйича фоиз ставкаларига нисбатан юқори бўлганлигини тушунтириб бериш қийин бўлиши мумкин (сиёсий ёки тактик жиҳатдан).

4. Микромолиялаштириш ташкилотларининг кредит ахбороти бюроси билан ўзаро муносабати тартибини кўриб чиқишда барча ҳолатларда ахборотни бюрога тақдим этиш тўғрисидаги мажбурий талаблардан сақланиб туриш талаб қилинади. Чунки, ушбу меъёр техник жиҳатдан (шунингдек, салмоқли харажатлар нуқтаи назаридан) бажарилиши қийин бўлиши мумкин. Шу билан бирга кредит бюроси тизимининг ривожланиши аҳолининг молиявий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини ошириш борасидаги энг самарали чоралардан бири ҳисобланади. Умумий ҳолатда микромолиялаштириш ташкилотининг кредит тарихи бюроси билан ўзаро муносабатларини ташкил этиш учун кетадиган харажатлари тўлиқ асосланган бўлади.

⁶ Микромолиялаштириш секторида тартибга солиш ва назорат қилишнинг бош тамойиллари. Р. Кристен, Т. Лайман, Р. Розенберг, CGAP (Кам таъминланган аҳолига ёрдам кўрсатиш бўйича консултив гуруҳ), 2003.

5. Микромолиялаштириш ташкилоти фақат ўз фаолиятининг самардорлиги ва фойдалилигини намоиш этгандан кейин аҳолининг пул маблағларини (депозитларни) жалб қилиш ҳуқуқини қўлга киритади.

6. Фақат кредитлаш билан шуғулланадиган ёхуд хорижий манбалар, пруденциал назорат таъсири остига тушган миллий тижорат банкларидан қарз оладиган микромолиялаштириш ташкилотлари учун пруденциал назоратни жорий этишдан сақланиш керак.

7. Пруденциал назоратни жорий этиш тўғрисидаги қарор ташкилотнинг шаклидан эмас, балки амалга ошириладиган фаолият туридан (микромолиялаштириш ташкилоти битимларининг характеридан) келиб чиққан ҳолда қабул қилиниши лозим.

8. Банк секторида ишлатиладиган умумий меъёрлар (активлар ва пасивларнинг таркиби ҳамда тузилишига бўлган талабларга оид меъёрлар) бошқа микромолиялаштириш ташкилотларига оғирлик қилиши мумкин. Микромолиявий хизматларни тақдим этиш имкониятларини чеклайдиган алоҳида меъёрларни тартибга солиш мақсадга мувофиқдир (микромолиялаштириш ташкилотларининг ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда) ёхуд уларнинг айримларидан умуман воз кечиш керак.

9. Чекланган мижозлар базасига эга бўлган (жамоалар даражасида ҳаракатланадиган) унча катта бўлмаган "ёпиқ" ташкилотлар учун пруденциал тартибга солишдан (у ниҳоят даражада оғир бўлганда ҳам), ҳатто бундай ташкилотлар аҳоли маблағларини (депозитларга) жалб этиш ҳуқуқига эга бўлган ҳолатда ҳам, воз кечиш мақсадга мувофиқдир.

10. Низомда кўрсатилган капиталнинг минимал ҳажми микромолиявий ташкилотларни тузишда назорат органлари учун ортиқча қийинчиликларни юзага келтирмаслик мақсадида Низомда кўрсатилган капиталнинг минимал ҳажми етарли даражада бўлишини эътиборга олиш керак.

11. Микромолиялаштириш ташкилотлари томонидан тақдим этиладиган кўпчилик қарзлар гаров билан таъминланган бўлади (банк нуқтанан назардан олиб қараганда). Шунинг учун бундай қарзларни тақдим этишни қийинлаштирадиган чекловларнинг (тўғридан-тўғри ман қилишлар ёки қатъий захиралаш меъёрлари) олдини олиш керак. Микромолиялаштириш ташкилотлари фаолиятининг самардорлигини назорат қилишда "постфактум"ни амалга ошириш керак бўлиб, бунда маблағларни қайтаришнинг тарихий кўрсаткичларидан фойдаланилади.

12. Микромолиялаштириш ташкилотларининг кредит ҳужжатлаштирувига ва ҳисоботларга қўйиладиган талабларни мураккаблаштириш керак эмас.

13. Янги ҳуқуқий меъёрларни ишлаб чиқишда бирламчи эътиборни уларнинг эҳтимолий назорат қилиш самарадорлиги ва қийматига қаратиш керак. Назоратни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган реал харажатларни аниқ баҳолаш зарур.

14. Назорат органининг микромолиялаштириш секторида назоратни амалга оширадиган мансабдор шахслар микромолиялаштириш соҳасида, ссуда портфелини текшириш борасида банк назоратида фойдаланиладиган усуллардан фарқ қиладиган ўзига хос усуллар бўйича махсус малака ва билимларга эга бўлишлари керак (микромолиявий назорат ихтисослашуви).

15. Кредит уюшмалари, уларни назорат қиладиган идора томонидан эмас (агар бундай идора бўлса), балки ихтисослашган назорат органи томонидан назорат қилиниши керак.

16. Ривожланаётган бозорлардаги назорат соҳасида ўз-ўзини назорат қилиш ва ўз-ўзини тартибга солиш амалиётига таянмаслик керак.

17. Микромолиялаштириш ташкилотларининг ташқи аудити аудиторлар махсус усуллар ва процедуралардан фойдаланган ҳолда (анъанавий амалиётдан ташқари) ссуда портфелини текширишни амалга оширган ҳолдагина самарали бўлади.

МДҲ ҳудудида микромолиявий ташкилотлар тўғрисидаги биринчи махсус қонун — 2002 йилда "Қирғизистон Республикасидаги микромолиявий ташкилотлар тўғрисида" ги Қонун Қирғизистонда қабул қилинди. Қирғизистонда микромолиявий ташкилотлар тўғрисидаги қонун қабул қилингунгача бўлган даврда микромолиялаштириш билан фақат халқаро донорларнинг ёрдамида йшлайдиган нодавлат ташкилотлари шуғулланишарди. Қирғизистонда микромолиявий сектор 1995 йилдан ривожлана бошлаб, шундан сўнг республика бозорига FINCA кириб келди. 2003 йилда қабул қилинган қонунга мувофиқ Миллий банк сертификатлар (микрокредит агентликлари ва компаниялар учун) ва лицензиялар (микромолиявий компаниялар учун) бериш тартибини ишлаб чиқди.

2008 йил охирида Миллий банк регулятор ва назорат қилувчи орган сифатида 265 та микромолиявий ташкилотларни рўйхатдан ўтказиб, улардан 13 таси микрокредит компаниялари ва 5 таси микрокредит агентликлари эди.

Қирғизистон микромолиялаштириш секторида микромолиявий ташкилотлардан ташқари, Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг молиявий ёрдами асосидаги дастурларни амалга ошираётган 266 та кредит уюшмалари ва 6 та тижорат банклари фаолият кўрсатишмоқда. Микромолиявий сектор 121 мингдан ортиқ мижозга кредитлар тақдим этган бўлиб, бунинг 43%и микромолиявий ташкилотлар ҳиссасига туғри келади. Микрокредитларнинг умумий ҳажмида микромолиявий ташкилотларнинг улуши қарийб 30% ни ташкил этади. 2009 йилнинг 1 январиди қирғиз микромолиявий ташкилотлари кредит портфелининг ҳажми 181 млн. АҚШ долларида ошди.

Қирғизистонда микромолиявий секторнинг тезлик билан ўсиши ва ривожланишига Республика Миллий банки томонидан 2005 йилнинг сентябрида "2005 — 2009 йилларга мўлжалланган Микромолиялаштиришни ўрта муддатли ривожлантириш Стратегияси"нинг қабул қилинишига туртки бўлди. Ушбу ҳужжатнинг амалда татбиқ этилиши микромолиявий ташкилотлар фаолиятини яхшилашга имкон яратди. Анча олдин микромолиялаштириш камбағаллик билан самарали курашиш механизми сифатида тан олинган ва камбағалликнинг олдини олиш Миллий дастурининг бир қисмига айланган эди. 2005 йилнинг декабрь ойида "Микромолиявий ташкилотлар туғрисида"ги Қонунга бир неча ўзгаришлар киритилди. Қирғизистонда қабул қилинган ушбу қонун МДХ бўйича биринчи қалдирғоч бўлганлигига қарамадан, унда банк-кредит тизимига чуқур интеграллашган жуда мураккаб (уч погонали) микромолиялаштириш тизими кўзда тутилганди (айниқса, микромолиявий компаниялар бўйича). Масалан, Қозоғистондан фарқли равишда қонун лойиҳасини ишлаб чиққан ва уларни тартибга солиш бўйича ўз қарашларини билдирган хорижий маслаҳатчилар билан тортишиб ўтирмади.

Ҳозирги пайтда Қирғизистон Адлия вазирлиги 2009 йилнинг охиригача микромолиявий ташкилотларнинг ҳуқуқий мақомига тегишли бўлган қонунга тегишли ўзгаришларни киритишга, депозитларни қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлмаган⁷ барча микромолиявий ташкилотларни Молия вазирлиги назоратига беришга, микромолиявий ташкилотлар фаолиятини микросуғурталашгача кенгайтиришга ва бошқа шу кабиларга тайёр эканлиги туғрисида маълум қилди.

⁷ Microfinance Industry in Kyrgyzstan: Supervision and Regulation Issues, Gulnara Shamshieva, № 20. Essays on regulation and supervision, August 2006.

Қирғизистондан кейин 2003 йилнинг март ойида Қозоғистонда махсус қонун — Қозоғистон Республикасининг "Микрокредит ташкилотлари тўғрисида" ги Қонун қабул қилинди. Қонун қабул қилинганидан сўнг мамлакатда фаол ҳаракатланаётган микрокредит ташкилотларининг сони 10 баробардан ошди. Қозоғистонда қонун қабул қилинган вақтдан бошлаб 24 миллиард танга (187 млн. АҚШ доллари) миқдорида 77 мингга кредит ажратилди.

Миллий банк экспертлари кўп поғонали микромолиявий ташкилотлар ғоясидан воз кечган микрокредит ташкилотлари тўғрисидаги янги қонун лойиҳасини мустақил равишда ишлаб чиқдилар (микромолиявий ташкилотларни тижорат ёки нотижорат ташкилоти шаклида яратиш имкониятигина сақланиб қолди) ва бунда ушбу сектор Миллий банк томонидан назорат қилишдан озод этилди.

Қонунга кўра микрокредит ташкилотлари Миллий банк томонидан ўрнатиладиган қўшимча талабларсиз (лицензиялаш ва назорат процедуралари мавжуд бўлмайдиган) фақат статистика ва адлия органларида рўйхатдан ўтказилади. Қонунни ишлаб чиққан муаллифларнинг фикрига қараганда, бу уларни миқдор билан ишлаш шаклини соддалаштиришга имкон беради^{*}.

2004 йилда молия бозорида (тижорат банклари, нобанк молиявий институтлар, суғурта компаниялари, ипотека фирмалари, лизинг ташкилотлари ва кредит ўртоқликлари) даги назорат функциялари Миллий банкдан Молиявий назорат Агентлигига берилди.

Қозоғистон Республикасининг молиявий секторини ривожлантириш концепцияси уч поғонали кредитлаш тизимининг фаолият кўрсатишини назарга тутиб, у иккинчи даражали банклардан (биринчи даража — Миллий банк), алоҳида банк хизматларини амалга оширадиган ташкилотлардан ва микрокредит ташкилотларидан иборат бўлади. Бундан ташқари, Қозоғистон Республикасининг "Кредит ўртоқликлари тўғрисида" ги Қонунини амалга ошириш молиявий институтларнинг кредит ўртоқлиги каби турини янада фаол ривожлантиришга қўмаклашади. Кредит ташкилотлари ломбардлар, ипотека компаниялари ва алоҳида банк операцияларини амалга оширадиган бошқа ташкилотлар билан бир қаторда иккинчи даражали кредитлаш тизимининг асосига айланиши керак.

^{*} Kazakhstan's Microfinance Law: Opportunities and Future Challenges, Janice K Stallard, N 13, Essays on regulation and supervision, June 2005.

Охирги йилларда катта-катта муваффақиятларга қарамасдан, бозордаги иштирокчиларнинг фикрига қараганда, бугунги кунда Қозоғистондаги микромолиялаштириш тизими жамиятнинг ҳам, ҳукуматнинг ҳам расмий талабларига жавоб бермайди. Саккиз йилдан ортиқ ривожланиш тарихига эга бўлганлигига ва микрокредитлаш ташкилотларининг сони сезиларли даражада ўсиб бораётганлигига қарамасдан, ушбу тизим молиявий бозорнинг энг паст ривожланган сегментларидан бири бўлиб қолмоқда.

Қозоғистон Республикасининг статистик агентлиги маълумотларига кўра, 2008 йилнинг 1 январида микрокредитлаш ташкилотларининг сони 1086 тадан иборат бўлиб, улардан 52% и фаолияти тўхтаб қолган ташкилотлар бўлган. БМТ Тараққиёт дастурининг "Қозоғистонда микромолиялаштириш: барча учун имкониятлар" номли ҳисоботиغا кўра, мамлакатда микромолиявий ташкилотларнинг 60 — 70 минг атрофидаги фаол мижозлари мавжуд бўлиб, бу умумий эҳтиёжнинг 15 — 20% дан ортиқ бўлмаган қисмини ташкил этади.

2006 йилнинг октябрь ойида Парламент (Мажлис) нинг қуйи палатаси "Микрокредит ташкилотлари тўғрисида" ги Қонунга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида" ги қонун лойиҳасини маъқуллади. Қонунда кредитнинг энг юқори миқдори 1 мингдан 8 минг минимал ҳисоб кўрсаткичларигача (56 минг доллар) оширилган. Чунки, ҳозирги пайтда кичик бизнесни ташкил этиш ёки ривожлантириш учун кетадиган харажатлар амалдаги қонунда белгиланган меъёрдан анча ошади. "Қарз олувчи" тушунчаси кенгайтирилди. Чунки, олдинги таҳрирда қарз олувчи сифатида фақат жисмоний шахс ёки кичик тадбиркорлик субъекти намоён бўлиши мумкин бўлиб, бу эркин рақобат тамойилларига қарама-қарши эди.

Шундай қилиб, Қирғизистон ва Қозоғистоннинг микромолиявий (микрокредит) ташкилотлари тўғрисидаги қонунларни тайёрлаш соҳасидаги тўрт йилдан ортиқ тажрибаси ҳамда уларда қўллашнинг уч йиллик амалиёти нафақат қизиқарли қиёсий-ҳуқуқий материални тақдим этади, балки ушбу соҳага ҳуқуқий таъсир кўрсатиш самарадорлигини баҳолаш имконини беради.

Грузияда "Микромолиявий ташкилотлар тўғрисида" ги Қонун 2006 йилнинг 4 августида кучга кирди. Қонун мамлакатдаги микромолиявий ташкилотларнинг ҳамда USAID нинг молиявий ёрдамидаги халқаро ташкилотларнинг илтимосига кўра ишлаб чиқилди.

Ҳозирги пайтда Грузияда микромолиявий фаолият билан ўнлаб ва ўндан ортиқ ташкилотлар шуғулланишаётган бўлиб, "Константа", "Кристалл" жамғармалари, Грузия қишлоқ хўжалигини ривожланти-

Қирғизистондан кейин 2003 йилнинг март ойида Қозоғистонда махсус қонун — Қозоғистон Республикасининг "Микрокредит ташкилотлари тўғрисида" ги Қонун қабул қилинди. Қонун қабул қилинганидан сўнг мамлакатда фаол ҳаракатланаётган микрокредит ташкилотларининг сони 10 баробардан ошди. Қозоғистонда қонун қабул қилинган вақтдан бошлаб 24 миллиард танга (187 млн. АҚШ доллари) миқдорида 77 мингга кредит ажратилди.

Миллий банк экспертлари куп поғонали микромолиявий ташкилотлар ғоясидан воз кечган микрокредит ташкилотлари тўғрисидаги янги қонун лойиҳасини мустақил равишда ишлаб чиқдилар (микромолиявий ташкилотларни тижорат ёки нотижорат ташкилоти шаклида яратиш имкониятигина сақланиб қолди) ва бунда ушбу сектор Миллий банк томонидан назорат қилишдан озод этилди.

Қонунга кўра микрокредит ташкилотлари Миллий банк томонидан ўрнатиладиган қўшимча талабларсиз (лицензиялаш ва назорат процедуралари мавжуд бўлмайдиган) фақат статистика ва адлия органларида рўйхатдан ўтказилади. Қонунни ишлаб чиққан муаллифларнинг фикрига қараганда, бу уларни мижозлар билан ишлаш шаклини соддалаштиришга имкон беради⁸.

2004 йилда молия бозорида (тижорат банклари, нобанк молиявий институтлар, суғурта компаниялари, ипотека фирмалари, лизинг ташкилотлари ва кредит ўртоқликлари) даги назорат функциялари Миллий банкдан Молиявий назорат Агентлигига берилди.

Қозоғистон Республикасининг молиявий секторини ривожлантириш концепцияси уч поғонали кредитлаш тизимининг фаолият кўрсатишини назарга тутиб, у иккинчи даражали банклардан (биринчи даража — Миллий банк), алоҳида банк хизматларини амалга оширадиган ташкилотлардан ва микрокредит ташкилотларидан иборат бўлади. Бундан ташқари, Қозоғистон Республикасининг "Кредит ўртоқликлари тўғрисида" ги Қонунини амалга ошириш молиявий институтларнинг кредит ўртоқлиги каби туруни янада фаол ривожлантиришга кўмаклашади. Кредит ташкилотлари ломбардлар, ипотека компаниялари ва алоҳида банк операцияларини амалга оширадиган бошқа ташкилотлар билан бир қаторда иккинчи даражали кредитлаш тизимининг асосига айланиши керак.

⁸ Kazakhstan's Microfinance Law: Opportunities and Future Challenges, Janice K. Stallard, N 13, Essays on regulation and supervision, June 2005.

Охирги йилларда катта-катта муваффақиятларга қарамасдан, бозордаги иштирокчиларнинг фикрига қараганда, бугунги кунда Қозоғистондаги микромолиялаштириш тизими жамиятнинг ҳам, ҳукуматнинг ҳам расмий талабларига жавоб бермайди. Саккиз йилдан ортиқ ривожланиш тарихига эга бўлганлигига ва микрокредитлаш ташкилотларининг сони сезиларли даражада ўсиб бораётганлигига қарамасдан, ушбу тизим молиявий бозорнинг энг паст ривожланган сегментларидан бири бўлиб қолмоқда.

Қозоғистон Республикасининг статистик агентлиги маълумотларига кўра, 2008 йилнинг 1 январида микрокредитлаш ташкилотларининг сони 1086 тадан иборат бўлиб, улардан 52% и фаолияти тўхтаб қолган ташкилотлар бўлган. БМТ Тараққиёт дастурининг "Қозоғистонда микромолиялаштириш: барча учун имкониятлар" номли ҳисоботида кўра, мамлакатда микромолиявий ташкилотларнинг 60 — 70 минг атрофидаги фаол мижозлари мавжуд бўлиб, бу умумий эҳтиёжнинг 15 — 20% дан ортиқ бўлмаган қисмини ташкил этади.

2006 йилнинг октябрь ойида Парламент (Мажлис) нинг қуёи палатаси "Микрокредит ташкилотлари тўғрисида" ги Қонунга ўзгаришлар киритиш тўғрисида" ги қонун лойиҳасини маъқуллади. Қонунда кредитнинг энг юқори миқдори 1 мингдан 8 минг минимал ҳисоб кўрсаткичларигача (56 минг доллар) оширилган. Чунки, ҳозирги пайтда кичик бизнесни ташкил этиш ёки ривожлантириш учун кетадиган харажатлар амалдаги қонунда белгиланган меъёрдан анча ошади. "Қарз олувчи" тушунчаси кенгайтирилди. Чунки, олдинги таҳрирда қарз олувчи сифатида фақат жисмоний шахс ёки кичик тадбиркорлик субъекти намоён бўлиши мумкин бўлиб, бу эркин рақобат тамойилларига қарама-қарши эди.

Шундай қилиб, Қирғизистон ва Қозоғистоннинг микромолиявий (микрокредит) ташкилотлари тўғрисидаги қонунларни тайёрлаш соҳасидаги тўрт йилдан ортиқ тажрибаси ҳамда уларда қўллашнинг уч йиллик амалиёти нафақат қизиқарли қиёсий-ҳуқуқий материални тақдим этади, балки ушбу соҳага ҳуқуқий таъсир кўрсатиш самарадорлигини баҳолаш имконини беради.

Грузияда "Микромолиявий ташкилотлар тўғрисида" ги Қонун 2006 йилнинг 4 августида кучга кирди. Қонун мамлакатдаги микромолиявий ташкилотларнинг ҳамда USAID нинг молиявий ёрдамидаги халқаро ташкилотларнинг илтимосига кўра ишлаб чиқилди.

Ҳозирги пайтда Грузияда микромолиявий фаолият билан унлаб ва ундан ортиқ ташкилотлар шуғулланишаётган бўлиб, "Константа", "Кристалл" жамғармалари, Грузия қишлоқ хўжалигини ривожланти-

риш жамғармасы, Кичик бизнесни ривожлантириш жамғармасы, "FINCA-Грузия" ва "World vision" ташкилотлари, "Ишонч уюшмасы", "Бизнесни қўллаб-қувватлаш ташаббуслари", "Ривожланишни қўллаб-қувватлаш" уюшмалари, "ВВК" молиявий компанияси, Халқаро православ-христиан меҳр-мурувват ташкилоти қабила ана шулар жумласидандир. Асосан, 1997 — 2000 йилларда халқаро донор-ташкилотларнинг молиявий ёрдами билан ташкил этилган ушбу ташкилотлар Грузия молия бозорида индивидуал ва гуруҳли кредитларни тақдим этиб, етарли даражада фаол ишлашмоқда. 2007 йилнинг 1 июль маълумотларига кўра, Грузияда фаолият кўрсатаётган микромолиявий ташкилотлар томонидан берилган микрокредитлар ҳажми 79 млн. 408 минг 547 лари (47 млн. 836,5 минг доллар)ни ташкил этди.

Умуман олганда, шуни таъкидлаш жоизки, Грузиянинг молиявий сектори унчалик катта ҳажмга эга эмас. Тижорат банклари молиявий хизматлар (депозит, кредит, ҳисоб-китоб хизматлари) нинг тўлиқ спектрини тақдим этадиган асосий ташкилотлар ҳисобланади. Сўнгги йилларда улар тобора кўпроқ микромолиялаштириш секторига кириб боришаётган бўлиб, бунда улар нафақат даромадлар олишнинг қўшимча манбасини, балки мижозлар базасининг кенгайиши билан боғлиқ бўлган стратегик ривожланиш йўналишларини кўришди. Грузияда кредит уюшмаларининг (50 дан ортиқ) ҳаракати шаклланиш босқичида бўлиб, бу борада тегишли қонун 2002 йилнинг 1 октябридан кучга кирган.

Халқаро экспертларнинг фикрига кўра, Грузия сингари кичик мамлакат учун мавжуд тижорат банкларининг умумий сони (20 та банк) ниҳоят даражада кўпдир. Шаклланиб бораётган микромолиявий ташкилотларнинг вакиллари микромолиявий хизматлар бозорида банк сектори билан рақобатнинг ўсишини кўрсатишмоқда ва улар кредит хизматлари бозорида қиёсий баҳо таклифини таъминлай олмасликдан хавфсирашмоқда. Банклар ва кредит уюшмалари Грузия Миллий банки томонидан лицензиялаштирилиб, ушбу банк ҳам назорат ваколатларига эга ҳисобланади. Шундай қилиб, янги қонунни ишлаб чиқишда меъёрларни яратувчиларнинг асосий вазифаси булиб иштирокчиларнинг бозорда ўз ўринларини эгаллашда имкониятларини чекламаслик ва микромолиявий ташкилотларнинг фаолияти учун қатъий чегаралардан воз кечиш ҳисобланади.

Юқорида келтириб ўтилган МДХ мамлакатларидан фарқли равишда Арманистонда микромолиялаштириш тўғрисидаги махсус қонуний ҳужжат мавжуд эмас. Бундай вазиятда назорат органлари "Кредит ташкилотлари тўғрисида" ги амалдаги Қонун ва қонун ости ҳужжатларига ўзга-

ринлар киритиш йулидан боришди. Кейинги йилларда Арманистонда микромолиялаштириш сектори ҳам мутлақ ҳажм кўрсаткичлари, ҳам ҳудудий қамраб олиш бўйича жадал суръатларда ривожланмоқда⁹. Депозит маҳсулотлари ва бошқа хизматларни таклиф этадиган бир неча банк институтлари мавжуд бўлишига қарамасдан, ҳозирги пайтда ушбу сектор асосий микрокредитлаш хизматларни тақдим этувчи сектор сифатида маълум. Арманистонда микромолиявий фаолият қуйидаги турдаги ташкилотлар томонидан амалга оширилади: нотижорат жамғармалари ва мамлакатда ўз бўлинмаларини очаётган хорижий донорлар, депозит қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлмаган тижорат кредит ташкилотлари, шунингдек, турли хил микромолиявий дастурларни амалга оширадиган банклар (шу жумладан, кооператив банклар). 2005 йилнинг охирида нотижорат жамғармалари микромолиявий ташкилотларнинг энг кўп сонли гуруҳини ташкил этарди (гарчи улар шаклланиш босқичига эга бўлса-да). Уларнинг кўпчилиги 90-йилларнинг охирларида халқаро донорларнинг ёрдами билан ташкил этилган эди. Шу билан бирга фақат битта хорижий "Арегак" дастури мижозларнинг сони ва кредитлаш ҳажмига кўра микромолиялаштириш бозорининг яримдан кўпини қамраб олади.

2002 йилнинг май ойида "Кредит ташкилотлари тўғрисида"ги Қонуннинг кучга кириши, бир томондан, микрокредитлашни амалга оширадиган нотижорат жамғармаларига нисбатан ҳуқуқий ноаниқликни юзага келтирган бўлса (лицензиянинг зарурлиги), бошқа томондан, тижорат микрокредит ташкилотлари учун янги ўринни яратди (чекланган лицензияга эга кредит ташкилотлари шаклида).

Қиёсий-ҳуқуқий таҳлилни ўтказишга ёндашувлар

Алоҳида қонунларнинг моддаларини қиёсий таҳлил қилишга ўтмиз. Бизнинг фикримизча, энг қизиқарли бўлган масалаларни кўриб чиқамиз. Бундай масалаларни кўриб чиқишда МДХ мамлакатлари — давлатлари қонун чиқарувчиларининг ягона ёндашувлари кузатилади. Ёхуд алоҳида олинган юрисдикцияда тартибга солишнинг концептуал фарқлари ёки хусусиятлари намоён бўлади. Бундан ташқари, ҳар бир алоҳида кўриб чиқиладиган юрисдикциядаги тартибга солишнинг пруденциал ва нопруденциал таркибий қисмлари қатъийлигига интеграл (ялпи) баҳо беришга ҳамда бундай баҳо учун мезонларни ишлаб чиқишга ҳаракат қиламиз.

⁹ The Regulatory Reform Process for Microfinance in Armenia, Monica Harutyunyan, №14. Essays on regulation and supervision, September 2005.

Микромолиявий фаолиятни белгилайдиган қонун, ёндашувларни тартибга солиш мақсадлари ва соҳаси

Грузия, Қозоғистон, Қирғизистоннинг микрокредит ташкилотлари бўйича Қонунлари махсус субъектлар — микромолиявий (микрокредит) ташкилотлар туғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари ҳисобланади, умуман олганда, тартибга солишнинг бир-бирига ўхшаш мақсадлари ва соҳасига эга бўлади. Бу ерда гап микромолиявий (микрокредит) ташкилотлар фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш ва уларнинг ривожланиши учун қулай шароитларни яратиш, шунингдек, микрокредитларни тақдим этиш фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган муносабатларни ва улар томонидан амалга ошириладиган бошқа операцияларни тартибга солиш туғрисида кетмоқда.

Арманистон Қонунининг тартибга солиш соҳаси кенгрокдир. Чунки, ушбу ҳолатдаги тартибга солиш объекти ҳам нисбатан умумийдир. Қонун кредит ташкилотлари, шу жумладан, кредит ва жамғарма уюшмалари, лизинг ва факторинг ташкилотлари, шунингдек, бошқа кредит ташкилотлари фаолиятини лицензиялаш, тартибга солиш ва назорат қилиш тартибини белгилайди; Арманистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатадиган банклар учун фаолият турининг ўзгариш тартибини ўрнатади.

Қирғизистон Республикасининг Қонунда микромолиявий фаолият деганда Қонунга мувофиқ равишда микрокредитларни берадиган микромолиявий ташкилотларнинг фаолияти тушунилади. Бу ерда Ўзбекистон Республикасининг Қонунидан фарқли равишда муҳим микромолиялаштириш белгилари бўлиб нафақат алоҳида хизматлар тури (микрокредитларни тақдим этиш), балки бу хизматларни тақдим этадиган субъект (ташкилот) тури ҳам ҳисобланади (микромолиявий ташкилот).

Шу нарсага эътиборни қаратиш керакки, барча ҳолатларда (Арманистондан ташқари) микромолиялаштиришнинг ядроси бўлиб кредитларни бериш (микрокредитлаш) ҳисобланиб, бу махсус субъектларнинг номланишида ўз ифодасини топган (микрокредит ташкилотлари). Алоҳида юрисдикцияларда бу фаолият факультатив тарзда лизинг ва факторинг хизматлари билан тўлдирилади. Шу билан бирга микромолиявий ташкилотлар суғурта хизматларини кўрсатиш ва ҳисоб-китобларни ўтказиш борасида чегараланган фаолиятга эга бўлиб, бу уларнинг "микромолиявий" мақомининг чекланганлигини ифодалайди.

Асосий молиявий хизматларни кўрсатишдан ташқари микромолиявий ташкилотлар бир қатор ёрдамчи хизматларни (фаолият турларини) кўрсатиш ҳуқуқига ҳам эгадирлар, жумладан:

- вақтинчалик бўш активларни молиявий воситалар ва банк депозитларига жойлаштириш;
- микрокредитни кафолатловчи сифатида олинган гаров мулки билан битимларни амалга ошириш;
- бошқа юридик шахсларнинг низом капиталида иштирок этиш;
- ўз мулкни сотиш;
- микрокредитларни бериш фаолияти билан боғлиқ бўлган масалалар бўйича маслаҳат хизматларини кўрсатиш;
- ўз мулкни ижарага бериш;
- ўқитишни ташкил қилиш.

Микромолиявий ташкилотлар туғрисидаги қонунчиликнинг энг концептуал қонидаси бўлиб, улар томонидан аҳоли пул маблағларини жалб этишга қўйиладиган тақиқ ҳисобланади. Бироқ, бундай тақиқ универсал ва кенг қамровли бўлмайди. Бундай тақиқ Қонунга мувофиқ равишда икки йиллик фаолиятдан сўнг, аҳолидан депозитларни жалб қилиш ҳуқуқини оладиган Қирғизистон микромолиявий компаниялари (микромолиявий компания, учинчи, юқори даражадаги микрокредит ташкилотлари) га нисбатан амал қилмайди.

Грузия Қонунига кўра микромолиявий ташкилотлар аҳолидан қарзларни жалб қилиш ҳуқуқига эга. Афтидан, маблағларни жалб қилишнинг бундай шаклидан фойдаланиш бунда юзага келадиган муносабатларни депозитларни суғурталаш туғрисидаги қонунчилик таъсири остида чиқариш имконини беради. Бундан ташқари, куриб чиқиладиган юрисдикциялар орасида фақат Арманистонда Кредит ташкилотлари тушунчасига кредит уюшмалари ҳам киритилади. Шунинг учун Арманистоннинг Қонуни кредит ташкилотларининг ўз иштирокчиларидан маблағларни жалб этиш фаолиятига рухсат беради.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда шундай хулосага келиш мумкинки, бизнингча, Грузиядаги микромолиявий ташкилотлар энг кўп операцияларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлиб, бу мамлакатдаги қонун пул ўтказмаларини амалга ошириш, валюта айирбошлаш операцияларини амалга ошириш, суғурта компанияси агенти сифатида мижозларни суғурталаш, қимматбаҳо қоғозлар эмиссиясини амалга ошириш ва бошқа шу кабиларга рухсат беради. Шунингдек, Қирғизистонда фаолият кўрсатувчи микромолиявий компаниялар (депозитларни қабул қилишади) ва Арманистоннинг кредит ташкилотлари (микромолиявий ташкилотларга нисбатан анча умумий субъектдир) ҳам етарли даражада кўплаб ҳуқуқларга эгадирлар.

Барча куриб чиқилган юрисдикцияларда кредит бўйича микромолиявий ташкилотлар билан уларнинг мижозлари ўртасидаги муносабатлар Фуқаролик кодекси билан тартибга солинади. Умуман олганда, микромолиявий ташкилотлар тўғрисидаги махсус қонунлар қарз, лизинг ва бошқа шу каби муносабатларни тартибга соладиган катта миқдордаги ҳуқуқий-фуқаролик метёрларини ўз ичига олмайди.

Бу соҳадаги энг катта кетма-кетликни Грузия Қонунининг муаллифлари намоён этишган бўлиб, улар микрокредит бериш тўғрисидаги шартнома Грузия Фуқаролик кодексига мувофиқ равишда тузилишини кўрсатишган. Тўғри, Қозоғистоннинг Қонуни микрокредит тўғрисидаги шартнома шартларини ўзида ифода этади (уларни шартноманинг муҳим шартлари сирасига киритиш кераклиги тўлиқ равшанмас). Қозоғистоннинг Қонунига кўра микрокредит бериш тўғрисидаги шартнома қуйидагилардан иборат бўлиши керак:

1) микрокредит ташкилоти ва қарз олувчи тўғрисидаги маълумотлар, шу жумладан, микрокредит ташкилотининг тўлиқ номланиши, фамилия, исм-шариф ёки қарз олувчининг тўлиқ номланиши;

2) микрокредитнинг мақсади (мақсадли микрокредит беришда);

3) бериладиган микрокредитнинг умумий миқдори;

4) микрокредитни қайтариш муддатлари;

5) микрокредитни қайтариш услуги (бир вақтнинг ўзида ёки қисмларга бўлган ҳолда);

6) қарз олувчининг микрокредитни бериш тўғрисидаги шартнома бўйича мажбуриятлари ижросини таъминлаш (унинг ўзи бўлганда);

7) микрокредит бўйича мукофот ставкаси, шу жумладан, йиллик ставка ҳажми;

8) томонларнинг жавобгарлиги;

9) Қозоғистон Республикасининг қонунчилигига кўра бошқа шарт-шароитлар.

Микромолиявий ташкилотлар тўғрисидаги махсус қонунларда микромолиявий ташкилотда махсус ҳужжат — микрокредитларни бериш тартиби (қоидалари) нинг мавжуд бўлиши тўғрисидаги талаб киритилади. Грузиянинг Қонунига кўра микрокредитларнинг стандарт қоидалари ва шарт-шароитлари микромолиявий ташкилот томонидан белгиланади. Қозоғистон Қонуни микрокредит ташкилотининг юқори органи томонидан тасдиқланадиган микрокредитларни бериш қоидаларининг мазмунини тартибга солади.

Микрокредитларни бериш қоидалари қуйидаги маълумотлардан иборат бўлиши керак:

1) микрокредитларни бериш муддатлари;

2) бериладиган микрокредитлар бўйича мукофот ставкаларининг энг юқори миқдори;

3) берилган микрокредитлар бўйича мукофотларни тулаш тартиби;

4) микрокредит ташкилоти томонидан таъминотга қўйиладиган талаблар (микрокредит ташкилоти бўлганда).

Микрокредитларни бериш қоидалари Қозоғистон Республикаси қонунчилигига зид бўлмаган микрокредит ва маълумотларни беришнинг бошқа шартларини ҳам ўз ичига олиши мумкин.

Яна шуни таъкидлаб ўтмоқчимизки, бир неча меъёрлар ҳам мавжуд бўлиб, уларни шартли равишда микромолиявий ташкилотлар миқозларининг қўшимча ҳимоясини таъминлайдиган ва кўпроқ, пруденциал эмас, балки фуқаролик-ҳуқуқий табиатига эга бўлган қоидалар сирасига киритиш мумкин. Қозоғистон Қонунига кўра микрокредит ташкилоти қўйидаги мажбуриятларга эга:

1) микрокредит ташкилотининг манзили ёки номи ўзгарганда бу туғрида қарз олувчиларга микрокредит ташкилоти ва унинг қарз олувчилари жойлашган жойда тегишли ахборотни давлат ҳамда рус тилларида иккита босма нашрда чоп эттириш йўли билан ёхуд ўзгариш вақтидан бошлаб ўттиз календарь кунидан кеч бўлмаган муддатда ҳар бир қарз олувчини ёзма хабардор қилиш йўли билан маълумот етказиш;

2) микрокредитларни бериш қоидаларининг нусхасини унга шарҳ бериш мумкин бўлган ва у билан танишиш имкони бўлган жойда жойлаштириш;

3) қарз олувчини микрокредит олгунича микрокредитни олиш ва унга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган харажатлар туғрисида бохабар этиш;

4) қарз олувчини унинг микрокредитни олиш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқлари ва мажбуриятлари билан таништириш.

Қонунлардан бирортасида микромолиявий ташкилотларнинг кредит тарихи бюроси билан ўзаро муносабат тартиби кўриб чиқилмаган. Фақат Қозоғистон Республикаси Қонунида қўйидаги талаб белгиланган: микрокредит ташкилоти ҳар бир берилган микрокредит бўйича кредит тарихини юритиши керак.

2.2. Ўзбекистонда микромолиялаш институтларининг ҳуқуқий асослари

Фаолият даврини ва берилган маблағларни ҳисобга олган ҳолда микрокредит бериш соҳасида банклар кичик бизнес субъектларига кредит бериш ва тадбиркорликка имтиёзли кредит бериш учун турли фондлар ҳисобига ва республика мустақил бўлган давридан буён республика мар-

казлашган фондлари ҳисобидан кредит берилганлигига қарамасдан республиканинг тижорат банклари микрокредит бериш соҳасида анча катта тажрибга эга. Микрокредитлар беришнинг асосий жиҳатларидан бири тижорат банклари томонидан 22 февраль 2000 йилдан ўз фаолиятини хорижий ва миллий валютада амалга оширувчи, яқка тартибдаги тадбиркор ва деҳқон хўжаликларига тижорат банклари томонидан микрокредитлар беришнинг тартибини тасдиқлаш ҳисобланади. Тартибга асосан кредитнинг бир қисмини нақд пул билан келгусида ўзиш шарти билан нақд пул маблағида бериш мумкин.

Бугунги кунда тижорат банклари микрокредитлар беришда қўпгина қонуний ва ҳуқуқий ҳужжатларга риоя қиладилар.

"Тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига бюджетдан ташқари фондлар ва "Микрокредитбанк" кредит линиялари ҳисобига микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида"ги Низомга (2006 йил 21 февралда 1548 рақам билан Адлия вазирлигида рўйхатга олинган) мувофиқ, тижорат банклари дастлабки маблағни шакллантириш учун кичик бизнес субъектларига микрокредитлар беради.

Шунингдек, мазкур Низомга мувофиқ банklar бандликка қўмаклашиш давлат фонди маблағлари ҳисобидан оилавий тадбиркорлик субъектларига микрокредитлар беради.

Бундан ташқари, Низом тижорат банкларида бюджетдан ташқари кредит линиялари очиш ва ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва фаолиятни ривожлантириш мақсадида кичик бизнес субъектларига микрокредитлар бериш масалаларини тартибга солади.

Ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга, жумладан, микрокредитлар бериш йўли билан катта аҳамият берилмоқда. Бандликка қўмаклашиш давлат фонди маблағлари ҳисобига чорвачиликни ривожлантириш учун ва ёрдамчи деҳқон хўжаликларига тижорат банклари томонидан имтиёзли, мақсадли микрокредитлар бериш тартиби тўғрисидаги Марказий банкнинг Низомига асосан (2006 йил 2 майда 1567 рақам билан Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтган) бандликка қўмаклашиш давлат фонди маблағлари ҳисобига кредитлар факатгина кам таъминланган оилаларга берилиши белгиланган.

Мазкур йўналишда бошқа норматив ҳужжат бўлиб "Чорвачиликни ривожлантириш учун шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларига тижорат банклари томонидан имтиёзли мақсадли кредитлар бериш тартиби тўғрисидаги (2006 йил 2 майда Адлия вазирлигида 1567 рақам билан рўйхатдан ўтган) Низом ҳисобланади. Мазкур Низомда тижорат банклари маблағлари ҳисобидан кам таъминланган оилаларга кредит берилиши белгиланган.

Шу билан бирга ёш тадбиркорлар фаолиятини сезиларли қўллаб-қувватлаш кўзга ташланади. Бу мақсадда имтиёзлилик асосида ёш оилаларга кредитлар бериш тартиби тўғрисида Низом (2007 йил 18 июлда 1697 рақам билан Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтган) иш-лаб чиқилган. Мазкур Низом билан қуйидаги мақсадларда ёш оилаларга кредитлар бериш тартиби белгиланган:

- оилавий тадбиркорликни ташкил қилиш учун микрокредит;
- ёш оилалар учун ипотека кредити;
- ёш оилалар учун истеъмол кредити.

Микромолиялаштириш чораларининг давоми бўлиб 2007 йил 8 июндаги 114-сонли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори ҳисобланади. Унга мувофиқ 2010 йилга қадар Ўзбекистон Республикаси микромолиялаш ривожига Дастури тасдиқланди. Ушбу Дастурнинг асосий мақсади қишлоқ жойларда микромолиялаштиришни ривожлантириш йўли билан қуйидагиларни таъминлаш саналади:

- ташкил қилиш учун ва аҳолининг фаол қисми шахсий бизнесини бошлаш учун яхши шароит;
- аҳоли бандлигини оширишга ёрдам берувчи кичик ва микро-бизнес фаолияти ривожига;
- уларга муҳтож бўлган аҳолини микромолиявий хизматлар билан тулиқ қамраб олиш;
- мамлакатнинг молиявий тизимини келгусида тулиқ ривожлантириш.

Дастур норматив-ҳуқуқий базани барқарорлаштириш ва кредит уюшмалари ҳамда микрокредит ташкилотларнинг фаолиятини тартибга солишнинг самарали тизимини яратишни, молиялаштиришнинг тижорат манбалари ҳисобига кредит уюшмалари ва микрокредит ташкилотларнинг маблағ базаларини шакллантиришга қўмаклашишни, мамлакатнинг барча ҳудудларида кредит уюшмалари ва микрокредит ташкилотларнинг тармоғини кенгайтириш учун ташкилий, иқтисодий шароитларни яратишни, микромолиялаштириш бўйича хизматларни турлича амалга ошириш ҳамда кредит уюшмалари ва микрокредит ташкилотлар кучини оширишни, кредит уюшмаларининг ва микрокредит ташкилотларнинг касбий хизматлар ҳамда ахборотларга қира олишини таъминловчи инфраструктура ва ёрдамчи хизматларни ривожлантиришни кўзда тутди.

Кредит уюшмалари фаолиятининг асоси "Кредит уюшмалари тўғрисида"ги Қонун доирасида кредит уюшмаси ихтиёрийлик асосида тузилган кредит ташкилотидир. Яъни таърифнинг ўзида кредит уюшмалари иштирокининг ихтиёрилиги ва тенг ҳуқуқлилиги тамойиллари мужассам.

Республикада фаолият юритувчи кредит уюшмасида иштирок этиш ҳар бир киши учун (хоҳ юридик шахс бўлсин, хоҳ жисмоний шахс) кўнгилли ва очиқ ҳисобланади. Кредит уюшмаси фаолиятининг самарадорлиги кўп жиҳатдан нафақат унинг аъзолари ихтиёрий ҳаракатлари, балки танланган бошқарув органига боғлиқ бўлади. Ихтиёрий асосда сайланган Кенгаш аъзолари ишончли вакиллар сифатида барча иштирокчилар номидан фаолият юритадилар ва бошқарадилар.

Қонун матнидан шу нарса маълум бўладики, кредит уюшмалари фаолиятини идора қилиш демократик асосларда тузилган. Бошқаришнинг ошкоралиги "ҳар бир кредит уюшмаси аъзоси улар тарафидан уставга киритилган бадаллар миқдоридан қатъи назар... бир овоз ҳуқуқига эга" (18-модда). Бундай талаб йирик ҳиссадорлар монополиясининг кредит уюшмаларида мавжуд эмаслигини таъминлайди ва ҳар бир иштирокчига идора этишда тенг ҳуқуқ беради.

Кредит уюшмалари давлат рўйхатидан ўтгандан бошлаб юридик шахс мақомини олади. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки кредит уюшмалари рўйхатини амалга оширувчи ва улар фаолияти учун рухсатномалар берувчи орган ҳисобланади, шунингдек, кредит уюшмаларининг фаолиятини тартибга солади.

Хорижий амалиёт асосида ва қабул қилинган Қонунга мувофиқ Марказий банк томонидан кредит уюшмалари фаолиятини тартибга солувчи ҳужжатлар тўплами ишлаб чиқилган. Ҳужжатлар орқали кредит уюшмалари фаолиятига рухсатнома бериш учун керак бўлган талаблар аниқланади. Шундай қилиб, Тошкент шаҳрида ташкил қилинган кредит уюшмалари учун устав фондининг минимал миқдори 100 минг евро эквивалентида, бошқа аҳоли пунктларида 50 минг евронинг миллий валютадаги эквивалентида белгиланган.

Бундан ташқари, Марказий банк томонидан, шунингдек, кредит уюшмаси намунавий Низоми, таъсисчиларнинг умумий йиғилиши баённомаси, рўйхатдан ўтиш учун ариза шакллари ва кредит уюшмаларини рўйхатга олиш ҳамда уларга лицензия беришни амалга ошириш учун талаб қилинадиган бошқа ҳужжатлар намуналари тайёрланган. Бу, ўз навбатида, рўйхатга ўтиш учун зарур бўлган ҳужжатларнинг таъсисчилар томонидан тайёрланишини енгиллаштиради.

Кредит уюшмалари фаолиятини тартибга солиш улар учун мажбурий бўлган молиявий операцияларни ўтказиш тартибини ўрнатиш йўли билан Марказий банк томонидан амалга оширилади. Бундай қоидалар Марказий банк томонидан ишлаб чиқилган "Кредит уюшмалари томонидан молиявий операцияларнинг амалга оширилиши тартиби" Низомида ўз аксини топган.

Қоида кредит уюшмалари фаолиятининг меъёрий чегараларини тулиқ белгилайди, шунингдек, капитални шакллантиришга боғлиқ масалаларни, пул маблағларини кредит ва депозит шаклида жалб қилишни, кредит уюшмалари ихтиёрида қолган маблағларни қўйишни белгилайди ва шу билан бирга, кредит уюшмалари фаолияти давомида пайдо бўлувчи хатарларни мос равишда тартибга солишни таъминлайди.

Кредит уюшмалари фаолияти хусусиятларидан келиб чиқиб (бир томондан, корхонадан фарқ қилувчи, бошқа бир томондан, операция кўлами ва хусусияти бўйича тижорат банкларидан фарқ қилувчи), Марказий банк томонидан, шунингдек, ҳисоб-китоб режаси ва улар томонидан амалга оширилувчи операцияларнинг самарали акс этишига ҳамда ҳолис молиявий ва бошқа ҳисоботларни акс эттиришга ёрдам берувчи бухгалтерлик ҳисобини юритиш қоидалари ишлаб чиқилган. Ушбу ҳужжатлар бутун дунё кредит уюшмаси Кенгаши (WOCU) мутахассислари кўмагида Халқаро стандарт бухгалтерлик ҳисобига тулиқ мувофиқ тарзда ишлаб чиқилган.

Микрокредит ташкилоти фаолияти соҳасида миллий қонунчилик асоси Ўзбекистон Республикасининг 2002 йилнинг август ойида қабул қилинган 309-сонли "Ўзбекистон Республикасида микромолиялаштиришни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарор ҳисобланади. Мазкур Қарорга кўра кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш учун текин маблағлар (грантлар)ни жалб қилиш бўйича 8 та донор ташкилотнинг таклифи қабул қилинди.

Микрокредит ташкилотлар фаолиятини кенгайтириш ва микрокредит бериш — микрокредит ташкилотларининг янги иштирокчилари фаолиятида республиканинг жисмоний ва юридик шахслари резидентларининг иштирокини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг (2006 йил 20 сентябрь) "Микромолиялаштириш тўғрисида"ги (2006 йил 15 сентябрь) ва "Микрокредит ташкилотлар тўғрисида"ги қонунлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг "Микрокредит ташкилотлар тўғрисида"ги Қонунининг 3-моддасига мувофиқ микрокредит ташкилотлар микрокредит, микроқарз, микролизинг ва бошқа микромолиявий хизматлар кўрсатиш бўйича фаолият юритувчи юридик шахс ҳисобланади. Микрокредит ташкилотлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган тартибда банк ҳисобварақлари очиш ҳуқуқига эга. Уларга қонунда белгиланмаган бевосита ишлаб чиқариш, суғурта, савдо-воситачилик ва бошқа фаолият билан шуғулланишга йўл қўйилмайди.

Мазкур қонуннинг 6-бандига кўра микрокредит ташкилотининг устав фонди пул маблағларидан, шунингдек, устав фонди пул маблағи миқдорининг йигирма фоизидан ошмайдиган бошқа мулклардан таркиб топган. Микрокредит ташкилоти устав фондини шакллантиришда кредитга олинган, гаровга қўйилган ва бошқа жалб қилинган маблағлардан фойдаланиш тақиқланади.

Микрокредит ташкилоти устав фондининг минимал миқдори лицензия олгунгача фақат пул маблағларидан таркиб топган бўлиши керак.

Ҳозирги вақтда микрокредит ташкилоти устав фондининг минимал ҳажми Тошкент шаҳрида жойлашган МКТ учун 20 минг АҚШ доллари эквивалентида ва мамлакатнинг бошқа минтақаларида 10 минг АҚШ доллари эквивалентида белгиланган.

Бунда шуни таъкидлаш жоизки, очиқ ёки акционер жамият кўринишида МКТни тузишда устав фондининг минимал миқдори Ўзбекистон Республикасининг "Акционерлик жамиятлари ва акционерлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуни билан тартибга солинади. Мазкур қонунга кўра 1 январь 2009 йилдан эътиборан акционерлик жамиятининг устав фондининг минимал миқдори Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича 400 минг АҚШ долларининг сўмдаги эквивалентидан кам бўлмаслиги лозим.

Микрокредит ташкилоти устав фондини шакллантириш учун кредитга олинган, гаровга қўйилган ва бошқа жалб қилинган маблағлардан фойдаланишга йўл қўйилмайди. Қонуннинг 13-моддасига кўра микрокредит ташкилоти кўрсатиши керак бўлган қуйидаги хизматлар рўйхати белгиланган:

- микрокредитлар ёки микроқарзларни бериш;
- қарздорлик мажбуриятларини харид қилиш ва сотиш (факторинг);
- микролизинг (молиявий ижара), бунга мувофиқ микрокредит ташкилоти лизинг берувчи сифатида чиқади;
- қонунга мувофиқ истеъмор кредитларини ҳисобга олган ҳолда микромолиявий хизматларнинг бошқа турларини кўрсатиш.

Микрокредит ташкилоти микрокредитлар, микрозаёмлар, микролизинг ҳамда бошқа микромолиявий хизматларни кўрсатиш билан маслаҳат ва ахборот хизматларини кўрсата олади.

Микрокредит ташкилоти қарз мажбуриятларини чиқариш, юридик ва жисмоний шахслардан омонатлар (депозитлар) қабул қилиш ҳуқуқига эга эмас.

Ушбу модданинг охириги банди МКТнинг бошқаларда фарқли хусусиятини акс эттиради. Улар ҳеч қандай депозит ёки омонатларни қабул қила олишмайди. Бунда маблағларни шакллантириш манбалари Қонуннинг 14-моддасида кўрсатилган, унга мувофиқ МКТ қуйидагилар ҳисобига хизматлар кўрсатади:

- ўз шахсий маблағларидан, жумладан, олинган даромадлардан;
- инвестицион шартномалар асосида инвесторлар томонидан тақдим қилинган маблағлардан, хусусан, хорижий инвесторлар томонидан;
- банк кредитлари ва давлат мақсадли фондлари маблағлари;
- халқаро молиявий институтлар, нодавлат нотижорат ташкилотлар, жумладан, хорижий институтларнинг грантлари ва кредитлари;
- қонун билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

МКТ фаолиятини тартибга солиш, Марказий банкнинг бир қанча метъёрий ҳужжатлари асосида амалга оширилади.

Микрокредит ташкилотлар томонидан молиявий операцияларни амалга ошириш қоидаларига мувофиқ микрокредит ташкилотларнинг барқарор фаолият юритишини таъминлаш мақсадида шаклланган устав капиталининг умумий ҳажми микрокредит ташкилоти активлари умумий суммасининг 10 фоизидан кам бўлмаган даражада бўлиши керак.

3-БОБ. МИКРОКРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

3.1. Микрокредит ташкилотларни давлат органларида рўйхатга олиш

1. Фирма номини олиш

1.1. Фирма номланишининг айнан бир хил ёки аралашиб кетиш даражасида ўхшаш эмаслиги тўғрисидаги маълумотнома микрокредит ташкилоти томонидан давлат рўйхатидан ўтишгача бўлган давлат статистика туман (шаҳар) органларида расмийлаштирилади (кейинги ўринларда — МКТ).

1.2. Фирма номининг айнан бир хил ёки аралашиб кетиш даражасида ўхшаш эмаслигини тасдиқловчи маълумотномани олиш учун ариза берувчи сўралган фирма номи ва шунингдек, 5 тагача фирма номларининг қўшимча вариантларини кўрсатган ҳолда давлат статистика туман (шаҳар) органларига почта, электрон почта ёки факс орқали махфий тартибда мурожаат қилади.

Бунда шуни назарда тутиш керакки, МКТнинг фирма номи "микрокредит ташкилот" бирикмасини ўзида мужассам қилиши ва бошқа микрокредит ташкилотларнинг фирма номларига ўхшамаслиги лозим.

1.3. Аризани олган давлат статистика туман (шаҳар) органи Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри давлат статистика органларида тегишли расмий талабни амалга оширади.

1.4. Захирадаги фирма номини ёки айнан бир хил ёки аралашиб кетиш даражасида ўхшаш эмаслигини тасдиқловчи маълумотномани КТЯДР (Корхона ва ташкилотларнинг ягона давлат реестри) дан олиб расмийлаштиради ва тегишли маълумотнома беради.

1.5. Айнан бир хил ёки аралашиб кетиш даражасида ўхшаш бўлган фирма номининг мавжуд эмаслиги бўйича маълумотнома олган ариза берувчи яна бошқа фирма номларини кўрсатган ҳолда айнан бир хил ёки аралашиб кетиш даражасида бир хил бўлмаган фирма номи тўғрисида маълумотномани бериш тўғрисида ариза билан мурожаат қилади.

1.6. Аризани куриб чиқиш ва тегишли маълумотномани бериш муддати 2 иш кунидан ошмайди.

1.7. Айнан бир хил ёки аралашиб кетиш даражасида ўхшаш бўлган-лиқнинг мавжудлиги (мавжуд эмаслиги) бўйича маълумотномани бериш учун тулов олинмайди.

1.8. Айнан бир хил ёки аралашиб кетиш даражасида ўхшаш фирма номига эга бўлмаганлик туғрисидаги маълумотноманинг амал қилиш муддати 2 ойни ташкил этади.

3.2. МКТнинг дастлабки таъсис мажлисини ўтказиш

2.1. МКТни ташкил қилишда таъсисчилар биринчи таъсис умумий йиғилишини ўтказадилар, унда қуйидаги масалалар муҳокама қилинади:

1. МКТни ташкил қилиш, МКТнинг юридик манзилини аниқлаш.

2. МКТнинг устав фонди умумий ҳажмини аниқлаш, уни таъсисчилар ўртасида тақсимлаш. МКТ устав фондиди шакллантиришнинг тартиби ва муддати.

3. МКТнинг таъсис ҳужжати ва Уставини тасдиқлаш .

4. Ижро органини тайинлаш ёки Жамиятнинг бошқа органларини тайинлаш.

2.2. МКТнинг Устави ва Таъсис шартномаси лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тасдиқланган намунавий таъсис ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилади (намунавий Устав ва Таъсис шартномаси ўзбек тилида 1 ва 2-иловаларда берилган бўлади).

МКТнинг таъсис ҳужжатлари юридик шахсларнинг ташкилий ҳуқуқий шакллари аниқлаш учун қонун билан белгиланган ҳужжатга қўшича ҳолда қуйидаги маълумотларни ўз ичига олиши керак:

– микрокредитлар, микроқарзлар, микролизинглар ва бошқа микромолиявий хизматларни курсатиш бўйича фаолият туғрисида;

– бошқарув органларининг тизими ва ваколати туғрисида;

– микрокредитлар, микроқарзлар, микролизинглар ва бошқа микромолиявий хизматларни курсатиш учун маблағларни шакллантириш манбалари туғрисида;

– микрокредит ташкилот аудитини ўтказиш тартиби туғрисида.

2.3. МКТ давлат тилида тулиқ фирма номини ва унинг манзилини курсатувчи ўз муҳрига эга бўлиши керак. Муҳрда бир вақтнинг ўзида бошқа тилда фирма номи берилиши мумкин.

Микрокредит ташкилоти ўз штампига, ўз номига эга бланкасига ва ўз рамзига эга бўлишга ҳақли.

МКТ муҳрлари ва штамп эскизлари таъсисчиларнинг умумий йиғилишида тасдиқланади.

2.4. МКТ таъсисчилари вакиллари томонидан имзоланувчи баённома билан таъсис умумий йиғилиши натижалари расмийлаштирилади. МКТни тузишда бир таъсисчи томонидан таъсисчи қарори расмийлаштирилади. Таъсисчини намоён қилувчи шахснинг ўзи унинг асосида фаолият юри-тадиган ҳужжатни кўрсатиши керак (мисол учун, ишончнома).

3.3. МКТ таъсис ҳужжатларининг нотариал тасдиқланиши

3.1. МКТнинг нотариал тасдиқланиши лозим бўлган ҳужжатлари, Таъсис шартномаси ва Устав ёки фақат Устав.

3.2. МКТни давлат рўйхатидан ўтказиш учун 2 нусхада нотариал тасдиқланган таъсис ҳужжатлари талаб қилинади.

3.4. МКТнинг вақтинчалик жамғарма ҳисобварағини очиш

4.1. МКТ таъсисчилари МКТга хизмат кўрсатувчи банкни тан-лайди. Мазкур банкда МКТ устав фондига пул маблағларини ўтқа-зиш учун вақтинчалик жамғарма сўм ва (ёки) валютадаги ҳисобва-рағини очиш зарур. Вақтинчалик жамғарма ҳисобварағини очиш ҳар бир банк томонидан мустақил тарзда аниқланади.

4.2. МКТга ҳужжат топшириш пайтида давлат рўйхатидан ўтиш учун ҳар бир таъсисчи МКТ устав фондида ўз улушини 30% миқдо-рида шакллантириши керак. Бунда шуни ҳисобга олиш керакки, МКТ учун лицензия олиш учун устав фонди МКТ учун белгиланган ми-нимал миқдорда шаклланган бўлиши лозим.

4.3. МКТ устав фондига ўз улушидан 30% ҳажмда таъсисчилар-дан ҳар бири киритишининг исботи бўлиб вақтинчалик жамғарма сўм ва (ёки) валюта ҳисобварағига пул маблағларини ўтказиш тўғри-сидаги банк маълумотномаси бўлиб ҳисобланади.

3.5. Рўйхатдан ўтувчи органга ҳужжатлар тўпламини топшириш, рўйхатдан ўтиш тўловини тўлаш

5.1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ёки ҳокимлик-ларда тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш бўйича Инспек-ция МКТ да хорижий шахснинг иштирокидан қатъи назар, рўйхат-дан ўтказиш органи бўлиб саналади.

Агар МКТ устав фонди ҳажми 150 000 АҚШ долларидадан ортиқ бўлса ва агар МКТ ташкил топишида устав фондининг 30% идан кам бўлмаган улуши билан хорижий юридик шахс иштирок этса, бундай МКТ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхат-дан ўтиши шарт. Юқорида кўрсатилган талаблардан ташқари барча қолган МКТ ҳокимликларда тадбиркорлик субъектларини рўйхат-га олиш бўйича Инспекцияларда рўйхатдан ўтиши мумкин.

5.2. МКТни давлат рўйхатидан ўтказиш учун рўйхатга олувчи органга ариза берувчи томонидан (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ таъсисчилар ёки ваколатли таъсисчи шахс-лар томонидан) махфий тартибда ёки почта алоқаси ёрдамида ариза-билдирув тақдим қилинади.

5.3. Давлат рўйхати тўғрисидаги ариза-билдирувга қуйидагилар илова қилинади:

— таъсис ҳужжатларининг икки нусхасини давлат тилида, бел-гиланган тартибда нотариал тасдиқланган ҳолда (бунда акционер жамиятлари, хусусий корхоналарда — фақат устав);

— давлат божи ва рўйхатга олиш тўловини белгиланган тартибда тўлаш бўйича банк тўлов ҳужжати (ҳокимликларда тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш бўйича Инспекциясида рўйхатга олиш учун энг кам иш ҳақининг 3 миқдорида, МКТни Адлия вазирлиги-да рўйхатга олиш учун 500 АҚШ доллари ва энг кам иш ҳақининг 5 баробари миқдорида);

— айнан бир хил ёки аралашиб кетиш даражасида ўхшаш фирма номлари йўқлиги тўғрисидаги маълумотноманинг асл нусхаси;

— муҳр ва штампларнинг уч нусхадаги эскизлари.

5.4. Юқорида кўрсатилган ҳужжатларга қўшимча тарзда, хори-жий инвестор ва хорижий капитал иштирокидаги корхоналар учун қуйидагилар тақдим қилинади:

— юридик шахс рўйхатдан ўтган ҳудуддаги савдо реестридан Ўзбекистон Республикаси консуллик муассасаси томонидан тасдиқ-ланган кўчирма ва у бўлмаганда таъсисчи рўйхатдан ўтган мамла-кат Ташқи ишлар вазирлиги, ушбу мамлакатнинг Ўзбекистон Рес-публикасидаги консуллиги ёки дипломатик ваколатхонасининг Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги консуллик бош-қармаси томонидан тасдиқланган маълумотномаси, агар қонунчи-ликда Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларида бошқа ҳолатлар кўзда тутилмаган бўлса. Хорижий таъсисчи тўғрисидаги савдо реестридан кўчирмада хорижий юридик шахс номи, манзи-ли, устав фонди миқдори, ташкилий-ҳуқуқий шакли, рўйхатдан

ўтганлик санаси, фаолият муддати ҳамда хорижий юридик шахс номидан иш кўрадиган шахс тўғрисида маълумот акс эттирилиши лозим. Мазкур кўчирма берилгандан сўнг 1 йил давомида ҳақиқийдир. Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган жисмоний шахс ўз паспорти нусхасини кўрсатиши керак. Мазкур ҳужжатлар белгиланган тартибда нотариал тасдиқланган ва давлат тилига таржима қилинган ҳолда тақдим қилиниши лозим;

– корхонанинг Устав фондига ўз улуши ҳажмидан 30 фоиз миқдорида таъсисчилар томонидан киритилганликни тасдиқловчи ҳужжатлар (сўм ва валютадаги ҳисобварағига вақтинчалик жамғарма пул маблағларини киритганлик тўғрисида банк маълумотномаси, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилганини тасдиқловчи божхона ҳужжати, мулкни қабул қилиш-топшириш далолатномаси, киритилган мулкка ва эгалик ҳуқуқини берувчи ҳужжат ва б.).

3.6. МКТнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномани олиш

6.1. МКТнинг Давлат рўйхати адлия органлари томонидан ёки туман (шаҳар) ҳокимликларида тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш бўйича Инспекция томонидан уларни Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24 май 2006 йил № ПҚ-357-сонли Қарори билан тасдиқланган тадбиркорлик субъектларини ва давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйиш жорий этиш тўғрисидаги Низомга мувофиқ уларни солиқ ва статистик органларда бир марталик ҳисобга олиш билан амалга оширилади (кейинги ўринларда – Низом).

6.2. Давлат рўйхатидан ўтиш бўйича гувоҳномани бериш билан МКТни давлат рўйхатидан ўтказишгача зарурий ҳужжатларни илова қилган ҳолда ариза-билдирувни бериш санасидан бошланган вақт 2 иш кунидан ошмайди.

6.3. Тадбиркорликнинг барча субъектлари учун давлат рўйхатидан ўтказишда бекор қилиш учун қуйидагилар асос бўлиб ҳисобланади:

– тегишли бўлмаган рўйхатга олувчи органга мурожаат қилиш;
– қонун ҳужжатларида кўзда тутилган, аммо тўлиқ бўлмаган ҳажмда ҳужжатларни тақдим қилиш;

– таъсис ҳужжатларида, муҳр ва штамп эскизларида кўрсатилган фирма номланишининг айнан бир хил фирма номлари мавжуд эмаслиги тўғрисидаги маълумотнома қайд этилган фирма номи билан номувофиқлиги;

– таъсис ҳужжатларида, муҳр ва штамп эскизларида кўрсатилган ташкилий ҳуқуқий формаларнинг Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган ташкилий ҳуқуқий формаларга мос келмаслиги;

– Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида тақиқланган фаолиятларни таъсис ҳужжатларида кўрсатиш.

6.4. Таъсис ҳужжатларида кўзда тутилган устав фонди миқдори билан тадбиркорлик субъектлари учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган устав фонди миқдорининг мос эмаслиги, МКТни рўйхатга олишда рад қилиш учун асос бўлади.

6.5. Хорижий инвестицияларга эга корхоналарнинг давлат рўйхатидан ўтишида рад қилиниши учун қуйидагилар қўшимча асос бўлиб ҳисобланади:

– хорижий инвестициялар миқдорининг хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорга мос келмаслиги;

– корхонанинг таъсисчилари таркибида хорижий инвестицияси бор хорижий юридик шахснинг мавжуд эмаслиги.

6.6. Тақдим қилинган ҳужжатлар Низомда кўрсатилган рад қилиниш учун асос сабаблари мавжудлиги нуқтаи назаридан ўрганилади. Давлат рўйхатидан ўтишни Низомда кўрсатилмаган асослар бўйича рад этиш ман қилинади.

Давлат рўйхатидан ўтишни рад қилиш қарори рўйхатга олиш органи томонидан қабул қилинади ва ҳужжатни кўрсатиш вақтидан бошлаб 3 иш соати давомида аризачига берилади.

Рўйхатга олувчи орган қарори билан норозилик ҳолларида, мансабдор шахслар томонидан ноқонуний ҳаракатлар (ҳаракатсизликлар) бўлса ёки рўйхатга олиш муддатидан ўтиб кетса, аризачи белгиланган тартибда судга мурожаат қилишга ҳақли.

6.7. МКТни давлат рўйхатидан ўтказмаслик учун асос йўқ бўлган ҳолларда МКТни давлат рўйхатидан ўтказиш мумкин.

6.8. Рўйхатга олиш жараёнлари якунлангандан сўнг (статистик кодларга эга бўлиш, солиқ тўловчининг идентификацион рақам – СТИР рақамига эга бўлиши, муҳр ва штампни тайёрлаш учун рухсатни расмийлаштириш) рўйхатга олувчи орган белгиланган тартибда МКТга юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича гувоҳномани ва "қайд қилинган" белгиси билан тасдиқланган ҳамда рўйхатга олувчи орган муҳри билан тасдиқланган, шунингдек, муҳр ва штампни муҳр ҳамда штамп эскизлари билан тайёрлашга рухсат оlingan ҳолда таъсис ҳужжатини топширади.

МКТ ижро органининг аттестациядан ўтиши

Мазкур босқич Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари, бош бухгалтерлари, бошқарув аъзолари, уюшмалари ҳамда микрокредит ташкилотлари ижро органлари раҳбарлари лавозимларига тавсия этилаётган номзодларга нисбатан малака талаблари қўйиш тартиби туғри-сидаги Низом билан тартибга солинади.

МКТ раҳбари қуйидаги сифатларга эга бўлиши лозим:

- олий иқтисодий маълумотга;
- банк ва молия соҳасида етарли даражада иш тажрибасига.

МКТ ижроия органлари раҳбарлик лавозимида талабгор номзодлар қуйидагиларни билишлари шарт:

— Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ва қонунларини, банклар, кредит уюшмалари ва микрокредит бериш ташкилотларининг фаолиятини тартибга солувчи қонунларни, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қарорларини, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонларини, Вазирлар Маҳкамаси Қарорларини, Марказий банк норматив ҳужжатларини ва бошқа норматив ҳужжатларни, хусусан:

- фуқаролик, ҳужалик, меҳнат қонунчилигини;
- кредит уюшмалари банк ҳисоботларини ва микрокредит бериш ташкилотларининг ҳисоботларини тузиш тартибини;
- ҳисоб-китобни амалга ошириш тартибини;
- кредит сиёсати ва кредит бериш тартибини;
- улушларни қабул қилиш ва бериш тартибини;
- республика банк тизимида ўтказилувчи кадрлар тайёрлашнинг аҳамияти ва мазмунини.

МКТ раҳбарлари қуйидаги ҳолларда тавсия этилган лавозимларга мос келмайдилар ва бу лавозимларга тайинлаш мумкин эмас:

- амалга оширган ҳаракатлари юридик шахсларнинг банкротликка ёки молиявий аҳволи ёмонлашувига олиб келганлиги туғрисида далиллар маълум бўлган тақдирда, банкротликка учраган ёки молиявий аҳволи ёмонлашган банклар, кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари ва юридик шахсларнинг собиқ раҳбарлари, бошқарув ва кузатув кенгаши аъзолари ҳамда йирик иштирокчилари (устав капиталида 10 фоиз ва ундан кўп миқдорда овоз берувчи акциялар ёхуд улушларга эга бўлган шахслар);

- ўз ишбилармонлик ёки шахсий ҳаракатларида нотўғри иш юритиш.

МКТ раҳбарлик лавозимларига тавсия этилувчи номзодларга МБ Комиссияси томонидан тақдим этилувчи маълумотларнинг ҳаққонийлиги муҳим.

МБ Комиссияси 10 кунлик муддатда МКТ тақдим этилган номзодлар ҳужжатини кўриб чиқади ва келгуси мажлис кун тартибига номзоднинг лойиқлигини аниқлаш масаласини қўяди.

Номзоднинг лавозимга мос келиши суҳбатлар ва (ёки) синовларни ўтказиш йўли билан МБ Комиссияси томонидан аниқланади. Суҳбат натижаларига ва (ёки) тест синовларига кўра номзоднинг лавозимга мос ёки мос эмаслиги туғрисида қарор қабул қилинади ва ушбу қарор баёни МКТга йўлланади.

Номзодлар МКТ раҳбарлигига лойиқ деб топилмаган ҳолларда, 15 кун давомида Комиссия қарори бўйича баённомани олгандан сўнг, бу лавозимга бошқа тажрибали номзод кўрсатилиши керак.

Тавсия этилган лавозимга мос келмаган номзодлар олти ойлик муддатдан сўнг яна тақдим қилиниши мумкин.

Раҳбарлик лавозимида талабгор номзодлар ЎЗР МБ Комиссиясига тақдим қиладиган ҳужжатлардан иборат рўйхати қуйидагилар:

- МКТ таъсисчилари тақдимномаси;
- сўровнома;
- таржимаи ҳол;
- ўқув муассасасини тугатганлик бўйича диплом нусхаси (агар айни вақтда ўқиётган бўлса, ўқув жойидан маълумотнома келтирилади);
- охириги иш жойидан тавсифнома;
- 6 x 4 ҳажмдаги 4 дона сурат;
- МКТга берилган номзоднинг меҳнат фаолияти ҳақида маълумот;
- номзод характеристикаси, ҳамкасблари томонидан ёзилган унинг меҳнат фаолияти (5 кишидан кам бўлмаслиги керак.);
- яшаш жойидан маълумотнома ва тавсифнома.

Бундан ташқари, номзод ўзида асл нусхадаги ҳужжатларга эга бўлиши керак: шахсини аниқловчи ҳужжат, таълим бўйича диплом, меҳнат дафтарчаси ёки рейтинг дафтарчаси.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкдан МКТ рухсатномасини олиш

МКТга Марказий Банкдан рухсатнома олиш учун бериладиган ҳужжатлар:

1. Ариза (МКТ давлат рўйхатидан ўтганидан сўнг 60 кун ошмасдан берилиши керак).

2. Устав нусхаси ва МКТ Таъсис ҳужжати нусхаси (нотариал тасдиқланган).

3. МКТнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома нусхаси (нотариал тасдиқланган).

4. МКТ бошқарув органлари таркиби тўғрисида маълумот.

5. МКТ Устав фондининг шакллантирилганлигини тасдиқловчи банк ҳужжати.

6. Аризани қўриб чиқиш учун МКТ томонидан киритилган тўловни тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхаси.

Бунда 1 варақдан кўпроқ жойни эгалловчи барча тақдим қилинган ҳужжатлар тикилган бўлиши керак.

Микрокредит ташкилоти фаолиятини амалга ошириш учун лицензия олишга ариза бериш санасида ташкилот Устав фонди миқдори фақатгина пул маблағларидан ташкил топган бўлиши керак.

Лицензияни олиш учун барча зарурий ҳужжатларни илова қилган ҳолда ариза берилгач, ариза ва бошқа ҳужжатлар тушган кундан бошлаб 30 кун ичида Марказий банк томонидан қўриб чиқилади.

Лицензия олиш учун аризани қўриб чиқишда энг кам иш ҳақининг бир миқдорида тўлов олинади. Аризани қўриб чиқиш учун тўлов суммаси Марказий банк ҳисобига ўтказилади.

Марказий банкнинг ҳудудий бошқармаси ариза ва зарурий ҳужжатларни уч кун ичида мазкур Низом талабларига тўлиқ мос келишини ўрганиб, уларни микрокредит ташкилотларга лицензия бериш бўйича масалани қўриб чиқиш учун Марказий Банкка тақдим қилади.

Лицензияни бериш учун энг кам иш ҳақининг икки баробари ҳажмида давлат божи ундирилади.

Марказий банк тегишли қарор қабул қилингандан сўнг, бу ҳақда уч кун ичида лицензия талабгорига хабар бериши шарт.

Лицензия бериш бўйича қарор банк ҳисобварақлари, реквизитлари ва давлат божлари тўлови муддатини кўрсатган ҳолда ёзма шаклда лицензия талабгорига йўлланади.

МКТ лицензия берилган вақтдан бошлаб ўз фаолиятини амалга оширишга киришади.

Лицензия олгандан сўнг Марказий банкнинг ҳудудий бошқармаси микрокредит ташкилотлар фаолиятини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни микрокредит ташкилотига беришни таъминлайди.

Лицензияни микрокредит ташкилотга бериш тўғрисидаги қарор қабул қилингандан сўнг Марказий банк қуйидаги ҳужжатлардан иборат юридик ҳужжатни расмийлаштиради:

— лицензия бериш учун ариза;

- микрокредит ташкилотларнинг таъсис ҳужжатлари;
- микрокредит ташкилотларнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги туғрисидаги гуноҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси;
- микрокредит ташкилотлар бошқарув органлари таркиби туғрисида маълумотлар;
- микрокредит ташкилот устав фонди шаклланганлигини тасдиқловчи банк ҳужжати;
- лицензия бериш учун давлат божини тўлаганликни тасдиқловчи ҳужжат;
- лицензия бериш бўйича Марказий банк бошқаруви қарори;
- микрокредит ташкилот фаолиятини амалга ошириш учун лицензия.

Юридик ҳужжатлар Марказий банк томонидан учта нусхада расмийлаштирилади :

- бир нусхаси микрокредит ташкилоти раҳбарига унинг имзосини олган ҳолда берилади;
- бир нусхаси Марказий банкда сақланади;
- бир нусхаси микрокредит ташкилотнинг манзили бўйича Марказий банкнинг ҳудудий бошқармасига йўлланади.

Марказий банк қуйидаги сабабларга кўра лицензия беришни рад этиши мумкин:

- берилган ҳужжатларнинг қонунда белгиланган талабларга мос келмаслиги;
- нотўғри ёки тузатилган маълумотларнинг ҳужжатда мавжуд бўлиши;
- микрокредит ташкилот ижроия органи раҳбарининг малакавий талабларга мос эмаслиги.

Лицензия беришни рад қилиш туғрисидаги қарор лицензия олувчига талабгорга ёзма шаклда сабаб ва муддатини кўрсатган ҳолда берилади, бу муддат давомида лицензия олувчи кўрсатилган сабаблардан холи бўлиб, ҳужжатларини қайта кўриб чиқишга топшириши мумкин.

4-БОБ. МИКРОМОЛИЯВИЙ ХИЗМАТЛАР ВА УЛАРНИНГ ТУРЛАРИ

4.1. Ўзбекистонда микромолиявий хизматлар

Микрокредитлар муддатлилиқ, қайтариш ва тўловлилиқ шартларида тақдим этилади. Микроқарзлар муддатлилиқ, қайтариш ҳамда шартномада кўзда тутилган айрим ҳолларда тўловлилиқ шартларида берилади.

Микроқарзнинг ҳажми энг кам иш ҳақининг юз баравари миқдоридан ошмаган тарзда берилади. Микрокредит миқдорида битта қарз олувчига энг кам иш ҳақининг минг баробаридан ошмаслиги керак. Микролизинг микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилот томонидан лизинг олувчининг топшириғига биноан учинчи тарафдан мол-мулк олиш ҳамда унга эғалиқ қилиш ва фойдаланиш учун лизинг олувчига шартномада белгиланган шартлар асосида ҳақ эвазига бериш назарда тутилادиган хизматдир.

Микролизинг тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун лизинг тўғрисидаги қонунчилик асосида тақдим этилади. Микролизинг ҳажми бир кишига энг кам иш ҳақининг икки юз баравар ҳажмидан ошмаган миқдорда берилади.

Микролизинг хизматларини кўрсатишда (кейинчалик — микролизинг) шартнома қуйидаги шартларнинг бирига жавоб бериши керак.

— микролизинг шартномаси муддати тугагандан сўнг микролизинг объекти лизинг олувчи мулкига айланади;

— шартнома муддати микролизинг объекти хизмат муддатининг 80% дан кўпини ташкил этса;

— лизинг олувчи микролизинг объектини бозор таннаридан арзон нархда сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлса;

— микролизинг шартномаси амал қилиш даврида микролизинг бўйича тўловлар объект нархининг 90% идан ошади.

Микролизинг объекти сифатида истеъмол қилинмайдиган ҳар қил мулклар, яъни корхоналар, мулк мажмуалари, бинолар, иншоотлар, ускуналар, транспорт воситалари ва тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиладиган бошқа кўчар ва кўчмас мулклар бўлиши мумкин.

Ер участкалари, муомаладан чиқарилган ёки муомалада бўлиши чекланган мулклар ва бошқа табиий объектлар микролизинг объекти була олмайди.

4.2. Микромолиялаш хизматлар бозори

Микромолиялаш ташкилотлари ўз мижозларига ҳар хил хизматлар биринчи навбатда, молиявий хизматлар кўрсатишлари мумкин

Тақдим этиладиган хизматлар характери микромолиялаш ташкилотларнинг вазифаси ва мақсадидан, мижозлар гуруҳлари хоҳишидан, мижозлар бизнесининг ривожланиш даражаси кўрсатиладиган қўшимча хизматлар нархининг аниқлиги ва уларнинг асосланганлигидан иборат.

Микромолиялаш хизматларга тизимли ёндашиш мижознинг тақдим этилган асословига кўра турт турдаги хизматлардан ташкил топади.

1. Молиявий воситачилик

ММТнинг асосий вазифаларидан бири — бу молиявий воситачиликдан иборат. Молиявий воситачилик деганда маблаг ёки нақд пулни бир шахсдан унга муҳтож бўлган шахс ҳисоб рақамига кўчириш кўзда тутилади.

Молиявий хизматларни тақдим этиш пайтида қуйидаги учта асосий нарсга эътибор бериш керак:

- мижоз хоҳиши ва истагини қондириш;
- мижоз ва ММТга содда ва тушунарли хизматларни тақдим этиш;
- ММТ вазифаларига қатъиян риоя қилиш (масалан, ижтимоий ММТ вазифаларидан бири — бу кам даромадли инсонларнинг иш фаоллигини ошириш ва турмуш тарзини яхшилаш).

Шу туфайли, молиявий воситачилик хизматлари қуйидагилардан иборат:

- кредит \қарз;
- омонат;
- суғурта;
- кредит карталари;
- тўловларни амалга ошириш.

2. Ижтимоий воситачилик

ММТ томонидан кўрсатиладиган ижтимоий воситачилик асосан ижтимоий гуруҳлар билан бирга олиб борилади. Тажриба шуни кўрсатадики, қишлоқ жойлардаги кам таъминланган аҳоли, бирламчи ташқи молиявий ва ташкилий ёрдамсиз барқарор молиявий воситачилик хизматларига тайёр эмас.

Ижтимоий кўмакнинг турли потенциал ривожланиш турлари мавжуд. ММТ/ННТ микрокредитларни ўз вақтида қайтаришни таъминлаш (давом эттириш) мақсадида аҳоли гуруҳлари билан иш-лашлари мумкин. Бошқа ММТлар эса хатар асосан гуруҳлар томонидан қопланадиган ўз молиявий тизимларини ташкил этишга интиладилар. Бу ҳолатлар асосан гуруҳлар билан содир бўлади ва улар ўз жамғарилган ресурсларини ўзлари назорат қиладилар ва ўз зиммаларига кредит хавфини оладилар. Ижтимоий кўмакнинг ушбу турнинг ҳолати гуруҳ аъзоларининг биргаликда иш юритиши, бухгалтерияни ташкил этиш, молиявий бошқаришнинг асосларини ўрганиш ҳамда гуруҳларда сифатли ҳисобот тизимини юритиш-ни ўз ичига олади.

3. Микроташкилотларни ривожлантириш хизматлари

Кўпгина ММТлар аниқ ташкилотларни ривожлантириш бўйича хизматлар кўрсатади (айрим ММТлар ушбу хизматни иш доирасидаги номолиявий ёки ёрдам хизмати деб билишади).

Микроташкилотларни ривожлантириш хизматлари кўп номолиявий кўмаклашув турларни ўз ичига олади. Яъни:

- маркетинг ва янги технологиялар;
- бизнес тренинглар;
- ишлаб чиқариш тажрибасини ўргатиш ва бошқалар.

4. Ижтимоий хизматлар

Ижтимоий хизматларни тақдим этиш (соғлиқни сақлаш, овқатланиш, таълим) кўп давлатларда устувор мақсадлардан ҳисобланади. Шунга қарамасдан, кўпгина ММТлар молиявий воситачиликка қўшимча равишда айрим ижтимоий хизматларни амалга оширадилар.

Микрокредитлар бериш

Кредит — бу белгиланган шартларда қайтариладиган қарзга олинган пулдир. Шу мақсадда келиб тушадиган нақд пул, олинган пул миқдоридан кўп бўлса (яъни кредитни қайтаришнинг реал имконияти бор), олиш мумкин ва иш фаолигини пасайтирмаслик керак бўлади.

Микрокредит/микроқарзлар бериш йўллари 2 турга бўлиш мумкин.

— индивидуал микрокредит/микроқарзлар.

— гуруҳли микрокредит/микроқарзлар.

Индивидуал микрокредитлаш бизнесни ривожлантиришга ва уларнинг активларини тўлдиришга мўлжалланган. Индивидуал кредитлар унинг қайтарилиш таъминотига қараб алоҳида шахсларга берилади.

Индивидуал кредитлаш моделлари қуйидаги хусусиятларга эга:

— кредитнинг бирор-бир таъминот тури ёки кредит учун ҳуқуқий жавобгарликни зиммасига оладиган шахс томонидан (бунда ушбу шахс МКТдан кредит олмайди) таъминланганлиги;

— кредит тарихлари ва кредит олишда керак бўладиган бир қатор ҳужжатлар ёрдамида салоҳиятли мижозларни танлаб олиш;

— бизнеснинг муайян тури эҳтиёжларини акс эттирувчи кредит шартларини белгилаш;

— кредитларнинг миқдорини ва уни тақдим этишнинг шартларини доимий ошириб бориш;

— мижоз билан, айниқса, шаҳарларда мижозга етиб бориш осонроқ бўлган жойда тез-тез ва яқин алоқалар.

Гуруҳли микроқарзлар бериш\кредитлаш.

Гуруҳли кредитлаш — кредитлар бир гуруҳ шахсларга (ёки бир гуруҳ гаркибидаги айрим шахсларга) берилади, бунда гуруҳ (ёки ҳар бир аъзоси) кредит билан таъминланади ва шу йўл билан кредитлар кафолатланади, бунда гуруҳ ўз аъзоларига субкредит беради.

Гуруҳли микроқарзлар бериш — бу гуруҳ аъзоларининг хайрхоҳ жавобгарлигига асосланган кредитлашнинг босқичма-босқич тизимидир. Гуруҳли кредитлашнинг маълум моделларига Бангладешдаги Грамин Банкнинг кредит бериш юзасидан хайрхоҳ гуруҳи ва АССИОН Интернэшнл киради, улар 5 — 10 кишилиқ унча катта бўлмаган гуруҳларни шакллантириш устида ишлайдилар ва гуруҳ аъзоларига индивидуал кредитларни берадилар. Бошқа моделлар, масалан, Халқаро ҳамжамиятга қўмаклашиш Фонди (ХХҚФ) қишлоқдаги банк ишининг моделидан иборат бўлади. Улар 30 — 100 кишилиқ катта гуруҳлардан фойдаланади ва гуруҳнинг индивидуал аъзоларига эмас, гуруҳга кредит беради.

Микромолиялаш тўғрисидаги адабиётларда гуруҳли кредитлашнинг афзалликларидан далолат берувчи кўпгина ҳолатлар келтирилади. Уларга, биринчи навбатда, гуруҳлар аъзоларининг хайрихоҳ жавобгарлигига асосланган гаровсиз тизим киради. Гаров сифатида гуруҳли кафолатлар яратилади ва агар бирорта аъзо ўз кредитини қоплаб бермаса, қолган барча аъзоларига кредит қарз бериш то кредит қайтарилмагунча тўхтатиб турилади. Гуруҳ томонидан босим кредитнинг қайтарилиши учун ундовчи омил бўлиши мумкин, чунки аъзолар ўз гуруҳининг бошқа аъзоларига зарар етказишдан ёки тўламаганлиги сабабли уларга гуруҳ томонидан солинган жарималарни кўтаришдан манфаатдор бўлмайди. Тўламаган шахснинг кредитни қайтариши учун гуруҳ аъзоларининг мажбурий жамғармалари ҳам ишлатилиши мумкин.

Гуруҳли кредитлашнинг яна бир афзаллиги кредитларга хизмат кўрсатиш операцион харажатларини қисқартириш имкониятидан иборат. Янги аъзолар гуруҳ таркибига эҳтиёткорлик билан қабул қилинади, чунки кредитнинг бошқа аъзо олиши имкониятига хавф солиниши ёки аъзолар жамғармаларини ўзганинг кредитини қоплаш учун сарфлаш хавфи мавжуд бўлади. Шунинг учун ММТ ҳатто маълумот изчил келиб тушмаганда ҳам мижозларнинг катта миқдорини қамраб олиши мумкин.

Лекин гуруҳли кредитлаш моделининг камчиликлари ва хавфлари ҳам мавжуд. Мутахассисларнинг қайд этишича, гуруҳли кредитлашнинг афзалликлари (индивидуал кредитлаш схемаларига қараганда) қайтарилиш даражаси юқори бўлган барқарор ижтимоий-иқтисодий вазият пайтида, айниқса, кўпроқ намоён бўлади. Лекин таназзул вазиятида, агар гуруҳнинг бир нечта аъзолари тўлай олмаслик муаммосига дуч келса, бутун гуруҳга "домино" қабилида путур етади.

Гуруҳли кредитлашнинг асосий хавфларига қуйидагилар киради:

- ҳисоботларни юритишнинг нисбатан паст сифати ва шартномани бажариш устидан тегишлича назоратнинг йўқлиги;
- гуруҳ раҳбари томонидан коррупция ва назорат эҳтимоли;
- гуруҳнинг бир нечта аъзоларининг ишлаб чиқариш фаолиятининг ўхшашлиги билан боғлиқ хавфнинг кучайиши;
- раҳбар бўлмаган пайтда гуруҳнинг яхши ишламаслиги хавфи;
- қарздорларнинг йирик операцион харажатлари.

Микромолиявий ташкилот узоқ давомийликни таъминлайдиган фоиз ставкасини белгилаши лозим. ММТ хизматларига бўлган талаб донорларнинг молиявий имкониятларидан анча ошиб кетиши мумкин, ташкилот ортиқча молиялашнинг борган сари ошиб бораётган улушига тижорат қийматини тўлай олиши учун унинг даромади етарлича юқори бўлиши лозим.

МКТ КОНСТАНТА КАПИТАЛ ИНДИВИДУАЛ КРЕДИТЛАНИ БУЙИЧА МИСОЛ	
Махсулот тури	ИНДИВИДУАЛ МИКРОКАРҒИЗЛАР БЕРИШИ ВА МИКРОКРЕДИТЛАШИ
Қарзларни бериш методологияси	Ўз мажбуриятларини ижро этишини таъминлаш ва КРЕДИТ ҳафизига пул қўймаслик мақсадида қарадор таъминлотга таъминотнинг (гаровинг) қуйидаги турларидан бирини тақдим этишга ҳаққидир: — заргарчилик, буюмлари; — штомобиль; — банк ёки сугурта ташкилотининг кафолати; — учинчи шахсларнинг кафолияти. — КРЕДИТнинг таъминоти учинчи шахснинг тулов лаёқатсизлиги ҳолатида қарздорнинг қарвини қоплаб бериш мажбурияти бўлиши мумкин, улар мустақил кафилик мажбурияти сифатида расмийлаштирилади. Кафил фақат туловга лаёқатли субъектнинг нуқсонсиз обрўсига, доимий пул оқимида эга бўлган, муаддатли утиб кетган кредиткорлик қарғи бўлмаган қариди шахслар бўлиши мумкин. Бунда бир кафил томонидан берилган кафиликларнинг жами микдори, шу жумладан, расмийлаштирилган микроқарғи ва микроқарғидан бўйича кафиликнинг ҳисобига олганда, унинг охирига санатга кура баланси бўйича мулкнинг қиймати-дан 80% дан ошмаслиги лозим. МКТа тақдим этилган таъминотнинг (гаровинг) қиймати бериладиган КРЕДИТ қиймати-дан камидан 130% ни ташкил этиши лозим.
Фонд ставкаси	Индилик 66 — 72 %, қолдирган фондларини ҳисоблаш
Қарзлар/кредитларнинг микдори	300 мингдан 100 минимал иш ҳақигача — микроқарғилар учун 300 мингдан 1000 минимал иш ҳақигача — микрокредитлар учун
Қарзлар муаддати	4 — 12 ой, имтиёзли даража 3 ойгача
Қўшимча шартлари	Ташкилот-фосилияти амалга ошириладиган минтақаларда доимий яшаш (фақат Ўзбекистон Республикаси резидентлари). Барқарор даромад берадиган ўз тадбиркорлик фаолиятига эга бўлиш. Ўз айланима капиталига (айланма маблағларига) эга бўлиш. Қарздорнинг жаниси аҳамиятга эга эмас. 18 ёшдан катта бўлиш ва меҳнатга лаёқатли бўлиш. МКТ таъминотининг биринчи даражаси қариндоши бўлмаган (ота-оналари, ака-укалари, опа-сингил-лари, турмуш ўртоғи, болалари). Кичик бизнеснинг билан ва қўнимчаларига эга бўлиш ва камидан 6 ойлик иш таърибасига эга бўлиш. Бундан ташқари, қарздорлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим: Кредит олиш учун ариза. Паспорт нусхаси. Қарздорнинг СТИР қўрсатилган ҳужжатининг нусхаси. Турар жойидан онла тарқибон тўғрисидаги маълумотнома. 3 x 4 ли рангли фотосурат. Ҳусусий тадбиркор гувоҳнома-си нусхаси. Кредит таъминотининг миқдорининг тасдиқловчи ҳужжатлар.

Бу ерда ставканинг қийматини белгилашнинг соддалаштирилган, яъни унчалик аниқ бўлмаган модели¹⁰ келтирилган. Лекин у тахмий кўрсаткичга эришишга имкон беради, бу эса кўпгина, айниқса, яқинда ўз фаолиятини бошлаган микромолиявий ташкилотлар учун фойдали бўлиши мумкин.

Ставокани белгилаш формуласи: қарзлар бўйича белгиланган йиллик самарали фоиз ставкаси (R), бешта элементнинг функцияси бўлади, улардан ҳар бири қарзлар портфели бўйича дебиторлик қарзнинг ўртача қолдигидан фоизлар ҳисобида ифодаланган: маъмурий харажатлар (МХ), қарзлар бўйича зарарлар (ЗЗ), маблағлар нархи (МН), капиталлашув исталган даражаси (К) ва инвестициялар бўйича даромад (ИД):

Ушбу тенгламада ҳар бир ўзгарувчи ўнлик каср шаклида ифодаланиши лозим: шундай қилиб, маъмурий харажатлар миқдори 200,000, портфелнинг ўртача қолдиги миқдори 800,000 бўлганда МХ даражаси учун 25 сонини беради.

$$R=(MX+ZZ+MN+K-ID)/(1-ZZ)$$

Маъмурий харажатлар маблағлар нархи ва қарзлар бўйича зарарлардан ташқари ҳар йили такрорланадиган қайтариладиган барча харажатларни ўз ичига олади, масалан, иш ҳақи, ҳисобланган тўловлар, ижара ва коммунал тўловлари. Эскириш каби модда (бинолар ёки ускуналарни алмаштириш билан боғлиқ бўлган харажатлар учун резерв) ҳам маъмурий харажатларга киритилиши лозим. Бундан ташқари, бу ерга ҳозирча микромолиявий ташкилот тўламаётган ёки у кейинчалик донорларнинг субсидияларидан мустақил бўлиб қолганда, охир-оқибатда барибир тўлашга мажбур бўладиган бирор-бир бепул олинган маҳсулотлар ёки хизматларнинг қиймати ҳам киритилади, масалан, таълим, техник қўллаб-қувватлаш, бошқарув. Унумдор, тажрибали ташкилотларнинг маъмурий харажатлари, одатда, портфель бўйича дебиторлик қарзининг ўртача қолдигидан 10% — 25% ни ташкил этади.

Ташкилотнинг аввалги тажрибаси қарзлар бўйича зарарларнинг бўлғувси даражасини башорат қилишда асосий омил ҳисобланади¹¹. Кўпгина муваффақиятли ташкилотларда ушбу кўрсаткич тахминан 1 — 2% ни ташкил этади.

¹⁰ Фоиз ставкалари ва микрокредитлаш. Occasional Paper Number 1. CGAP

¹¹ Бу мақсадлар учун улар бўйича бирор-бир тўловлар бир йилдан ортиқ муддат давомида ўтказиб юборилган заёмларни, эҳтимол, улар расман ҳисобдан чиқариб ташланган-ташланмаганлигидан қатъи назар, зарарларга киритиш лозим.

Маблағлар қийматини ҳисоблаш келажакдаги бирор-бир пайтга келиб, тахминий баланс ҳисоботини тузишдан бошланади.

Маблағларнинг тахминий "яширин" қийматини олиш учун, молиявий активларни¹² юқорироқ ставкага купайтириш керак: (а) ёки маҳаллий банклар ўртача тижорат қарздорлар учун белгилайдиган самарали ставкага, (б) ёки режалаштириладиган даврга бирор-бир ишончли (одатда, нодавлат) иқтисодий таҳлил қилувчи шахс томонидан башорат қилинган инфляция даражасига. Кейин ушбу натижани кредитлар портфелининг режалаштириладиган миқдорига бўлиш лозим.

Молиялашнинг ҳар бир тури бўйича харажатларни қўшиб, умумий абсолют қийматини ҳисобланг. Бу якуний қийматни қарзларнинг портфелига бўлиб, юқоридаги формуланинг маблағларнинг қиймати (МК) сифатида кўрсатилган таркибий қисмини олиш мумкин бўлади.

Капиталлашув даражаси микромолиявий ташкилот олишга интилган ҳамда ўртача кредит портфелига нисбатан (ўз маблағлари ёки жами активларидан эмас) фоиз шаклида ифодаланган соф ҳақиқий фойдани ифодалайди. Узоқ муддатли ўсишни қўллаб-қувватлаш учун қарзлар портфели бўйича дебиторлик қарзининг ўртача қолдиғидан 5 — 15% даражасида (лекин бу аниқ эмас) капиталлашув тавсия этилади.

Инвестициялар бўйича даромад даражаси фоиз ставкасини ҳисоблаш тенгламасига манфий белгиси билан киритиш лозим, чунки, бу даромаднинг олиниши қарзлар портфелидан ташқари бошқа молиявий активлардан кутилади. Улардан баъзилари (масалан, пул маблағлари, жорий ҳисобварақлар, мажбурий резервлар) кам фоиз беради ёки умуман ҳеч қандай даромад бермайди; бошқалари (масалан, депозит сертификатлари) катта даромад келтириши мумкин. Бу даромад қарзлар портфелида ўнлик каср шаклида ифодаланиб, манфий белгиси билан фоизли ставкани ҳисоблаш формуласига киритилади.

Ушбу бешта элементни тенгламага киритиш бизга микромолиявий ташкилот ўз портфелидан олиши лозим бўлган фоизлар бўйича ҳар йиллик даромаднинг кўрсаткичини беради.

Микрокредитларни бериш ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг маблағларини жалб этиш билан бирга, микрокредит ташкилотлари давр талабига жавоб берган ҳолда, аҳолига микросугурталаш, факторинг ва пластик карталарни бериш каби хизматларни кўрсатади.

¹² Ушбу маблағларни ҳисоблаш таркибидан асосий воситаларни сотиб олиш учун молиялаштириш чиқариб ташланган, бу натижани унчалик ўзгартирмайди. Чунки инфляциянинг ортиши билан бир вақтда юз бераётган асосий воситалар қийматининг ортиши уларни молиялаштирувчи маблағларнинг қийматига маълум даражада мос келади.

Микросуғурталаш — бу даромади паст бўлган аҳолини маълум хавфларнинг эҳтимоли ва қийматиға мутаносиб бўлган мунтазам тўловлар эвазига ушбу хавфлардан ҳимоя қилишдир.

Кам таъминланган аҳолининг кўпчилиги ўз кучи билан хавфлар билан курашади. Кўпчилик эса кўп сонли норасмий механизмлар билан ишлайди (масалан, пул жамғариш, активларни сотиб олиш, жамғармаларни алмаштириб туриш, кредит уюшмалари, судхўрлар) ва оиладаги боқувчининг ўлими, оғир касаллик, қора молнинг ўлими каби хавфларга қарши улардан фойдаланади. Паст даромадли оилавий хўжаликлардан кам қисмигина бундай хавфлардан расмий суғурталаниш имкониятига эга бўлади. МКТларнинг микросуғурталаш бўйича фаолияти республикаимизнинг қонунчилигида кўзда тутилган бўлмаса-да, у микромолиялаштиришнинг салоҳиятли истиқболли соҳаларидан бири ҳисобланади.

Бизнес-режасини тузганда тадбиркор ўз тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш пайтида сотмоқчи ёки ишлаб чиқармоқчи бўлган маҳсулотлар ёки хизматлар ҳажмини аввалдан ҳисоблаб чиқаради. Олинадиган тушумдан келиб чиқиб, у кейинги йилга режасини тузади. Агар кутиладиган тушумнинг келиши баъзи ҳолатлар туфайли кеч қолса, нима қилиш керак?

Ушбу муаммони ҳал этишга факторинг катта ҳисса қўшмоқда. **Факторинг** — тўловнинг кўпроқ қисмини зудлик билан олиш шарти билан дебиторлик қарзини факторинг компаниясига ўтказиб бериш бўйича молиявий воситачилик операциясидир.

Маълумки, микромолиявий ташкилотлар анъанавий банклар хизматлари кўрсатмайдиган аҳоли қатламларига хизмат кўрсатиб, ўзлари асосий банк хизматларини таклиф этади.

Шу муносабат билан микромолиявий ташкилотлар **пластик картточкаларни** жорий этиш каби илгор банк амалиётида қўлланадиган воситалардан фойдаланадилар. Лекин қамраб оладиган ҳудуди чекланганлиги боис микрокредит ташкилотлари электрон тўлов тизимларини киритишдан бирмунча орқада қолиб, депозитларни жалб этиш ва кредитларни бериш билан чекланишини қайд этиш лозим. Бу йўналишда ихтисослашган микромолиявий банклар энг фаол ишлари билан ажралиб туради. Ушбу хизмат аҳоли учун маҳсулотлар ёки хизматларга ҳақ тўлашда ҳар кунги пластик картточкалардан фойдаланиб, ММТ билан яқинроқ алоқада бўлишига ёрдам беради. У шунингдек, талаб қилиб олингунча депозитларни жалб этишга кўмаклашади, бу эса ресурслар базасини оширади.

5-БОБ. МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ СТАНДАРТЛАРИ

Микромолиявий институтнинг молиявий ҳолати таҳлили — бу ташкилот фаолиятининг турли хил томонларини тавсифлайдиган молиявий кўрсаткичлар комплексини ҳисоб-китоб қилиш ва баҳолашдир.

Таҳлил мақсади — бошқарув қарорларини қабул қилиш учун зарур ахборотни олиш. Таҳлилни қуйидаги ҳолларда ўтказиш зарур:

- микромолиявий ташкилотни диагностик текширувдан ўтказиш;
- микромолиявий ташкилот (ташкилотнинг бошқарув персонали) фаолиятини баҳолаш;
- режалаштириш ва прогнозлаш учун асосий меъёрларни ҳисоб-китоб қилиш;

- инвестициялаш тўғрисида қарорларни қабул қилиш.

Молиявий таҳлилда ҳал қилинадиган **асосий вазифалар**:

- ўрганиш пайтидаги молиявий ҳолатни аниқлаш;
- ўрганиладиган даврда микромолиявий ташкилотнинг ривожланишидаги йўналишларни аниқлаш;
- микромолиявий ташкилотнинг молиявий ҳолатига салбий таъсир кўрсатадиган муаммоли жойларни аниқлаш;
- микромолиявий ташкилот молиявий ҳолатини яхшилаш учун фойдаланиши мумкин бўлган заҳираларни аниқлаш.

Таҳлил қўйилган вазифага боғлиқ равишда алоҳида йўналишлар бўйича турли хил даражадаги батафсил таҳлил ва ўрганиш қўламига эга бўлиши мумкин.

Асосий таҳлил усуллари:

- горизонтал таҳлил ёки тенденциялар таҳлили, бунда кўрсаткичлар бошқа даврлардаги шундай кўрсаткичлар билан таққосланади;
- вертикал таҳлил, бунда кўрсаткичлар таркиби тадқиқ этилади;
- қиёсий таҳлил — тадқиқ қилинадиган кўрсаткичлар аналогик даражадаги молиявий институтларнинг аналогик кўрсаткичлари билан қиёсланади.

Молиявий ҳисобот — ташкилот фаолиятининг молиявий ҳолати ва молиявий натижалари тўғрисидаги ахборотнинг структуралаштирилган кўриниши. Молиявий ҳисоботни юритиш — бу давлат органларининг назорат функцияларини таъминлайдиган ташқаридан белгиланадиган мажбуриятдир. Шунинг учун бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш кўплаб ташкилотлар томонидан фақат солиқ мажбуриятлари орқали қабул қилинади.

Бизнинг фикримизча, молиявий ҳисобот — бу кенг истеъмолчилар доирасига мўлжалланган янада тўлиқ ахборотдир. Бу ҳар қандай фаолиятдаги ташкилот учун ўринлидир, бироқ микромолиявий институтларда янада очиқ намоён бўлади.

Бундай ахборот, биринчи навбатда, молиявий бошқарув блоки учун муҳимдир. Ушбу ҳолатда молиявий ҳисобот материаллари бошқарув таҳлилининг, жорий қарорларни қабул қилиш, стратегик режалаштириш ва прогнозлашнинг асосини белгилайди. Бизга маълумки, бошқарув қарорларининг мослиги молиявий ҳисоботнинг тўлиқлиги ва интенсивлигига боғлиқ бўлади. Бу эса тўғридан-тўғри молиявий барқарорликни таъминлаш билан боғлиқ бўлиб, у микромолиявий институтлар фаолиятининг муҳим шартларидан биридир.

Дастлабки босқичда, донорлик микромолиялаштириш ташкилотлар хайрия ва субсидияланган маблағларидан фойдаланадиган донорлар томонидан белгиланган стандартлар асосида ҳисобот тайёрлашади. Одатда, бундай кўринишдаги ҳисоботда асосий эътибор маблағлардан мақсадли фойдаланганликни исботлашга, янада ривожланиш учун ўз ресурсларини шакллантириш тўғрисидаги ахборотни ва номолиявий ахборотни, донорлик маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган дастурларнинг ижтимоий самарадорлик параметрлари тўғрисидаги ахборотни очишга қаратилади. Шу билан бирга, донорлик молиялаштириш маблағлари бўйича ҳисобот ўз ичига микромолиявий ташкилотларнинг амалдаги ҳаётийлик даражасини баҳолаш мақсадида субсидияланган фондларнинг қиймати, жалб этилган мутахассислар ва асбоб-ускуналар ўртасидаги ўзаро алоқани ичига олади. Бу — ҳам донорлар учун хайрия асосидаги молиялаштиришни давом эттириш, қисқартириш ёки тўхтатиш тўғрисидаги қарорларни қабул қилишда, ҳам микромолиявий ташкилотларнинг персонали учун амалга ошириладиган операцияларнинг амалдаги харажатлилик даражасини аниқлаш, харажатларни оптималлаштириш, ўз-ўзини қоплашга чиқиш истиқболларини баҳолаш ёхуд молиявий барқарорликни мустаҳкамлаш учун муҳимдир.

Пайчиларнинг жамғармаларини жалб қиладиган кредит ширкатлари (уюшмалари) учун, ўз шахсий жамғармаларини ширкатнинг ўзaro молиявий ёрдам жамғармасига қўйган пайчилар учун молиявий ахборотнинг ошқоралиги ва тушунарлилиги долзарб аҳамиятга эгадир. Бундай ахборот ширкатга ишонган пайчиларнинг ўз шахсий маблағларини жойлаштиришга ишонч ҳосил қилиш учун пруденциал тартибга солиш стандартлари билан тизимлаштирилади.

Шундай қилиб, молиявий ҳисоботнинг вазифаси молиявий ҳолат, молиявий натижалар ва пул маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги ахборотни тақдим этишдан иборат бўлиб, бу турли хил ахборотларни олишдан манфаатдор бўлган етарли даражада кенг доирадаги шахслар учун фойдали бўлиши мумкин.

Изоҳларда келтирилган ахборот билан бир қаторда, кўрсатилган маълумотлар молиявий ҳисоботдан фойдаланувчиларга ташкилот пул маблағларининг ҳаракатини прогнозлаштириш, пул маблағларининг вужудга келиш муддатлари ва аниқлилиқ даражасини аниқлашга ёрдамлашади.

Қуйидагилар ҳам маҳаллий, ҳам халқаро молиявий ҳисобот тизимларида қабул қилинган таянч шакллар ҳисобланади:

Даромадлар ва харажатлар тўғрисида ҳисобот — асосий фаолиятдан келадиغان даромадлар ва харажатлар, шу жумладан, молиявий даромадлар ва молиявий харажатлар, бир-бирига боғлиқ фаолият турларидан келадиغان фойда ва харажатларни жамлайди.

Баланс ҳисоботи — активлар, мажбуриятлар, капитал ва захира-ларни бирлаштиради.

Капиталдаги ва ўзaro молиявий ёрдам жамғармасининг захира-ларидаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисобот капиталининг тулиқ ўзгаришини, жумладан, пайчиларнинг ширкат (уюшма) мулкидаги улушининг пулдаги қиймати билан қилинадиган доимий индексация натижасида ўзгаришини кўрсатади.

Пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот ресурс имкониятларини ва ликвидлилиқни баҳолаш мақсадида фойдаланувчиларга пул оқимларининг жорий ҳолатини баҳолаш, уларнинг ҳаракатини прогнозлаш, пул оқимларининг вужудга келиш муддатлари ва ишончлилиқ даражасини аниқлаш имкониятини беради.

Ҳозирги кунда микромолиявий ташкилотлар ҳужалик субъектларининг алоҳида тоифаси ҳисобланади. Улар тартибга солувчи органлар учун ҳам, бошқарув органлари учун ҳам турли хил молиявий ҳисоботи тақдим этади. Бобнинг биринчи қисми кредит уюшмалари ва микрокредит ташкилотлари томонидан қогозда ва электрон шаклда

солиқ идораларига ва Ўзбекистон Республикасининг Марказий банкига тақдим этилувчи молиявий ҳисоботга оид маълумотларни ўз ичига олади. Мазкур бобнинг иккинчи қисмида кредит уюшмаларининг Бутунжаҳон Кенгаши (WOCCU) ва SEEP услубиятини қўллаб ММТ фаолиятининг молиявий мониторинг тизими кўриб чиқилади.

5.1. Молиявий ҳужжатлар

Ташкилотнинг молиявий ҳолати унинг бухгалтерия ҳисоботларида акс этиши аниқ, уларни йиғиш молиявий ҳужжатларнинг мос равишдаги қисмларини шакллантиради.

Кредит уюшмалари ва микрокредит ташкилотлари учун ҳисобварақлар режаси ўз ҳажми билан тижорат банклари қўллаётган ҳисобварақ режаси билан бир хил. Бу — улар томонидан амалга оширилаётган фаолият банкнинг депозитларга маблаг қабул қилиш ва уларни кредит шаклида бериш муносабатига ўхшашлиги билан ифодаланади.

Амалдаги қонунчиликда кўзда тутилган КУ ва МКТ амалга ошираётган операцияларнинг ҳамма турлари ҳисобварақлар режасига киритилган. Ҳар бир операция 15 тали рақам асосида кодланади, рақамлар қуйидаги вазифалари бўйича гуруҳга ажратилган:

- биринчи бешта рақам баланс ҳисобини акс эттиради;
- кейинги иккитаси — назорат калити;
- ундан кейинги олтитаси — кредит уюшмаси аъзосининг коди;
- охириги иккитаси — ҳисобварақнинг тартиб рақами.

Баланс ҳисоботининг категорияси бўлимларга бўлинади: "Активлар", "Мажбуриятлар", "Капитал", "Даромад", "Харажат" ва "Кўзда тутилмаган ҳолатлар".

Умуман олганда, шунини таъкидлаш керакки, ҳисобварақлар режаси тизимида кодлаш назорат органи учун ҳам, кредит уюшмасининг ўзи бевосита бошқариши учун ҳам маълумотни етарлича атрофлича бўлишини таъминлайди.

Кредит уюшмалари

Республика территориясида фаолият юритаётган кредит уюшмалари ҳар ойнинг 5 санасидан кечиктирмасдан Марказий банкка қуйидаги маълумотларни тақдим этади:

1. Кредит уюшмаси бўйича умумий маълумотлар.
2. Пайчилар бўйича маълумот.
3. Депозит турлари бўйича маълумот.
4. Депозит портфели бўйича маълумот.
5. Туланадиган ссудалар бўйича маълумот.
6. Кредит турлари бўйича маълумот.
7. Кредит портфели бўйича маълумот.
8. Банкка қўйилган муддатли депозитлар бўйича маълумот.
9. Қимматбаҳо қозғаларга қилинган инвесторлар бўйича маълумот.
10. Туғрилланган синов баланси бўйича маълумот.
11. Баланс ҳисоботи.
12. Фойда ва зарар ҳақида ҳисобот.
13. Капиталдаги ўзгаришлар.

январь 2004			
	Тури / Жинси	Тури / жинси	тия
		Вариантлар	
		Кредит уюшмаси	
		Бошқа кредит уюшмаси	
	1	Жисмоний шахс	
	1	1 – Эркак	
		2 – Аёл	
		Юридик шахс	
		3 – Хусусий корхона, ширкат ва корпорациялар	
		4 – Давлат корхоналари ва ташкилотлар	
		5 – Жамоатчилик институтлари	
		6 – Қўшма корхоналар	
		7 – Якка тартибдаги тадбиркорлар	
		8 – Молния институтлари (кредит уюшмалари эмас)	

5.1- расм. Кредит уюшмасининг тахминий ҳисобот шакли

Охирги учта ҳисобот таҳлилий ҳисобланади. Бу ҳисоботларда кўпгина катаklar олдинги ҳисоботларга киритилган маълумотлардан келиб чиққан ҳолда автоматик равишда ҳисобланади (5.1-расм).

Чунки янгидан тузилган кредит уюшмаси Марказий банк лицензиясини олишда молиявий ҳужжатлар тузиш бўйича тўлиқ дас-тур таъминотини олади, кейингиларда фақат ҳужжатларнинг бир неча шакллари келтирилган.

Кредит портфели бўйича маълумот — мазкур ҳисобот ойида тўла тўланган кредитлар ва активлар бўйича маълумотни ўз ичига олади. Ҳисоботда, асосан, қуйидагилар акс этади:

- Шартнома бўйича кредит суммаси.
- Асосий қарз қолдиги.
- Шартнома бўйича бериш санаси.
- Шартнома бўйича тула қайтариш санаси.
- Йиллик фоиз ставкаси.
- Гаров қиймати.
- Кечиктирилган фоизлар суммаси ва б.

Баланс ҳисоботи.

Кредит уюшмасининг баланс ҳисоботи унинг молиявий фаолияти ҳақидаги батафсил маълумотни ўз ичига олади. Марказий банк томонидан кредит уюшмаси лицензия олгандан сўнг, унга молиявий ҳужжатларнинг дастур таъминоти тақдим этилади, унда ҳисоботнинг ҳар бир бўлими аниқ баён қилинади.

Бошқа ҳисоботлардан фарқи равишда кейинги уч ҳисоботда суммалар минг сўмда берилади. Ҳар бир бухгалтерлик ҳисобварағи бўйича консолидацияланган баланс тўлдирилгандан сўнг дастур автоматик равишда баланс ҳисоботига қўшиш учун керакли ҳисобварақларни ҳисоблаб чиқади.

Масалан, "Кассадаги нақд пул ва бошқа тўлов ҳужжатларида" автоматик равишда айланма кассанинг нақд пул — 10101 ва йўлдаги нақд пуллар — 10109 ҳисобварағи қолдиги акс этади.

Фойда ва зарар бўйича ҳисобот.

Фойда ва зарар бўйича ҳисобот кредит уюшмасининг молиявий фаолияти натижалари ҳақидаги маълумотни ўз ичига олади. Мазкур ҳисобот таркиби, шунингдек, консолидация қилинган ҳисоботнинг маълумотларидан келиб чиққан дастур ҳисоботлари билан автоматик равишда тўлдирилади.

Масалан, "Инвестициядан фойда" бўлимида қимматбаҳо қоғозлар билан тижорат операцияларидан даромад — 45600 ва инвестициядан фойда — 45800, ҳисобварақлардаги қолдиқ автоматик равишда акс этади.

Капиталдаги ўзгаришлар.

Капитал тузилмасидаги ўзгаришлар ҳақидаги ҳисоботга нисбатан ҳам шундай тадбир қўлланилади.

Микрокредит ташкилотлари.

Марказий банкка тақдим этилувчи микрокредит ташкилотларининг молиявий ҳужжатлари анча соддалаштирилган ва 4 та компонентдан ташкил топган:

1. Баланс ҳисоботи.
2. Фойда ва зарар ҳақида ҳисобот.

3. Капиталдаги ўзгаришлар ҳақида ҳисобот.

4. Кредит портфели ҳақида маълумот.

Микрокредит ташкилотининг Баланс ҳисоботи қуйидаги маълумотларни акс эттиради:

- Активлар.
- Нақд пуллар.
- Факторинг.
- Микролизинг.
- Кредитлар (микрокредитлар, микроқарз, истеъмолчи).
- Асосий маблағлар.
- Мажбуриятлар.
- Тўланиши лозим бўлган кредитлар.
- Олинадиган фоизлар.
- Бошқа мажбуриятлар.
- Капитал.
- Устав капитали.
- Резерв капитали.
- Беғараз олинган мулк.
- Хайрия тўловлар ва грантлар.
- Тақсимланмаган фойда.

Фойда ва зарар ҳақида ҳисобот қуйидаги фойда ҳамда зарар моддаларини акс эттиради ва шу билан фаолият натижаси ҳақида муҳим маълумотни тақдим этади:

- Фоиз даромадлари.
- Фоиз харажатлари.
- Кредит буйича бўлиши мумкин бўлган йўқотишларни баҳолашда олдинги соф фоиз даромадлари.
- Фоизсиз даромадлар.
- Фоизсиз харажатлар.
- Операцион харажатлар.
- Бўлиши мумкин бўлган йўқотишларни баҳолаш.
- Солиқ тўлашдан ва бошқа тузатишлардан олдинги соф даромад.
- Тузатишлар киритишдан олдинги даромад.
- Соф фойда (зарар).

Капиталдаги ўзгаришлар ҳақидаги ҳисобот қуйидаги маълумотлардан ташкил топган:

- Йил бошидаги капитал.
- Олдинги йилда кўрсатилмаган соф капиталга ўзгартиришлар.
- Олдинги йилдаги умумий капитал.
- Йилнинг бошидан соф фойда.
- Жорий йилда беғараз олинган мулкдаги ўзгариш.

- Жорий йилда олинган хайрия туловлари ва грантлар.
- Устав фондидаги ўзгартиришлар.
- Жорий йил учун бошланғич қийматга нисбатан ортиқча қийматни баҳолаш.

- Минус: фойданинг бир қисмини тақсимлаш.
- Жорий йилда капиталга таъсир этувчи кўрсаткичлар (соф).
- Жорий йил охири учун умумий капитал.
- Кредит портфели ҳақида маълумот.

Мазкур ҳисобот ҳар бир қарздор бўйича қуйидаги маълумотларни ўз ичига олади:

1. Мижознинг тулиқ номи.
2. Кредит бериш санаси.
3. Ҳисобот санасидаги қолдиқ.
4. Кредитларни синфлаштириш: истеъмор, микрокредит, микроқарз, микролизинг.
5. Кредит суммаси.
6. Йиллик фоиз ставкаси.
7. Кредитни қайтариш муддати.
8. Таъминот тури: таъминотсиз, қўчмас мулк, транспорт, қимматбаҳо буюмлар ва бошқалар.
9. Кредит таъминоти суммаси.
10. Кредит муддатини узайтириш санаси.
11. Кредит бўйича қўшилган фоиз суммаси.
12. Кечиктирилган фоизлар суммаси.

Юқорида кўрсатилган ҳисоботлардан ташқари, кредит уюшмалари ва микрокредит ташкилотлар даврий молиявий ҳужжатлар билан бирга солиқ органларига тақдим этувчи молиявий натижалар ҳақида ҳисобот тузишади. Ҳисобот тузишнинг юқоридаги ҳисоботлардан фарқи шундаки, ҳўжалик юритувчи субъектлар бухгалтерлик ҳисобларини миллий бухгалтерлик ҳисоби стандартларидан фойдаланган ҳолда амалга оширадилар.

5.2. Нобанк микромолиялаш ташкилотлар фаолиятининг молиявий мониторинги

Кредит уюшмалар фаолиятининг молиявий мониторинги

1990 йилдан бошлаб Кредит Уюшмасининг Бутунжаҳон Кенгаши (WOCCU) "PEARLS" номини олган тизимга йиғилган молиявий коэффицентлардан фойдаланиш жорий қилинди. Молиявий

мониторингинг мазкур тизими WOCCU томонидан дунёнинг турли хил мамлакатларида кредит уюшмалар фаолиятини ягона шаклда баҳолаш кўрсаткичларини ва молиявий кўрсаткичларни стандартлаштириш мақсадида тақлиф этилди.

"PEARLS" номининг ҳар бир ҳарфи кредит уюшмаси фаолиятининг муҳим аспектларини англатади: P (Protection) — ҳимоя, E (Effective financial structure) — самарали молия тузилмаси, A (Asset quality) — активлар сифати, R (Rates of return and cost) — фойда ва харажат даражаси, L (Liquidity) — ликвидлилик ва S (Signs of growth) — ўсиш кўрсаткичи

А. PEARLS мониторинг тизимининг мақсади ва устунлиги:

Маъмурий бошқарув инструменти. PEARLS дан фойдаланишнинг энг муҳим мақсади кредит уюшмаси фаолияти мониторингини амалга оширишдир. Бу тизим муаммони аниқлабгина қолмай, балки молиявий институтлар ишида аҳамиятли камчиликларни йўқ қилиш учун конструктив қарорлар топишда бошқарув органлари ёрдам беради.

Коэффициентлар ва таҳлил формулаларини стандартлаштириш. Кредит уюшмалари томонидан ўз фаолиятларини баҳолашда стандартлаштирилган молиявий коэффициентлар ва формулаларнинг қўлланиши турли хил мезонлардан фойдаланишга чек қўяди. Шунингдек, PEARLS тизими ҳаммага тушунарли бўладиган универсал молиявий услуб яратишга имкон беради.

Объектив қиёсий таснифлаш. PEARLSни қиёсий таснифлашнинг энг муҳим томони унинг объективлигидир. Таснифлашда қандайдир сифат ёки субъектив кўрсаткичлар киритилмайди. Объектив таснифлаш тизими муаммони кредит уюшмаси Бошқаруви ва ижрочи орган ходимлари орасидаги муҳокамага тақдим этиш имконини беради.

Тафтиш назоратини соддалаштириш. PEARLS бошқарув воситаси ҳисобланишидан ташқари, давлат назорат органи ва кредит уюшмаларининг ҳудудий, миллий уюшмаларини информацион база билан таъминлайди. Миллий ва регионал уюшмалар фаолиятининг муҳим кўрсаткичларининг квартал ва ойма-ой таҳлилини ўтказишда PEARLS молиявий коэффициентларидан фойдаланишлари мумкин. Томонлар (кредит уюшмаси ва тафтиш комиссияси) молиявий коэффициентларни стандартлаштиришда эътиборни бир объектга қаратишади, яъни тафтиш учун муҳим жиҳат, кредит уюшмасининг менежерига ҳам муҳимдир.

Б. PEARLS мониторинг тизимининг компонентлари.

P (Protection) ҳимоя. Активларнинг етарлича ҳимояси кредит уюшмасининг янги моделининг асосий тамойилидир. Ҳимояланганлик даражаси қуйидаги кўрсаткичлар буйича баҳоланади:

1. Муддати ўтган қарз суммасини кредит бўйича мумкин бўлган йўқотишлар ҳажмига солиштириш.

2. Капитал қўйилмалар бўйича қўтилган йўқотишларни инвестицияларнинг умумий миқдори билан солиштириш.

Агар кредит уюшмаси 12 ойдан ортиқ муддатга кечиктирилган кредитлар суммасини 100% ва 1 ойдан 12 ойгача кечиктирилган кредит суммасининг 35%ни қоплаш учун етарлича резерв маблағга эга бўлса, ташкилотнинг кечиктирилган қарзлардан ҳимоя қилинганлик талабига жавоб беради.

Е (Effective Financial Structure), самарали молия тузилмаси. Кредит уюшмасининг молиявий тузилмаси — бу ташкилотнинг ўсиш потенциалини, фойда ҳажми ва умумий молиявий барқарорликни аниқловчи ягона энг муҳим омилдир.

PEARLS тизими активларни, пассивларни, капитални баҳолайди ва ўтказилган таҳлил асосида кредит уюшмасига оптимал молиявий тузилма тузиш бўйича таклифлар беради. "Идеал" вариантни таклиф этади:

Активлар.

— 95% — ишловчи активлар, улардан 70 — 80% кредитларни ва 10 — 20% ликвид инвестицияларни ташкил этади;

— 5% — ишламайдиган активлар, асосий капиталдан ташкил топган (ер мулки, кўчмас мулк, ускуналар ва б.).

Пассивлар.

— Пайчилар жамғарма омонати 70 — 80% ни ташкил этади.

Омонатнинг етарлича ҳажми кредит уюшмаси самарали маркетинг дастурини ишлаб чиққан ва молиявий мустақилликка ҳаракат қилаётганлигини кўрсатади.

Капитал.

— 10 — 20% пайчиларнинг маблағини ташкил этади (пай фонд);

— 10% тақсимланмаган резервларни ташкил этади (резерв фонди).

Капитални тақсимлашнинг янги тизимида пай ўз аҳамиятини йўқотади ва резерв фонди билан алмаштирилади. Бу капитал уч вазифани бажаради:

Рентабелли бўлмаган активларни молиялаштириш. Резерв фонди аниқ қийматга эга эмаслиги сабаб, унинг энг асосий вазифаси даромад келтирмайдиган кредит уюшмасининг активларини молиялаштиришдан иборат (яъни ер, бино, ускуна). Етарлича маблағ бўлмаса, кредит уюшмаси омонатдаги пулларни ёки пайчиларнинг бадалларини мазкур қўйилмалар бўйича фарқни қоплаш учун ишлатишга

мажбур бўлади. Фойдани ошириш. Резерв фонднинг ҳажми, шунингдек, кредит уюшмасининг қўшимча даромад олиш имкониятига ҳам таъсир этади. Мазкур маблағлар кредит уюшмаси учун фойдасиз ҳисобланади ва уларни рентабел активларни молиялаштиришда (масалан, кредитлар) фойдаланиш кредит уюшмасига қўл келади, чунки унга қўшимча даромад келтиради.

Зарарни қоплаш. Резерв фондининг охириги вазифаси муддати ўтган қарзлар ва тўловлар бўйича зарарни қоплашдан иборат. PEARLS тизими бўйича резерв фондини баҳолаш — кўпгина операцион тармоқ билан боғлиқ асосий кўрсаткичдир. Резерв танқислиги рўй берганда, маълум йўналишда қийинчиликлар пайдо бўлиши мумкинлигига оператив сигнал бўлади.

A (Assets Quality) — активлар сифати.

Норентабел актив — бу фойда келтирмайдиган актив. Норентабел активларнинг таъсирини аниқлаш учун қуйидаги кўрсаткичлар ишлатилади:

Муддати ўтган тўловлар нисбати. PEARLSнинг баҳоловида бу таҳлил энг муҳимидир. Муддати ўтган қарзларнинг йириклиги кредит уюшмасининг қолган тармоғига салбий таъсир этади. Идеал вариантда кечиктирилган тўловлар бўйича ҳажм берилган қарзларнинг умумий суммасининг 5% дан ортмаслиги керак.

Норентабел активларнинг улуши. Иккинчи муҳим индекс — бу кредит уюшмасига тегишли норентабел активлар улуши (фоизи). Бу фоиз қанчалик кўп бўлса, етарлича даромад даражасига эришиш шунчалик қийин. Идеал вариант учун кредит уюшмасининг ҳамма активларининг умумий ҳажмига нисбатан норентабел актив улуши 5% дан ортмаслиги лозим.

WOCCU модели кредит уюшмасининг резерв фонди миқдори ёки молиявий қийматга эга бўлмаган бошқа мажбуриятлар кредит уюшмаси балансидаги норентабел активлар миқдорини 100% қоплаши керак.

R (Rates of Return and Costs) — фойда ва харажат даражаси

PEARLS тизими инвестиция ва операцион харажатлар даражаси бўйича даромадни аниқлаш учун соф тушумларнинг ҳамма асосий компонентларини кўрсатади. Кредит уюшмаларни "ёмон" ва "яхши" даромади бўйича таснифлаш мумкин. Даромад даражаси бўйича активлар тузилмасини солиштириб, кредит уюшмаси ўз ишчи активларини қанчалик кўп фойда келтирувчи инвестицияга самарали йўналтирилаётганини аниқлаш мумкин.

Даромад ҳақида маълумот инвестициялашнинг асосий тўрт тармоғига асосланади:

Кредитлар портфели. Фоизли даромад, тўланмаган фоиз бўйича жарима, кредит операциялардан воситачилик ҳақи кредит портфелининг умумий суммасига бўлинади.

Ликвид инвестициялар. Миллий Ассоциация ёки назорат органида ва банкнинг жамғарма ҳисобварақларидаги ва ликвид резервлари бўйича даромад мазкур соҳада сармояланаётган суммага бўлинади.

Қимматбаҳо қоғозларга сармоялар (молиявий сармоялар). Кўпгина кредит уюшмалари молиявий инструменларга сармоя киритадилар (масалан, давлат қимматбаҳо қоғозларига), улар бўйича даромад банк омонатига нисбатан юқори. Ушбу даромад мазкур капитал қўйилмаларга йўналтирилган инвестициялар миқдорига бўлинади.

Бошқа молиявий бўлмаган инструменлар. Юқорида келтирилган турларга кирмайдиган бошқа ҳар қандай омонатлар бошқа молиявий бўлмаган инструменлар каби таснифланади.

Шунингдек, операцион харажатлар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Улар уч тоифага бўлинади:

Молиявий воситачилик сарфлари — жамғарма дастурлари, пай бадаллари, ташқа заёмлар бўйича фоизни тўлаш учун молиявий харажатлар.

Маъмурий харажатлар.

Муддати ўтган кредитлар бўйича резервлар.

L (Liquidity) — ликвидлилик.

Одатда, ликвидлилик қарз бериш учун лозим бўлган нақд пул билан баҳоланган. Аъзолар учун жамғарма дастурлари киритилгандан бошлаб ликвидлилик тушунчаси омонат бўйича тўловлар учун керакли нақд пулни назарда тутати, PEARLS тизими ликвидлиликни икки йўналишда кўриб чиқади:

Умумий ликвид резервлар. Бу кредит уюшмаси аъзоларининг жамғармаларига ҳамма қисқа муддатли мажбуриятларни олиб ташлаганда кредит уюшмасининг бошқа ликвид активларининг ва қисқа муддатли сармоялар муносабати. Мазкур кўрсаткичнинг идеал варианты 15% дан кам эмас. Кредит уюшмасининг аъзоларига жамғарманинг қайтишини таъминлаш даражасини кўрсатади.

Ишламаётган ликвид активлар. Ликвид резервлар муҳим, лекин уларнинг бир қисми кредит уюшмасига жуда паст даромад келтириши ёки умуман даромад келтирмаслиги мумкин. Ишламаётган ликвид активларни минимумга олиб келиш муҳимдир. Мазкур кўрсаткични нолга олиб тушиш идеал вариантдир.

S (Signs) — ўсиш кўрсаткичи.

PEARLS тизимининг устунлиги шундан иборатки, у тизим имкониятини тулиқ баҳолаб, ўсишни даромадлилиқ ва кўрсаткичлар билан боғлайди. Ўсиш беш асосий тармоқда ўлчанади: активлар суммаси, кредитлар, жамғармалар, пай бадаллари, резерв фонди.

Микрокредит ташкилотлар фаолиятининг молиявий мониторинги

Ўзбекистонда микрокредит ташкилотларининг фаолияти ҳали ҳам ривожланиш босқичида эканлигига қарамасдан, кўпроқ ошкоралиқ бўлишини ҳамда донорлик ташкилотлари ва инвесторларнинг талаблари билан ўзаро уйғунлиқ бўлиши учун уларнинг фаолият самарадорлигини баҳолашнинг халқаро талабларини ҳисобга олган ҳолда ўтказиш кўпроқ мақсадга мувофиқдир. The SEEP Network услуги энг кенг тарқалган баҳолаш тизими ҳисобланиб, ўз ичига қуйидаги кўрсаткичларни олади:

Молиявий фаолиятнинг мониторинги учун танланган коэффициентлар микрокредит ташкилотларнинг молиявий таҳлилининг асосини шакллантиради. Улар ташкилотнинг молиявий фаолият ва операциян самарадорлик натижалари ҳамда кредит портфели сифатини баҳолашда раҳбарларга ёрдам беради. Оқибатда, коэффициентлар микрокредит ташкилотининг жорий ва узоқ муддат фаолият кўрсатишини таъминлайди.

Ўн олти коэффициент, уч гуруҳга бўлинган, самарали молиявий менежмент учун керакли минимал йигиндидир.

Ишлаётган активларнинг даромадлилиги. Адабиётда тез-тез портфель даромадлилиги ҳақида эслатма учрайди, бунда ишлаётган активларнинг ўртача қолдиғининг кўрсаткичи ўрнига портфелнинг ўртача қолдиғи қўлланилади. Портфелнинг даромадлилиқ коэффициенти кредит портфелидаги ҳар бир сўм бўйича олинаётган ўртача даромадни ўлчайди. "Ишлаётган" активларнинг даромадлилигини ошириш йўналиши ижобийдир.

Молиявий харажатлар коэффициенти. Молиявий харажатлар коэффициенти ташкилотнинг молиялаштирилган активларининг ўртача қийматини қарз маблағида кўрсатади. Молиявий харажатлар ташкилот кредит маблағидан фойдалангани учун тўлаётган фоиз ва бадалларга харажатлар ҳисобланади. Йўналиш вазиятга боғлиқ. Бу кўрсаткичнинг аҳамияти ташкилот тижорат маблағ манбаларидан фойдаланишни бошлагандагина ошади.

Зарар бўйича резерв коэффициентининг ўзгариши. Кредитлар бўйича зарар резервининг ўзгариши — бу кредит портфелидан келажакдаги зарарларни қоплаш учун ҳар йили ўтказилаётган суммадир. Агар ташкилот резервни шакллантиришнинг стандарт амалиётига риоя қилаётган бўлса, резервнинг ўзгариш коэффициентини камайтиришга интилиш ижобий ҳисобланади.

Операцион харажатлар коэффициенти. Операцион харажатларнинг коэффициенти, операцион харажатларни қоплаш учун зарур бўлган маблағни фоиз ҳисобида ҳисоблаб чиқади. Бу берилган ҳар бир сўмнинг нархи кўрсаткичига нисбатан аниқроқ бўлган кредит фаолиятининг асосий кўрсаткичдир. Операцион харажатлар коэффициентини камайтиришнинг давомийлиги бу ижобий ҳолатдир.

Капитал қийматини сақлаш коэффициенти. Капитал қийматини сақлаш коэффициенти ташкилотнинг ўз маблағларини сақлаш харажатлари ҳисобланади. Капитал қийматини сақлаш коэффициентини камайтиришга интилиш ижобийдир.

Хайрия ва грантлар коэффициенти. Хайрия ва грантларни камайтириш тенденцияси ижобий ҳисобланади.

Операцион ўз-ўзини қоплаш коэффициенти. Операцион ўз-ўзини қоплаш ташкилотнинг харажатларни қоплаш учун етарли даромад олганлигини кўрсатади. Ушбу ўз-ўзини қоплаш коэффициентини таҳлил қилиш ташкилот раҳбарига ташкилотнинг ўз фаолиятини мустақил қоплаш томонга ҳаракатланаётганлиги ёки йўқлигини аниқлаш имконини беради. Бунда ижобий тенденция бўлиб операцион ўз-ўзини қоплаш коэффициентининг тенденцияси ҳисобланади.

Молиявий ўз-ўзини қоплаш коэффициенти. Молиявий ўз-ўзини қоплаш барча операцион ва молиявий харажатларни, қарзлар бўйича зарарлар учун харажатларни қоплашга етарли даромад олинган ёки йўқлигини кўрсатади ҳамда инфляция шароитида ташкилотнинг ўз маблағлари ва квази-капитали қийматини қоплашни кўрсатади. Ижобий тенденция бўлиб молиявий ўз-ўзини қоплаш коэффициентини ошириш ҳисобланади.

Пул бирлигини бериш қиймати. Пул бирлигини бериш қиймати коэффициенти қарзларни бериш тизимининг самарадорлигини кўрсатади: операцион харажатлар ўша даражада қолганида коэффициент қанчалик паст бўлса, самарадорлик шунчалик юқори бўлади, бироқ бунда пул бирлигини бериш қиймати ошади. Ижобий тенденция бўлиб пул бирлигини бериш қийматининг пасайиш тенденцияси ҳисобланади.

Коэффициент	Формула	Мақсад
R1 Операцион ўз-ўзини қоплаш	$\frac{\text{Молиявий даромад}}{\text{Молиявий харожатлар} + \text{Қарзлар қийматининг пасайишидан келадиган зарарлар} + \text{Операцион харожатлар}}$	Бунда микромолиявий таъкилотнинг операцион даромадлар ҳисобидан ўз харожатларини қоплай олиши баҳоланади.
Молиявий ўз-ўзини қоплаш	$\frac{\text{Мувофиқлаштирилган молиявий даромад}}{\text{Мувофиқлаштирилган молиявий харожатлар} + \text{Қарзлар қийматининг пасайишидан келадиган мувофиқлаштирилган харожатлар} + \text{Мувофиқлаштирилган операцион харожатлар}}$	Микромолиявий таъкилотнинг операцион даромадлар ва харожатларга қириниладиган ўзгаришларни ҳисобга олиб, ўз харожатларини қоплай олиши баҳоланади.
R2 Активларнинг даромадлиги (ROA)	$\frac{\text{Соф операцион даромад} - \text{солиқлар}}{\text{Активнинг ўртача якуни}}$	Бунда микромолиявий таъкилотнинг фойда олиши учун ўз активларидан фойдалана олиши баҳоланади. Ушбу коэффициентта ҳисоблаш учун солиқлар айлрилади ҳамда нооперацион моддалар ва грантлар истисно этилади.
R3 Ўз маблағларининг даромадлиги (ROE)	$\frac{\text{Соф операцион даромад} - \text{солиқлар}}{\text{Ўз маблағларининг ўртача якуни}}$	Маълум даврда ўз маблағларининг ўртача қиймати, даромадлилик коэффициенти ҳисоб-қитоб қилинади. Солиқлар ҳамда нооперацион модда ва грантлар ҳисобидан таъкилотнинг ўз, ушбу коэффициентта қўйилганда текжорат нуктаи назаридан янаша қўйилганда курсаткичи сифатида фойдаланилади.

5.1-жадвал давоми

Кoeffициент	Формула	Мақсад
Ўз-ўзини қоплаш ва фойдалилик		
R4 Ялпи портфель даромадлиги	Қарзлар портфели бўйича фоизлар, бадаллар ва комиссиялар кўринишида олинган пул маблағлари. Уртача ялпи қарзлар портфели.	Микромолиявий ташкилотнинг ялпи қарзлар портфели бўйича фоиз, бадал ва комиссиялардан даромад ола билишини кўрсатади. Ҳисобланган, бироқ ҳали олинмаган даромад ҳисоб-китобга киритилмайди.
R5 Портфель ва активлар нисбати.	Ялпи қарзлар портфели Активлар	Микромолиявий ташкилотнинг қанча активи кредит фаолиятига ажратилганлигини кўрсатади. Раҳбариятнинг ресурсларни микромолиявий ташкилотнинг асосий ва энг фойдали фаолияти — микрокредитларни бериш фойдасига тақсимлай олишдан далолат беради.
R6 Маблағлар қийматининг коэффициенти. Маблағлар қийматининг мувофиқлаштирилган коэффициенти.	Молиявий мажбуриятлар бўйича молиявий харажатлар. (Депозитларнинг уртача ҳажми + қарз маблағларининг уртача ҳажми). Молиявий мажбуриятлар бўйича мувофиқлаштирилган молиявий харажатлар. (Депозитларнинг уртача ҳажми + қарз маблағларининг уртача ҳажми).	Микромолиявий ташкилотнинг барча молиявий мажбуриятлари бўйича уртача фоиз ставкаси ҳисоб-китоб қилинади. Мувофиқлаштирилган коэффициентнинг қиймати, одатда, маблағларнинг субсидияланган қийматига ўзгаришларнинг таъсири ҳисобидан юқори бўлади.

5.1-жадвал давоми

Кoeffициент	Формула	Мақсад
Ўз-ўзини қоплаш ва фойдалилик		
R7 Қарз мажбуриятлари ва ўз маблағларининг нисбати	Мажбуриятлар Ўз маблағлари	Микромолиявий ташкилотнинг қарз ва ўз маблағлари умумий нисбатини баҳолайди ҳамда унинг барча мажбуриятлар туланганидан сунг харажатларни қоплаш учун қандай мустақкам захирага эгалигини кўрсатади.
Қарз мажбуриятлари ва ўз маблағлари нисбатининг мувофиқлаштирилган коэффициенти	Мажбуриятлар Мувофиқлаштирилган ўз маблағлари	Мувофиқлаштирилган коэффициент ўзгаришларни киритиш натижасида ўз маблағларининг камаишини ҳисобга олади.
R8 Қисқа муддатли ликвидлилик коэффициенти	Пул маблағлари + Кимматли қоғозларга инвестициялар (Талаб қилинганча бўлган омонатлар + қисқа муддатли депозитлар + молиявий мажбуриятлар бўйича фоизлар + тулов учун ҳисоблар ва бошқа қисқа муддатли мажбуриятлар).	Бунда микромолиявий ташкилотларнинг қисқа муддатли мажбуриятларини қондириш учун қандай даражадаги пул маблағлари ва уларнинг эквивалентларига эга эканлиги кўрсатилади. Қисқа муддатлилик шунинг аниқлиги, активлар ски мажбуриятлар, ски уларнинг ҳар қандай қисмлари туланиш ски тугалланиш муддатига эга бўлади, ски 12 ой мобайнида пул шаклида ўтказилиши мумкин.

5.2-жадвал давоми

Коэффициент		Формула	Мақсад
Уз-ўзини қоплаш ва фойдаланиш			
R14	Кредит мутахассисига бўлиб келадиган қарз олувчиларнинг сони	Фаол қарз олувчиларнинг сони Кредит мутахассисларининг сони	Хар бир кредит мутахассисининг ўртача юклавасини (у хизмат кўрсатадиган қарз олувчиларнинг ўртача миқдорини белгилейди).
R15	Хар бир ҳолимага бўлиб келадиган фаол миқдорлар сони	Фаол миқдорларнинг сони Ҳолимларнинг умумий сони	Микромолиявий таъкилот персоналнинг миқдорини, шу жумладан, қарз олувчилар, кўнгилли омонатчилар ва бошқа миқдорларни бошқариш жиҳатидан умумий миқдорларнинг
R16	Миқдорларнинг қўйимсизлиги (миқдорлар айланмаси)	Фаол миқдорларнинг янги эквивалент сони + янги маббуцийлаштирилган миқдорларнинг сони Давр охиридаги фаол миқдорларнинг сони Фаол миқдорларнинг ўртача сони	Давр давомида миқдорлардан фойдаланишни давом эттирадиган миқдорларнинг соф миқдорини кўрсатади; миқдорларнинг қондариш кўрсаткичларидан бари сифатида янгилаштилади.
R17	Қарзнинг қопланмаган ўртача қолдиғи Қарзнинг мувофиқлаштирилган ўртача қопланмаган қолдиғи	Янги қарзлар портфели Қопланмаган (фаол) қарзлар сони Мувофиқлаштирилган янги қарзлар портфели Қопланмаган (фаол) қарзларнинг мувофиқлаштирилган сони	Битта қарз олувчига бўлиб келадиган ўртача қарз қолдиғини баҳолайди. Ушбу кўрсаткич фойдаланиш кўрсаткичларини беради ва қандай қарз улуши миқдорининг ахтиерида бўлишини кўрсатади. Мувофиқлаштирилган коэффициент ўз ичига ҳисобдан чиқаришга қилинадиган ўзгаришларни олади.
R18	Берилган қарзнинг ўртача миқдори	Берилган қарзлар ҳажми Берилган қарзлар сони	Хар бир берилган қарзнинг ўртача миқдорини баҳолайди. Ушбу коэффициент кўпгина қарзларни бериш бўйича прогностларни тузиш учун янгилаштилади. Ушбу коэффициентини ёки R17 ни аҳоли жон бошига бўлиб келадиган янги ички маҳсулот билан қўйиш мумкин (№ 12).

Қарз бериш қиймати. Қарз бериш қийматининг коэффиценти берилган қарзларнинг сони асосида маблағларни тақдим этиш қиймати тўғрисида гувоҳлик беради. Ушбу иккала коэффицент (R9 ва R10) катта миқдордаги қарзларнинг берилишига қараб операцион харажатларнинг ошиши ёки камайишини аниқлаш мақсадида маълум вақт оралиғида биргаликда кўриб чиқилиши керак. Ижобий тенденция бўлиб қарз бериш қийматининг пасайиш тенденцияси ҳисобланади.

Қарзлар бўйича менежерга тўғри келадиган фаол мижозларнинг сони. Бу кўрсаткич ходимларнинг унумдорлигини назорат қилиш ва ташкилотнинг операцион самарадорлигини баҳолаш учун қимматли ҳисобланади. Қарзлар бўйича менежернинг юкламаси ташкилотнинг методологик жиҳатлари билан аниқланади. Бунда яхши режалаштирилган дастурлар қарзлар бўйича менежерга тўғри келадиган мижозлар сонининг янада юқори кўрсаткичларига эришишга қодир бўладилар. Ижобий тенденция бўлиб қарзлар бўйича менежерга тўғри келадиган фаол мижозлар сонининг ўсиш тенденцияси ҳисобланади.

Қарзлар бўйича менежерга тўғри келадиган портфель. Қарзлар бўйича битта менежерга тўғри келадиган қарзлар портфелининг миқдори молиявий ҳаётга қодирликнинг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади. Чунки, менежерга тўғри келадиган янада йирик портфель кўпроқ даромад келтиради, ходимлар учун қилинадиган харажатлар ўзгармайди. Ижобий тенденция бўлиб қарзлар бўйича менежерга тўғри келадиган портфелнинг ошиш тенденцияси ҳисобланади.

Кечиктиришлар коэффиценти. Ижобий тенденция бўлиб кечиктиришлар коэффицентининг пасайиш коэффиценти ҳисобланади.

Портфель rischi. Ҳам кечиктиришлар коэффиценти, ҳам портфель rischi коэффиценти ташкилотга қарзларни узиш жараёни ва тўловсизлик riskини назорат қилишга кўмаклашади. Иккала кўрсаткичлар ўртасидаги фарқ шунда намоён бўладики, кечиктиришлар коэффиценти кечиктирилган тўловлар миқдорини ҳисобга олган бир пайтда портфель rischi коэффиценти бир ва ундан кўп кечиктирилган тўловларга эга бўлган барча тўланмаган қарзларнинг қолдиғини ҳисобга олади. Ижобий тенденция бўлиб портфель rischi коэффицентининг пасайиши тенденцияси ҳисобланади.

Зарарлар коэффиценти. Маълум даврда ўртача портфелдан фоиз кўринишидаги қарзлар бўйича зарарлар маълум даврда ҳисобдан чиқарилган қарзларнинг миқдорини англатади. Барча ташкилотлар маълум фойздаги ишончсиз қарзларга эга бўлишдади, бироқ яхши бош-

қариладиган ташкилотлар ушбу кўрсаткични паст даражада ушлаб туриш вазифасини ўзининг асосий вазифалари қаторига қўяди. Ижобий тенденция бўлиб зарарлар коэффицентининг пасайиш тенденцияси ҳисобланади.

Захира коэффиценти. Захира коэффиценти туловларнинг тарихий даражасига асосланган ҳолда ташкилот портфелининг қайтмаслиги мумкин бўлган фоизини олишни кутмасликни кўрсатади. Молияни оқилona бошқариш ва ҳисоботларда ахборотни тулиқ кўрсатиш шуни кўрсатадики, бу рақам қайтмаслиги прогнозлаштирилган энг юқори маблағни ифодалаши керак. Ижобий тенденция бўлиб захира коэффицентининг пасайиш тенденцияси ҳисобланади.

6-БОБ. ММТ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ

6.1. Кредит портфели сифатини баҳолаш кўрсаткичлари

Кредит портфели сифатини баҳолашга турли ёндашувлар мавжуд. Лекин уларнинг барчаси кредит портфели маблағларининг ишончли жойлаштирилганлигини кўрсатади. Энг кўп фойдаланиладиган кўрсаткичлар қуйидагилар:

- **резерв шакллантириш даражаси** — кредитларнинг қайтмаслиги бўйича зарарларни қоплаш мақсадида шакллантирилган резервларнинг дебиторлик қарзларига нисбатан улуши;

- **қайтмаслик даражаси** — дебиторлик қарзлари миқдорида муддати ўтган қарзнинг улуши;

- **ҳисобдан чиқариш даражаси** — (давр учун) ҳисобдан чиқарилган кредитларнинг қопланмаган қарзларнинг ўртача миқдorigа ёки берилган кредитлар миқдorigа нисбати.

Таъминланмаган кредитларни беришни чеклаш; кредитларнинг қайтмаслик ҳолатлари учун резервлар.

Хавфларни имкон қадар камайитириш учун меъёрий ҳужжатларда купинча ташкилотнинг ўз маблағларидан маълум фоизи шаклида таъминланмаган кредитларни беришни чеклашлар айтиб ўтилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тасдиқланган "Кредит уюшмалари томонидан молиявий операцияларни ўтказиш қоидалари"да битта қарздорга берилган таъминланмаган (ишончли) кредитнинг максимал миқдори кредит уюшмаси капиталининг 10% қисмидан ортмаслиги лозим. Бу қондани микрокредитларга қўллаш қийин, чунки бу юқори фойда олиш мақсадида ўз капиталини депозитлар ёки қарз маблағлари ҳисобига тўлдиришни тақиқлаб қўйган бўлар эди.

Банк меъёрий ҳужжатлари барча таъминланмаган кредитлар учун уларни бериш пайтига келиб, қоплаш муаммолари юзага келишидан аввал резервларни яратишни талаб этиши мумкин.

Лекин, агар микрокредитлар портфелига келсак, бундай талабларни бажариш мумкин эмас. Ҳатто агар таъминланмаган кредитлар бўйича резервларни яратиш харажатлари кейинчалик кре-

дитни қайтариш ҳисобидан қопланса ҳам, жорий кредитлар буйича жами йиғимлар ММТ реал фойдасининг жиддий камайишига олиб келади.

Ушбу иккита муаммони ҳал этиш учун, одатда, "таъминот" сифатида гуруҳ қафолатлари қаралади, бу ушбу меъёрларни микроомлиялаш соҳасида қўллашга имкон беради. Лекин гуруҳли қафолатларнинг самарадорлиги купинча таъмин этилганидан пастроқ бўлади. Микрокредитларни бериш соҳасида ҳимояланганликнинг энг муҳим манбаи гуруҳли қафолатлар эмас, балки кредитларни бериш, мониторинг қилиш ва молиявий ташкилотга қабул қилинганларни қайтариш амалларининг самарадорлиги ҳисобланади (6.1-жадвал).

6.1-жадвал

Кредит портфели сифат кўрсаткичлари

Сатр коди		1-йил	2-йил	Усиш/камайиш кўрсаткичи
П	Копланмаган қарздорлик	34 754 640	50 826 793	46%
Р	Захира (резерв)	347 758	524 742	51%
$K5=P/P$	Захиралаш даражаси, жумладан:	1.0%	1.03%	3%
$K5.1=P_1/P_1$	Тадбиркорлик кредитлари буйича	1.33%	1.39%	4%
$K5.2=P_{ист}/P_{ист}$	Истеъмол кредитлари буйича	0.51%	0.68%	33%
С	Муддати утган қарздорлик миқдори	576 736	891 114	55%
С.1	Тадбиркорлик кредитлари буйича	494 761	672 458	36%
С.2	Истеъмол кредитлари буйича	81 975	218 656	167%
Т	Давр охирида мавжуд портфель миқдори	38 854 453	67 116 623	73%
Т.1	Тадбиркорлик кредитлари	16 723 995	25 573 650	53%
Т.2	Истеъмол кредитлари	10 915 654	25 361 833	132%
$K6=C/T$	Сундирилмаган қарздорлик буйича кайтмаслик даражаси	1.48%	1.33%	-11%
$K6.1=C.1/T.1$	Тадбиркорлик кредитлари буйича	2.96%	2.63%	-11%
$K6.2=C.2/T.2$	Истеъмол кредитлари буйича	0.75%	0.86%	15%

Ушбу тузатишлар қайси вазлар билан оқланишидан қатъи назар, ваколатли қарз берувчиларга микрокредитлар берилишидан кейин уларнинг миқдоридаги маълум фоиз миқдоридаги резервларни автоматик депонентлашга жалб этилмаслиги керак. Лекин кредит қайта-

риш муддати олтмиш кундан ошиб кетганидан кейин уч ойга, ҳар ҳафта қоплаш шартларида берилган таъминланмаган микрокредитнинг қайтарилмаслиги эҳтимоли икки йилга берилган, кучмас мулк билан таъминланган ва ҳар ойда қоплашни кўзда тутадиган кредитга нисбатан бу юқорироқ бўлади.

Баъзи давлатларда ММТларнинг банклардан кредит олишининг олдини олишнинг самарали механизми мавжуд, чунки ММТлар тегишлича таъминот бера олмайди, бундай таъминотсиз банк кредит миқдоридан маълум фоизли резерв яратишига тўғри келади. Лекин Ўзбекистон Республикасида ММТ фаолияти ривожланиши билан банк кредитлари ички бозори қарз маблағларини жалб этишнинг мақбул манбаларидан бирига айланиши мумкин.

Кредит ҳужжатлари.

Ўзбекистон Республикасининг банк меъёрий ҳужжатлари тижорат банклари ва мавжуд нобанк молиявий ташкилотлар ўртасидаги кредит сиёсатида фарқларни ҳисобга олади. Тижорат банклари ва кредит уюшмаларининг кредит ҳужжатлари тартибини белгилаб берувчи асосий ҳужжат кредит сиёсати бўлиб, тижорат банклари учун Марказий банк томонидан кредит сиёсатида бўлган талаблар ва кредит ҳужжатларини юритиш амаллари юзасидан махсус қоидалар ишлаб чиқилган.

Кредит битимини биргаликда имзолаган шахсларнинг кредит олувчилар сифатида чиқишини чеклаш.

Баъзан қонун ости ҳужжатлари билан банкка кредит битимини биргаликда имзолаган ёки бошқа усулда айни шу банк томонидан берилган бошқа кредитни қафолатлаганларга кредит бериш тақиқланади (боғланган кредитлаш дейилади). Бу ҳолат барча аъзолар бир-бири билан кредит битимларини мизолаши лозим бўлган гуруҳли қарз олиш механизмларини қўлайдиган молиявий ташкилотлар учун муаммолар яратади.

Ўзбекистон Республикаси банк қонунчилигида тижорат банклари ҳамда кредитлаш уюшмалари билан боғлиқ шахсларни кредитлаш лимитлари белгиланган.

Марказий банкнинг банклар ва улар алоқадор шахслар ўртасидаги операциялар тўғрисидаги Низомига мувофиқ банкларга улар билан боғланган шахслар ёки улар номидан иш юритувчи шахслар билан битим тузиши тақиқланади, агар бундай битимлар банк билан боғланмаган шахслар билан тузилган битимларга қараганда мақбулроқ шартлар асосида тузилган бўлса.

Банкка алоқадор боғланган шахслар билан операцияларни фақат Банк Кенгашининг рухсати билан амалга ошириш мумкин. Банк томонидан у билан алоқадор барча шахсларга берилган ҳамма кредитларнинг

умумий миқдори банкнинг биринчи даражали регулятив капиталининг 100% миқдоридан ошмаслиги лозим. Ҳар бир банк Марказий банкка ўзи билан алоқадор шахс ёки унинг номидан иш юритувчи шахслар билан барча операциялар бўйича ойлик ҳисоботни юбориши лозим.

Кредит уюшмалари томонидан молиявий операциялар ўтказиш қоидаларида бир қарздорга ёки ўзаро боғлиқ қарздорларнинг гуруҳига берилган кредитнинг миқдори кредит уюшмасининг капиталининг 25% дан ошмаслиги лозимлиги кўзда тутилган. Бундан ташқари, кредит уюшмаси алоқадор шахслар билан, яъни: Кенгаш аъзолари, кредит қўмитаси аъзолари, тафтиш комиссияси ва кредит уюшмасининг ходимлари билан, шунингдек, уларнинг яқин қариндошлари билан битимларни тузиш тақиқланади, агар бундай битимлар кредит уюшмаси билан алоқадор шахслар билан тузилишига қараганда мақбулроқ шартлар асосида тузилган бўлса.

6.2. Самарадорликни баҳолаш кўрсаткичлари

Микромолиявий ташкилот унумдорлигини баҳолаш кўрсаткичлари асосан ташкилот ходимларининг унумдорлигини таърифлайди.

- **ходимларнинг унумдорлиги** — фаол қарздорлар (омонатчилар) сонининг ходимлар сонига нисбати билан белгиланади. Ушбу кўрсаткич, шунингдек, бир кредит инспекторига фаол қарздорлар сони билан ўлчаниши мумкин.

Ходимларнинг ёки кредит инспекторининг унумдорлиги, шунингдек, берилган кредитлар миқдорида, жалб этилган жамгармалар сони, жорий ва якуний муддати ўтган тўловлар ҳажмига ҳамда улар билан боғлиқ бўлган хизмат кўрсатиладиган портфелнинг хавфлилик кўрсаткичига кўра ҳисобланиши мумкин.

Қўйидаги жадвалдан кўриниб турганидек, фаол қарздорлар (омонатчилар) сони кескин ошганда кредит инспекторларининг сони унча ошмаган. Бу бир инспекторга тушадиган иш интенсивлигини 74 кишидан 79 кишигача (7% га) оширишга имкон беради. Инспекторнинг нормал иш юритиши 30 — 35 киши даражасида баҳоланади.

- **операцион харажатлар (сарфлар) коэффиценти** кредит операцияларининг самарадорлигини тавсифловчи кўрсаткич ҳисобланади. У ҳам ҳар бир фаол қарздорга, ҳам ҳар бир берилган қарзга нисбатан ҳисобланиши мумкин. Берилган кредитлар миқдорида ёки дебиторлик қарзининг миқдорида нисбатан ушбу коэффицент берилган кредитнинг ёки қопланмаган дебиторлик қарзининг пул бирлигига нисбий харажатларни кўрсатади.

Кредит инспекторининг унумдорлигини ҳисоблаш¹³

Сатр коди		1-йил	2-йил	Усиш/ камайиш индекси
А	Фаол қарздорлар сони	970	1160	20%
Б	Ихтиёрий жамғармаларни жойлаштирган фаол омонатчилар сони	138	186	35%
В	Кредит инспекторлар сони	15	17	13%
$\frac{П1=(А+Б)}{В}$	Кредит инспекторининг кредит буйича унумдорлиги, хизмат курсатиладиган қарздорлар сонига кўра	74	79	7%

Келтирилган 6.2-жадвалдан кўриниб турганидек, фаол қарздорлар ўртача сонининг 30% га ортиши ва операцион харажатларнинг умумий массасининг камайиши битта миқдорга харажатлар даражасини — 40% га (П2), битта хизмат курсатиладиган қарзга харажатларни эса — 49% га (П3) камайитиришга имкон берди.

Берилган кредитлар сони ўтган йилга қараганда 10% га камайди, шунинг учун битта берилган қарзга харажатлар даражаси (П4) озроқ яъни, 13% га камайди. Ҳар бир кредитларга жойлаштирилган сўмнинг нисбий қиймати (П5) 4 дан 3 гача пасайди, қопланмаган дебиторлик қарзининг ҳар бир сўмининг нисбий қиймати (П6) - 19 дан 8 гача пасайди.

Шуни қайд этиш лозимки, ушбу кўрсаткичнинг даражасини таърифлайдиган бирор-бир меъёрий бирлик мавжуд эмас. Жаҳон амалиётида муваффақиятли ММТлар кредит портфелининг даражасидан 13% дан 21% гача ёки активларнинг умумий миқдоридан 5% дан 16% гача миқдорига эга бўлади, деб ҳисобланади.

Батафсилроқ таҳлил мақсадида операцион харажатлар айрим элементларга ажратилиши мумкин (иш ҳақи ва нафақалар; ижара туловлари; коммунал хизматлар ва ҳоказо).

¹³ Микромолиявий ташкилотларнинг молиявий коэффицентларини таҳлил қилиш SEEP Network Calmeadow. 2000.

Депозитларни жалб қилувчи микромолиявий ташкилотлар учун ушбу коэффициентларнинг даражаси пастроқ бўлади, чунки бу ҳолда депозитларни йиғишда қўшимча харажатлар юзага келади. Шунинг учун депозитларни қабул қилувчи ММТлар, масалан, кредит уюшмалари унумдорлигининг коэффициентлари депозитларни қабул қилмайдиган ММТлар, масалан, микрокредит ташкилотларининг шунга ўхшаш кўрсаткичларига қиёсланмаслиги лозим.

- молиявий структура ва ишончлилиқ коэффициентлари. Молиявий структура ишончлилиқ пруденциал меъёрларни маълум даражада акс эттиради. Лекин ММТлар аҳолининг депозитларини жалб қилмаган ҳолатларда, одатда, ММТда нопруденциаль тартибга солиш усуллари қўлланади. Шунинг учун бу ҳолда ушбу тизимни қуйидаги кўрсаткич тўлдиради:

- кредитларнинг активлардаги улуши – ММТ нинг активлари умумий миқдоридаги кредитлар портфелининг улушини кўрсатади.

Бунга қўшимча кредитларнинг айланма активлардаги улуши ҳисобланиши мумкин, у микрокредитлар портфели маблағларининг ишлатилиши даражасини ёки вақтинча жойлаштирилмаган маблағлар улушини кўрсатади.

- Активлардаги жамғармалар улуши – активлар қарздорларнинг шахсий жамғармалари билан қанчалик таъминланганлигини кўрсатади. Активларнинг умумий массаси бўйича, муддати ўтган қарзларни

6.3-жадвал

Мисол: Операцион харажатларни ҳисоблаш

Сағр коди		2003	2004	Усиш/камайиш индекс
Г	Операцион харажатлар, грантлар ҳисобидан қилинган харажатлардан ташқари	5134166	4041812	-21%
Д	Давр учун фаол қарздорларнинг ташқари уртача сони	839	1092	30%
П2=Г/Д	1 та мижоз учун операцион харажатлар	6123	3700	-40%
Е	Давр учун фаол кредитларнинг уртача сони	930	1445	55%
П3=Г/Е	Бир кредитнинг операцион харажатлари	5524	2797	-49%
Ж	Берилган кредитлар сони	3253	1943	-10%
П4=Г/Ж	Битта берилган қарзга операцион харажатлар	1578	1373	-13%
З	Берилган кредитлар қиймати	119083781	153518030	29%
П5=Г/З	Берилган пул бирлигига операцион харажатлар	0,04	0,03	-39%
И	Дебиторлик қарзининг уртача	27332770	49895220	83%
П6=Г/И	Бир бирлик дебиторлик қарзининг хизмат миқдори бирлигига операцион харажатлар	0,19	0,08	-57%

Сатр коди		2003	2004	Усиш/камайиш индекси
И	Кредитлар буйича ўртача дебиторлик қарздорлик	27332779	49895220	83%
К	Айланма активларнинг ўртача йиллик қиймати	28152753	58675067	108%
К 1.1= И/К	Кредитларнинг айланма активлардаги улуши	97%	85%	-12%
<i>Баланс ҳисоботи санасига</i>				
И.1	Кредитлар буйича дебитор қарздорлик	38854453	67116623	73%
К.1	Айланма активларнинг қиймати	42908044	74442091	73%
К 1.1= И/К.1	Айланма активларда кредитларнинг улуши	91%	90%	-0,4%

ёки муддати ўтган қарзлар буйича зарарларни қоплаш учун жорий резервларни ҳисобга олган ҳолда ҳисобланган айланма активларнинг қиймати буйича ҳисобланиши мумкин.

Анъанавий ёндашувда (масалан, банкларга нисбатан шунга ўхшаш кўрсаткични ҳисоблаганда), ушбу коэффициент активларга мажбуриятлар юкланганлигининг кўрсаткичи каби қабул қилиниши мумкин. Лекин ММТ ҳолатида (ММТ мажбуриятлари бўлган) қарздорларнинг жамғармалари аynи пайтда кредитлар портфелини шакллантиришнинг асосий манбаини ташкил этди. Шунинг учун активларда жамғармалар улушини оширишда салбий мойиллик эмас, балки, аксинча, қарздорларнинг ММТга ишончи ортишининг кўрсаткичи сифатида баҳолаш лозим.

Пуллик мажбуриятлар ва ишлаб чиқариш активларининг нисбати даромад базасини шакллантиришда жалб этилган маблағларнинг улушини кўрсатади. Акс нисбатида (ишлаб чиқариш активларининг пуллик мажбуриятларга нисбати) бу кўрсаткич кредитлар портфелининг айланмасига ўз маблағларининг бир қисми жалб этилиши ҳисобига жалб этилган маблағлар буйича мажбуриятларга хизмат кўрсатиш ресурсли имкониятларини кўрсатади. Кўрсаткични ҳисоблашда кредитлар портфелининг баланс кўрсаткичлари соф ҳолда (брутто-портфель) ва жорий муддати ўтган туловлар буйича шакллантирилган резервларни ҳисобга олмаганда (нетто-портфель) қўлланади.

6.3. Ижтимоий таъсирни баҳолаш

Микромолиялаштириш кўп жиҳатдан ижтимоий аҳамиятга эга эканлиги туфайли ривожланади ва турли донор ва ҳукуматлар томонидан қўллаб-қувватланади. Акс ҳолда уларни фойда олиш пировард мақсади бўлган бошқа тижорат ташкилотлардан фарқи қолмайди.

Ижтимоий таъсир амалда ташкилотнинг ижтимоий юксак вази-
фасини самарали амалга оширишидир. Ижтимоий таъсир монито-
ринги ва баҳоланиши мутахассислар томонидан ижтимоий натижа-
ларга эришиш учун мақсадли стратегия ва тизимлаштирилган мони-
торингнинг талаб қилинишини англаб етишга қараб саноатда янада
муҳим аҳамият касб этади.

Ижтимоий таъсирни бошқариш. Ижтимоий мақсадлар, шубҳасиз,
микромолиялаштириш учун янги бир нарса эмас. Доимий тарзда аёл-
ларнинг тенг ҳуқуқлигига эришишда, қашшоқлик билан курашда ёки
жамият ривожини таъминлашда восита сифатида ўзгалар қаторида мик-
ромолиялаштиришдан фойдаланиш нуқтаи назаридан эътибор берил-
ган эди. Бироқ биз эришилган натижалар мониторинги бўйича деярли
билимларга эга эмасмиз. Дунёда 30 та ташкилот амалий лойиҳаларнинг
ҳамкори бўлиб, Imp-Act дастури ижтимоий кўрсаткичларга баҳо бериш
tizими сифатида ижтимоий таъсирни бошқаришни (ИТБ) мезон қилиб
олиб, ўз фаолиятини такомиллаштириш мақсади ушбу ахборотдан фой-
даланиб келмоқда (қуйидаги расмга қаранг). ИТБ ўзи билан мажмуа-
вий тузилмани касб этиб, мижозларни микромолиялаштиришда ман-
фаатларини оширишга қаратилган (масалан, бозор тадқиқотлари, ми-
жозларни баҳолаш, маҳсулотни ишлаб чиқиш, хизмат кўрсатиш мада-
нияти ва ҳ.к. дан иборат бўлган мажмуавий тузилмадир).

Ижтимоий таъсирни бошқариш моҳияти.

Аслини олганда, ИТБ мижозлар кимлигини, улар қай тарзда маҳ-
сулот ва хизматлардан фойдаланиши ҳамда бундан қандай фойда олиш-
ларини тушуниб етишда ёрдам беради. Бундай ахборот турли манфаат-
дор шахслар томонидан дастурнинг таъсирига баҳо бериш учун, шу-
нингдек, хизматларни такомиллаштириш учун жуда ҳам муҳим.

Бунда асосий олти масалалага, эътибор қаратиш лозим:

1. Ижтимоий таъсирнинг мақсадлари ва уларга эришиш йўллари.

Ижтимоий мақсад ва стратегияларнинг аниқ белгиланиши туфай-
ли мижозларнинг эҳтиёжлари учун хизматларни янада тўлароқ таш-
кил этиш ва ушбу мақсадларга хизматларнинг мувофиқ келиши мо-
ниторингини амалга ошириш мумкин. Ижтимоий мақсадларга тасоди-
фан эришиб бўлмайди. Молиявий натижалар сингари, улар аниқ стра-
тегияни ва мониторинг бўйича доимий изланишларни талаб қилади.

**2. Маҳсулот ва дастур хизматларидан кимлар фойдаланади ҳамда
кимлар фойдалана олмайди?**

Агар сиз мижозларга хизмат кўрсатишни яхшиламоқчи бўлсан-
гиз, уларни билиш аҳамиятли омил ҳисобланади. Жуда кўп ҳолат-
ларда мижозларнинг эҳтиёжлари ва уларнинг дастурда қатнашиши,

еши, жинси, билим савияси ва бизнес турига қараб турлича бўлади. Мижозларнинг демографик хусусиятларининг улар фойдаланилаётган хизматларга мувофиқ келиши бозорнинг маълум соҳаларига қараб таклиф қилинаётган маҳсулотларнинг мос келишига ёки диверсификация қилишда ёрдам беради. Мижозларни гуруҳларга ёки тоифаларга ажратишнинг кўпгина усуллари мавжуд, сизнинг ташкилотингизга мувофиқ келадиган тоифаларни аниқлашингиз билан, сиз портфелнинг умумий тузилмасида ҳар бир тоифа қай тарзда намоён бўлганлигини билмоқчи бўласиз. Шунингдек, мақсадга қараб бозорда ким ва нима сабабдан қамраб олинмаганлигини билиш ҳам фойдалидир. Батафсил ахборот мавжуд бўлган хизматларга тузатишларни киритишга ёки истиқболли мижозларни жалб қилиш учун янгиларини ҳам таклиф қилишга мажбур қилиши мумкин.

3. Мижозларнинг дастурни тарк этиши ёки мавжуд бўлган хизматлардан тўлиқ фойдаланмаслик сабаблари?

Омилларнинг кенг қўлами кредитлардан фойдаланишни тўхтатиш, узоқ вақт мобайнида жамғарма ҳисобига янги бадалларни қилмаслик ёки дастурдан ўз пуллари олиб қўйиш юзасидан мижознинг қарори-

Imp-Act дастури

Imp-Act амалий тадқиқотлар умумжаҳон дастури микро-олиялаштиришда ижтимоий таъсир мониторинги ва бошқариш жараёнига кўмак беради. У микроолиялаштириш соҳасидаги амалий мутахассислар, миллий ва халқаро тармоқларни қўллаб-қувватловчи ташкилотларни ва Буюк Британиянинг учта университети жамоасини бирлаштиради.

Даставвал, дастур таъсирни баҳолашга қаратилган эди, лекин уч йилдан сўнг у бутун таъсир жараёнига қайта йўналтирилди. Бунга мувофиқ, *дастур* жараённинг ҳар бир жиҳатини баҳолаш сифатида, йўналтирилган ижтимоий таъсирни бошқариш тузилмасини ишлаб чиққан, шу тўғрисида ташкилот ўзининг ижтимоий йўналишларини мижозларга ва умуман, жамият ижтимоий ҳаётига иқтисодий пировард натижалар ва таъсирлар сифатида татбиқ этиб келмоқда.

Дастурнинг барча ҳамкорлари узларининг мижозлари ҳақида кенг қўламли ахборотга эга бўдилар ва уларнинг эҳтиёжларини яхшироқ қондиришга ургандилар. Барча ташкилотлар ўз фаолиятларини такомиллаштириш учун олинган ахборотдан фойдаланадилар. Масалан, Ганадаги Sinapi-Aba Trust аёллар ташкилоти бизнесдаги ўз иштирокини кенгайтириш имкониятларини ошириш учун янада йирикроқ кредитларни олиш бўйича ўқув дастурини ишлаб чиқди. Нигериядаги LAPO эса мижозлар учун сўровномани мукамаллаштирди, бу эса унга мижозлар ташкилотга келганида ва кейинги ҳар бир кредит олганида ўз мижозларининг қашшоқлик даражаси мониторингини амалга ошириш имкониятини беради.

га таъсир кўрсатишлари мумкин. Айрим омиллар дастурнинг амал қилиши билан боғлиқ эмас. Мижознинг бизнеси етарли даражада мустаҳкамланиши ва унга бундан буён кредитлар керак бўлмаслиги мумкин; шахсий муаммолар ёки касаллик бизнесни олиб боришдан вақтинчалик воз кечишига олиб келиши мумкин; мавсумий омиллар билан боғлиқ бўлган фаолсизлик даврлари бўлиши мумкин. Лекин дастурнинг айрим жиҳатларидан қониқмаслик ёки бошқа ММТ танлаш каби бошқа тушунтиришлар раҳбариятда ташвиш уйғотиши керак.

4. Дастур мавжуд мижозларга қандай таъсир кўрсатади?

Мижозларнинг турмушида қандай ўзгаришлар содир бўлмоқда? Уларнинг даромадлари ошмоқдами? Уларнинг бизнеси ўсмоқдами? Уларнинг овқатланиши яхшиланыптимми? Уларнинг қашшоқлик даражаси ўзгармоқдами? Ушбу саволлар мижознинг эҳтимолдаги мақоми кўрсаткичларининг мисолдир. ММТ уларда маълум ижтимоий мақсадларни янада аниқроқ белгилаш имкониятини берувчиларни танлаб олиши керак.

5. Хизматларни такомиллаштириш учун ижтимоий таъсир ҳақидаги ахборотдан қандай фойдаланиб келинмоқда?

ИТБ тизими ўз ичига турли манфаатдор шахсларнинг эҳтиёжларига мувофиқ келадиган амалий фаолият, маҳсулот ва хизматларга нисбатан қарорларни қабул қилишга сабаб бўладиган тўпланган ахборотни ошкор қилиш жараёнини ўз ичига олади. Коммуникация воситалари ўзгариши, маълум қарорларни қабул қилиш учун тайёрланган таҳлилий ҳисобот, натижаларга расмий ишлов беришгача бўлган ишлар жараёнининг давомийлигини таъминлайди.

6. Сиз қандай қилиб ушбу саволларга жавоб бериш учун ишлатиладиган тизимларни қўллаб-қувватлайсиз ва сифатини мукаммаллаштирасиз?


ИТБ фаолияти ҳаётий иқтисодий жараёндан иборатдир. Мақсад, мижозлар ва ИТБ контексти вақт ўтиши билан ўзгариб боради, мониторинг жараёнлари ҳам мунтазам қайта кўриб чиқирилиши лозим бўлади. ИТБ жараёнининг асоси ҳисобланган тизимнинг даврий тафтиши, тўпланган ахборотнинг ишончлилиги ва эҳтиёжларинингизга мос келишини кафолатлайди.

Ижтимоий таъсирни бошқариш тизимини яратиш.

Юқорида келтирилган асосий саволларга жавоблар таъминланишини ҳисобга олиб пухта чиқилган ИТБ, юксак вазифа ва аниқ мақсадларга асосланган тизимли ёндашувни талаб қилади. Уни қатъий белгиланган тўплаш ва маълумотларни таҳлил қилиш усулларида фойдаланиб, шунингдек, коммуникация ва натижаларни қўллаб жорий қилиш керак.

Таъсир жараёнини кўриб чиқиш.

Анъанавий баҳолаш пировард натижаларга мўлжалланган. Шу билан бирга ИТБ таъсир кўрсатиш эришилладиган жараённи ва уни бошқаришни англаб етишга ёрдам беради. Ушбу жараённинг мунтазам мониторинги ўз фаолиятини такомиллаштириш учун турли таркибий қисмларга қайси тузатишларни киритиш мумкинлигига кўмак беради (6.2- расмга қаранг). Мижозларнинг эҳтиёжларига яхшироқ жавоб бериш учун дастур амал қилишининг такомиллаштирилиши дастурнинг таъсирини кучайтиради.



6.2-расм. Ижтимоий таъсирни бошқариш ва натижаларга эришиш йўллари

ИТБ қуйидагиларга ёрдам бериб, раҳбариятга фойда келтиради:

- улар билан боғлиқ бўлган муроа йўлини янада пухта англаб етиш негизида янада мукамал бўлган бизнес-режаларни қабул қилиш учун молиявий ва ижтимоий мақсадларини барқарорлаштириш;
- ижтимоий таъсирга янада чуқурроқ баҳо бериш учун бебаҳо ахборотни биринчи қўлдан тўплаш;
- қўйилган мақсадлар билан ҳам ижтимоий, ҳам молиявий кўрсаткичларни солиштириш;
- бошланғич босқичда ташкилот учун хавф туғдиришига қадар муаммоларни аниқлаш.

ИТБ мижозларнинг эҳтиёжларини янада мувофиқ келувчи хизматлар билан таъминлаб, уларга фойда келтиради.

ИТБ молиявий кўрсаткичларга ижобий таъсир кўрсатади, бунинг натижасида:

— Мониторинг ва мижозларнинг дастурингиздан қониқиш даражаси ҳақидаги фикрлари туфайли, мижозларни ушлаб қолиш даражаси ошади.

— Маҳсулот ва хизматларингиз талабга қаратилиши сабабли, ташкилотингиз истиқболли мижозлар учун янада қулай бўлиши туфайли дастур ривожланади.

— Операцион харажатлар камаяди, чунки ўзингизнинг инвестицияларингизни яхшироқ англаб етишингиз туфайли сиз манбалардан янада самаралироқ фойдаланасиз.

— Манфаатдор шахсларга ижтимоий таъсир намоиш этилади, бу билан сиз молиялаштириш манбаларининг кучли рақобат бозорида яхшилланишига эришасиз.

ИТБ таркибий қисмлари

ИТБда ижтимоий юксак вазифага эришиш йўлида турли босқичлар мониторинги ва англаб етиши учун воситалар ҳамда услубиётлар қўлами кенг қўлланилади. Пировард натижада, бу сизнинг ижтимоий таъсир мақсадларингизни ҳаётга татбиқ этиш учун имкониятларингизни такомиллаштириш йўлидаги фаолият билан уни баҳолашни уйғунлаштирадиган тузилмадир. ИТБ ўз ичида учта таркибий қисмдан иборат бўлган жараёни касб этади:

1-таркибий қисм: Ижтимоий таъсир стратегиясини ишлаб чиқиш ММТ ижтимоий таъсир мақсадлари унинг асосий вазифаси билан белгиланади. Асосий вазифа дастур дизайни ва фаолиятини белгилаб берувчи аниқ ва ўлчаб бўладиган мақсадлар кўринишида ифода этилади. Ижтимоий таъсир мақсадлари одатга кўра учта тоифага бўлинади: ўзига хос хусусиятлари билан мижозларни қамраб олиш, мижозлар эҳтиёжларига жавоб бериш ва мижозларга, уларнинг оила аъзоларига ва жамиятга таъсир кўрсатиш.

2 таркибий қисм: Ижтимоий таъсир мониторинги ва баҳоланиши.

Ижтимоий таъсир ўзи билан амалда ММТ маълум ижтимоий мақсадлар самарадорлигини касб этади. Алоҳида олинган мақсадларга эришиш назорати аниқ воситаларни талаб қилади. Масалан, қашшоқлик даражасини баҳолаш сўровномалари ёки воситалари қамраб олишни баҳолашда ёрдам беради; бозор тадқиқот воситалари, ташкилот мижозлар эҳтиёжларини қанчалик самарали қондиришини англаб етишга ёрдам беради. Қайси бир мақсадлар баҳоланмасин, жараён қуйидагиларни қамраб олиши керак: 1) мижозлар мавқеининг асосий ахборотини назорат қилиш учун кундалик мониторинги; 2) мониторинг жараёнида аниқланган мойиллик ва муаммоларни чуқурроқ ўрганиш мақсадида назорат тадқиқотлари.

3-таркибий қисм: Институциализация ва ижтимоий таъсир ҳақидаги ахборотдан фойдаланиш.

ИТБ негизи — ахборотдан фойдаланишдир. Олинган маълумотлардан ўз вақтида ва тизимли фойдаланиш ташкилотга ижобий таъсир кўрсатади, бу эса ИТБнинг қолган тизим ва жараёнлар билан аста-секин интеграциясини талаб қилади.

6.2-расмда ижтимоий таъсирга эришиш йўллари ва ИТБ жараёнларининг қисқача шарҳи кўрсатилган. Марказдаги етакчи ташкилотнинг асосий вазифаси қай тарзда ижтимоий таъсирнинг маълум мақсадлари кўринишда ифода этилиши кўрсатилган. Ишга қобилиятли тизимлар яратилиши ва хизматлар таклиф қилиниши туфайли мижозларнинг мақсадга қаратилган гуруҳларига эришиш ва уларнинг эҳтиёжларини қондириш бўйича натижаларга эришилади. Мижозларнинг мақсадли гуруҳи эҳтиёжларини қондириш ижтимоий юксак вазифага эришиш соҳасидаги кутилаётган ўзгаришларга олиб келади. Мил атрофида ижтимоий таъсирни бошқариш жараёни жойлашган. У бу босқичдаги мониторинг ва ҳаракат баҳоланишини, шунингдек, тартиботларни такомиллаштириш учун олинган ахборотдан фойдаланишни кўзда тутди.

Ижтимоий таъсирни бошқариш жараёнининг асосий вазифаси мижозлар эҳтиёжини қондиришдан иборат.

Ижтимоий таъсирни бошқаришдан мақсад — мижозларга янада сифатли хизмат кўрсатишдир. Сиз ижтимоий мақсадларга эришиш йўлидаги мониторинг ҳаракатларини амалга ошириб, қаерда ва қайси йўналишда бораётганлигини билиб оласиз. Бундай жараёнда ижтимоий таъсир онгли инвестицияларсиз хомхаёл, амалиётдан узилиб қолган ғоя бўлиб қолади.

Шунга қарамай, микромолиялаштириш мутахассислари жамоаси бу вазифани ҳал қилди. Ҳозирги вақтда ушбу муаммоларни ечишга хизмат қилувчи, синовдан ўтказилган ва турли вазиятларга мослашган воситалар мавжуд. ММТси томонидан ўтказилган синовлар ва воситалар ўрганишлари билан бошқа ММТлар учун ҳам бой тажриба яратилади.

1. Алоқалар миқдори. Менежер билан бўйсунувчиларнинг яқин алоқаси, улар ўртасида тез-тез маслаҳатлар, бўйсунувчилар ўртасида ҳаракатларни келишиб олиш ва мувофиқлаштириш талаб қилинаётган жойларда бўйсунувчиларнинг миқдори жуда кўп бўлмаслиги керак, чунки менежер жисмоний томондан бундай ишни бажара олмайди.

2. Бўйсунувчиларнинг тайёргарлик ва малака даражаси. Агар бўйсунувчилар етарли даражада малакали бўлсалар ва мунтазам маслаҳат кўмагига муҳтож бўлмасалар, уларнинг сони кўпайтирилиши мумкин.

3. Тарқатилаётган ахборот ҳажми. Ички йўриқномалар, қўлланмалар бўйсунувчиларга турли усуллар билан етказилиши мумкин. Агар бундай ахборот бўйсунувчилар томонидан чоп этилиши, тарқатилиши ва муваффақиятли ўзлаштирилиши мумкин бўлса, унда менежер етарлича катта гуруҳларда бу ишни уддалаши мумкин. Бироқ, кўпинча бундай имконият мавжуд эмас ёки ахборот мазмуни тез-тез ўзгариб туради ва фақат оғзаки усулда тарқатилиши мумкин, ёхуд бўйсунувчиларнинг иш жойлари географик жиҳатдан узоқроқда жойлашган. Бундай ҳолатларда ахборотни тарқатиш учун кўп вақт талаб этилади, бу эса бўйсунувчиларнинг миқдори камайишига ҳам олиб келади.

4. Бажарилаётган иш турлари. Агар бўйсунувчилар мувофиқлаштиришни ва ижобий ёндашувни талаб қилмайдиган қолоқ ва бир хил ишни бажарсалар, унда бўйсунувчиларнинг сони ҳам юзлаб ҳисобланиши мумкин.

ММТ фаолиётида бир хил ишни бажарувчи ходимларнинг энг кўп миқдори, амалиёт бўлимида иш юритувчи кредит ходимларидир. Одатда, бўлим менежерида кредит ходимларининг максимал миқдорини ҳисоблаш муаммоси мавжуд.

Ваколатларнинг тақсимои ёки ташкилотдаги марказлаштирилмаган бошқарув даражаси. Ҳокимиятнинг марказлаштирилмаслиги турли даражадаги раҳбарлар ва ташкилий тузилма иерархиясида қуйи даражадаги ходимлар ваколатларининг тақсимланишини билдиради. Ташкилот қанчалик марказлаштирилмаган бўлса, қарорларни қабул қилиш жараёнида ва умуман, ташкилот фаолиятида оддий ходимларнинг иштирок этиш ва жавобгарлик даражаси шунчалик юқори бўлади.

Ташкилот қанчалик марказлаштирилмаган бўлса, у шунчалик самаралидир. Марказлаштирмаслик мухторият ва иерархияда қуйи даражадаги ходимларнинг масъулиятини оширади, бу эса одам манбаларидан самарали фойдаланишни таъминлайди. Марказлаштирилмаган ташкилотларда барча даражадаги бошқарувчилар ва оддий ходимлар ўз ишларидан қониқиш ҳамда ташкилот фаолиятига жалб қилинишларини сезишади.

Лекин марказлаштирмасликнинг бошқа томони ҳам бор:

— бошқарув иши қийинлашади,

— устуворликларга нисбатан ҳуқуқий тусдаги низо ва келиш-мовчиликлар пайдо бўлади, чунки тузилмавий бирликлар янада мустақил бўлиб қолади;

— бошқарувда қуйи даражадаги ходимлардан махсус ва бошқарув масалаларни ҳал қилишда янада юқори ваколат талаб қилинади;

— қуйи даражадаги бошқарувчилар томонидан қарорларни қабул қилиш марказлаштирилмаган, яъни бир-бирларидан мустақил, бу эса қарорлар сифатига ва бутун ташкилот ишининг самарадорлигига таъсир кўрсатади;

— бўлинмаларнинг алоҳида мақсадларини ёки ходимларнинг шахсий мақсадларини кўзловчи қарорлар қабул қилиш эҳтимоли ошади, айниқса, бошқарувнинг қуйи даражаларида.

Марказлашмаган тизимга ўтиш даражасини аниқлашда зарур мувофиқлик ва назорат даражасини сақлаб туриш билан бирга қуйи даражадаги ходимларнинг имкониятларининг максимал даражада ишлатилиши инobatга олиниши лозим.

Мувофиқлаштирувчи механизмлар

Ташкилот ўз ходимларининг интилишларини мувофиқлаштириши зарур. Бошқарувнинг қуйи даражасидаги ходимлар ишларини бошқарувнинг юқори даражасида қўйилган мақсадларга мувофиқ равишда бажаришлари керак. Ўз ўрнида, бошқарувнинг юқори даражасидаги раҳбарлар қуйи даражадаги ходимларнинг ҳаракатлари ва ютуқлари ҳақида хабардор бўлишлари лозим. Шу билан бирга битта даражада турадиган структуравий бўлинмалар ўртасидаги мувофиқлик ҳам зарур.

Ҳар бир ходим учун қарор қабул қилишда эркинлик бўйича бир-биридан фарқ қилувчи беш хил асосий ёндашув мавжуд:

1. Тўғридан-тўғри назорат. Ходимларнинг фаолияти тайинланган раҳбар томонидан мувофиқлаштирилади, у ўз қўл остидагиларга нима қилиш кераклигини кўрсатиб туради.

2. Иш жараёнини стандартлаштириш. Бир хил ишлар, тадбирларни бажариш ёки технологик жараёнларни стандартлаштириш йўли билан мувофиқлаштирилади.

3. Натижаларни мувофиқлаштириш. Мувофиқлаштириш иш натижаларига нисбатан стандартлар (миқдорий ва сифатий) қабул қилиш орқали олиб борилади. Шу билан бирга ходимлар ишда бироз эркинликка эга бўлишади, муҳими натижалар ўрнатилган талабларга мос равишда жавоб бериши керак.

4. Малакаларни стандартлаштириш. Яхши тажрибали ходимлар ўз ишларини ўқитиш ёки инструктаж жараёнида эгаллаган билимларига хос равишда бажарадилар. Токи раҳбарлар қўл остидагиларнинг етарли малакага эга эканликларига ишончлари комил экан, уларнинг ишлари назорат талаб қилмайди.

5. Ўзаро келишув. Ўзаро келишув доимий ахборот алмашинуви-дан иборат бўлади. Ходимлар норасмий учрашувлар, мувофиқлашти-рувчи гуруҳлар тузишади, воситачилар орқали ва бошқа йўллар би-лан ишларини ўзаро мувофиқлаштиришади. Ходимлар расмий алоқа каналларидан қатъи назар, ким билан алоқа қилиш ва ким билан ахборот алмашишни ўзлари ҳал қилишади.

Танланган мувофиқлаштириш механизми ташкилот ичидаги жара-ёнларнинг расмийчилиги даражасини белгилаб беради. Юқори даража-даги расмийчиликда ходимларнинг барча мумкин бўлган ҳаракатлари лавозим йўриқномаларида белгилаб берилган. Паст даражадаги расми-йчиликда ходимлар энг мақбул тадбирларни танлаб, нима ва қандай қилишни ўзлари белгилашади. Одатда, қайта тузилган ташкилотларда кўп амалиётлар белгилаб қўйилмаган. Вақт ўтиши билан бажарилиши ташкилий маданият томонидан қўллаб-қувватланадиган у ёки бу жара-ёнлар, операция ва ишларни амалга оширишнинг қандайдир норасмий стандартлари ишлаб чиқиладди. Ташкилотнинг жадал кенгайишида ва ходимлар сонининг тезкор ўсиши давомида норасмий стандартлар янги одамлар томонидан осон қабул қилинмаслиги мумкин. Бундай ҳолда ушбу стандартларни расмийлаштириш ва уларнинг амалга оширилиши-ни назоратга олиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ташкилий тузилмани шакллантириш пайтида кўпинча умум-лашган ёндашув қўлланилади, унинг моҳияти бир вақтнинг ўзида меҳнатни функционал ажратиш ва маҳсулотлари бўйича бўлимларга бўлиш. Бундай ёндашувнинг натижаси матрицавий тузилмалар деб ҳам аталади. Бу ҳолда бирон-бир маҳсулот ишлаб чиқарувчи ёки хизмат кўрсатувчи турли соҳаларга йўналтирилган функционал бўлим-лар билан ҳамкорликда ишлаш учун бирлашадилар. Бундай гуруҳ аъзолари бир вақтнинг ўзида ҳам ўзларининг функционал бўлимла-ри менежерларига, ҳам маҳсулот ёки хизмат ишлаб чиқаришни бош-қарувчи менежерга бўйсунадилар. Бунда ҳар икки менежер ҳам бир хил ваколатга эга бўладилар.

ММТда бундай тузилмага таъсирни баҳоловчи Гуруҳ, янги мик-ромолиявий маҳсулотларни ишлаб чиқувчи Гуруҳ, ходимлар малака-сини оширувчи Гуруҳ ёки Кредит комиссиясини мисол қилиб келти-

риш мумкин. Бундай гуруҳлар доимий асосда ишлашмайди, улар аниқ муаммолар пайдо бўлганда ишлашади. Кредит комиссияси раис томо-нидан бошқарилади, у комиссия аъзоларидан комиссия аъзоси сифа-тида ўз вазифаларини ўз вақтида бажаришларини талаб қилиш ҳуқуқига эга. Шунингдек, ходимлардан бирортаси янги микромолиявий маҳсу-лотларни ишлаб чиқишда ишни Операцион, Молия ва АБТ бўлимла-ри ходимларини жалб қилган ҳолда бошқариши мумкин.

Матрицавий тузилма ММТ ходимларини ўқитиш масалаларида жуда самарали. Масалан, кредит ходимларини расмий тренингларда ўқитиш имкониятлари чегараланган. Битта кредит ходимининг ўрта-ча бандлиги жуда юқори, уларнинг ўқишга берилиши деярли мум-кин эмас, чунки кўп сонли мижозларни бошқа ходимларга "ўтказиб бериш" қийин. Шунинг учун, ММТлар бу вазифасини кредит хо-димларини иш жойларида ёки бош идорада ўқитиш орқали ҳал қилиш-лари мумкин. Бундай матрицавий тузилмага молиявий ҳисоб ва кас-са операцияларини ўргатиш учун — молиявий бўлим ходимлари, мижозлар билан ишлашни ўргатиш учун — операцион бўлим ходим-лари, ахборот йиғиш ва таҳлил қилишни ўргатиш учун — АБТ бўли-ми ходимлари ва ўз вақтини бошқаришни ўргатиш учун — кадрлар бўйича менежерлар жалб қилинишлари мумкин.

Бироқ матрицавий тузилманинг камчиликларини ҳам ҳисобга олиш керак. Бундай тузилмани тузишда ходимларнинг, гуруҳ аъзоларининг юқори даражадаги мувофиқлашуви, вазифаларнинг улар ўртасида аниқ тақсимланиши, матрицавий тузилмадаги уларнинг бажараётган асо-сий вазифалари билан ходимлар вазифалари ўртасида тушунмовчи-ликларга йўл қўймаслик зарур. Бу ҳолда ММТ раҳбарининг ташкилий малакаси ва профессионализми ҳал қилувчи роль ўйнайди.

7.2. Ходимларни бошқариш ва ривожлантириш

Ходимлар — ўзига хос роллари, лавозимлари ва умумий ишга қўшадиган ҳиссаларига эга бўлган одамлардан ташкил топган меҳ-нат жамоаси, уларнинг хатти-ҳаракатлари ва ўзаро муносабатлари ташкилотнинг уставда қўзда тутилган мақсадларига эришиш учун маълум бир шаклда ташкил этилган ва тартибга солинган.

Инсон ресурслари — бу ташкилотнинг энг муҳим ресурси. Инсон ресурсларини бошқариш орқали бошқа барча компонентлар бошқари-лади: вақт, молиявий ресурслар, билим ва маълумотлар, алоқа ва кон-тактлар, ноу-хау ва ҳоказо. Инсон ресурсларини бошқариш қуйидаги фаолиятларни ўз ичига олади:

– **Ишни таҳлил қилиш ва мажбуриятларни тақсимлаш** — ишнинг таркиби ва шароитлари ҳамда ишчиларга қўйиладиган талаблар ҳақида тизимли маълумотлар йиғиш ва таҳлил қилиш тартиби. Натижада ҳар бир ходимнинг мажбуриятлари ва унга қўйиладиган малакавий талабларни аниқлаш имкони туғилади.

Иш натижаларини баҳолаш шакли намунаси:

– **Кадрлар сиёсатини ишлаб чиқиш** — ходимлар билан ишлашнинг асосий принциплари ва услублари йиғиндиси, ходимлар билан ишлашни ташкил қилишнинг стратегик тизими.

– **Инсон ресурсларига бўлган эҳтиёжни режалаштириш** — ташкилотнинг мақсадларига эришиш учун керак бўлган ходимларнинг миқдорини аниқлаш.

– **Ходимларни саралаш** — ташкилотнинг ходимларга бўлган эҳтиёжини қондириш учун зарур бўлган номзодлардан кадрлар захирасини шакллантириш жараёни.

– **Ходимларни танлаб олиш** — ташкилотнинг аниқ ўринларини тўлдириш учун керакли малакага эга бўлган номзодларни танлаш жараёни.

– **Ходимларни ёллаш, лавозимини ошириш ва бўшатиш** — ходимлар лавозимини кўпроқ ёки камроқ мажбуриятли лавозимга кўчириш, уларнинг касбий маҳоратини ишнинг бошқа лавозим ёки қисмига ўтказиш йўли билан ошириш ҳамда меҳнат шартномасини бекор қилиш жараёнининг услубларини ишлаб чиқиш.

– **Янги ходимларнинг ориентация ва мослашуви** — ташкилот, унинг ходимлари, мақсади ва иш таркиби билан режалаштирилган танишув; ишчиларнинг ташкилот уларнинг меҳнатидан нималарни кутаётганлигини тушунишлари.

– **Ходимларни ўқитиш ва савиясини ошириш** — тизимли жараён, бунинг давомида ходимлар ишни сифатли бажариш учун зарур бўлган малакаларни эгаллашади ёки касбий маҳоратларини оширадилар.

– **Ходимларнинг маош ва имтиёзларини бошқариш** — ишловчиларни жалб қилиш, ёллаш ва сақлаб қолиш мақсадида маош ва имтиёзлар структурасини ишлаб чиқиш.

– **Ходимлар мотивациясини бошқариш** — керакли хатти-ҳаракатларга ички ва ташқи хоҳиш-истакларни вужудга келтириш жараёни.

– **Ташкилотдаги алоқа усуллари** — ташкилот ичида маълумот тарқалиши ва алмашиниш жараёни.

– **Ходимлар иш сифатини баҳолаш** — ташкилот мақсадларига эришиш йўлидаги ходимларнинг самарали ишлашини баҳолаш; меҳнат фаолиятини баҳолаш услубларини ишлаб чиқиш ва уларни ходимга етказиб бериш.

Штат тузилмаси.

Ташкилотнинг штат тузилмаси унинг ташкилий тузилмаси билан белгиланади. Бунда Ўзбекистон ва хорижга хос бўлган бир нечта принципларни айтиб ўтиш мумкин.

Меҳнатга маош тўлаш бўйича кредит ходимлари бўлинмалар раҳбарлари даражасига яқинлашиши мумкин, сабаби, моддий тақдирлашнинг турли хил механизмлари ишлаб турибди. Бу дунё амалиётидаги одатий ҳол. Шунинг учун, кредит ходимларини бўлинмалар раҳбарларидан, асосан, бошқариш ва молиявий таҳлил маҳоратига бўлган ваколат ва талаблар ажратиб турали. Бошқа даражалар уртасидаги фарқ анча равшан.

1. Даража	Директор
2. Даража	АБТ менежери, Молия менежери, Амалиёт менежери
3. Даража	Кредитлаш ходимлари
4. Даража	Кассир, ҳайдовчи, қоровул ва ҳ.к.

Мисол: Штат тузилмаси

Одатда, ММТ тузилишининг бошланғич босқичларида грантлар таъминоти бўлмайди. Шу сабабдан, етарли даромад бўлмаганлиги учун тўлиқ штатни таъминлаб туриш мумкин эмас. Бу ҳолда функционал йўналишдаги менежерлар бошқарув, техник ва ҳаттоки, дала ишларини ҳам қилишга мажбур бўладилар. Фақатгина молиявий ва маъмурий-хўжалик йўналишлари бундан мустасно бўлиши мумкин. Бу ерда вазифаларни битта одам билан бирлаштириш жуда қийин, шунинг учун, кичик штат билан амаллаш имконига эга бўлиш учун, ММТ қўриқланадиган биноларни ижарага олиб туриши ва ёлланма транспортдан фойдаланиб туриши мумкин.

Микромолиявий маҳсулотлар ассортименти 2 — 3 хил бўлиб турган бир пайтда, штат тузилмасини тақсимлаш зарурати йўқ, фақатгина функционал бўлиниш лозим.

Амалиётдан маълумки, умумий ММТ штатидан кредит ходимларининг оптимал улуши 40% дан 60% гача бўлади. Агар кредит ходимларининг фоизи ўшбу даражадан сезиларли юқори бўлса, ММТ ўз имкониятларидан ўзиб кетганини ва мижозларга кўрсатилаётган хизматлар аянан бир институционал ёрдам олмаётганини билдиради. Бошқарувчи штатнинг етишмаслиги керакли аналитик ишларнинг йўқлигини белгилайди, бу ҳол ўз ўрнида бошқарув қарорлари сифатига ўз таъсирини ўтказди.

Шундай ҳолатлар бўлиши мумкинки, унда бошқарувчи ва техник штат миқдори кредит ходимларидан кўпайиб кетади. Бу ҳолда, энг аввало, кўп миқдордаги асоссиз операцион харажатлар ҳақида гапириш мумкин, уларнинг кўп қисмини меҳнат маоши ташкил қилади (барча харажатларнинг ўртача 60 ёки 70%). Шу билан бирга, бу бошқарув жараёнларини бюрократизациялашганини билдиради, бу ҳолат потенциал мижозларнинг микромолиявий хизматларга бўлган қизиқишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Ишларни таҳлил қилиш ва жавобгарликларни тақсимлаш.

Инсон ресурсларини бошқариш бўйича қатор принциплар мавжуд, уларнинг энг оддийларида айтиладики:

— Ишчига у жисмоний жиҳатдан бажара олмайдиган иш берилмаслиги керак. Вазифа мувофиқ чегарага эга бўлиши керак, акс ҳолда мотивация йўқолади. Агар иш тўлиқ ҳажмда бажарилмаганлиги учун жазоланадиган бўлса, нега максимум куч сарфланиши керак.

— Ходимнинг малакаси бажараётган ишига мос бўлиши керак.

— Ходимдан ўзида бор билим ва маҳоратидан сал ортиқроғини талаб қилиш лозим.

— Ишчи ўз жисмоний имкониятларидан кўра сал кўпроқ ҳажмда иш олиши зарур.

Бажарилаётган ишлар тўғрисида доимий маълумотлар йиғиш ва таҳлил қилишни амалга ошириш учун, бошқарувчи ходимларга махсус тадбирлар ва ўзига хос мажбуриятлар татбиқ қилиши зарур. Шундай мақсадлар учун хронометраж олиб борилади. Ходим кун давомида бажараётган ишларини, уларнинг миқдорий кўрсаткичи ва вақт сарфини ўзи қайд қилиши мумкин. Хронометраж натижалари бевосита раҳбар билан биргаликда таҳлил қилинади.

ММТ ривожланишининг бошланғич босқичида бажарилаётган ишлар тўғрисидаги таҳлил жараёни доимий ва интенсив бўлиши зарур. Натижада, ҳар бир технологик жараён операцияси ҳақида етарли маълумотлар йиғилиб, вақтинчалик харажат нормативлари ва меҳнат шартлари аниқлангандан кейин маълумотларни йиғиш ва таҳлил қилишни камроқ ўтказса бўлади. Буни ярим йилда бир марта, одатда, бир йилда бир марта ўтказиладиган ходимларни баҳолаш давомида бажариш мумкин бўлади.

Кадрлар сиёсати.

Кадрлар сиёсати — инсон ресурсларини ташкилот стратегиясига мос келтиришнинг норма ва принциплари. Айрим ҳолларда кадрлар сиёсати атамасидан тор маънода фойдаланилади. Бу тушунча эса ин-

сон ва ташкилот уртасидаги ўзаро муносабатларга оид қоидалар мажмуини назарда тутати. Масалан, "бизнинг ташкилотимиз кадрлар сиёсати, ходимларни доимий штатга киритгунга қадар маълум вақт хоҳловчилар сифатида ташкилотда ишлашига асосланган".

Кадрлар сиёсатининг турлари.

Ташкилот ўз ходимларига ёки ташқаридан кадр жалб қилишига қараб, кадрлар сиёсатини иккига ажратиш мумкин — очик ва ёпиқ ҳолдаги сиёсат.

Очик кадрлар сиёсатининг ўзига хослиги шундаки, ташкилот ҳар хил поғонадаги потенциал ходимларга очик, энг қуйи лавозимдаги ёки юқори мансабдаги ходимлар келиб иш бошлашлари мумкин. Ташкилот ҳар қандай мутахассисни ишга олишга тайёр, агарда у мос малакага эга бўлса, шу ташкилотда ёки шу соҳага яқин ташкилотда етарли тажрибаси бўлмаса ҳам. Бу типдаги кадрлар сиёсати янги ташкилотларга, бозорни забт этиш мақсадида агрессив сиёсат олиб борувчи ташкилотларга, тез ўсиш ва олдинги ўринга чиқишга ҳаракат қилувчи ташкилотларга мосдир.

Ёпиқ кадрлар сиёсатининг ўзига хослиги шундаки, ташкилот янги ходимлар киритишни фақат қуйи мансабдаги поғонадан амалга ошириб, унинг ўрнига ички имкониятдан келиб чиққан ҳолда ташкилотнинг ўз ходимларини тайинлайди. Бундай кадрлар сиёсати маълум корпоратив муҳит ташкил қилишни ўз мақсади деб билган, ишга мунтазам алоқадорлик муҳитини шакллантирувчи ва кадрлар ресурсига танқислик шароитида ишловчи компания ҳамда ташкилотларга хосдир.

ММТ кадрлар сиёсатининг оптимал турини танлашда тайёр мутахассислар йўқлигини инобатга олиши керак. Ҳаттоки, махсус ўқув курсларини тугатган ёки банк соҳасида тажриба ва маълумоти борлар ҳам микромолиялаштириш тармоғида мутахассис сифатида қўрилмайди. Чуқур билим ва тажрибага фақат амалиёт натижасида эга бўлинади. Бундан кўриниб турибдики, қуйидаги лавозимлар, АТБ менежери, молия аналитиги, операциялар бўйича менежер, дала идораси менежери очик бўла олмайди, чунки етарли амалий тажриба ёки минимум амалиётга эга бўлиши керак. Шундай қилиб, бу мансабга қоида бўйича қуйи поғонадаги бошқарма ходимлари ёки "қўшни" бўлим ходимлари қўйилса бўлади. Бошқа мансабларга "ташқаридан" қабул қилиш мумкин. Натижада, кадрлар сиёсатининг иккала тури ҳам умумлаштирилади.

Ходимларни ўқитиш ва салоҳиятини ошириш.

Ўқитиш ва салоҳиятини оширишга ёндашувлардан бири — муштарик ўқитишдир. Ҳозирги пайтда рус ва ўзбек тилларидаги мавжуд адабиётлар, микромолиялаштириш соҳасида бошланғич билим ва

қўникмалар манбаи бўлиши мумкин. Мавжуд адабиётлардан фойдаланган ҳолда, одатий "ўқитувчи" ва "ўқувчи" иштирокида расмий билим олишдан фарқ қиладиган ўқув жараёнини ташкил қилса бўлади. Бошланишига, ўрганилиши муҳим бўлган мавзулар рўйхатини тузиш мумкин. Ҳар бир ходим ҳамкасбларига тақдим этиш учун, ўз зиммасига битта мавзунини ўрганишни олиши мумкин. Муҳими, машғулотлар режаси, аниқ санаси ва вақти тасдиқланиши керак. Ҳар бир машғулотда ходимлар битта алоҳида мавзунини ёки битта мавзунини бир нечта машғулот давомида ўрганишлари мумкин. Бундай ўқиш давомида ходимларнинг имкониятлари ва у ёки бу турдаги ишга "мойилликлари" аниқланади ва натижада, функционал мажбуриятларни юқори самарадорлик билан тақсимлаш имкони туғилади.

Раҳбарнинг вазифаларидан бири ходимларнинг ҳар йиллик баҳоланиши, бунда аниқ ходимларнинг самарали ишлашлари учун талаб қилинадиган билим ва қўникмаларни аниқлаш лозим. Бундай баҳолаш натижасидан келиб чиқиб, ҳар бир ходим ўзи учун шахсий мукамаллашиш режасини ишлаб чиқиши керак. Раҳбар бу режанинг бажарилиши ва амалга оширилишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб туриши зарур. Аввало, ходимга иш вақтининг маълум бир қисмида мустақил ўқиши учун шароит яратиб бериш керак. Ишчиларнинг мустақил уйда ўқишларини кутиш — хато фикр бўлади. Бундай қобилият ва имконият ҳаммада ҳам бўлавермайди. Шунинг учун ММТда ишчиларнинг ҳафтада мажбурий равишда бир-икки соат мустақил ўқишлари учун мос кун тартиби тузилиши керак.

7.3. Акциядор ММТлар учун махсус тавсиялар

Акциядорлик ММТлар маълум бошқарув талабларини белгиловчи хусусиятларга эга. Бу хусусият фақатгина микромолиянинг ўзигагина хос бўлмай, балки биргаликда улар ММТ акциядорларинини бошқаришда маълум мажмуавий хусусият касб этади.

Иккиламчи мақсад. Акциядор ММТлар тижорат муассасалари бўлиб, бир вақтнинг ўзида ижтимоий фаолияти мақсадларини амалга оширишга ҳам йўналтирилган.

Бозор иқтисодиётининг асосий принципларидан бирида бундай дейилади — иқтисодиёт субъектлари, шахсий (қонуний) қизиқишларини кўзлаб туриб, ўзлари билмаган ҳолда, жамиятнинг умумий ривожланишига ўз ҳиссаларини қўшадилар. Шунинг учун ҳам, бугунги кунда республикамызда ўз фаолиятининг асосий мақсадини аҳоли фаровонлигини (бойлигини) оширишга йўналтирмаган мик-

рокредит ташкилотлари ёки кредит иттифоқини топиш қийин. Улар жамият ижтимоий мақсадларини кўзлаган ҳолда, ўзларининг мижозлари ва аъзоларининг ҳаётини яхшилашда фаол қатнашмоқдалар.

Шу сабабдан, жамики ММТлар ўз молиявий ва жамият мақсадлари сари интиладилар. Айниқса, бу акциядорлик ММТларда яққол кўзга ташланади. Қонун фаолияти бошқарилиб турувчи ташкилотлардан молиявий тўловга қодирлигини қўллаб-қувватлаб турилишини назарда тутаяди, шунингдек уларнинг тузилмасидаги инвестициялар ҳам фойда келтиришга хизмат қилиши зарур. Ўйиборни тортадиган ушбу икки ҳолатдан келиб чиқиб, акциядорлик ММТлар ижтимоий мақсадларига эришиш йўлида бир оз мураккабликларга учрайдилар. Ҳаттоки, ҳамма жамият мақсадларига розилик билдирса ҳам, ММТ Кенгаши мунтазам равишда жамиятга алоқадор қарорлар қабул қилишга тўғри келади. Бир қарашда ижтимоий мақсадларга нисбатан Кенгаш аъзолари ўртасидаги келишмовчиликлар асоссиздек кўринса-да, бу жиддий тортишувларга сабаб бўлиши мумкин.

Жамоат кўрсаткичларини баҳолаш маълум қийинчиликларни келтириб чиқариши мумкинлиги сабабли, ҳозирда ишонарли индикаторлар жуда кам. Кўпчилик ММТлар фақатгина қарзнинг ўртача суммасидан фойдаланишади. Сўнгги пайтларда "жамият скоринг карталари" ёки "балансга келтирилган скоринг карталарини" яратишга уриниш кучайди, аммо ҳозирча барча ҳолатлар учун ягона бир барқарор индикатор ишлаб чиқишнинг улдасидан чиқилмади.

Ижтимоий натижалар устидан назоратни кучайтириш мақсадида:

- Жамият мақсадларига нисбатан Консенсус – Кенгаш аъзоларини танлаш жараёнининг омилларидан бири бўлиши лозим.

- Кенгаш жамият мақсадларини умумий тушуниш ва уларга эришиш йўллариининг шаклланишига вақт ажратиши лозим.

- Барча ММТ Кенгашлари жамоат таъсирини мониторинг қилиш учун индикаторларни ишлатишлари (уларнинг номукамаллигига қарамасдан) зарур. Худди молиявийдек, жамият индикаторлари ҳам мақсадларни ишлаб чиқиш ва уларга етишишни назорат қилишга ёрдам бериши керак.

- ММТ Кенгаши бозорни тадқиқ қилиш, таъсирини ўрганиш ва вақти-вақтида мижозлар билан шахсий суҳбатлар қуриш орқали жамоат кўрсаткичларининг илдизидagi маълумотларни топишга ҳаракат қилиши лозим.

Молиявий ташкилотлар. Молиявий, жумладан, депозитар ташкилотларни сифатли бошқариш, таваккалчиликни бошқариш асосида барпо этилган.

Молиявий ташкилотлар бошқа одамларнинг пуллари билан иш юритишлари сабабли, уларнинг Кенгашлари ушбу ресурсларнинг сақланишига ўзига хос (фидуциар) равишда жавобгарликни ўз бўйниларига олганлар.

Қонунда аниқ белгиланганидек, Кенгашнинг асосий жавобгарлиги — бу, ушбу ресурслар муҳофазасидир.

Кенгаш ташкилотнинг миссиясини бажариш билан бир вақтда, унинг туловларга қодирлигини, қадрлилиги ва самарадорлигини назорат қилиб туради.

- Ҳеч бўлмаганда Кенгашнинг баъзи аъзолари банк ёки молия соҳасида тажрибага эга бўлишлари ва молиявий ташкилот фаолиятининг сифатли бизнес баҳосини амалга ошириш малакасига эга бўлишлари зарур.

- Кенгашнинг ҳар бир аъзоси молиявий ҳисоботларни таҳлил қила олиш ва банк бизнесини тушунишни ўрганиши лозим: Кенгашнинг ҳар бир аъзоси шахсан фидуциар жавобгарликка эга.

- Микромолиялаштиришда кредит хавфини баҳолай олиш кўникмаларига Кенгаш аъзоларини ўргатишга алоҳида эътибор бериш лозим: ММТ кредит хавфини қай тарзда мониторинг ва назорат қилинади, кредит хавфини бошқариши билан боғлиқ муаммоларнинг ечими?

- Баъзи ташкилотлар йиллик риск баҳолашни ўтказишади ва хавфни бошқариш бўйича режалар тузишади.

- Албатта, Кенгашнинг тафтиш комиссияси ташкил қилиниши керак, улар ҳам ташқи, ҳам ички аудиторларнинг маълумотларини тадқиқ қилишади. Тафтиш комиссияси мустақил бўлиши ҳамда унинг таркибида бошқарув вакилларидан бўлмаслиги лозим.

- Ички назорат тизими асосида аудиторлар томонидан кўтарилган ёки аудиторларнинг бошқа муаммоларини муҳокама қилиш учун энг камида йилда бир марта аудиторлар билан учрашишлари (бошқарув вакилларининг қатнашувисиз) керак.

- Тафтиш комиссиясига қўйиладиган асосий талаб — улар бухгалтерия ҳисоби ва молиявий таҳлил соҳасида малакага эга бўлишлари керак. АҚШ қонунчилиги, Сарбейнс Оксли қонуни талаб қиладики, компания биржасида ўз ўрнига эга бўлган тафтиш комиссияси аъзолари расмий молиявий олий маълумотга эга бўлишлари шарт. Бундай талаб директорларга ҳам тегишли.

Тартибга солиб турилувчи ташкилотлар. Лицензияланган ММТларнинг бошқаруви банк назорати органларига тегишли ҳамда ушбу органлар олдида жавобгардир.

Агар ММТ тартибга солинувчи бўлса, унда Бошқарув тартибга солувчи билан ташкилот ўртасидаги алоқаларга жавоб беради. Қолаверса, кўп ҳолларда тартибга солувчилар бошқариш қандай амалга оширилиши кераклигини кўрсатиб туришади. Бошқарув аъзоларини саралаш тартибга солувчилар томонидан тасдиқланиши керак, номзодлар эса касбий яроқлик тестидан ўтишлари шарт.

Бошқарув аъзоларини саралаш жараёнида тартибга солувчи органларнинг қатнашишлари бошқариш сифатини ошириш мақсадида амалга оширилган. Бироқ, ҳар қандай тартибга солишда бўлганидек, ташкилот тартибга солувчиларнинг кўрсатмаларини ишдаги тўсиқ сифатида қабул қилишларининг олдини олиш мумкин эмас.

ММТ ва банк назорати органлари ўртасидаги кундалик доимий мулоқот раҳбарият даражасида ўтказилишига қарамасдан, расмий алоқалар Бошқарма даражасида амалга оширилади. Базель II нормативлари Бошқарманинг янада юқорироқ поғонада бўлишини инobatга олади, бундай талаблар ҳозирги пайтда фақатгина ОЭСР давлатларида қўлланилаётган бўлса-да, уларнинг таъсири бошқа мамлакатларга ҳам тарқаяпти.

Хусусий ташкилотлар. Кўпгина акционерлик ММТларда бошқариш тузилмаси мулкчилик тузилмасини акс эттиради.

Акциядор ММТлар, одатда, кичик инвесторлар гуруҳига тегишли бўлади, уларнинг бирортаси ҳам монопол мулкдор ҳисобланмайди. Кенгашнинг кўпгина аъзолари маълум бир акциядорнинг вакиллари бўлади. ММТнинг эгалари ва бошқаруви ўртасидаги яқин муносабатлар ММТ Кенгаши учун ўзига хос кучли ва заиф томонларининг мавжудлигини кўрсатади. Энг кучли томони шундаки, инвесторлар бошқарувга жиддий қарашади. Инвесторларнинг вакиллари мунтазам равишда Кенгаш йиғилишларига келишади, улар кўп нарсадан хабардор ва фаолдирлар.

Уларнинг фойда олишга қизиқишлари, хавф бошқарувини пухта олиб боришларида ўз ифодасини топади.

Директорлар компаниянинг ҳолислигини сақлаб қолишга мажбурлар. Улар шунчаки маълум бир акционернинг вакили сифатида эмас, балки умуман компания манфаатлари йўлида ҳаракат қилишлари лозим. Агарда акциядорлар кўп йиллик истиқболларга ишонишса, бундай содиқлик ҳеч қандай шак-шубҳа уйғотмаслиги аниқ, бироқ қийинчиликлар акциядорлар манфаатлари ажралганда, мулкчилик тузилмасида ўзгаришлар пайтида содир бўлади. Чиқиб кетаётган акциядорлар натижалардан максимал фойда олиш учун ҳаракат қилаётган бўлсалар, қолганлари пулларни компанияда сақлаб қолишга

ҳаракат қилишади. Акциядор вакиллар ўзлари учун фойда қидиришни бошласалар, улар ташкилот бошқарувида ўз йўналишларини йўқотиб таваккал қилишади. Кенгаш аъзолари ўртасидаги мулкчилик тузилмасининг ўзгартирилиши тўғрисидаги келишмовчиликлар ташкилот учун жуда жиддий муаммоларни келтириб чиқариши мумкин.

Кенгашдаги вакиллик даражаси акциядорлик капиталидаги улуши билан белгиланадиган вақтда, мустақил аъзоларни (бу аъзолар акциядорларнинг бевосита вакиллари ҳам ёки ижро этувчи бошқарманинг аъзолари ҳам ҳисобланмайди) жалб қилиш имконияти йўқолади, бу мустақил аъзолар ташкилотни кенгроқ истиқболлар йўналишида қабул қилишлари ёки бошқа манфаатдор шахсларнинг манфаатларини ифода этишлари мумкин. Кенгашнинг мустақил аъзоларини жалб қилиш, акциядорлик ММТларнинг сифатли бошқарувида муҳим ўрин эгаллаши мумкин. Баъзи бир давлатлардаги ислохотларга биноан, Кенгашнинг камида 25% ни мустақил аъзолар ташкил этади. Бундай амалиёт меҳнатга ҳақ тўлаш Комиссияси ва Тафтиш комиссияси каби қўмиталар учун муҳим ҳисобланади.

Натижада, Кенгаш ва мулкчилик тузилмаси ўртасидаги яқин муносабатлар, превентив чоралар ёрдамида миноритар акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи қонун ва келишувларни Кенгаш ҳурмат қилиши зарурлигини ўз ичига олади. Ўз ўрнида компаниянинг муҳим қарорларини қабул қилишда малакали кўпчиликка бўлган талаб превентив чораларга мисол бўла олади.

Трансформация жараёнидаги ташкилотлар, ММТнинг кичик фаолиятдан анча каттароқ ҳажмларга, профессионал ташкилотларга айлана бориши билан параллел равишда унинг Кенгаши ҳам мустаҳкамланиб бормоғи керак.

Баъзи ҳолларда акциядор ММТлар ИИТнинг меросхўрлари бўлади, қолаверса, баъзи давлатларда ИИТ ҳали ҳам бошқарувда мавжуд бўлиб турибди. Улар таъсис этувчи етакчилик қилган ижтимоий ташкилотга нисбатан ўз баланси, бухгалтерия ҳисоби ва ваколатлари мукамал шаклланган профессионал ташкилотга нисбатан трансформация жараёнида бўлишлари мумкин.

Бундай ташкилотларда батамом ривожланган бошқарув тузилмаси мавжуд эмас. Улар бошқариш тизимини мустаҳкамлаш бўйича реал режани тайёрлашлари лозим. Ташкилотнинг ривожланиш жадвалигидан келиб чиққан ҳолда, унинг Кенгаши авваллари норасмий бажарилган функцияларни аста-секин расмийлаштириши лозим. Мисол тариқасида: Кенгаш қарорларини қўллаб-қувватловчи фаолият олиб борадиган Кенгаш қўмитаси тузиш. Кенгаш сиёсатига нис-

батан услубий тавсиялар ишлаб чиқиш ёки ҳар йиллик ижро этувчи директорни баҳолаш жараёнини шакллантириш. Балки Кенгашнинг қўшимча техник мутахассисларга эҳтиёжи бўлиши мумкин, масалан: юристлар, бухгалтерлар, капитал бозори масалалари бўйича мутахассислар, кадрлар саралаш бўйича мутахассислар. Бошқарув ҳар хил босқичларда қандай кўринишга эга бўлиши тўғрисида умумий тавсиялар бериш жуда қийин, бироқ ташкилотлар ўз эҳтиёжларини мустақил равишда баҳолашга қодирлар.

ИИТдан трансформация бўлган ММТлар учун акциядорлик тузумига ўтиш, назоратни бошланғич Кенгашдан олиш деган маънони англатади, бу эса доимо мураккаб кечади.

Дастлабки Кенгаш аъзолари ўз миссияларини юқори баҳолаб, маълум даражада ўз нуфузларини сақлаб қолишни шарт деб ҳисоблашади, бинобарин, улар асосий ваколатларни янги акциядорларга топширишларига тўғри келади.

Бу вазиятда таъсисчи ташкилот ёки жисмоний шахс билан бўлганидек, таъсисчиларга компенсация тулаш масаласи пайдо бўлади.

Агар янги акциядорлар, таъсисчилар томонидан тузилган ташкилотдан фойда олаётган эканлар, уларга маълум миқдорда компенсация тулаш мантиққа мувофиқ бўлади.

Мақбул компенсация механизмлари ИИТнинг тижорат мақоми ҳамда баланс ҳисоботларида беғараз топшириб юборилган нарсаларнинг мавжудлиги сабабли мураккаблаштирилган. ММТнинг энг ожиз нуқтаси — унинг бир ёки икки таъсисчи томонидан тузилганлиги ижрочи раҳбарият диктатураси ва у ҳукмронлик қилганда Кенгаш унинг барча қарорларини сўзсиз бажаришидир. Янги ММТлар орасида, ижро этувчи бошқарма ваколатларига аралашиш Кенгаш томонидан эмас, балки кўпроқ диктатура — ижро этувчи бошқарма томонидан кузатилади. Кенгаш ва ижрочи бошқарма ўртасидаги нозик мувозанатга эришиш — бошқариш санъатидаги энг қийин омил ҳисобланади.

Ваколатларни топширишни режалаштириш — ММТ учун шаклланиш босқичидаги қалтис масала бўлиб, ММТнинг бўлғувси бошқармасини таълимот ва ваколатларни топшириш режаси билан таъминлаш — муҳим масала ҳисобланади. Ижро этувчи бошқарувнинг ваколатларини топшириш режаси Кенгашнинг муҳим вазифаларидан биридир.

8-БОБ. МИКРОМОЛИЯЛАШТИРИШ УЧУН СОЛИҚ ТИЗИМИ

Солиқлар деганда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида белгиланган, муайян миқдорларда ундириладиган, мунтазам, қайтариб берилмайдиган ва беғараз хусусиятга эга бўлган, бюджетга йўналтириладиган мажбурий пул тўловлари тушунилади.

Бошқа мажбурий тўловлар деганда Солиқ кодекси билан белгиланган давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий пул тўловлари, божхона тўловлари, шунингдек, ваколатли органлар ҳамда мансабдор шахслар томонидан юридик аҳамиятга молик ҳаракатларни тўловчиларга нисбатан амалга ошириш учун, шу жумладан, муайян ҳуқуқларни ёки лицензиялар ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатларни бериш учун тўланиши лозим бўлган йиғимлар, давлат божи тушунилади. Давлат томонидан белгиланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар, уларнинг форма ва методларининг шаклланиши давлат солиқ тизимини ташкил этади.

Солиқ ёки бошқа мажбурий тўловлар солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида солиқ тўловчилар, шунингдек, ушбу солиқ ёки бошқа мажбурий тўловни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш учун зарур элементлар белгилаб қўйилган тақдирдагина белгиланган деб ҳисобланади.

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг элементлари қуйидагилардир:

- солиқ солиш объекти;
- солиқ солинадиган база;
- ставка;
- ҳисоблаб чиқариш тартиби;
- солиқ даври;
- солиқ ҳисоботини тақдим этиш тартиби;
- тўлаш тартиби.

Солиқ кодексида назарда тутилган ҳолларда, солиқ ёки бошқа мажбурий тўлов белгиланаётганда солиқ тўғрисидаги Қонун ҳужжатларида солиқ имтиёзлари, шунингдек, уларнинг солиқ тўловчи томонидан қўлланилиши учун асослар назарда тутилиши мумкин.

Солиқ тўловчилар, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг элементлари ҳар бир солиқ ёки бошқа мажбурий тўловга татбиқан белгиланади.

Ўзбекистон Республикасида солиқ тизими умумбелгиланган ва соддалаштирилган солиқ солиш тизимларига бўлинади.

8.1. Умумий солиқ тизими

8.1.1. Қўшилган қиймат солиғи

Солиқ тўловчилар.

Қўшилган қиймат солиғи тўловчилар қуйидагилардир:

1) солиқ солинадиган оборотларга эга бўлган юридик шахслар;
2) Солиқ кодексига мувофиқ зиммасига Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан амалга оширилаётган солиқ солинадиган оборотлар учун қўшилган қиймат солиғи тўлаш бўйича мажбурият юклатиладиган юридик шахслар;

3) товарларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилувчи юридик ва жисмоний шахслар, ўз эҳтиёжлари учун божсиз олиб кириш нормалари доирасида товарлар олиб кирувчи жисмоний шахслар бундан мустасно;

4) оддий ширкат солиқ солинадиган оборотларни амалга ошираётганда зиммасига унинг ишларини юритиш юклатилган (ишончли шахс) шерик (иштирокчиси) юридик шахс.

Қуйидагилар қўшилган қиймат солиғи тўловчилар ҳисобланмайди:

– нотижорат ташкилотлар, бундан тадбиркорлик фаолияти доирасида товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш оборотлари, шунингдек, Солиқ кодексининг 197-моддасида бошқача қоида тутилган бўлса, солиқ солинадиган оборотларга эга бўлган юридик шахслар;

– агар Солиқ кодексининг ХХ бўлимида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, Солиқ кодексига мувофиқ солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби назарда тутилган юридик шахслар.

Ягона солиқ тўловини тўловчилар бўлган юридик шахслар солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига йилнинг навбатдаги чораги бошлангунига қадар бир ойдан кечиктирмасдан, янги ташкил этилаётган ягона солиқ тўловини тўловчилари бўлган юридик шахслар эса фаолият бошлангунига қадар тақдим этиладиган ёзма билдиришга асосан ихтиёрий асосда қўшилган қиймат солиғини тўлашлари мумкин.

8-БОБ. МИКРОМОЛИЯЛАШТИРИШ УЧУН СОЛИҚ ТИЗИМИ

Солиқлар деганда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида белгиланган, муайян миқдорларда ундириладиган, мунтазам, қайтариб берилмайдиган ва беғараз хусусиятга эга бўлган, бюджетга йўналтириладиган мажбурий пул тўловлари тушунилади.

Бошқа мажбурий тўловлар деганда Солиқ кодекси билан белгиланган давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий пул тўловлари, божхона тўловлари, шунингдек, ваколатли органлар ҳамда мансабдор шахслар томонидан юридик аҳамиятга молик ҳаракатларни тўловчиларга нисбатан амалга ошириш учун, шу жумладан, муайян ҳуқуқларни ёки лицензиялар ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатларни бериш учун тўланиши лозим бўлган йиғимлар, давлат божи тушунилади. Давлат томонидан белгиланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар, уларнинг форма ва методларининг шаклланиши давлат солиқ тизимини ташкил этади.

Солиқ ёки бошқа мажбурий тўловлар солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида солиқ тўловчилар, шунингдек, ушбу солиқ ёки бошқа мажбурий тўловни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш учун зарур элементлар белгилаб қўйилган тақдирдагина белгиланган деб ҳисобланади.

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг элементлари қуйидагилардир:

- солиқ солиш объекти;
- солиқ солинадиган база;
- ставка;
- ҳисоблаб чиқариш тартиби;
- солиқ даври;
- солиқ ҳисоботини тақдим этиш тартиби;
- тўлаш тартиби.

Солиқ кодексида назарда тутилган ҳолларда, солиқ ёки бошқа мажбурий тўлов белгиланаётганда солиқ тўғрисидаги Қонун ҳужжатларида солиқ имтиёзлари, шунингдек, уларнинг солиқ тўловчи томонидан қўлланилиши учун асослар назарда тутилиши мумкин.

Солиқ тўловчилар, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг элементлари ҳар бир солиқ ёки бошқа мажбурий тўловга татбиқан белгиланади.

Ўзбекистон Республикасида солиқ тизими умумбелгиланган ва соддалаштирилган солиқ солиш тизимларига бўлинади.

8.1. Умумий солиқ тизими

8.1.1. Қўшилган қиймат солиғи

Солиқ тўловчилар.

Қўшилган қиймат солиғи тўловчилар қуйидагилардир:

1) солиқ солинадиган оборотларга эга бўлган юридик шахслар;
2) Солиқ кодексига мувофиқ зиммасига Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан амалга оширилаётган солиқ солинадиган оборотлар учун қўшилган қиймат солиғи тўлаш бўйича мажбурият юклатиладиган юридик шахслар;

3) товарларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилувчи юридик ва жисмоний шахслар, ўз эҳтиёжлари учун божсиз олиб кириш нормалари доирасида товарлар олиб кирувчи жисмоний шахслар бундан мустасно;

4) оддий ширкат солиқ солинадиган оборотларни амалга ошираётганда зиммасига унинг ишларини юритиш юклатилган (ишончли шахс) шерик (иштирокчиси) юридик шахс.

Қуйидагилар қўшилган қиймат солиғи тўловчилар ҳисобланмайди:

– нотижорат ташкилотлар, бундан тадбиркорлик фаолияти доирасида товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш оборотлари, шунингдек, Солиқ кодексининг 197-моддасида бошқача қоида тутилган бўлса, солиқ солинадиган оборотларга эга бўлган юридик шахслар;

– агар Солиқ кодексининг ХХ бўлимида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, Солиқ кодексига мувофиқ солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби назарда тутилган юридик шахслар.

Ягона солиқ тўловини тўловчилар бўлган юридик шахслар солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига йилнинг навбатдаги чораги бошлангунига қадар бир ойдан кечиктирмасдан, янги ташкил этилаётган ягона солиқ тўловини тўловчилари бўлган юридик шахслар эса фаолият бошлангунига қадар тақдим этиладиган ёзма билдиришга асосан ихтиёрий асосда қўшилган қиймат солиғини тўлашлари мумкин.

Солиқ солиш объекти қуйидагилардир:

- солиқ солинадиган оборот;
- солиқ солинадиган импорт.

Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш обороти деб қуйидагилар эътироф этилади:

1) мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқини утказиш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш, шу жумладан:

- товарни ва бошқа мол-мулкни жўнатиш (сотиш);
- устав фондига (устав капиталига) қўшилган ҳисса;

– мол-мулкни бепул бериш (ишларни бепул бажариш, хизматларни бепул кўрсатиш), шу жумладан, юридик шахс ходимларига уларнинг мазкур юридик шахсдаги фаолияти билан боғлиқ бўлмаган шахсий эҳтиёжлари учун мол-мулкни бепул бериш (ишларни бепул бажариш, хизматларни бепул кўрсатиш), агар Солиқ кодексининг 199-моддаси иккинчи қисмининг 6-бандида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса;

– қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда бошқа товарларга (ишларга, хизматларга) алмаштириш учун мол-мулкни бериш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш);

– нотижорат ташкилотлар, бундан тadbиркорлик фаолияти доирасида товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш оборотлари, шунингдек, Солиқ кодекси 197-моддасининг биринчи қисми 2 ва 3-бандларидаги назарда тутилган ҳол мустасно;

– қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ходимга иш ҳақи ҳисобига ёки муассисга (иштирокчига) дивидендлар тўлаш ҳисобига мол-мулк бериш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш);

– гаров билан таъминланган мажбуриятлар бажарилмаган тақдирда, гаровга қўювчи томонидан гаров нарсасини бериш;

– қарз шартномалари асосида товар-моддий заҳираларни бериш;

2) битта юридик шахснинг бир таркибий бўлинмаси томонидан бошқа таркибий бўлинмасига, агар таркибий бўлинмалар Солиқ кодексига мувофиқ мустақил солиқ тўловчилар бўлса, мол-мулкни бериш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш;

3) мол-мулкни молия ижарасига (шу жумладан, лизингга) бериш;

4) тўловни бўлиб-бўлиб тўлаш шarti билан товарни жўнатиш;

5) мол-мулкни оператив ижарага бериш;

6) интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқни утказиш ёки улардан фойдаланиш ҳуқуқини олиш.

7) юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини ҳисоблаб чиқаришда Солиқ кодексининг 147-моддасига мувофиқ харажатлари чегирилмайдиган солиқ тўловчининг ўз эҳтиёжи учун товарларни бериш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш.

Қуйидагилар товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш обороти ҳисобланмайди:

1) солиқ тўловчининг харажатлари сифатида қараладиган унинг ўз эҳтиёжлари учун товар бериш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш, бундан Солиқ кодекси 199-моддасининг биринчи қисми 7-бандида назарда тутилган харажатлар мустасно;

2) битта юридик шахснинг бир таркибий бўлинмаси томонидан бошқа таркибий бўлинмасига ишлаб чиқариш эҳтиёжлари (завод ички обороти) учун, агар таркибий бўлинмалар Солиқ кодексига мувофиқ мустақил солиқ тўловчилар бўлмаса, мол-мулк берилиши, ишлар бажарилиши, хизматлар кўрсатилиши;

3) солиқ тўловчининг ўз эҳтиёжлари учун ўз кучи билан қурилиш, монтаж, қурилиш-монтаж ишларини бажариши;

4) қайтариладиган тарани жўнатиш. Қайтариладиган тара маҳсулот солиб жўнатилган, қиймати ушбу маҳсулот қийматига киритилмайдиган ҳамда шу маҳсулотни етказиб бериш учун тузилган шартномада (контрактда) белгиланган шартларда ва муддатларда маҳсулот етказиб берувчига қайтарилиши лозим бўлган тарадир. Агар тара белгиланган муддатда қайтарилмаса, бундай тарани бериш солиқ солинадиган оборотга киритилади;

5) юридик шахснинг иштирокчиси (муассиси) муассислар (иштирокчилар) таркибидан чиққанда (чиқиб кетганда), шу жумладан, тугатилганлик (банкротлик) ёки қайта ташкил этилганлик муносабаби билан чиққанда (чиқиб кетганда) унга дастлабки ҳисса доирасида мол-мулкни бериш, шунингдек, оддий ширкат шартномаси бўйича шерикка (иштирокчига) унинг мазкур шартнома бўйича шериклари (иштирокчилари) умумий мулкда бўлган улуши қайтарилаётганда ёки бундай мол-мулк тақсимланганда мол-мулкни бериш;

6) асосий воситаларни, номоддий активлар ва тугилмаган қурилиш объектларини бепул асосда бериш;

7) банklar ва сўғурта ташкилотлари томонидан мол-мулкни ўз филиалларига бериш;

8) оддий ширкат шартномаси бўйича шерикнинг (иштирокчининг) улуши сифатида товарларни (ишларни, хизматларни), бошқа мол-мулк ва мулкӣ ҳуқуқларни бериш;

9) товарларни ва бошқа мол-мулкни қайта ишлаш асосида бериш;

10) ишончли бошқарув шартномаси асосида мол-мулкни мулкдордан ишончли бошқарувчига бериш;

11) ишончли бошқарув шартномаси тугатилган тақдирда, мол-мулкни мулкдорга бериш;

12) объект қийматини ижарага берувчи (лизингга берувчи) оладиган ижара (лизинг) тўловининг бир қисми тарзида қоплаш.

13) товарлардан фойдаланишнинг кафолатли муддати даврида уларни таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш бўйича қўшимча ҳақ олмасдан ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш;

Солиқ кодексининг 208, 209 ва 210-моддаларига мувофиқ қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган оборотлар;

— реализация қилинган жойи Ўзбекистон Республикаси бўлмаган оборот.

Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш жойи Солиқ кодексининг 202-моддасига мувофиқ белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси норезиденти томонидан Ўзбекистон Республикаси резиденти учун бажариладиган ишлар ва кўрсатиладиган хизматлар мазкур ишларни, хизматларни олувчининг солиқ солинадиган оборотига Солиқ кодексининг 207-моддасида белгиланган тартибда киритилади.

Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига олиб кирилаётган товарлар солиқ солинадиган импортдир, Солиқ кодексининг 211-моддасига мувофиқ қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган товарлар бундан мустасно.

Солиқ солинадиган база, агар Солиқ кодексининг 204-моддасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, реализация қилинаётган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) қиймати асосида, унга қўшилган қиймат солиғини киритмаган ҳолда белгиланади.

Товарлар (ишлар, хизматлар) таннархидан ёки товарлар олинган нархдан (товарни олиш билан боғлиқ харажатлар ҳам ҳисобга олинган ҳолда) паст нархларда реализация қилинган тақдирда, солиқ тўловчига ўз эҳтиёжлари учун ушбу Кодекснинг 199-моддаси биринчи қисмининг 7-бандига мувофиқ товарлар берилган (ишлар бажарилганда, хизматлар кўрсатилганда), шунингдек, товарлар (ишлар, хизматлар) бепул берилганда солиқ солиш мақсадлари учун солиқ солинадиган база товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) таннархидан ёки товарлар олинган нархдан (товарни олиш билан боғлиқ харажатлар ҳисобга олинган ҳолда) келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Товарлар қайта ишлашга берилган хом ашё ва материаллардан тайёрланган тақдирда, солиқ солинадиган база қўшилган қиймат солиғини киритмаган ҳолда уларни қайта ишлаш хизматларининг қиймати асосида, акциз тўланадиган товарлар бўйича эса, уларни қайта ишлаш хизматлари қиймати асосида, Солиқ кодексининг 232-моддасига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган акциз солиғини ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

Қурилиш, қурилиш-монтаж ва таъмирлаш-қурилиш, ишга тушириш-созлаш, лойиҳа-қидирув ва илмий ишлар, хизматлар бўйича, шунингдек, объектларни фойдаланишга тайёр ҳолда қуришда шартномавий нархлардан келиб чиққан ҳолда ҳисоб-китоб ҳужжатлари ҳақ тўлаш учун тақдим этилган, бажарилган ва буюртмачи томонидан тасдиқланган ишларнинг, хизматларнинг қўшилган қиймат солиғи киритилмаган қиймати солиқ солинадиган базадир.

Агар шартномага биноан бу ишларни материаллар билан таъминлаш вазифаси буюртмачининг зиммасида бўлса, ушбу материалларга бўлган мулк ҳуқуқи буюртмачининг ўзида сақланиб қолган тақдирда, бажарилган ҳамда тасдиқланган ишларнинг буюртмачи материалларининг қиймати киритилмаган қиймати солиқ солинадиган базадир.

Импорт қилинган товарлар реализация қилинганда, солиқ солинадиган база реализация қилинаётган товарларнинг қўшилган қиймат солиғи киритилмаган қийматидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Бунда солиқ солинадиган база мазкур товар импорт қилинганда қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш учун қабул қилинган қийматдан паст бўлиши мумкин эмас.

Акциз тўланадиган товарлар бўйича солиқ солинадиган базага акциз солиғининг суммаси киритилади.

Асосий воситалар ва номоддий активлар реализация қилинган тақдирда, солиқ солинадиган база қўшилган қиймат солиғи суммасини ҳам ўз ичига оладиган, уларнинг реализация қилиш нархи билан қолдиқ қиймати ўртасидаги ижобий фарқ сифатида белгиланади.

Мол-мулк молиявий ижарага, шу жумладан, лизингга берилганда, солиқ солинадиган база қўшилган қиймат солиғи суммасини ўз ичига оладиган, чиқиб кетаётган актив қиймати билан унинг баланс (қолдиқ) қиймати ўртасидаги ижобий фарқ сифатида белгиланади, солиқ тўловчи томонидан ишлаб чиқарилган товарлар молиявий ижарага (лизингга) берилганда эса, қўшилган қиймат солиғини ўз ичига оладиган, чиқиб кетаётган активнинг қиймати солиқ солинадиган базадир. Бунда чиқиб кетаётган активнинг қиймати бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ аниқланадиган, молиявий ижара ижарага берувчининг бухгалтерия ҳисобида актив сифатида эътироф этиладиган сумма тарзида белгиланади.

Қурилиши тугалланмаган объект реализация қилинган тақдирда, солиқ солинадиган база қўшилган қиймат солиғи суммасини ҳам ўз ичига оладиган, қурилиши тугалланмаган объектни реализация қилиш нархи билан баланс қиймати ўртасидаги ижобий фарқ сифатида белгиланади.

Товарлар (ишлар, хизматлар) бепул берилганда берувчи корхона ҚҚС тўловчи деб ҳисобланади.

Масалан: Баланс қиймати 150 минг сўм бўлган мол-мулк бепул берилди. Мазкур суммага 20% ставкада ҚҚС ҳисобланади ва у бюджетга тўланиши керак бўлган 30 минг сўмни ташкил этади.

Асосий воситалар ва номоддий активлар бепул берилганда солиқ солинадиган оборот уларни бериш пайтидаги нарх билан қолдиқ (баланс) қиймати ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

Шу тариқа асосий воситалар ва номоддий активлар қолдиқ қиймати бўйича бепул берилганда ҚҚС бўйича солиқ солинадиган оборот мавжуд бўлмайди.

Товарлар (ишлар, хизматлар) бепул берилганда ҳам, уларнинг реализациясида бўлган каби ҳисобварақ-фактура ёзиш зарур.

Товарларни (ишларни, хизматларни) таннархидан (ёки харид қилиб олинган нарх ва товарни харид қилиш билан боғлиқ харажатлардан) паст нархда реализация қилишни амалга оширувчи корхоналар учун солиқ солиш мақсадида реализация қилиш пайтида таркиб топган нарх қўлланилади, бироқ у қуйидагилардан паст бўлмаслиги керак:

— товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқаришда — товар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш таннархидан;

— савдо ва таъминот-сотиш фаолиятини амалга оширишда харид қилиш нархи ва шу товарларни харид қилиш билан боғлиқ харажатлардан.

2. Қонун ҳужжатларига мувофиқ, меҳнат учун тўловни натура кўринишидаги товарлар билан (жумладан, ўз эҳтиёжлари учун) ёки товарни ходимларига касса орқали таннархидан паст нархларда реализация қилувчи корхоналар учун солиқ солинадиган оборот юқорида келтирилган тартибда амалга оширилади.

Масалан: Корхона бирор-бир товарни ўз ишчисига 15 минг сўмдан реализация қилди, товарнинг таннархи 20 минг сўмни ташкил қилади. Бунда ҚҚС 20 минг сўмдан ҳисоблаб чиқарилади ва 4 минг сўмни ташкил этади. Фарқи — $(4-3) = 1$ минг сўмни ташкил этади. 1 минг сўм харидорлардан эмас, балки корхонанинг харажатларидан тўланади.

3. Банклар, микрокредит ташкилотлар, кредит уюшмалари учун солиқ солинадиган оборот хизматлар қиймати ҳисобланади, бундан имтиёзлилиар мустасно.

Бундан ташқари, ўз мол-мулкни реализация қилишда солиқ солинадиган оборот вужудга келади. Қарз олувчи томонидан кредит шартномасида белгиланган тўлов шартлари бажарилмаган гаровга

қўйилган мол-мулкнинг реализацияси ҳам ҚҚС буйича солиқ солинадиган оборотга киритилади (яъни кредитор қарздордан унинг қарзини ёпиш учун гаров мулкни олиб қўяди ва ушбу мулкни ўз балансига кирим қилади). Бироқ Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 280, 281-моддаларига мувофиқ кредитор ундирувчи қарздорнинг гаровдаги мулкига унинг балансига ҳисобига ўтказмаган ҳолда қаратиши мумкин. Агар гаровга қўювчининг гаровга олувчи билан келишувида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, гаровга олувчининг талаблари гаровга қўйилган кўчар мол-мулк ҳисобидан суд қарорига мувофиқ қондирилади. Ундирув гаровга олувчига топширилган гаров нарчасига гаров тўғрисидаги шартномада белгиланган тартибда қаратилиши мумкин. Бундай ҳолларда гаровга қўйилган мулк гаровга олувчининг (кредиторнинг) балансига ўтмайди ва бундай мол-мулкнинг реализациясида солиқ солинадиган оборот гаровга берувчи зиммасида бўлади.

4. Қўшилган қиймат солиғи суммасини ҳисобга олиш кўзда тутилмаган асосий воситалар ва номатериал активларни реализация қилишда, солиқ солинадиган оборот миқдори реализация нархи ва қолдиқ қиймат ўртасидаги фарқ кўринишида аниқланади.

Асосий воситаларни реализация қилишининг бир қанча вариантини кўриб чиқамиз:

1) агар асосий воситаларнинг ҳисобда кўрсатиладиган бошланғич қиймати ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда 120 минг сўмни, эскириш - 50 минг сўмни, қолдиқ қиймати - 70 минг сўмни ташкил этади, $(120,0 - 50,0)$ ва реализация қилиш нархи 200 минг сўмни ташкил қилса, у ҳолда солиқ солинадиган оборотнинг миқдори $(200,0 - 70,0) = 130$ минг сўмни ташкил этади.

Бюджетга тўланиши лозим бўлган ҚҚС суммаси $(130 \times 20 / 120) = 21,66$ минг сўмни ташкил этади;

2) агар асосий воситаларнинг ҳисобда кўрсатиладиган бошланғич қиймати, ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда, 120 минг сўмни, эскириш қиймати - 50 минг сўмни, қолдиқ қиймати - 70 минг сўмни $(120,0 - 50,0)$, реализация қилиш нархи 70 минг сўмни ташкил қилса, бу ҳолда солиқ солинадиган оборотнинг миқдори $(70 - 70) = 0,00$ минг сўмни ташкил этади.

ҚҚС суммаси $(0,00 \times 20 / 120) = 0,00$ минг сўм, яъни солиқ солинадиган оборот мавжуд эмас;

3) агар асосий воситаларнинг ҳисобда кўрсатиладиган бошланғич қиймати ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда 120 минг сўмни, эскириш қиймати - 50 минг сўмни, қолдиқ қиймати - 70 минг сўмни $(120,0 -$

50,0) ва реализация қилиш нархи 50 минг сўмни ташкил этса, бу ҳолда ҳам реализация қилиш нархи қолдиқ қийматидан паст бўлганлиги сабабли ушбу мисолда ҳам солиқ солинадиган оборот мавжуд эмас.

Қўшилган қиймат солиғи бўйича имтиёзлар

Имтиёзлар Солиқ кодексининг 208, 209 ва 210-моддаларида белгиланган. Солиқ кодексининг 209-моддаси қўшилган қиймат солигидан озод қилинган молиявий хизматларни белгилайди.

Қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган молиявий хизматлар жумласига қуйидагилар киради:

1) кредитлар ва улар бўйича фоизларни ҳисоблаб чиқариш ҳамда ундириш, кредитлар бериш, кафилликлар (кафолатлар), шу жумладан, банк кафолатлари бериш;

2) депозитлар қабул қилиш, юридик ва жисмоний шахсларнинг банк ҳисобварақларини, шу жумладан, вакил банкларда ҳисоб варақларини очиш ва юритиш;

3) тўловлар, ўтказмалар, қарз мажбуриятлари, чеклар ва тўлов воситалари билан боғлиқ операциялар, инкассо бўйича операциялар;

4) миллий валюта ва чет эл валютаси билан боғлиқ операциялар, нумизматика мақсадларида фойдаланиладиганлари бундан мустасно;

5) юридик ва жисмоний шахсларнинг қимматли қоғозлар депозитоварақларини, шу жумладан, вакил депозитарийларини очиш ҳамда юритиш;

6) қимматли қоғозлар (акциялар, облигациялар ва бошқа қимматли қоғозлар) билан боғлиқ операциялар. Қимматли қоғозлар билан боғлиқ операциялар жумласига қимматли қоғозларни сақлаш, қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқни ҳисобга олиш, қимматли қоғозларни ўтказиш ҳамда қимматли қоғозлар реестрини юритиш ва савдосини ташкил этиш бўйича операциялар киради уларни тайёрлаш бўйича хизматлар бундан мустасно;

7) қимматли қоғозларни, юридик шахсларнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушларни (пайларни) реализация қилиш;

8) клиринг операциялари;

9) аккредитивлар очиш ва уларга хизмат кўрсатиш;

10) пул маблағларини конвертация қилиш бўйича операциялар;

11) чет эл валютаси билан айирбошлаш операцияларини ташкил этиш;

12) касса операциялари (банкнот ва тангаларни қабул қилиб олиш, бериш, қайта ҳисоблаб чиқиш, майдалаб бериш, алмаштириш, саралаш ва сақлаш);

13) молиявий ижара (лизинг) шартномасининг ижарага берувчининг (лизингга берувчининг) фоиз тариқасидаги даромадига тегишли қисми бўйича хизматлар кўрсатиш;

14) форфейтинг ва факторинг операциялари;

15) ломбард операциялари (гаровга қўйилган мол-мулкка қисқа муддатли кредитлар бериш);

16) жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларининг обороти.

Қўшилган қиймат солиғидан озод бўлган, шунингдек, қўшилган қиймат солиғидан озод товарлар ишлаб чиқарувчи (ишлар бажарувчи, хизматлар кўрсатувчи) корхона қўшилган қиймат солиғи билан материал ресурслар (товарлар, ишлар) олса, бу ҳолда олинган материал ресурслар (товарлар, ишлар) бўйича қўшилган қиймат солиғининг қийматини ишлаб чиқариш харажатлари ёки ташкилотнинг харажатларига олиб борилади.

Масалан, микрокредит ташкилоти бинонинг ижара ҳақини тўлайди ёки ҚҚС билан бирор-бир товар-моддий буюм харид қилади. Ташкилот ўзининг асосий фаолияти бўйича бюджетга тўланадиган қўшилган қиймат солиғидан озод этилганлигини инобатга олиб, маҳсулот етказиб берувчиларга тўланган ҚҚС ҳисобга олинмайди ва у ташкилотнинг харажатларига олиб борилади.

Агар корхона қўшилган қиймат солиғидан озод этилган фаолият билан бирга солиқ солинадиган фаолият ҳам олиб борса, бу ҳолда ҳар бир фаолият тури учун харажатлар ва фаолият натижаларини алоҳида юритиши лозим.

Агар алоҳида-алоҳида ҳисоб юритишнинг иложи бўлмаса, шунингдек, агар корхона бир хил турдаги маҳсулот ишлаб чиқариб, унинг харажатлари таркибида қўшилган қиймат солиғи ҳисобланадиган ва ҳисобланмайдиган оборотлар мавжуд бўлса, бу ҳолда харажатлар солиқ солинадиган оборотнинг умумий оборот суммасидаги салмоғига кўра тақсимланади.

Масалан: ҳисобот даврида умумий реализация ҚҚСни ҳисобга олмаган ҳолда 200000 сўмни ташкил қилди. Солиқ солинадиган оборот 200000 сўмдан 170000 сўмни ташкил этиб, солиқ солинмаган оборот эса 30000 сўмни ташкил қилади.

Умумий солиқ солинадиган оборотнинг солиштирма оғирлигининг суммасида реализация 85% ни ташкил қилади ($170000:200000 \cdot 100$).

Агар берилган ҳисобот даврида олинган ҳисобварақ-фактураси бўйича ҚҚС суммаси 35000 сўмни ташкил қилса, бу ҳолда мазкур сумманинг фақат 85% ҳисобга қабул қилинади, яъни 29750 сўм ($35000 \cdot 85/100$).

Тўланган солиқнинг қолган суммаси 5250 сўм (35000 – 29750) корхонанинг харажатларига тегишлидир.

Қўшилган қиймат солиғи суммаси қуйидагича:

$$C_{\text{нлс}} = O_{\text{об}} \cdot H,$$

$C_{\text{ккс}}$ — истеъмолчидан ундириладиган солиқ суммаси;

$O_{\text{об}}$ — солиқ солинадиган оборот;

H — қўшимча туловнинг солиқ ставкаси.

Товарларни баҳолар ва тарифлар бўйича реализация қилишда, ўз ичига қўшилган қиймат солиғини олган солиқ суммаси қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$C_{\text{ккс}} = C_{\text{т}} H / (H + 100),$$

$C_{\text{т}}$ — Қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олувчи товарлар (ишлар, хизматлар) нархи.

Бу дегани, агар бир товарнинг ҳақиқий нархи ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда 360 минг сўм бўлса, ҚҚС суммаси,

$$360000 \cdot 20\% / 120\% = 60 \text{ минг сўмга тенг.}$$

Норезидентларнинг солиққа тортиладиган оборотлари

Ўзбекистон Республикаси норезиденти томонидан тақдим этиладиган ишлар (хизматлар), агар уларнинг реализация қилиш жойи Ўзбекистон Республикаси бўлса ва Солиқ кодексига мувофиқ уларга қўшилган қиймат солиғи солиниши керак бўлса, ишларни, хизматларни олувчи Ўзбекистон Республикаси солиқ туловчисининг солиқ солинадиган оборотидир.

Ишлар, хизматларни олувчида солиқ солинадиган база Солиқ кодексининг 207-моддасининг биринчи қисмида кўрсатилган Ўзбекистон Республикаси норезиденти тўланиши лозим бўлган суммадан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинган даромад бўйича тўлов манбаида ушлаб қолиниши лозим бўлган солиқ суммаси чегириб ташланмаган ҳолда белгиланади.

Солиқ кодексининг 207-моддасига мувофиқ бюджетга тўланиши лозим бўлган қўшилган қиймат солиғининг суммаси белгиланган ставка ва солиқ солинадиган базадан келиб чиққан ҳолда аниқланади. Олинган ишлар, хизматлар учун ҳақ тўлаш чет эл

валютасида амалга оширилган тақдирда, солиқ солинадиган оборот бу оборот амалга оширилган санадаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича миллий валютада қайта ҳисоблаб чиқилади.

207-моддага биноан қўшилган қиймат солиғи тўланганлигини тасдиқловчи тулов ҳужжати Солиқ кодексининг 218-моддасига мувофиқ солиқ суммасини ҳисобга олиш ҳуқуқини беради.

Агар бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар Солиқ кодексининг 208, 209 ва 210-моддаларида санаб ўтилган ишлардан, хизматлардан иборат бўлса, айтиб ўтилган 207-модда қоидалари қўлланилмайди.

Мисол: Микрокредит ташкилотлари Фарғона шаҳрида кўчмас мулк бўлган жойни таъмирлаш бўйича буюртмачи ҳисобланади. Иш бажарувчи Ўзбекистон Республикасининг норезиденти ҳисобланади (муқим ёки муқим бўлмаган фаолият мақомидаги муассаса). Реализация қилиш жойи Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ҳисобланади. Кўрсатилган хизмат ҳисобидан микрокредит ташкилоти ҚҚС тўлайди. Мазкур хизматлар учун ҚҚС тўлови Ўзбекистон Республикаси резидентидан олингандек бўлади.

Бюджетга тўланиши керак бўлган ҚҚСни ҳисоблаш механизми

Бюджетга тўланиши лозим бўлган қўшилган қиймат солиғи солиқ солинадиган оборот бўйича ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммаси билан ҳисобга олинadиган солиқ суммаси ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

Ушбу тартиб ҚҚС тўловчиси бўлган барча корхона ва ташкилотларга нисбатан қўлланилади.

Формула кўринишида ҚҚС ни ҳисоблаш механизмини қуйидагича тасвирлаш мумкин:

$$ҚҚС_{\text{бюджетга}} = ҚҚС_{\text{олинган}} - ҚҚС_{\text{ҳисобга олиш}}$$

Бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқ суммасини аниқлашда товарларни (ишларни, хизматларни) олувчи ҳақиқатда олинган ва (ёки) солиқ тўловчи томонидан ишлаб чиқарилган ҳамда ўз эҳтиёжлари учун фойдаланилган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича тўланиши лозим бўлган (тўланган) қўшилган қиймат солиғининг суммасини ҳисобга олиш ҳуқуқига эга, агар бунда қуйидаги шартлар бажарилса:

1) товарларни (ишларни, хизматларни) олувчи Солиқ кодексининг 197-моддасига мувофиқ қўшилган қиймат солиғи тўловчи бўлса;

2) товарлардан (ишлардан, хизматлардан) солиқ солинадиган оборотлар, шу жумладан, ноль даражали ставка қўлланиладиган оборотлар мақсадида фойдаланилса;

3) олинган товарлар (ишларга, хизматларга) етказиб берувчи томонидан ёзилган ҳисобварақ-фактура ёки Солиқ кодексининг 222-моддасига мувофиқ тақдим этиладиган қўшиладиган қиймат солиғи алоҳида ажратиб кўрсатилган бошқа ҳужжат мавжуд бўлса;

4) товарлар импорт қилинганда қўшилган қиймат солиғи бюджетга тўланган бўлса. Агар импорт қилинган товарлар бўйича солиқни бюджетга тўлашдан озод этиш тарзида бўшаган маблағларни аниқ мақсадларга йўналтириш шарти билан имтиёз берилган бўлса ҳам қўшилган қиймат солиғи ҳисобга олинади;

5) Солиқ кодексининг 207-моддасида назарда тутилган ҳолларда қўшилган қиймат солиғи бюджетга тўланган бўлса;

6) ноль даражали ставка бўйича солиққа тортиладиган товарлар экспортида, хорижий сотиб олувчи томонидан экспорт қилинган товарлар учун ҳақ тўланганлигини тасдиқловчи банк ҳужжатидан кучирма.

Мол-мулк устав фондига (устав капиталига) қўйилма сифатида олинганда, олувчи етказиб берувчи томонидан тўланган қўшилган қиймат солиғи суммасини 218-модданинг биринчи қисмида кўрсатилган шартларга риоя қилган ҳолда ҳисобга олиш ҳуқуқига эга.

Реализация қилинганда ноль даражали ставка бўйича солиқ солинадиган экспорт қилинадиган товарларни ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган ҳақиқатда олинган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича тўланиши лозим бўлган (тўланган) қўшилган қиймат солиғи товарлар экспортидан солиқ тўловчининг Ўзбекистон Республикасидаги банк ҳисобварағига келиб тушган валюта тушумининг улушида ҳисобга олинади. Товар воситачилик, топшириқ шартномаси бўйича воситачи, ишончли вакил орқали экспортга реализация қилинган тақдирда, қўшилган қиймат солиғи воситачининг, ишончли вакилнинг ёки солиқ тўловчининг ҳисобварағига келиб тушган валюта тушумининг суммаси улушида ҳисобга олинади.

Товарлардан фойдаланишнинг кафолатли муддати даврида уларни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш бўйича қўшимча ҳақ олмасдан ишлар бажарилганда, хизматлар кўрсатилганда моддий ресурслар бўйича тўланиши лозим бўлган (тўланган) қўшилган қиймат солиғи суммаси, шу жумладан, эҳтиёт қисмлар ва деталлар қиймати Солиқ кодекси 218-моддасининг биринчи қисмида кўрсатилган шартларга риоя этилган тақдирда ҳисобга олинади.

Товар воситачилик, топшириқ шартномаси асосида олинган тақдирда, комитент, ваколат берувчи Ўзбекистон Республикасининг норезиденти бўлса, божхонада тўланган қўшилган қиймат солиғи ҳисобот даврида реализация қилинган товарлар улушида ҳисобга олинади.

Умумбелгиланган солиқларни тўлашга (ёки) қўшилган қиймат солиғини ихтиёрий тўлашга утилган тақдирда, юридик шахс бундай турдаги тўловларга утилган пайтдан эътиборан товарлар (ишлар, хизматлар)нинг қолдиқлари бўйича қўшилган қиймат солиғи суммасини ҳисобга олиш ҳуқуқига эга, 218-модданинг тўртинчи ва бешинчи қисмларида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно. Шундай тартиб имтиёзлар бекор қилинган тақдирда, қўшилган қиймат солиғи тўлаш бўйича мажбурият юзага келган солиқ тўловчиларга нисбатан ҳам татбиқ этилади.

Қўшилган қиймат солиғини тўловчида солиқ солинадиган ва солиқ солинмайдиган оборотлар, шу жумладан, қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган оборотлар мавжуд бўлган тақдирда, қўшилган қиймат солиғи Солиқ кодексининг 221-моддасида назарда тутилган тартибда ҳисобга олинади.

Юқорида айтиб утилганларни қўлаш мақсадида мол-мулкни ижарага беришга, интеллектуал мулк объектларидан фойдаланиш ҳуқуқини беришга хизматлар сифатида қаралади.

Товарларни чет эл валютасида экспортга реализация қилиш (қимматбаҳо металллар бундан мустасно) оборотида, чет эл дипломатик ваколатхоналари ва уларга тенглаштирилган ваколатхоналарга расмий фойдаланиши учун реализация қилинаётган товарлар (ишларга, хизматларга), "Божхона ҳудудида қайта ишлаш" божхона режимига жойлаштирилган товарларни қайта ишлаш бўйича бажарилган ишларга, кўрсатилган хизматларга, халқаро йўналишда ташишларга, аҳолига кўрсатилаётган коммунал хизматларга Солиқ кодексининг тегишли моддаларига мувофиқ ноль даражали ставка бўйича қўшилган қиймат солиғи солинади.

Қуйидагилар бўйича қўшилган қиймат солиғи суммаси ҳисобга олинмайди:

1) олинаётган асосий воситалар, номоддий активлар ва қурилиш тугалланмаган объектлар бўйича, шунингдек, молиявий ижарага, шу жумладан, лизинга бериш учун олинаётган мол-мулк бўйича;

2) қўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлмаган юридик шахслар томонидан, шунингдек, Солиқ кодексига мувофиқ қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган товарлар (ишлар, хизматлар), ишлаб чиқарувчи юридик шахслар томонидан фойдаланиш учун олинган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича;

3) Ўзбекистон Республикаси ҳудуди реализация қилиш жойи деб эътироф этилмайдиган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича;

4) хайрия товарлари (ишлар, хизматлар) бўйича, бундан олувчи томонидан товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича Солиқ кодексининг 218-моддаси биринчи қисмининг 3 ва 4-бандларида назарда тутилган тартибда ҳисобга олиниши лозим бўлган қўшилган қиймат солиғи туланган ҳоллар мустасно;

5) Солиқ кодексининг 147-моддасига мувофиқ чегириб ташланмайдиган харажатларни амалга ошириш мақсадида олинган мол-мулк бўйича.

Масалан, корхона ўз эҳтиёжлари учун ҚҚС ҳисобга олинган ҳолда 780 минг сўмга ксерокс олинган. Ксерокс асосий воситаларга алоқадорлиги инобатга олиниб, ҳисобда 780 минг сифатида акс этирилади. Уни харид қилишда туланган ҚҚС ҳисобга олинмайди.

Ҳисобварақ-фактура ва уни тўлдириш тартиби

Ҳисобварақ-фактура товарларни жўнатиш, ишларни бажариш, хизматларни кўрсатиш санасидан кечиктирмай ёзиб берилади. Бунда бажариладиган ва кўрсатиладиган иш ва хизматлар, жўнатиладиган товарлар учун олдиндан ҳақ туланганда ҳисобварақ-фактура ёзилмайди.

Ҳисобварақ-фатурани тўлдириш тартиби Солиқ кодексининг 222-моддасида келтирилган.

Солиқ ҳисоб-китобларини тақдим этиш, тўлаш ва унинг муддатлари

Қўшилган қиймат солигининг ҳисоб-китоби, солиқ тўловчи солиқ бўйича давлат солиқ хизмати органларига ортиб борувчи якунлари ҳисобланган ҳолда:

- ҚҚС тўловчиси бўлган микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан — йилнинг ҳар чорагида, ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот топширилган муддатда тақдим этилади;

- микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига кирмайдиган солиқ тўловчилар эса — ҳар ойда ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса — йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда тақдим этилади.

Солиқ туловчилар, бундан кредит ва суғурта ташкилотлари мустасно, қўшилган қиймат солиғининг ҳисоб-китоб билан бир вақтда солиқ даври мобайнида олинган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича ҳисобварақ-фактуралар реестри тақдим этилади. Ҳисобварақ-фактуралар реестрининг шакли Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланади.

Қўшилган қиймат солиғини бюджетга тўлаш Солиқ кодексининг 225-моддасига мувофиқ қўшилган қиймат солиғи ҳисоб-китобларини тақдим этиш учун белгиланган кундан кечиктирмай амалга оширилади.

Импорт қилинадиган товарлар бўйича қўшилган қиймат солиғини бюджетга тўлаш божхона расмийлаштирувига қадар ёки божхона расмийлаштируви вақтида амалга оширилади.

Импорт қилинадиган товарлар бўйича қўшилган қиймат солиғини тўлаш божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҚҚС ставкалари ва уларни қўллаш механизми. Қўшилган қиймати солиғи қуйидаги ставкаларда ундирилади:

Солиқ ставкаси	Солиқ солиш объекти
20%	Солиқ солинадиган оборот
	Солиқ солинадиган импорт
Ноль даражали ставка	Товарларни чет эл валютасида экспортга реализация қилиш (қимматбаҳо металллар бундан мустасно) оборотиға; Чет эл тарафи узаролик принцигига амал қилган тақдирда, чет эл дипломатик ваколатхоналари ҳамда уларга тенглаштирилган ваколатхоналарнинг расмий фойдаланиши учун, шунингдек, бу ваколатхоналар дипломатик ва маъмурий-техник ходимларининг, шу жумладан, улар билан бирга яшаётган оила аъзоларининг, агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмасалар ҳамда Ўзбекистон Республикасида доимий яшаётган бўлмасалар, шахсий фойдаланиши учун реализация қилинаётган товарларга; Божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ, “божхона ҳудудида қайта ишлаш” божхона режимига жойлаштирилган товарларни қайта ишлаш бўйича бажарилган ишлар (курсатилган хизматлар)га, агар қайта ишлаш маҳсулотлари Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан ташқарига олиб чиқиладиган бўлса; Халқаро йўналишда ташишлар бўйича курсатиладиган қуйидаги хизматларни реализация қилиш оборотиға; Сув таъминоти, канализация, санитария тозалаш, иссиқлик таъминоти, газ таъминоти бўйича аҳолига курсатиладиган хизматларга, шу жумладан, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари аҳоли номидан оладиган ана шундай хизматларга.

Солиқ ҳисоб-китоби ва реестр шакли Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат Солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган (руйхат рақами 1760, 2008 йил 21 январь).

Маълумот тариқасида: импорт бўйича ҚҚС ҳисоблашда солиқ солинадиган оборотга божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган божхона божи ва акциз солиғи суммаси киради.

8.1.2. Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи

Солиқ тўловчилар.

Фойда солиғи тўловчи юридик шахслар қуйидагилардир:

- Ўзбекистон Республикасининг резидентлари;
- Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса шаклида амалга ошираётган ёки даромад олиш манбаи Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган Ўзбекистон Республикаси норезидентлари.

Қуйидаги юридик шахслар даромад солиғи тўловчилари ҳисобланмайдилар:

- нотижорат ташкилотлар. Улар тадбиркорлик фаолиятини амалга оширганда олинган фойдадан солиқ тўлайдилар;
- агар Солиқ кодексининг XX бўлимида бошқа қоидалар назарда тутилмаган бўлмаса, Солиқ кодексига мувофиқ солиққа тортишнинг соддалаштирилган тартиби назарда тутилган юридик шахслар.

Солиқ солиш объекти.

Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг объекти қуйидагилардир:

- Ўзбекистон Республикаси резидентларининг, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса шаклида амалга оширувчи Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг фаолияти;
- Ўзбекистон Республикаси резидентларининг ва Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг чегирмалар қилинмаган ҳолда тўлов манбаидаги солиқ солинадиган даромадлари.

Солиқ солинадиган база.

Солиқ солинадиган база жами даромад билан чегириб ташланадиган харажатлар ўртасидаги фарқ сифатида, Солиқ кодексининг 158-моддасининг иккинчи қисмида ва бошқа қонунларда ва Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорларида белгиланган имтиёзларни ва Солиқ кодексининг 159-моддасига мувофиқ солиқ солинадиган фойданинг камайтирилиш суммалари инобатга олинган ҳолда ҳисоблаб чиқарилган солиқ солинадиган фойдадан келиб чиқиб белгиланади.

Ўтган солиқ даврларига тегишли, жорий солиқ даврига ўткази-
лиши лозим бўлган зарарлар мавжуд бўлса, солиқ солинадиган база
Солиқ кодексининг 161-моддасига мувофиқ тақсимлаб ўтказилади-
ган зарарлар суммасига камайтирилади.

Жами даромадга қуйидагилар киради:

- товарлар (ишлар, хизматлар)ни реализация қилишдан олина-
диган даромадлар;

- бошқа даромадлар.

Қуйидагилар солиқ тўловчининг даромади сифатида қаралмайди:

1) устав фонди (устав капитали)га олинган ҳиссалар, шу жумла-
дан, акциялар (улушлар)ни жойлаштириш баҳосини уларнинг номи-
нал қиймати (дастлабки миқдори)дан ортиқ суммаси, биргаликдаги
фаолиятни амалга ошириш учун оддий ширкат шартномаси бўйича
бирлаштириладиган маблағлар;

2) муассислар (иштирокчилар) таркибидан чиқиляётганда (чи-
қариляётганда) ёки муассис (иштирокчи) улушининг миқдори ка-
майтирилганда, шунингдек, тугатиляётган юридик шахснинг мол-
мулки унинг муассислари (иштирокчилари) ўртасида тақсимланаёт-
ганда устав фондига (устав капиталига) ҳисса доирасида олинган
мблағлар (мол-мулк ёки мулкый ҳуқуқлар);

3) оддий ширкат шартномаси шериги (иштирокчиси)нинг шарт-
нома шериклари (иштирокчилари) умумий мулкидаги улуши қай-
тариб берилган ёки бундай мол-мулк бўлинган тақдирда, ҳиссаси
миқдорида олинган маблағлар (мол-мулк ёки мулкый ҳуқуқлар);

4) реализация қилинаётган товарлар (ишлар, хизматлар) учун
бошқа шахслардан дастлабки ҳақ (бўнак) тарзида олинган маблағлар
(мол-мулк ёки мулкый ҳуқуқлар);

5) қонун ҳужжатларига мувофиқ мажбуриятларни таъминлаш
тариқасида гаров ёки ширинкома тарзида олинган маблағлар (мол-
мулк ёки мулкый ҳуқуқлар) уларга бўлган мулк ҳуқуқи бошқа шахсга
ўтадиган пайтга қадар;

6) бюджетдан берилган субсидиялар;

7) агар маблағлар (мол-мулк ёки мулкый ҳуқуқлар)ни бошқа шахсга
ўтказиш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш Ўзбекистон Рес-
публикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамасининг Қарори асосида юз бераётган бўлса, текин олинган
мблағлар (мол-мулк ёки мулкый ҳуқуқлар), ишлар ва хизматлар;

8) олинган грантлар ва инсонпарварлик ёрдами;

9) нотижорат ташкилотлар томонидан устав фаолиятининг таъ-
миноти ва уни амалга ошириш учун олинган, белгиланган мақсадга
кўра ва (ёки) текин келиб тушган маблағлар;

10) суғурта шартномалари бўйича суғурта товони (суғурта суммаси) тариқасида олинган маблағлар;

11) воситачига ёки бошқа ишончли вакилга воситачилик, топишириқ шартномаси ёки воситачилик хизматларини кўрсатиш юзасидан бошқа шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муносабати билан, шунингдек, воситачи, комитент ёки бошқа ишончли бошқарувчи учун бошқа ишончли вакил томонидан қилинган чиқимларни қоплаш ҳисобига келиб тушган мол-мулк (пул мукофотлари бундан мустасно);

12) ижарага берувчи (лизинг берувчи) ижара (лизинг) тўловининг қисми тариқасида олган молиявий лизинг объекти қийматининг қопламаси;

13) телекоммуникациялар тармоқларида тезкор-қидирув тадбирлари тизимининг текин олинган техник воситалари, шунингдек, мазкур воситалардан фойдаланишга ҳамда уларга хизмат кўрсатишга доир хизматлардан олинган даромадлар;

14) ихтиёрий тугатилаётган тадбиркорлик субъекти муассислар (иштирокчилари)дан унинг мажбуриятларини бажариш учун олинган маблағлар. Ихтиёрий тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда тугалланмаган ёки тугатиш тартиб-таомили тўхтатилган ва фаолият қайта бошланган тақдирда, ушбу маблағлар жами даромад таркибига киритилади ва солиққа тортилади;

15) инвестор ва давлат мулкни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи ўртасида тузилган шартномага биноан инвестиция мажбуриятлари сифатида киритилаётган мол-мулк.

Ўзбекистон Республикасидаги тўлов манбаида солиқ солинадиган дивидендлар ва фоизлар жами даромаддан чегириб ташланади.

Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан, шу жумладан, ёрдамчи хизматлар томонидан реализация қилишдан қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи чегириб ташланган ҳолда олинган тушум товарлар (ишлар, хизматлар)ни реализация қилишдан олиннадиган даромаддир:

1) солиқ тўловчининг асосий воситалари ва бошқа мол-мулки чиқиб кетишидан олиннадиган даромадлар.

Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланадиган асосий воситалар ва бошқа мол-мулкнинг чиқиб кетишидан олиннадиган фойда, асосий воситалар ва бошқа мол-мулкнинг чиқиб кетишидан олиннадиган даромадлар;

2) мол-мулкни оператив ижарага беришдан олиннадиган даромадлар. Ижара тўловининг суммаси мол-мулкни оператив ижарага беришдан олиннадиган даромаддир;

3) асосий воситалар ва номоддий активларни молиявий ижарага беришдан олинадиган даромадлар. Асосий воситалар ва номоддий активларни молиявий ижарага беришдан олинадиган даромад ижарага берувчининг фоизли даромадидир;

4) текин олинган мол-мулк, мулкый ҳуқуқлар, шунингдек, ишлар ва хизматлар. Солиқ тўловчи текин олган мол-мулк, мулкый ҳуқуқлар, шунингдек, ишлар ва хизматлар солиқ тўловчининг даромади бўлади.

Мол-мулк, мулкый ҳуқуқлар текин олинаётганда олувчи шахсининг даромадлари бозор қиймати бўйича белгиланади.

Мол-мулкнинг, мулкый ҳуқуқларнинг бозор қиймати, ҳужжатлар воситасида ёки баҳоловчи томонидан тасдиқланади. Ҳужжатлар билан тасдиқлаш деб қуйидагилар эътироф этилади:

- жўнатиш, етказиб бериш ва топшириш ҳужжатлари;
- етказиб берувчиларнинг нархларга оид маълумотлари (прайс-варақлар);

- оммавий ахборот воситаларидан олинган маълумотлар;

- биржа маълумотлари;

- давлат статистикаси органларининг маълумотлари;

5) инвентаризация натижасида аниқланган ортиқча товар-моддий захиралар ҳамда бошқа мол-мулк қиймати тариқасидаги даромадлар;

6) ҳисобот йилида аниқланган ўтган йиллардаги даромадлар;

7) мажбуриятларни ҳисобдан чиқаришдан олинадиган даромадлар. Ушбу даромадларга қуйидагилар киради:

- фуқаролик қонун ҳужжатларига мувофиқ даъво муддати ўтган ҳисобдан чиқарилган мажбуриятлар;

- суднинг ёки ваколатли давлат органининг қарорига биноан ҳисобдан чиқарилган мажбуриятлар.

- Солиқ тўловчининг бюджет ва давлат мақсадли жамғармалари олдидаги қарзининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳисобдан чиқарилган суммалари даромад таркибига киритилмайди;

8) талабга кўра ўзганинг фойдасига воз кечиш шартномаси бўйича олинган даромадлар. Бундай шартнома бўйича олинадиган даромадлар, асосий қарз талаблари бўйича қарздор томонидан тўланган суммалар, шу жумладан, қарздор томонидан асосий қарздан ташқари тўланган суммалар билан солиқ тўловчи томонидан олинган қарз қиймати ўртасидаги ижобий фарқ тарзида аниқланадиган даромадлардир;

9) илгари чегириб ташланган харажатлар ёки зарарларнинг ўрнини қоплаш тарзидаги даромадлар. Қоплаш тарзида олинадиган даромадларга солиқ солинадиган базани аниқлашда илгари чегирилган ва жорий солиқ даврида ўрни қопланган харажатлар ва (ёки) зарарлар киради.

Қоплаш суммаси қайси солиқ даврида олинган бўлса, ўша солиқ даврининг даромади бўлади.

Солиқ солинадиган базани аниқлашда илгари чегириб ташланмаган харажатларнинг ва (ёки) зарарларнинг ўрнини қоплаш суммаси жами даромад таркибига киритилмайди;

10) хизмат кўрсатувчи ҳўжаликлардан олинадиган даромадлар. Ушбу даромадлар хизмат кўрсатувчи ҳўжаликлардан олинадиган даромадлар хизмат кўрсатувчи ҳўжаликлар томонидан хизматларни реализация қилишдан олинган (олинадиган) маблағлар суммаси ва хизмат кўрсатувчи ҳўжаликлар фаолияти билан боғлиқ харажатлар суммаси ўртасидаги ижобий фарқ сифатида аниқланади;

11) биргаликдаги фаолиятда иштирок этишдан олинадиган даромадлар;

12) ундириб олинган ёки қарздор томонидан тан олинган жарималар ва пеня, шунингдек, қонуний кучга кирган суд ҳужжати асосида қарздор томонидан тўланиши лозим бўлган жарималар ва пеня;

13) курсдаги ижобий фарқ.

Валюта ҳисобварақлари бўйича, шунингдек, чет эл валютасидаги операциялар бўйича курсдаги ижобий фарқ бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ қуйидаги ҳолларда даромадлар таркибига киритилади:

— чет эл валютасида бўлган мулк ҳуқуқи бошқа шахсга ўтаётган санада шу чет эл валютаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курсдан юқори баҳода сотилганда;

— чет эл валютасида бўлган мулк ҳуқуқи бошқа шахсга ўтаётган санада шу чет эл валютаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курсдан паст баҳода сотиб олинганда;

— чет эл валютаси курсидаги ўзгаришлар муносабати билан балансининг валютага оид моддалари тегишли ҳисобот даври учун қайта баҳоланганда.

Баҳолари чет эл валютасида белгиланган товарлар (ишлар ва хизматлар) учун ўзаро ҳисоб-китобларни миллий валютада амалга оширадиган солиқ тўловчилар учун, товарлар (ишлар, хизматлар) реализация қилинган ёки олинган санадан, ушбу товарлар (ишлар, хизматлар)га ҳақ тўланган санагача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курсдаги ўзгариш муносабати билан юзага келган ижобий фарқ, товарлар (ишлар, хизматлар) учун ҳақ тўланган санадаги даромадлар таркибига бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ киритилади;

14) дивидендлар ва фоизлар;

15) роялти;

16) товарлар (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва реализация қилиш билан бевосита боғлиқ бўлмаган операциялардан олинadиган бошқа даромадлар.

Кредит ташкилотлари, шу қаторда микрокредит ташкилотлари учун Солиқ кодексининг 148-моддасида кўрсатилган даромадлар хизматларни реализация қилишдан олинган даромадлар деб эътироф этилади. Ушбу даромадларга қуйидагилар киради:

1) кредит ташкилотининг ўз номидан ва ўз ҳисобидан пул маблағларини жойлаштиришдан, кредитлар ҳамда заёмлар беришдан олинadиган фоизлар, бошқа фоизли даромадлар. Ўзбекистон Республикаси кафолати остида берилган кредитлар ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарорларига мувофиқ фоизларни тўлаш бўйича имтиёзли давр берилган кредитлар бўйича фоизли даромадлар кредит шартномасига кўра олиш муддати етиб келмагунича солиқ солинадиган даромад сифатида қаралмайди;

2) мижозларнинг, шу жумладан, вакил банкларнинг ҳисобварақларини очганлик ва юритганлик ҳамда уларнинг топширигига биноан ҳисоб-китобларни амалга оширганлик учун олинган ҳақ, шу жумладан, жўнатма, инкассо, аккредитив ва бошқа операциялар, банк операцияларини амалга ошириш учун мўлжалланган тўлов карталарини ҳамда бошқа махсус воситаларни расмийлаштирганлик ва хизмат кўрсатганлик учун, ҳисобварақлар бўйича кўчирмаларни ҳамда бошқа ҳужжатларни тақдим этганлик учун ва суммаларни қидирганлик учун воситачилик ҳақи ҳамда бошқа пул мукофотлари;

3) пул маблағларини инкассация қилишдан, векселлардан, тўлов ва ҳисоб-китоб ҳужжатларидан ҳамда мижозларга касса хизмати кўрсатишдан олинadиган даромадлар;

4) нақд пулли ва нақд пулсиз шаклда амалга ошириладиган валютa операцияларини ўтказишдан, шу жумладан, чет эл валютасини сотиб олиш ёки сотиш, жумладан, мижознинг ҳисобидан ва унинг топшириғи бўйича операцияларда воситачилик ҳамда бошқа мукофотлар, валюта бойликлари билан операция қилишдан олинadиган даромадлар;

5) учинчи шахслар учун пул шаклида ижро этилишини назарда тутилган банк кафолатлари, мажбуриятлари, аваллари ва кафиликлари беришга доир операциялардан олинadиган пул шаклидаги мукофот;

6) ҳужжатлар ва қимматли ашёвий бойликларни сақлаш учун махсус жиҳозланган хоналар ва сейфларни ижарага беришдан олинadиган даромадлар;

7) пул маблағлари, қимматли қоғозлар, бошқа бойликлар ва банк ҳужжатларини етказиб берганлик, ташиганлик учун ҳақ;

8) қимматбаҳо металлар ҳамда қимматбаҳо тошларни ташиганлик ва сақлаб турганлик учун ҳақ;

9) форфейтинг ва факторинг операцияларини амалга оширишдан олинadиган даромадлар;

10) кредит ташкилотлари томонидан ўз профессионал фаолиятдан олинadиган бошқа даромадлар.

Ўстирмаслик мақомини олган кредит бўйича ҳисобланган фоизлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган тартибга мувофиқ даромадлар ҳисобварақларидан чиқариб ташланади.

Бошқа даромадларга товарлар (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва реализация қилиш билан боғлиқ бўлмаган операциялардан олинadиган даромадлар киради, улар қуйидагилардан иборат:

1) солиқ тўловчининг асосий воситалари ва бошқа мол-мулки чиқиб кетишидан олинadиган даромадлар.

Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланadиган асосий воситалар ва бошқа мол-мулкнинг чиқиб кетишидан олинadиган фойда асосий воситалар ва бошқа мол-мулкнинг чиқиб кетишидан олинadиган даромаддир;

2) мол-мулкни оператив ижарага беришдан олинadиган даромадлар. Ижара тўловининг суммаси мол-мулкни оператив ижарага беришдан олинadиган даромаддир;

3) асосий воситалар ва номоддий активларни молиявий ижарага беришдан олинadиган даромадлар. Асосий воситалар ва номоддий активларни молиявий ижарага беришдан олинadиган даромад ижарага берувчининг фоизли даромадидир;

4) текин олинган мол-мулк, мулкый ҳуқуқлар, шунингдек, ишлар ва хизматлар. Солиқ тўловчи текин олган мол-мулк, мулкый ҳуқуқлар, шунингдек, ишлар ва хизматлар солиқ тўловчининг даромади бўлади.

Мол-мулк, мулкый ҳуқуқлар текин олинаётганда олувчи шахснинг даромадлари бозор қиймати бўйича белгиланади.

Мол-мулкнинг, мулкый ҳуқуқларнинг бозор қиймати ҳужжатлар билан ёки баҳоловчи томонидан тасдиқланади. Ҳужжатлар билан тасдиқлаш деб қуйидагилар эътироф этилади:

- жўнатиш, етказиб бериш ва топшириш ҳужжатлари;
- етказиб берувчиларнинг нархларга оид маълумотлари (прайс-варақлар);
- оммавий ахборот воситаларидан олинган маълумотлар;

- биржа маълумотлари;
- давлат статистикаси органларининг маълумотлари;

5) инвентаризация натижасида аниқланган ортиқча товар-моддий захиралар ҳамда бошқа мол-мулк қиймати тариқасидаги даромадлар;

6) ҳисобот йилида аниқланган ўтган йиллардаги даромадлар;

7) мажбуриятларни ҳисобдан чиқаришдан олинадиган даромадлар. Ушбу даромадларга қуйидагилар киради:

- фуқаролик қонун ҳужжатларига мувофиқ даъво муддати ўтган ҳисобдан чиқарилган мажбуриятлар;

- суднинг ёки ваколатли давлат органининг қарорига биноан ҳисобдан чиқарилган мажбуриятлар.

Солиқ тўловчининг бюджет ва давлат мақсадли жамғармалари олдидаги қарзининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳисобдан чиқарилган суммалари даромад таркибига киритилмайди;

8) талаблардан ўзганинг фойдасига воз кечиш шартномаси бўйича олинган даромадлар. Бундай шартнома бўйича олинадиган даромадлар асосий қарз талаблари бўйича қарздор томонидан тўланган суммалар, шу жумладан, қарздор томонидан асосий қарздан ташқари тўланган суммалар билан солиқ тўловчи томонидан олинган қарз қиймати ўртасидаги ижобий фарқ тарзида аниқланадиган даромадлардир;

9) илгари чегириб ташланган харажатларнинг ёки зарарларнинг ўрнини қоплаш тарзидаги даромадлар. Қоплаш тарзида олинадиган даромадларга солиқ солинадиган базани аниқлашда илгари чегирилган ва жорий солиқ даврида ўрни қопланган харажатлар ва (ёки) зарарлар киради.

Қоплаш суммаси қайси солиқ даврида олинган бўлса, ўша солиқ даврининг даромади бўлади.

Солиқ солинадиган базани аниқлашда илгари чегириб ташланмаган харажатларнинг ва (ёки) зарарларнинг ўрнини қоплаш суммаси бошқа даромад таркибига киритилмайди;

10) хизмат кўрсатувчи ҳўжаликлардан олинадиган даромадлар. Ушбу даромадлар хизмат кўрсатувчи ҳўжаликлар томонидан хизматларни реализация қилишдан олинган (олинадиган) маблағлар суммаси ва хизмат кўрсатувчи ҳўжаликлар фаолияти билан боғлиқ харажатлар суммаси ўртасидаги ижобий фарқ сифатида аниқланади;

11) биргаликдаги фаолиятда иштирок этишдан олинадиган даромадлар;

12) ундириб олинган ёки қарздор томонидан тан олинган жарималар ва пеня, шунингдек, қонуний кучга кирган суд ҳужжати асосида қарздор томонидан тўланиши лозим бўлган жарималар ва пеня;

13) курсдаги ижобий фарқ. Валюта ҳисобварақлари бўйича, шунингдек, чет эл валютасидаги операциялар бўйича курсдаги ижобий фарқ бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ қуйидаги ҳолларда даромадлар таркибига киритилади:

- чет эл валютасига бўлган мулк ҳуқуқи бошқа шахсга ўтаётган санада шу чет эл валютаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курсдан юқори баҳода сотилганда;

- чет эл валютасида бўлган мулк ҳуқуқи бошқа шахсга ўтаётган санада шу чет эл валютаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курсдан паст баҳода сотиб олинганда;

- чет эл валютаси курсидаги ўзгариш муносабати билан баланснинг валютага оид моддалари тегишли ҳисобот даври учун қайта баҳоланганда.

Баҳолари чет эл валютасида белгиланган товарлар (ишлар ва хизматлар) учун ўзаро ҳисоб-китобларни миллий валютада амалга оширадиган солиқ тўловчилар учун товарлар (ишлар, хизматлар) реализация қилинган ёки олинган санадан, ушбу товарлар (ишлар, хизматлар)га ҳақ тўланган санагача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курсдаги ўзгариш муносабати билан юзага келувган ижобий фарқ товарлар (ишлар, хизматлар)га ҳақ тўланган санадаги жами даромад таркибига бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ киритилади;

14) дивидендлар ва фоизлар;

15) роялти;

16) товарлар (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва реализация қилиш билан бевосита боғлиқ бўлмаган операциялардан олинган бошқа даромадлар.

Юқорида таъкидланганидек, ялпи даромад чегириб ташланадиган харажатлар миқдорига камайтирилиши лозим. Чегириб ташланадиган харажатлар қуйидагилардир:

- моддий харажатлар (Солиқ кодексининг 142-моддаси), меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари;

- амортизация харажатлари (144-модда);

- бошқа харажатлар (145-Солиқ кодексининг 143-моддаси)

- келгусида солиқ солинадиган фойдадан чегириб ташланадиган ҳисобот давридаги харажатлар (Солиқ кодексининг 146-моддаси).

Солиқ тўловчининг харажатлари, чегириб ташланмайдиган бирон-бир харажат таркибида ҳисобга олинса (унинг бир қисми бўлса), чегириб ташланадиган харажатлар бўлмайди (Солиқ кодексининг 147-моддаси).

Қуйидагиларга солиқ тўловчининг харажати сифатида қаралмайди:

1) воситачилик, топшириқ шартномаси ёки воситачилик хизматлари кўрсатиш учун бошқа шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилиши муносабати билан, шунингдек, комитент ёки бошқа топшириқ берувчи учун воситачи ва (ёки) бошқа ишончли шахс томонидан қилинган харажатларга ҳақ тўлаш ҳисобига воситачи ва (ёки) бошқа ишончли шахс томонидан топширилган мол-мулк тарзидаги тўловлар, агар бундай харажатлар тузилган шартномаларнинг шартларига мувофиқ воситачи ёки бошқа ишончли вакилнинг ёхуд бошқа топшириқ берувчининг харажатлари таркибига киритилиши лозим бўлмаса;

2) солиқ тўловчи эмитент томонидан топширилган, акциядорлар ўртасида акциядорлар умумий йиғилиши қарорига биноан ўзларига тегишли акциялар миқдорига мутаносиб равишда тақсимланадиган акцияларнинг қиймати ёхуд эмитентнинг устав фонди (устав капитали) купайтирилган тақдирда акцияларни акциядорлар ўртасида тақсимлашда дастлабки акциялар ўрнига берилган янги акцияларнинг номинал қиймати билан акциядорнинг дастлабки акцияларининг номинал қиймати ўртасидаги фарқ;

3) бошқа юридик шахсларнинг устав фондига (устав капиталига) ёки оддий ширкатга ҳисса сифатида берилган мол-мулк, мулкӣ ҳуқуқлар қиймати.

Таъкидлаш лозимки, юқорида кўрсатилган моддаларда қайд этилган чегириладиган харажатлар рўйхати ёпиқ, чегирилмайдиганлари эса очиқ кўринишга эга бўлади. Шундай қилиб, чегириладиган харажатлар таркибига киритилмаган маблағлар чегирилмайди.

Бундан ташқари, қуйидагилар ҳам чегириладиган харажатларга киради:

1) кредит ресурслари учун тўловлар, пул маблағлари ва қимматли ашёларни ташиш ҳамда сақлаш харажатлари;

2) мижозларнинг депозит ҳисобварақлари, шу жумладан, жисмоний шахсларнинг омонатлари бўйича ҳисобланган ва тўланган фоизлар;

3) Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган нормалар доирасида таваккалчилик операциялари бўйича захираларга ажратмалар.

Дивидендлар ва фоизларга тўлов манбаида солиқ солинади. Ўзбекистон Республикасининг резидентлари бўлган кредит ташкилотларига тўланадиган фоизларга тўлов манбаида солиқ солинмайди, балки кредит ташкилотида ялпи даромад таркибига киритилади ва солиқ солинади.

Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг даромадларига солиқ солиш

Ўзбекистон Республикаси норезидентининг доимий муассаса билан боғлиқ бўлмаган даромадларига, мазкур даромадларни олиш билан боғлиқ харажатлар чегириб ташланмаган ҳолда тўлов манбаида солиқ солинади.

Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг тўлов манбаида солиқ солинадиган даромадларига қуйидагилар киради:

- 1) дивидендлар ва фоизлар;
- 2) оддий ширкат шартномаси асосида биргаликдаги фаолиятда иштирок этишдан олинadиган даромадлар;
- 3) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган қуйидаги мол-мулкни реализация қилишдан олинadиган даромадлар:
 - юридик шахсларнинг — Ўзбекистон Республикаси резидентларининг устав капиталидаги акциялари, улушлари (пайлари);
 - кўчмас мулк.

Тўлов манбаида солиққа тортиладиган мол-мулкни реализация қилишдан олинadиган даромадлар мазкур мол-мулкни реализация қилиш суммасининг ҳужжатлар билан тасдиқланган уни олиш қийматидан ошган қисми сифатида аниқланади;

4) Ўзбекистон Республикаси норезидентига тегишли товарларни Ўзбекистон Республикаси норезидентининг ўзи ёхуд Ўзбекистон Республикаси резиденти томонидан воситачилик, топшириқ шартномаси асосида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида реализация қилишдан олинadиган даромадлар. Бунда товарларни реализация қилишдан олинadиган мазкур даромадлар Ўзбекистон Республикаси норезидентига тўланадиган сумманинг олиб кирилган товарнинг контракт (фактура) қийматидан ошган қисми сифатида аниқланади;

5) роялти;

6) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланиладиган мол-мулкни ижарага ёки иккиламчи ижарага топширишдан олинadиган даромадлар;

7) таваккалчиликларни суғурта қилиш, биргаликда суғурта қилиш ва қайта суғурта қилиш шартномалари бўйича тўланадиган суғурта мукофотлари;

8) ўтказгичли, радио, оптик ёки бошқа электромагнитли тизимлар орқали белгилар, сигналлар, матнлар, тасвирлар, товушларни узатганлик, қабул қилганлик ва қайта ишлаганлик учун Ўзбекистон Рес-

публикаси резидентлари томонидан Ўзбекистон Республикаси норезидентларига ҳақ тўланишини назарда тутувчи халқаро алоқа учун телекоммуникациялар хизматларига тўлов;

9) денгиз, дарё ва ҳаво кемаларидан, темир йўл ёки автомобиль транспорти воситаларидан халқаро ташишларда фойдаланишдан олинган даромадлар. Ушбу даромадларга транспорт воситаларидан тўғридан-тўғри фойдаланишдан, уларни ижарага беришдан ёки ҳар қандай бошқа шаклларда фойдаланишдан, шу жумладан, контейнерлардан, контейнерларни ташиш учун трейлерлар ва қўшимча ускуналардан фойдаланиш, уларни сақлаш ёки ижарага беришдан олинган даромадлар (фрахтдан олинган даромадлар) киради. Айрим ҳолларда фрахт (шартнома шартларидан келиб чиқиб) юкни ортиш, қайта юклаш, тушириш ва жойлаштириш учун тўловларни ҳам ўз ичига олади. Бунда агар жўнатиш пункт ёки тайин этилган пункт Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида жойлашган бўлса, ташиш халқаро деб ҳисобланади;

10) Халқаро ташишларда ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ташишларда транспорт-экспедиторлик хизматлари кўрсатишдан олинган даромадлар. Бунда юк жўнатувчидан (юкни қабул қилиб олувчидан) олинган сумма билан юк ташувчига тўланиши керак бўлган, юк ташувчининг тегишли бирламчи ҳужжатлари билан тасдиқланган сумма ўртасидаги фарқ сифатида ҳисобланган ҳақ суммаси солиқ солинадиган даромад ҳисобланади.

Бунда юк жўнатувчидан (юкли қабул қилиб олувчидан) олинган сумма билан юк тўловчига тўланиши керак бўлган, юк ташувчининг тегишли бирламчи ҳужжатлари билан тасдиқланган сумма орасидаги фарқ сифатида ҳисобланган ҳақ суммаси солиқ солинадиган даромад ҳисобланади.

Юк ташувчининг тегишли бирламчи ҳужжатлари бўлмаган тақдирда, Ўзбекистон Республикасининг норезидентига норезидентнинг ушбу қисмнинг 9-бандида кўрсатилган фрахтдан олинган даромадларига солиқ солиш учун белгиланган ставкалар бўйича тўланган умумий суммага солиқ солинади;

11) Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахслари томонидан шартнома мажбуриятлари бузилганлиги учун жарималар ҳамда пеня;

12) текинга олинган мол-мулк Ўзбекистон Республикасининг норезиденти томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан олинган бошқа даромадлар.

Ўзбекистон Республикаси норезидентининг Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олган даромадларига қўйидагилар қирмайди:

— Ўзбекистон Республикаси норезидентининг, фақат шу норезидент номидан амалга ошириладиган ва фақат товарлар харид қилиш (олиш), шунингдек, товарларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш билан боғлиқ ташқи савдо операциялари (шу жумладан, товар айирбошлаш операциялари) бўйича олинган даромадлари;

— банкларнинг — Ўзбекистон Республикаси резидентларининг вакиллик ҳисобварақларини очиш ва юритиш ҳамда улар бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш билан боғлиқ хизматлар кўрсатишдан, шунингдек, халқаро тўлов карточкалари орқали ҳисоб-китобларни амалга оширишдан олинадиган даромадлар;

— Ўзбекистон Республикасидан ташқарида бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлардан олинадиган даромадлар.

Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини тўлов манбаида ушлаб қолишни Ўзбекистон Республикаси резидентлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга оширувчи ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа норезидентига даромад тўловчи Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан норезидентлари амалга оширишлари шарт.

Юридик шахслардан олинадиган фойда солигининг суммаси даромадни Ўзбекистон Республикаси норезидентига тўлаш санасида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича ҳисоблаб чиқарилади.

Ўзбекистон Республикасининг норезидентига тўлов манбаида юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ушлаб қолинмасдан, даромадни тўлаш қўйидаги ҳужжатлардан бири мавжуд бўлган тақдирда амалга оширилади:

— Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ солиқ тўлашдан озод қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати органлари томонидан тасдиқланган ариза;

— Ўзбекистон Республикасининг норезиденти давлат солиқ хизмати органида Ўзбекистон Республикаси норезидентининг доимий муассасаси сифатида фаолиятни амалга ошириши ва доимий муассасаси сифатида ҳисобда турганлиги тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати органлари томонидан тасдиқланган маълумотнома.

Ўзбекистон Республикаси норезидентининг доимий муассаса билан боғлиқ бўлмаган ва тўлов манбаида солиқ солинадиган даромадларига қўйидаги ставкалар бўйича солиқ солинади:

- 1) дивидендлар ва фоизларга — 10%;
- 2) суғурта қилиш, биргаликда суғурта қилиш ва қайта суғурта қилиш шартномалари бўйича суғурта мукофотларига — 10%;
- 3) халқаро алоқа учун телекоммуникациялар, халқаро ташишларга (фрахтдан олинадиган даромадларга) — 6%;
- 4) бошқа даромадлар — 20%.

Зарарларни тақсимлаб ўтказиш

Чегирилиши лозим бўлган харажатларнинг жами даромаддан ошиб кетиши зарар деб эътироф этилади.

Солиқ тўловчи қўрилган зарарларни ушбу зарар қўрилган солиқ давридан кейинги беш йил ичида келгусига тақсимлаб ўтказишни амалга оширишга ҳақлидир.

Тақсимлаб ўтказилаётган зарарнинг ҳар бир навбатдаги солиқ даврида ҳисобга олинадиган жами суммаси жорий солиқ даврининг ҳисоблаб чиқарилган солиқ солинадиган фойданинг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Солиқ солинадиган фойда тақсимлаб ўтказилиши керак бўлган зарар суммаси миқдорига фақат йил якунлари бўйича камайтирилиши мумкин.

Бирдан ортиқ календарь йилда қўрилган зарарлар улар қўрилган кетма-кетликда тақсимлаб ўтказилади.

Солиқ тўловчининг юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини тўлашдан озод қилинган солиқ даврида қўрган зарарлари кейинги солиқ даврларига тақсимлаб ўтказилиши мумкин эмас.

Солиқ тўловчи қайта ташкил этилиши муносабати билан фаолиятини тугатган тақдирда, солиқ тўловчи — ҳуқуқий ворис солиқ солинадиган фойдани қайта ташкил этилган юридик шахснинг қайта ташкил этиш пайтигача қўрган зарарлари суммасига юқорида келтириб ўтилган тартибда ва шартларда камайтиришга ҳақли.

Ҳисоб-китобларни тақдим этиш ва солиқ тўлаш тартиби

Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг ҳисоб-китоби давлат солиқ хизмати органларига ортиб боровчи якун билан йилнинг ҳар чорагида ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса, йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатда тақдим этилади.

Ҳисобот даври мобайнида солиқ тўловчилар юридик шахслардан олинadиган фойда солиғини жорий тўловларни киритиш орқали тўлайдилар. Бунда ҳисобот даврида тахмин қилинаётган солиқ солинадиган фойда энг кам иш ҳақининг икки юз бараваридан кам миқдорни ташкил этадиган солиқ тўловчилар жорий тўловларни тўламайдилар. Ушбу модданинг туртинчи қисмида кўрсатилган солиқ тўловчилар бундан мустасно.

Юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи бўйича жорий тўловларнинг суммасини аниқлаш учун солиқ тўловчилар жорий ҳисобот даври биринчи ойининг 10-кунигача давлат солиқ хизмати органига жорий ҳисобот даври учун тахмин қилинаётган солиқ солинадиган фойдадан ва юридик шахслардан олинadиган фойда солиғининг белгиланган ставкасидан келиб чиқиб ҳисобланган юридик шахслардан олинadиган фойда солиғининг суммаси ҳақида маълумотнома тақдим этадилар.

Юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи бўйича жорий тўловлар ҳар ойнинг 15-кунига қадар ҳисоблаб чиқарилган йил чо-раги бўйича юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи суммасининг учдан бир қисми миқдорида тўланади.

Ҳисобот даврида тахмин қилинаётган солиқ солинадиган фойда энг кам иш ҳақининг икки юз бараваридан кам миқдорни ташкил

Тахмин қилинаётган солиқ солинадиган фойдадан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилган юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи суммаси ҳисобот даври учун бюджетга тўланиши лозим бўлган юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи суммасига нисбатан 10 фоиздан кўпроқ камайтирилган тақдирда, давлат солиқ хизмати органи жорий тўловларни юридик шахслардан олинadиган фойда солиғининг ҳақиқий суммасидан келиб чиқиб, пеня ҳисоблаган ҳолда қайта ҳисоблашга ҳақли.

Юридик шахслардан олинadиган фойда солиғини тўлаш ҳисоб-китобларни топшириш муддатларидан кечиктирмай амалга оширилади.

Солиқни тўлов манбаида ҳисоблаб чиқариш ва ушлаб қолиш тартиби

Юридик шахслардан тўлов манбаида олинadиган фойда солиғи белгиланган ставкалар чегирмаларини амалга оширмасдан тўланadиган даромад суммасига нисбатан қўллаш орқали ҳисоблаб чиқарилади.

Юридик шахслардан тўлов манбаида олинadиган фойда солиғини юридик шахслар қўйидагиларни тўлаш пайтида ушлаб қолишлари шарт:

- дивидендлар ва фоизларни;
- Ўзбекистон Республикаси норезидентларига даромадларни.

Юридик шахслардан олинадиган фойда солигини ушлаб қолиш ва бюджетга ўтказиш учун жавобгарлик даромадни тўлаш манбаи, шунингдек, Солиқ кодексига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга оширувчи, Ўзбекистон Республикасининг бошқа норезидентларига даромад тўловчи Ўзбекистон Республикаси норезидентлари зиммасида бўлади.

Юридик шахслардан олинадиган фойда солигини тўлов манбаида ушлаб қолиш ва бюджетга ўтказиш юклатилган шахслар:

1) юридик шахслардан олинадиган фойда солигини Ўзбекистон Республикаси норезидентларига дивидендлар, фоизлар ва тўловларни тўлаш санасидан кечиктирмай бюджетга ўтказиши;

2) юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ҳисоб-китобини давлат солиқ хизмати органларига тўлов амалга оширилган ҳисобот даври тугагандан кейин йигирма беш кундан кечиктирмай тақдим этиши;

3) давлат солиқ хизмати органларига Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган шаклдаги, бу шахсларнинг солиқ тўловчининг идентификация рақами, уларнинг номи, даромадининг умумий суммаси ва солиқ даври учун ушлаб қолинган юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг умумий суммаси кўрсатилган маълумотнома-ни солиқ даври тугагандан кейин ўттиз кун ичида тақдим этиши;

4) даромад олувчи шахсларга уларнинг талабига биноан, даромад суммаси ва солиқ даври учун ушлаб қолинган солиқнинг умумий суммаси ҳақида Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган шаклда маълумотнома тақдим этиши шарт.

Солиқни ҳисоблаш ва даромад суммаси ҳамда солиқ даври учун ушлаб қолинган солиқнинг умумий суммаси ҳақидаги Маълумотнома Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган (Рўйхат рақами №1760, 2008 йил 21 январь).

8.1.3. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи

Солиқ тўловчилар.

Солиқ солинадиган даромадга эга бўлган жисмоний шахслар – жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи тўловчилардир.

Жисмоний шахсларнинг қуйидаги даромадлари солиқ солиш объектидир:

— Ўзбекистон Республикаси резидентларининг Ўзбекистон Республикасидаги ва ундан ташқаридаги манбалардан олинган даромадлари;

— Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинган даромадлари.

Солиқ солинадиган база.

Солиқ солинадиган база жами даромаддан келиб чиқиб, Солиқ кодексининг 179 ва 180-моддаларига мувофиқ солиқ солишдан озод қилинган даромадлар чегирилган ҳолда аниқланади.

Агар солиқ тўловчининг даромадидан унинг ихтиёрига кўра, суд ёки бошқа органларнинг қарорига биноан, бирон-бир ушлаб қолишлар амалга оширилса, бундай ушлаб қолишлар солиқ солинадиган базани камайтирмайди.

Жисмоний шахснинг чет эл валютасида ифодаланган даромадлари даромадлар амалда олинган санада Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича миллий валютада қайта ҳисоблаб чиқилади.

Жисмоний шахсларнинг жами даромади таркиби.

Жисмоний шахсларнинг жами даромадига қуйидагилар кириди:

- 1) меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар;
- 2) мулкӣ даромадлар;
- 3) моддий наф тарзидаги даромадлар;
- 4) бошқа даромадлар.

Юридик шахслар амалга оширадиган қуйидаги харажатлар жисмоний шахсларнинг даромади сифатида қаралмайди:

1) меҳнат шaroитлари ноқулай бўлган ишларда банд бўлган ходимларни меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сут, даволаш-профилактика озик-овқати, газланган шўр сув, шахсий ҳимоя ва гигиена воситалари билан таъминлаш харажатлари;

2) касаба уюшмаси қўмитаси томонидан амалга ошириладиган тўловлар, шу жумладан, аъзолик бадаллари ҳисобидан касаба уюшмаси аъзоларига бериладиган моддий ёрдам, бундан касаба уюшмаси қўмитасининг ходимларига меҳнат вазифаларини бажарганлик учун бериладиган пул мукофотлари ва бошқа тўловлар мустасно;

3) ходимларни иш жойига олиб келиш ва қайтариб олиб кетиш билан боғлиқ хизмат транспортини сақлаш харажатлари;

4) диний расм-русумлар ва маросимларни, байрам тантаналарини ўтказиш, вакиллик харажатлари, шаҳар йўловчилар транспортида ходимларнинг хизмат қатновлари учун фойдаланиладиган йўл қарточкаларини олиш, шунингдек, юридик шахснинг ходимларнинг меҳнат ва дам олиш шароитларини таъминлаш билан боғлиқ ҳамда муайян жисмоний шахсларнинг даромади ҳисобланмайдиган бошқа харажатлар;

5) ходимга хизмат вазифаларини бажариш учун зарур бўлган махсус кийим-бош, махсус пойабзал, формали кийим-бош бериш харажатлари ёки уларни пасайтирилган баҳоларда сотиш муносабати билан қилинган харажатлар, шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда айрим тоифадаги ходимларни ўз хизмат вазифаларини бажариши чоғида озиқ-овқат билан таъминлаш харажатлари;

6) ходим бошқа жойга ишга ўтказилганда ёхуд кўчиб борганда кўчиш, мол-мулкни кўчириб бориш, жой ижараси (йўл харажатлари учун бериладиган пул) билан боғлиқ харажатларни тўлаш ёки бу харажатларнинг ўрнини қоплаш харажатлари;

7) хизмат сафарларидаги қўидаги компенсация тўловлари:

— тасдиқловчи ҳужжатлар асосида хизмат сафари жойига бориш ва у ердан қайтиб келиш учун, шу жумладан, жой банд қилиш учун ҳақ тўлашни қўшган ҳолда ҳақиқатда амалга оширилган тўловлар. Йўл ҳужжатлари бўлмаган тақдирда, темир йўл транспортидаги (агар темир йўл қатнови бўлмаса, шаҳарлараро автобусдаги) йўл ҳақи қиймати миқдорида, бироқ авиачипта қийматининг 30 фоизидан ошмайдиган миқдорда;

— уй-жойни ижарага олиш бўйича ҳақиқатда амалга оширилган тўловлар. Яшаганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлмаган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган нормалар доирасида;

— тасдиқловчи ҳужжатлар асосида уй-жойни банд қилиш учун тўловлар;

— қонун ҳужжатларида белгиланган нормалар доирасида хизмат сафарида бўлинган вақт учун тўланадиган кундалик харажатлар учун ҳақ (суткалик пуллар);

— қонун ҳужжатларида белгиланган ва ҳужжатлар билан тасдиқланган бошқа тўловлар;

8) қонун ҳужжатларида назарда тутилган нормалар доирасида ходимга тўланадиган компенсация тўловлари (компенсациялар):

— доимий иши йўлда кечадиган ёки ҳаракатланиш ва (ёки) қатнов тусига эга бўлган, шунингдек, вахта усулида ишларни бажаришда ходимга компенсация тўловлари (компенсациялар);

— хизмат ишлари учун шахсий автомобилдан фойдаланганлик учун компенсация тўловлари (компенсациялар), бундан хизмат сифатлари мустасно;

— дала таъминоти;

— амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа компенсация тўловлари (компенсациялар);

9) меҳнатда майиб бўлганлик ёки соғлиққа бошқача шикаст етганлик билан боғлиқ зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича қуйидаги миқдордаги тўловлар:

— жабрланувчи меҳнатда майиб бўлгунига қадар олган ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан фоиз ҳисобидаги, унинг касбга оид меҳнат қобилиятини йўқотганлик даражасига мувофиқ белгиланадиган ҳар ойлик тўловлар (вояга етмаган шахс меҳнатда майиб бўлиб қолган тақдирда, зарарнинг ўрни унинг иш ҳақи (даромади) миқдоридан келиб чиққан ҳолда, лекин қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақининг беш бараваридан кам бўлмаган миқдорда қопланади);

— махсус тиббий парваришга муҳтож жабрланувчиларга қўшимча харажатлар учун ойига энг кам иш ҳақининг икки баравари миқдоридagi тўловлар;

— жабрланувчининг маиший парвариши учун қўшимча харажатлар тариқасида ҳар ойда энг кам иш ҳақининг эллик фоизи миқдоридagi тўловлар;

— ходимнинг соғлиғига шикаст етказилганлиги муносабати билан иш берувчи томонидан бир йўла тўланадиган нафақа тариқасида жабрланувчининг йиллик ўртача иш ҳақи миқдоридagi тўловлар;

10) боқувчиси вафот этганлиги муносабати билан қуйидаги миқдордаги тўловлар:

— марҳумнинг ўртача иш ҳақининг вафот этган боқувчининг қарамоғида бўлган ва унинг вафоти муносабати билан зарарни ундиришга ҳақли бўлган меҳнатга қобилиятсиз шахсларга тўғри келади-ган улуши миқдоридagi тўловлар;

— боқувчиси вафот этганлиги муносабати билан зарарни ундиришга ҳақли бўлган шахсларга бир йўла тўланадиган нафақа тариқасида марҳумнинг ўртача йиллик иш ҳақининг олти баравари миқдоридagi тўловлар;

11) талабаларнинг таълим олиши учун, Ўзбекистон Республикасининг олий ўқув юрти билан тўғридан-тўғри шартномалар бўйича пулли-контракт асосида ўтказиладиган тўловлар;

12) мол-мулкни суғурталаш ва (ёки) ҳаётни узоқ муддатли суғурталаш бўйича суғурта мукофотлари. Мол-мулкни суғурталаш ва (ёки) ҳаётни узоқ муддатли суғурталаш шартномаси муддатидан илгари бекор қилинганда ва суғурталовчи суғурта қилинувчига суғурта мукофотининг бир қисмини ёки тўлиқ қайтарса, қайтарилган суғурта мукофоти миқдори жисмоний шахснинг солиқ солинадиган жами даромади таркибига киритилади;

13) ёш оилалар аъзоларининг уй-жой олиш учун юридик шахсдан — иш берувчидан олган маблағлари. Уй-жой олинган (мулк ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилган) санадан эътиборан беш йил ичида сотилса, ушбу даромадларга белгиланган тартибда солиқ солинади;

14) ходимлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш харажатлари.

Меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар.

Иш берувчи билан меҳнатга оид муносабатларда бўлган ва тўзилган меҳнат шартномасига (контрактига) мувофиқ ишларни бажараётган жисмоний шахсларга ҳисобланадиган ва тўланадиган барча тўловлар меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар деб эътироф этилади:

— меҳнатга ҳақ тўлашнинг қабул қилинган шакллари ва тизимларига мувофиқ ишбай нархлар, тариф ставкалари ва мансаб маошларидан келиб чиққан ҳолда ҳақиқатда бажарилган иш учун ҳисобланган иш ҳақи;

— илмий даража ва фахрий унвон учун қўшимча тўловлар;

— рағбатлантириш хусусиятига эга бўлган тўловлар (Солиқ кодексининг 173-моддаси);

— компенсация тўловлари (компенсация) (Солиқ кодексининг 174-моддаси);

— ишланмаган вақт учун ҳақ тўлаш (Солиқ кодексининг 175-моддаси).

Мулкий даромадлар.

Жисмоний шахсларнинг мулкий даромадлари таркибига қуйидагилар киради:

1) фоизлар;

2) дивидендлар;

3) мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромадлар;

4) жисмоний шахсларга хусусий мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган мол-мулкни реализация қилишдан олинган даромадлар мол-мулкни олиш нархи ва реализация қилиш нархи, олиш нархи бўлмаган тақдирда эса, инвентаризация қиймати ва реализация қилиш нархи ўртасидаги фарқ даромад деб эътироф этилади;

5) саноат мулки объектларига берилган патент (лицензия) эгаси бўлган жисмоний шахснинг патентдан бошқа шахс фойдасига воз кечганда ёки лицензия шартномаси тузганда олган даромад;

6) роялти;

7) солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлаганидан кейин хусусий корхона мулкдори ҳамда фермер хўжалиги бошлиғи, хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус ихтиёрида қоладиган фойда суммаси.

Моддий наф тарзида олинган даромадлар.

Солиқ тўловчи томонидан моддий наф тарзида олинадиган даромадлар қуйидагилардир:

1) юридик шахс томонидан жисмоний шахс манфаатларини кўзлаб, товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақини, мулкый ҳуқуқларни тўлаш, шу жумладан:

— жисмоний шахсларнинг болаларини мактабгача таълим муассасаларида ўқитиш, тарбиялаш;

— коммунал хизматлар, ходимларга берилган уй-жой ҳақини, уй-жойдан фойдаланиш харажатлари ҳақини, ётоқхонадаги жойлар ҳақини ёки уларнинг ўрнини қоплаш қийматини тўлаш;

— озиқ-овқат, йўл чипталари қийматини тўлаш ёки уларнинг ўрнини қоплаш;

— санаторий-курортларда даволаниш йўлланмалари қийматини, дам олиш, стационар ва амбулаторияга қатнаб даволаниш ҳақини ёки уларнинг ўрнини қоплаш қийматини тўлаш;

— юридик шахснинг жисмоний шахс даромади бўлган бошқа харажатлари;

2) солиқ тўловчининг манфаатларини кўзлаб, текинга, шу жумладан, ҳада шартномаси асосида берилган мол-мулк, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар қиймати;

3) товарлар (ишлар, хизматлар)нинг ходимларга реализация қилинадиган нархи ёки таннархи (акциз ва қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олган ҳолда) ўртасидаги салбий тафовут;

4) қонун ҳужжатларига мувофиқ ходимларга темир йўл, авиация, дарё, автомобиль транспорти ва шаҳар электр транспортида юриш бўйича бериладиган имтиёзлар суммаси;

5) жисмоний шахснинг юридик шахс олдидаги қарзининг юридик шахс қарори билан ҳисобдан чиқарилган суммалари;

6) иш берувчи томонидан тўловлар ҳисобига тўланиб, ходимдан ушлаб қолиниши лозим бўлган, лекин ушлаб қолинмаган суммалар.

Солиқ тўловчи юридик шахсдан товарлар (ишлар, хизматлар) олган тақдирда, ушбу товарлар (ишлар, хизматлар)нинг қиймати уларни олиш нархидан ёки таннархидан келиб чиққан ҳолда белги-ланади.

Жисмоний шахс юридик шахсдан акциз тўланадиган товарлар ёки қўшилган қиймат солиғи солинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) олса, бундай товарлар (ишлар, хизматлар) қийматида акциз солигининг ва қўшилган қиймат солиғининг тегишли суммаси ҳисобга олинади.

Бошқа даромадлар.

Жисмоний шахсларнинг бошқа даромадлари жумласига қуйида-гилар кирази:

1) давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар, ишсизлик на-фақалари, ижтимоий нафақалар, пенсиялар ва қонун ҳужжатларида белгиланган нафақалар;

2) стипендиялар;

3) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, хайрия ва экология жамғармалари томонидан жисмоний шахсларга берилади-ган нафақалар ҳамда бошқа турдаги ёрдам;

4) донорлик учун пул мукофотлари;

5) алиментлар;

6) ҳайвонларни (қорамол, парранда, мўйнали ва бошқа ҳайвон-ларни, балиқ ва бошқаларни) тирик ҳолда ҳамда уларни сўйиб, маҳсулотларини хом ёки қайта ишланган ҳолда, ипак қурти, чорва-чилик, асаричилик ва деҳқончилик маҳсулотларини табиий ва қайта ишланган ҳолда сотишдан олинган даромадлар;

7) жисмоний шахслардан текин (шу жумладан, ҳадя шартнома-лари бўйича) олинган мол-мулк ёки мулкый ҳуқуқлар қиймати;

8) мусобақаларда, кўрикларда, танловларда совринли ўринлар учун бериладиган совринлар, пул мукофотлари;

9) ютуқлар;

10) грантлар, шу жумладан, чет давлатлар грантлари бўйича олин-ган суммалар;

11) жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадаллари, улар бўйича олинган фоиз тарзидаги ва бошқа даромадлар, жамғариб бо-риладиган пенсия тўловлари;

12) яратилган фан, адабиёт ва санъат асарлари (предметлари) учун жисмоний шахслар томонидан олинган даромадлар;

13) Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотлари ва дав-лат пул мукофотларига сазовор бўлган жисмоний шахслар олган бир йўла бериладиган давлат пул мукофоти ёки шунга тенг баҳодаги

эсдалик совғаларининг қиймати, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида бир йўла бериладиган пул мукофоти;

14) халқаро спорт мусобақаларида совринли ўринларни эгаллаганлиги учун спортчилар олган бир йўла бериладиган пул мукофоти;

15) ходим билан меҳнат шартномаси бекор қилинган меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бериладиган ишдан бўша-тиш нафақаси ва бошқа тўловлар.

16) моддий ёрдам тариқасида:

— вафот этган ходимнинг оила аъзоларига ёки оила аъзоси вафот этганлиги муносабати билан ходимга бериладиган моддий ёрдам;

— ходимга меҳнатда майиб бўлганлик, касб касаллиги ёхуд соғлиққа бошқача шикаст етганлиги билан боғлиқ тўловлар;

— фавқулодда ҳолатлар муносабати билан бериладиган моддий ёрдам;

— ходимнинг шахсий ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ ҳамда ба-жараётган ишига алоқаси бўлмаган ҳоллар билан боғлиқ мақсадли ёрдам тўловлари:

— қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини бериш ёки уларни сотиб олиш учун маблағлар бериш тарзидаги тўловлар.

16) қонун ҳужжатларига мувофиқ уй-жой-коммунал хизматла-ри ҳақини тўлаш бўйича ҳар ойлик компенсация пул тўловлари

18) ишламайдиган пенсионерларга юридик шахс томонидан тўла-надиган тўловлар;

19) суғурта товони суммалари;

20) маънавий зарарни компенсация қилиш бўйича пул тўловлари.

Жисмоний шахслар даромадлари бўйича Солиқ кодексининг 179 ва 180-моддаларида имтиёзлар белгиланган. Хусусан, Солиқ кодексининг 179-моддасига мувофиқ жисмоний шахсларнинг депозит сертификатла-ри, давлат қимматли қоғозлари бўйича даромадлар бўйича даромадлари, шунингдек, банклар ва кредит уюшмалардаги омонатлар бўйича фоиз-лар ҳамда ютуқларга жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи солинмайди. Бундан ташқари, Солиқ кодексининг 180-моддасида солиқ солишдан тўлиқ ва қисман ҳар ой энг кам иш ҳақининг тўрт баробари миқдорида озод этилган жисмоний шахслар санаб ўтилган.

Жисмоний шахслар даромади солиғи ставкаси ҳар йили Ўзбекис-тон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади ва 2009 йил-да бу кўрсаткич қуйидаги миқдорда белгиланган (8.1-жадвал):

Жисмоний шахсларнинг қуйидаги даромадларига белгиланган энг кам ставка бўйича солиқ солинади:

Солиқ солинадиган даромад	Солиқ ставкаси
Энг кам иш ҳақининг олти баробаригача миқдорда	Даромад суммасининг 12 фоизи
Энг кам иш ҳақининг олти баробаридан (+1 сум) ун баробаригача миқдорда	Беш баробар миқдордан солиқ + энг кам иш ҳақи миқдорининг беш баробаридан ошадиган суммадан 17 фоиз
Энг кам иш ҳақининг ўн баробари (+1 сўм) ва ундан юқори миқдорда	Ўн баробар миқдордан солиқ + энг кам иш ҳақи миқдорининг ўн баробаридан ошадиган суммадан 22 фоиз

— баланд тоғли, чўл ва сувсиз ҳудудларда ишлаганлик учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган коэффицентлар бўйича қўшимча туловлар тариқасида олинган даромадларга. Бунда чўл ва сувсиз жойларда, баланд тоғли ва табиийқлим шароити ноқулай ҳудудларда ишлаганлик учун юридик шахслар ходимларининг иш ҳақиға коэффицентлар ҳисоблашнинг энг юқори суммасини ҳисоблаш пайтидаги ҳолатға қўра белгиланган энг кам иш ҳақининг тўрт баравари миқдорида белгиланади;

— корхоналар, муассасалар, ташкилотлар томонидан вақтинчалик қишлоқ хўжалиги ишларига юборилган жисмоний шахсларнинг шу ишларни бажаришдан олинган даромадларига.

Жисмоний шахслар даромади бўйича солиқ ҳисоблаш тартиби

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини ҳисоблаб чиқариш учун солиқ ставкасини қўллаш мақсадида энг кам иш ҳақи миқдори йил бошидан ортиб борувчи якун бўйича (йил бошидан тегишли даврнинг ҳар бир ойи учун энг кам иш ҳақларининг суммаси) ҳисобға олинади.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини ҳисоблаб чиқариш ва ушлаб қолиш, солинадиган база ҳамда ставкалардан келиб чиққан ҳолда даромад ҳисобланишиға қараб йил бошидан ортиб борувчи якун бўйича ҳар ойда жисмоний шахснинг асосий иш жойи бўйича солиқ агенти томонидан амалға оширилади.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигининг ҳисоблаб чиқарилган суммаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жисмоний шахсларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ўтказиладиган ҳар ойлик мажбурий бадаллар суммасига камайтирилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, амалдаги ставкалардан келиб чиқиб ҳисобланган, бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқ суммаси, фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига йўнатилирадиган ҳар ойлик мажбурий бадаллар суммасига камайтирилади. (Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи солиниши лозим бўлган ходимнинг ҳисобланган иш ҳақи ва бошқа даромадларидан 1%).

Асосий иш жойи деб, жисмоний шахснинг меҳнат дафтарчаси юритиладиган ташкилот ҳисобланади.

Йил мобайнида асосий иш (хизмат, ўқиш) жойи узгарган тақдирда, жисмоний шахс жорий йилда ўзига тўланган даромадлар ва жисмоний шахслардан ушлаб қолинадиган даромад солиғи суммалари тўғрисидаги маълумотномани янги асосий иш (хизмат, ўқиш) жойидаги бухгалтерияга дастлабки иш ҳақи тўлангунига қадар тақдим этиши шарт.

Янги асосий иш (хизмат, ўқиш) жойида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини ҳисоблаб чиқариш календарь йил бошидан буён илгариги ва янги иш (хизмат, ўқиш) жойларидан олинган жами даромаддан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Илгариги иш жойидан маълумотнома тақдим этилмаган ёки солиқ тўловчининг идентификация рақами тақдим этилмаган тақдирда, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи белгиланган энг юқори ставка бўйича ушлаб қолинади.

Маълумотнома ёки идентификация рақами кейинчалик тақдим этилган тақдирда, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи суммаси илгариги асосий иш жойида олинган даромадлар инobatга олинган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилинади.

8.1.4. Мол-мулк солиғи

Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ

Солиқ тўловчилар

1. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида солиқ солинадиган мол-мулкка эга бўлган юридик шахслар — Ўзбекистон Республикасининг резидентлари.

2. Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга ошираётган ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўз мулкида кўчмас мулкка эга бўлган юридик шахслар — Ўзбекистон Республикасининг норезидентларидир. Агар кўчмас мулк мулкдорининг жойлашган ерини

аниқлаш имкони бўлмаса, бу мол-мулк қайси шахснинг эгалигида ва (ёки) фойдаланишида бўлса, шу шахс солиқ тўловчидир. Ўзбекистон Республикаси норезидентининг фаолияти Солиқ кодексининг 20-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасидаги доимий муассаса орқали амалга ошириладиган фаолият деб эътироф этилади.

Қуйидагилар юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ тўловчилар бўлмайди:

— нотижорат ташкилотлар. Нотижорат ташкилотлар тадбиркорлик фаолиятини амалга оширган тақдирда, ушбу бўлимда назарда тутилган тартибда юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни тўловчилардир;

— агар Солиқ кодексининг 20-бўлимида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, Солиқ кодексига мувофиқ солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби назарда тутилган юридик шахслар.

Қуйидагилар мол-мулкка солиқ солиш объектларидир:

1) асосий воситалар, шу жумладан, молиявий ижара (лизинг) шартномаси бўйича олинган асосий воситалар;

2) номоддий активлар;

3) тугалланмаган қурилиш объектлари. Тугалланмаган қурилиш объектлари жумласига қурилиши шу объект қурилишига доир лойиҳа-смета ҳужжатларида белгиланган норматив муддатда ниҳоясига етказилмаган объектлар киради;

4) белгиланган муддатда ишга туширилмаган асбоб-ускуналар. Белгиланган муддатда ишга туширилмаган асбоб-ускуналар жумласига монтаж қилиниши талаб этиладиган ҳамда реконструкция ва (ёки) модернизация қилинаётган объектларда лойиҳа-смета ҳужжатларида белгиланган муддатларга мувофиқ капитал қўйилмалар ҳисобига ишга тушириладиган асбоб-ускуналар киради. Лойиҳа-смета ҳужжатларида асбоб-ускуналарни ишга тушириш муддатлари бўлмаган тақдирда, буюртмачи сифатида иш кўраётган юридик шахснинг раҳбари томонидан тасдиқланган муддатлар солиқ солиш объектини белгилаш учун қабул қилинади, лекин бу муддатлар асбоб-ускуналар монтаж қилишга топширилган пайтдан эътиборан бир йилдан кўп бўлмаслиги керак.

Солиқ солинадиган база қуйидагилардир:

— асосий воситалар ва номоддий активлар бўйича — асосий воситалар ва номоддий активларнинг ўртача йиллик қолдиқ қиймати. Асосий воситалар ва номоддий активларнинг қолдиқ қиймати ушбу мол-мулкнинг бошланғич (тикланиш) қиймати билан солиқ тўловчининг ҳисоб-сиёсатида белгиланган усуллардан фойдаланилган ҳолда ҳисоблаб чиқилган амортизация ҳажми ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади;

— норматив (белгиланган) муддатда тугалланмаган қурилиш объектлари ва ишга туширилмаган асбоб-ускуналар бўйича — тугалланмаган қурилишнинг ва ўрнатилмаган асбоб-ускуналарнинг ўртача йиллик қиймати.

Солиқ солиш объектларининг ўртача йиллик қолдиқ қиймати (ўртача йиллик қиймат) ҳисобот давридаги ҳар бир ойнинг охириги кунидаги ҳолатга кўра солиқ солиш объектларининг қолдиқ қийматларини (ўртача йиллик қийматларини) қўшишдан олинган сумманинг ўн иккидан бир қисми сифатида ортиб борувчи якун билан аниқланади.

Мол-мулк солиғи бўйича солиқ солинадиган базани аниқлашда микрокредит ташкилотларининг қуйидаги баланс ҳисобварақларидаги ой охиридаги дебет қолдиқлари ҳисобга олинади:

16505-Тугалланмаган қурилиш (белгиланган муддатларда қуриб битказилмаган қурилиш объектлари қисмига);

16509-Микрокредит ташкилотининг иморатлари — Бинолар ва бошқа иморатлар;

16515-Объектларни ижарага олиш ва уни такомиллаштириш ҳуқуқи;

16529-Транспорт воситалари;

16535-Мебель, мослама ва жиҳозлар;

16549-Бошқаларга операцион ижарага берилган асосий воситалар;

16561-Омбордаги асосий воситалар бўйича (меъёрий муддатларда ўрнатилмаган асбоб-ускуналар қисмига);

16601-Номоддий активлар;

16617-Гудвилл;

16700-Кўчмас мулк ва бошқа хусусий мулк (16707 ҳисобварағидан ташқари);

Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича имтиёзлар Солиқ кодексининг 269-моддасида назарда тутилган.

Мол-мулк солиғи ставкалари

Корхоналар мол-мулкига 3,5% ставка бўйича солиқ солинади.

Мол-мулк солигининг белгиланган ставкаси қуйидаги ҳолларда пасайтирилади:

— ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) экспорти умумий реализация қилиш ҳажмида 15 фоиздан 30 фоизгача ташкил этса — 30% га;

— экспорт маҳсулотини ишлаб чиқарувчи мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча корхоналар ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) экспорти умумий реализация қилиш ҳажмида 30 фоиздан юқори бўлса — 50% га.

Ҳисобот йилида мол-мулкнинг тахмин қилинаётган ўртача йиллик қиймати ва солиқ ставкасидан келиб чиққан ҳолда корхоналар бюджетга тўланиши лозим бўлган жорий тўловлар суммасини мустақил равишда ҳисоблаб чиқадилар ва 20 январгача давлат солиқ хизмати органларига мол-мулк солиғи бўйича жорий тўловлар тўғрисида маълумотнома тақдим этади.

Жорий тўловлар ҳар ойда, кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, солиқнинг йиллик суммасидан 1/12 қисми миқдорида амалга оширилиб боради.

Солиқ тўловчи биринчи чорак, ярим йиллик, 9 ойлик ва йил тугаши билан мустақил равишда ҳисобот даври учун мол-мулкнинг ҳақиқатда ўртача қолдиқ қийматидан келиб чиққан ҳолда мол-мулк солиғини йил бошидан ўсиб боровчи якун билан ҳисоблаб чиқаради. Ҳисоб-китоб рўйхатга олиш жойи бўйича давлат солиқ хизмати органларига ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса, йиллик молиявий ҳисоботни тақдим этиш муддатида тақдим этилади. Мол-мулк солиғининг ҳисобланган суммаси ҳисоб-китобни тақдим этиш учун белгиланган муддатдан кечиктирмай киритилади.

Норматив муддатда ишга туширилмаган асбоб-ускуналар бўйича корхона мол-мулк солиғини иккилантирилган ставкада тўлайди.

8.1.5. Ер солиғи

Ер участкаларидан фойдаланганлик учун бюджетга тўловлар ер солиғи ёки ер учун ижара ҳақи тариқасида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ижарага берилган ер участкалари учун тўланадиган ижара ҳақи ер солиғига тенглаштирилади. Ер участкаларини ижарага олган юридик шахсларга юридик шахслардан олинadиган ер солиғи ставкалари, юридик шахслардан олинadиган ер солиғини тўловчилар учун белгиланган имтиёзлар, солиқни ҳисоблаб чиқариш, солиқ ҳисоб-китобларини тақдим этиш ва солиқни тўлаш тартиби татбиқ этилади.

Юридик шахслар мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш ҳуқуқи, фойдаланиш ҳуқуқи ёки ижара ҳуқуқи асосида фойдаланиладиган ер участкалари учун ер солиғи тўлайдилар.

Мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш ҳуқуқи, фойдаланиш ҳуқуқи ёки ижара ҳуқуқи асосида ер участкаларига эга бўлган юридик шахслар, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари ер солиғини тўловчиларидир.

Кўчмас мулк ижарага берилган тақдирда, ижарага берувчи ер солиғини тўловчи бўлади.

Ер участкасидан бир нечта юридик шахс биргаликда фойдаланган тақдирда, ҳар бир юридик шахс ер участкасининг фойдаланилаётган майдонидаги ўз улуши учун ер солиғини тўловчидир.

Қуйидагилар ер солиғини тўловчилар бўлмайди:

— нотижорат ташкилотлар. Тадбиркорлик фаолияти амалга оширилган тақдирда, нотижорат ташкилотлар тадбиркорлик фаолиятида фойдаланилган ер участкалари бўйича Солиқ кодексининг 21-бўлимида назарда тутилган тартибда ер солиғи тўловчилар бўлади.

Солиқ кодексига мувофиқ солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби назарда тутилган юридик шахслар, агар Солиқ кодексининг 20-бўлимида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса.

Мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш ҳуқуқи, фойдаланиш ҳуқуқи ёки ижара ҳуқуқи асосида юридик шахсларда бўлган ер участкалари солиқ солиш объектидир.

Қуйидагиларга солиқ солиш объекти сифатида қаралмайди:

— аҳоли пунктларининг умумий фойдаланишдаги ерлари. Аҳоли пунктларининг умумий фойдаланишдаги ерлари жумласига қуйидагилар киради:

— майдонлар, кўчалар, тор кўчалар, йўллар, суғориш тармоғи, соҳил бўйи ерлари ва бошқа шу каби ерлар;

— аҳолининг маданий-маиший эҳтиёжларини қондириш ва дам олиши учун фойдаланиладиган ерлар (дарахтзорлар, боғлар, сайилгоҳлар, хиёбонлар, шунингдек, ариқ тармоқлари эгаллаган ерлар);

— коммунал-маиший ерлар (қабристонлар, чиқиндиларни зарарсизлантириш ва уларни утилизация қилиш жойлари ва бошқа шу каби жойлар);

Захира ерлар.

Ер участкасининг Солиқ кодексининг 282-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ солиқ солинмайдиган ер участкалари майдонлари чегириб ташланган ҳолдаги умумий майдони солиқ солинадиган базадир.

Қайси ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш ҳуқуқи, фойдаланиш ҳуқуқи ёки ижара ҳуқуқи йил мобайнида солиқ тўловчига ўтган бўлса, уша ер участкалари учун солиқ солинадиган база ер участкаларига тегишли ҳуқуқ вужудга келганидан кейинги

ойдан эътиборан ҳисоблаб чиқарилади. Ер участкасининг майдони камайтирилган тақдирда, солиқ солинадиган база ер участкаси майдони камайтирилган ойдан эътиборан камайтирилади.

Юридик шахсларда ер солиғи бўйича имтиёз ҳуқуқлари вужудга келган тақдирда, солиқ солинадиган база ушбу ҳуқуқ вужудга келган ойдан эътиборан камайтирилади. Ер солиғи бўйича имтиёз ҳуқуқи бекор қилинган тақдирда, солиқ солинадиган база ушбу ҳуқуқ бекор қилинганидан кейинги ойдан эътиборан ҳисоблаб чиқарилади (қўпайтирилади).

Солиқ кодексининг 282-моддасида тўла ва қисман солиқдан озод қилиш имтиёзлари белгиланган.

Ер солиғи ҳар бир солиқ даврининг 1 январига бўлган ҳолатга кўра ҳисоблаб чиқарилади ва ер солиғининг ҳисоб-китоби ер участкаси жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органига ҳисобот йилининг 15 февралига қадар тақдим этилади.

Ер солиғини тўлаш юридик шахслар томонидан йилнинг ҳар чорағида, йил чорағи иккинчи ойининг 15-кунига қадар тенг улушларда амалга оширилади.

8.1.6. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўловчилар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сувдан фойдаланишни амалга оширувчи қуйидаги шахслардир:

- юридик шахслар — Ўзбекистон Республикаси норезидентлари;
- ўз фаолиятини доимий муассаса орқали амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси норезидентлари;
- тадбиркорлик фаолияти учун сувдан фойдаланувчи якка тартибдаги тадбиркорлар;
- юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликлари.

Аҳоли пунктларининг сув таъминоти учун сув етказиб беришни амалга оширувчи юридик шахслар фақат ўз эҳтиёжларига ишлатиладиган сув учун сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўловчилардир.

Қуйидагилар сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўловчилар бўлмайд:

- нотижорат ташкилотлар. Нотижорат ташкилотлар тадбиркорлик фаолиятини амалга оширган тақдирда, Солиқ кодексининг 10-бўлимида назарда тутилган тартибда тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиладиган сув ҳажмлари бўйича сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўловчи бўлади;

— агар Солиқ кодексининг XX бўлимида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, Солиқ кодексига мувофиқ солиқ солишнинг сод-далаштирилган тартиби назарда тутилган юридик шахслар.

Ер усти ва ер ости манбаларидан олиб фойдаланиладиган сув ресурслари солиқ солиш объектидир.

Сув ресурсларининг ер усти манбаларига қуйидагилар киради: дарёлар, кўллар, сув омборлари, турли хил каналлар ва ҳовузлар, ер устидаги бошқа сув ҳавзалари ҳамда сув манбалари.

Сув ресурсларининг ер ости манбаларига артезиан қудуқлари ва скважиналар, вертикал ва горизонтал дренаж тармоқлари ҳамда бошқа иншоотлар ёрдамида чиқазиб олинадиган сувлар киради.

Фойдаланилган сувнинг ҳажми солиқ солинадиган базадир.

Сув ресурсларининг ер усти ва ер ости манбаларидан олинган сув ҳажми сувдан фойдаланишнинг бухгалтерия (бирламчи) ҳисобга олиш ҳужжатларида акс эттирилган сув ўлчагич асбобларининг кўрсаткичлари асосида аниқланади.

Солиқ тўловчилар ер усти ва ер ости манбаларидан олиб фойдаланилган сув ресурслари ҳажмларининг алоҳида-алоҳида ҳисобини юритадилар. Сув ресурсларининг ер усти ва ер ости манбаларидан сув келадиган водопровод тармоқларидаги сувдан фойдаланилган тақдирда, солиқ солинадиган база манбанинг ҳар бир тури бўйича алоҳида-алоҳида аниқланади. Сув етказиб берувчи юридик шахслар водопровод тармоғига сув ресурсларининг ер усти ва ер ости манбаларидан келадиган сув ҳажмларининг нисбати тўғрисидаги маълумотларни давлат солиқ хизмати органларига ҳисобот йилининг 1 февралига қадар тақдим этишлари керак. Давлат солиқ хизмати органлари бу маълумотларни солиқ тўловчилар эътиборига етказиши лозим.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича имтиёзлар Солиқ кодексининг 261-моддасида белгиланган.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ суммаси солиқ солинадиган базадан ва белгиланган ставкалардан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг ҳисоб-китоби сувдан фойдаланиш ёки истеъмоли жойидаги давлат солиқ хизмати органларига ортиб борувчи якун билан қуйидаги муддатларда тақдим этилади:

1) сув ресурсларидан фойдаланганлик учун туланадиган солиқнинг умумий суммаси йилнинг бир чорагида энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан кўпни ташкил этадиган юридик шахслар томонидан (қишлоқ ҳўжалиги корхоналари, микрофирмалар ва кичик

корхоналар бундан мустасно) — ҳар ойда, ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатда;

2) сув ресурсларидан фойдаланганлик учун тўланадиган солиқнинг умумий суммаси йилнинг бир чорагида энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан камини ташкил этадиган юридик шахслар, шунингдек, микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан — йилнинг ҳар чорагида, йилнинг ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-кунигача, йил якунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатда.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўлашни тўловчилар томонидан сувдан фойдаланиш жойида ҳисоб-китоб тақдим этиладиган муддатдан кечиктирмай амалга оширилади, юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон ҳўжаликлари бундан мустасно.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори билан белгиланган.

8.1.7. Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи

Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи юридик шахслар — Ўзбекистон Республикаси резидентлари ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўловчилардир.

Қуйидагилар ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўловчилар бўлмайди:

- нотижорат ташкилотлар, уларнинг тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишдан олган фойдаси бундан мустасно;

- солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби назарда тутилган юридик шахслар.

- Солиқ кодексига мувофиқ махсус солиқ солиш тартиби белгиланган юридик шахслар.

Юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи чегирилганидан кейин юридик шахс ихтиёрида қоладиган фойда солиқ солиш объекти ва солиқ солинадиган базадир. Бунда олинган дивидендлар солиқ солинадиган базадан чегириб ташланади.

Балансида ижтимоий инфратузилма объектлари бўлган солиқ тўловчилар солиқ солинадиган базани фойда солиғи тўланганидан кейин юридик шахс ихтиёрида қоладиган фойдани ва ижтимоий

инфратузилма объектларини таъминлаш учун ҳақиқатда сарфланган харажатларнинг мазкур харажатлар суммасидан ҳисоблаб чиқилган фойда солиғи суммасига камайтирилган суммасини қўшиш орқали аниқлайди. Ушбу моддани қўллаш мақсадида ижтимоий инфратузилма объектларига соғлиқни сақлаш объектлари, халқ таълими объектлари ва болалар дам олиш оромгоҳлари киради.

Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи солиқ солинадиган базадан ҳамда белгиланган ставкадан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Балансида ижтимоий инфратузилма объектлари бўлган солиқ тўловчилар бюджетга тўланадиган солиқ суммасини қуйидаги тартибда аниқлайдилар:

— агар ижтимоий инфратузилма объектларини таъминлаш учун харажатлар суммаси ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммасига тенг ёки ундан ортиқ бўлса, солиқ тўланмайди;

— агар ижтимоий инфратузилма объектларини таъминлаш учун харажатлар суммаси ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммасидан кам бўлса, бюджетга тўланадиган солиқ ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммаси билан ҳақиқатда сарфланган харажатлар суммаси ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

Солиқ тўловчилар ҳисобот даври мобайнида ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи бўйича жорий тўловлар тўлайди.

Жорий тўловлар тахмин қилинаётган соф фойда суммасидан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган шакл бўйича ҳисобот даврининг биринчи ойи 10-кунига қадар солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига тақдим этиладиган ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғининг жорий тўловлари тўғрисидаги маълумотномада кўрсатилган ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғининг белгиланган ставкасидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Жорий тўловлар ҳисоблаб чиқарилган ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғининг йил чорагидаги суммасининг учдан бир қисми миқдорида ҳар ойнинг 15-кунидан кечиктирмай тўланади.

Қуйидагилар жорий тўловларни тўламайди:

— ҳисобот даврида солиқ солинадиган базаси энг кам иш ҳақининг икки юз бараваригача миқдорда бўлган солиқ тўловчилар;

— илгариги ҳисобот даврида ижтимоий инфратузилма объектларини сақлаш харажатлари суммаси солиқ солинадиган база суммасига тенг ёки ундан ортиқ бўлган солиқ тўловчилар;

— микрофирмалар ва кичик корхоналар.

Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғининг ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига солиқ тўловчилар томонидан ортиб борувчи якун билан йилнинг ҳар чорагида ҳисобот чорайдан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса, йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатда тақдим этилади.

Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўлаш мазкур солиқ бўйича ҳисоб-китобни тақдим этиш муддатидан кечиктирмай амалга оширилади.

Солиқ ставкаси Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланади ва 2010 йил учун 8% ни ташкил этади.

8.2. Бошқа мажбурий тўловлар

8.2.1. Ягона ижтимоий тўлов ва фуқароларнинг мажбурий суғурта бадаллари

Ягона ижтимоий тўловни тўловчилар қуйидагилардир:

— юридик шахслар — Ўзбекистон Республикаси резидентлари;
— Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса, чет эллик юридик шахсларнинг ваколатхоналари ва филиаллари орқали амалга оширувчи Ўзбекистон Республикаси норезидентлари.

Жисмоний шахслар — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида доимий равишда яшаб турган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари (бундан бўён матнда суғурта бадаллари деб юритилади) тўловчилардир.

Суғурта бадалларини ҳисоблаш ва ушлаб қолиш мажбурияти, шунингдек, уларнинг тўғри ҳисоблаб чиқарилиши учун жавобгарлик иш берувчи зиммасига юклатилади, Солиқ кодексининг 311-моддасида назарда тутилган тартибга мувофиқ суғурта бадаллари тўловчи якка тартибдаги тадбиркорлар, юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон ҳўжаликлари аъзолари бундан мустасно.

Солиқ кодексининг 172-моддасида кўрсатилган иш ҳақи тарзидаги даромадлар ягона ижтимоий тўловнинг ва суғурта бадалларининг солиқ солиш объектидир.

Ягона ижтимоий тўлов ва суғурта бадаллари қуйидаги тўловларга нисбатан ҳисобланмайди:

1) Солиқ кодекси 174-моддасининг 5, 8, 9, 11 ва 12-бандларида кўрсатилган компенсация тўловлари;

2) ходимга ҳисобланадиган ва унинг розилиги билан тегишли бюджет ёки хайрия жамғармаларга (шанбаликлар, якшанбаликлар ва шу кабилар учун) ўтказиладиган иш ҳақи тарзидаги даромадлар;

3) ёш мутахассисларга олий ўқув юртини тамомлаганларидан сўнг таътил вақти учун юридик шахслар ҳисобидан тўланадиган нафақалар;

4) Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар вазирликларининг, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчиларига, ички ишлар органларининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг оддий, сержант ва офицер таркибларида хизматни ўташи (хизмат мажбуриятларини бажариши) муносабати билан тўланадиган пул таъминоти, пул мукофотлари ва бошқа тўловлар.

Ягона ижтимоий тўлов ва суғурта бадаллари ҳар ойда солиқ солинадиган базадан ҳамда белгиланган ставкалардан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Ягона ижтимоий тўлов юридик шахсларнинг маблағлари ҳисобидан тўланади, суғурта бадаллари эса ходимларнинг иш ҳақидан ушлаб қолинади ва солиқ агентлари томонидан ўтказилади.

Ягона ижтимоий тўловнинг ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига солиқ тўловчи томонидан ортиб борувчи якун билан:

— микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан — йилнинг ҳар чорагида ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда;

— микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига кирмайдиган солиқ тўловчилар томонидан — ҳар ойда ҳисобот давридан кейинги ойнинг 10-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда тақдим этилади.

Суғурта бадалларининг ҳисоб-китоби рўйхатдан ўтказилган жойдаги давлат солиқ хизмати органларига солиқ тўловчи томонидан ортиб борувчи якун билан йилнинг ҳар чорагида ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай тақдим этилади.

Тўлов қуйидаги муддатларда амалга оширилади:

— ягона ижтимоий тўлов — ҳар ойда, кейинги ойнинг 10-кунидан кечиктирмай;

— сугурта бадаллари — иш ҳақиға пул маблағлари олиш учун банкка ҳужжатларни тақдим этиш билан бир вақтда. Иш ҳақи ҳисобига ойнинг биринчи ярми учун бўнак (аванс) олиш учун ҳужжатлар тақдим этилганда суғурта бадаллари тўлови амалга оширилмайди.

8.2.2. Реализация қилинган маҳсулот (иш, хизматлар) ҳажмидан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ҳамда Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар

Мажбурий ажратмаларнинг тўловчилари қуйидагилардир:

— юридик шахслар — Ўзбекистон Республикасининг резидентлари;
— оддий ширкат ишларини юритиш зиммасига юклатилган (ишончли шахс) шерик (иштирокчи) — юридик шахс.

Қуйидагилар бюджетдан ташқари мажбурий ажратмаларнинг тўловчилари бўлмайди:

— нотижорат ташкилотлар, уларнинг тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишдан олган даромадлари бундан мустасно;

— ягона солиқ тўловини тўловчи юридик шахслар.

Соф тушум мажбурий ажратмаларнинг солиқ солиш объекти ва солиқ солинадиган базасидир.

Солиқ солиш объекти ва солиқ солинадиган база кредит ташкилотлари ва сугурта ташкилотлари учун — агар Солиқ кодексининг 313-моддасининг учинчи қисмида бошқа ҳолат назарда тутилмаган бўлса, Солиқ кодексининг 148 ва 150-моддаларига мувофиқ аниқланадиган даромаддир. Солиқ кодексининг 132-моддасида мувофиқ бошқа даромадлар солиқ солиш объекти сифатида қаралмайди.

Солиқ тўловчилар турли хил солиқ солиш объектларига эга бўлган ҳолларда, улар солиқ солиш объектларининг алоҳида-алоҳида ҳисобини юритиши ва тегишли объектлар учун белгиланган ставкалардан келиб чиққан ҳолда тегишли мажбурий ажратмаларни тўлаши шарт.

Мажбурий ажратмалар ҳар ойда солиқ солинадиган базадан ва белгиланган ставкадан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Мажбурий ажратмаларнинг ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига ортиб борувчи яқун билан:

— микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан — йилнинг ҳар чорагида, ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда;

— микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига кирмайдиган солиқ тўловчилар томонидан — ҳар ойда, ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда тақдим этилади.

Мажбурий ажратмаларни тўлаш ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай амалга оширилади.

8.2.3. Мактаб таълимини ривожлантириш учун мажбурий ажратмалар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 21 майдаги Қарорига мувофиқ, Давлат дастурларини амалга ошириш мақсадида мактаб таълимини 2004 — 2009 йилларда ривожлантириш учун бюджетдан ташқари мактаб таълими учун Фонд ташкил қилинган.

2005 йилнинг 1 январидан ташкилотлар ва корхоналар учун, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган, алоҳида солиқ солиш тартибига эга бўлган корхоналар, Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йилнинг 28 декабрь ойидаги 610-сонли Қарори бўйича, мактаб таълимини ривожлантириш учун 1% дан мажбурий ажратмалар киритилган.

Мактаб таълимини ривожлантириш учун "Мактаб таълимини ривожлантириш мажбурий ажратмалар ҳисоботи ва тўлови учун мажбурий ажратмаларнинг ҳисоботи ва тўловининг тартиби" тўғрисидаги Низом (рўйхат рақами 1446, 2005 йил 31 январь) билан тартибга солинади.

Нотижорат ташкилотлар мактаб таълимини ривожлантиришнинг мажбурий ажратмаларидан озод қилинади, (уларнинг тадбиркорлик фаолияти орқали тушган соф фойда ва тушумлари бундан мустасно).

Мактаб таълимини ривожлантиришга мажбурий ажратмаларнинг ҳисоб-китоблари рўйхатдан ўтказиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига ўсиб боровчи якун билан тақдим этилади:

— микрофирмалар ва кичик корхоналарга кирмайдиган корхоналар томонидан — ҳар ойда, ҳисобот давридан (ойидан) кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса — йиллик молиявий ҳисоботни тақдим этиш муддатида;

— микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан (бундан ягона солиқ тўловини тўловчилар мустасно) — ҳар чоракда, ҳисобот давридан (чорагидан) кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса — йиллик молиявий ҳисоботни тақдим этиш муддатида.

Агар мактаб таълимини ривожлантиришга мажбурий ажратмалар бўйича ортиқча тўлов ва бошқа турдаги солиқлар ҳамда давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий тўловлар бўйича муддатида тўланмаган қарзи бўлган тақдирда давлат солиқ хизмати органлари, тўловчининг ёзма аризасига биноан, мавжуд ортиқча тўловни кўрсатилган муддатида тўланмаган қарз тўлови ҳисобига ўтказиш ҳуқуқига эга.

Мактаб таълимини ривожлантириш учун мажбурий ажратмалар 2004 — 2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш даврида давлат солиқлари ва йиғимларига тенглаштирилган.

8.3. Солиқ солишнинг соддалаштирилган тизими

Солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби солиқ тўловчиларнинг айрим тоифалари учун қўлланилади ва ягона солиқ тўловини, ягона ер солиғини ҳамда тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқни ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлашнинг махсус қоидалари қўлланилишини, шунингдек, мазкур солиқлар бўйича солиқ ҳисоботи тақдим этилишини назарда тутати.

Солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби назарда тутилган солиқ тўловчилар учун тўлов манбаида солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни ушлаб қолиш мажбуриятлари, бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига қуйидаги солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбуриятлари сақланиб қолади:

— тўлов манбаида ундириладиган фойда солиғи (дивидендлар ва фоизларни ҳамда Ўзбекистон Республикаси норезидентларига даромад тўлаш пайтида);

— Солиқ кодексининг 207-моддасида назарда тутилган тартибда Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари томонидан бажариладиган (кўрсатиладиган) ишлар (хизматлар) бўйича қўшилган қиймат солиғи;

— божхона тўловлари;

— ягона ижтимоий тўлов;

— давлат божлари;

— давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар ягона солиқ тўловини кўрсатиш ҳуқуқи учун йиғим;

- товарларнинг айрим турлари билан чакана савдо қилиш ва айрим турдаги хизматлар кўрсатиш ҳуқуқи учун йигим;
- автотранспорт воситаларини олганлик ва (ёки) вақтинчалик олиб кирганлик учун Республика йўл жамғармасига йигим.

Ягона солиқ тўлови.

Солиқ тўловчилар. Ягона солиқ тўловини тўловчилар қуйидагилардир:

- 1) микрофирмалар ва кичик корхоналар;
- 2) ходимларнинг сонидан қатъи назар:
 - савдо ва умумий овқатланиш корхоналари;
 - хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар;
 - лотереялар ташкил қилиш бўйича фаолиятни амалга ошириш доирасидаги юридик шахслар.

Ягона солиқ тўлови акциз солиғи тўланадиган маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва ер қазирдан фойдаланганлик учун солиқ солинадиган фойдали қазилмаларни қазиб олишни амалга оширувчи микрофирмалар ва кичик корхоналарга татбиқ этилмайди.

Микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига ходимларининг сони бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган мезонга мос келадиган юридик шахслар киради. Бунда:

— ходимларнинг сони ҳисобот йили учун ходимларнинг ўртача йиллик сонидан келиб чиққан ҳолда аниқланади;

— ходимларнинг ўртача йиллик сонини аниқлашда ўриндошлик, пудрат шартномалари ва бошқа фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномалар бўйича ишга қабул қилинган ходимларнинг, шунингдек, унитар (шуъба) корхоналарда, ваколатхоналар ва филиалларда ишлаётганларнинг сони ҳам ҳисобга олинади;

— юридик шахсларни микрофирмалар ва кичик корхоналар тоифасига киритишда юридик шахснинг асосий фаолият (ихтисослиги) турига тўғри келадиган ходимлар сонининг мезони қабул қилинади.

Микрофирмалар ва кичик корхоналар ягона солиқ тўловини тўлашни назарда тутадиган солиқ солишнинг соддалаштирилган тартибини ёки умумбелгиланган солиқлар тўлашни танлашга ҳақли.

Фаолият кўрсатаётган микрофирмалар ва кичик корхоналар ягона солиқ тўловини тўлашга ўтиш учун кейинги ҳисобот даври бошланишига камида бир ой қолганда, янги ташкил этилган микрофирмалар ва кичик корхоналар эса, давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан ўн беш кундан кечиктирмасдан солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органини ягона солиқ тўловини тўлашга ўтиши тўғрисида ёзма равишда хабардор этади.

Микрофирмалар ва кичик корхоналар ягона солиқ тўловини тўлашдан ихтиёрий равишда воз кечган тақдирда ҳисобот даври тугаганидан сўнг ўн кун ичида давлат солиқ хизмати органларига тақдим қилинадиган ёзма билдириш асосида кейинги ҳисобот давридан бошлаб умумбелгиланган солиқлар тўлашга ўтади.

Ҳисобот йили тугаши билан белгиланган ходимлар сони мезонига мос келмайдиган ягона солиқ тўловини тўловчилар давлат солиқ хизмати органларига йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиш муддатидан кечиктирмай тақдим этиладиган ёзма билдириш асосида кейинги ҳисобот йилидан бошлаб умумбелгиланган солиқлар тўлашга ўтади.

Ягона солиқ тўловини тўловчилар ягона солиқ тўловини тўлаш ҳуқуқидан маҳрум бўлган ўтган ҳисобот йили учун умумбелгиланган солиқлар бўйича ҳисоб-китоблар асосида ягона солиқ тўлови юзасидан қайта ҳисоб-китобни амалга оширади.

Ягона солиқ тўлови бўйича қайта ҳисоб-китоб ўтказиш учун ягона солиқ тўловини тўловчилар йил якунлари бўйича ягона солиқ тўлови ҳисоб-китобини тақдим этиш муддатидан кечиктирмай солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига қуйидагиларни тақдим этадилар:

- Солиқ кодексида назарда тутилган шаклда ва тартибда умумбелгиланган солиқларнинг ҳар бир тури бўйича ҳисоб-китобларни;

- Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ қўмитаси томонидан белгиланган шаклда ҳисоблаб чиқарилган умумбелгиланган солиқлар суммаси тўғрисидаги маълумотнома.

Умумбелгиланган солиқлар суммаси ҳисобланган ягона солиқ тўлови суммасидан ошиб кетган тақдирда ошган сумма бюджетга тўланиши лозим.

Ҳисобланган ягона солиқ тўлови суммаси умумбелгиланган солиқлар суммасидан ошиб кетган тақдирда, бюджет билан қайта ҳисоб-китоблар амалга оширилмайди.

Ягона солиқ тўлови бўйича қайта ҳисоб-китоб ўтказиш товарлар (ишлар, хизматлар)ни сотиб олувчилар билан тегишли қайта ҳисоб-китобларсиз амалга оширилади.

Агар ҳисоб-китоблар ва маълумотнома:

- йил якунлари бўйича ягона солиқ тўлови ҳисоб-китобини тақдим этиш муддатидан кечиктирмай тақдим этилса, молиявий санкциялар қўлланилмайди;

- йил якунлари бўйича ягона солиқ тўлови ҳисоб-китобини тақдим этиш муддатидан кечиктириб тақдим этилса, қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда молиявий санкциялар қўлланилади.

Турли солиқ солиш объектлари ва (ёки) ягона солиқ тўлови ставкалари белгиланган бир неча фаолият турлари билан шуғулланадиган ягона солиқ тўловини тўловчилар шу фаолият турлари бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоб юритишлари ҳамда солиқ тўловчиларнинг тегишли тоифалари учун белгиланган ставкалар бўйича ягона солиқ тўловини тўлашлари керак. Бунда даромадларга асосий (соҳа) фаолият тури учун белгиланган ягона солиқ тўлови ставкалари бўйича солиқ солинади.

Умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтган ягона солиқ тўловини тўловчилар камида ўн икки ойдан сўнг ягона солиқ тўловини тўлашга қайта ўтишга ҳақлидирлар.

Ягона солиқ тўловини тўлашдан умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтган солиқ тўловчилар умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтилган биринчи чорак учун юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи ҳамда мол-мулк солиғи бўйича жорий тўловларни тўлашдан озод қилинадилар.

Ягона солиқ тўловини тўловчилар ягона солиқ тўлови тўлаш муддатини давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йил муддатга кечиктириш ҳуқуқига эгадирлар, кечиктирилган суммалар қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда имтиёзли давр туганидан сўнг ўн икки ой ичида тенг улушлар билан тўланади.

Агар ягона солиқ тўловини тўловчилар қўшилган қиймат солиғи солинадиган оборотни амалга оширсалар, қўшилган қиймат солиғини ихтиёрий асосда тўлашлари мумкин. Юридик шахслар қўшилган қиймат солиғини тўлашга ўтиш учун ҳисобот даври бошланишидан камида бир ой олдин, янги ташкил этилган юридик шахслар эса, ўз фаолиятини амалга оширишни бошлагунига қадар солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органига ёзма билдириш тақдим этадилар.

Ягона солиқ тўловини тўловчилар томонидан қўшилган қиймат солиғини тўлашни рад этиш кейинги солиқ даври бошлангунига қадар бир ойдан кечиктирмай солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органига ёзма билдириш асосида фақат навбатдаги солиқ даврининг бошидан амалга оширилиши мумкин.

Солиқ солиш объекти.

Ялпи тушум солиқ солиш объектидир.

Солиқ солиш мақсадида ялпи тушум таркибига қуйидагилар киритилади:

1) товарлар (ишлар, хизматлар)ни қўшилган қиймат солиғини чегирган ҳолда (қўшилган қиймат солиғи тўлашга ўтган солиқ тўловчилар учун) реализация қилишдан тушган тушум;

2) Солиқ кодексининг 132-моддасида назарда тутилган бошқа даромадлар.

Қуйидагиларга солиқ солиш объекти сифатида қаралмайди:

1) устав фондиға (устав капиталиға) олинган ҳиссалар, шу жумладан, акцияларни (улушларни) жойлаштириш баҳосининг уларнинг номинал қийматидан (дастлабки миқдоридан) ортиқ суммаси, оддий ширкат шартномаси бўйича биргаликдаги фаолиятни амалга ошириш учун бирлаштириладиган маблағлар;

2) муассислар (иштирокчилар) таркибидан чиқиляётганда (чиқариляётганда), шунингдек, тугатиляётган юридик шахснинг мол-мулки унинг муассислари (иштирокчилари) ўртасида тақсимланаётганда устав фондиға (устав капиталиға) ҳиссалар доирасида олинган маблағлар (мол-мулк ёки мулкый ҳуқуқлар);

3) шартнома муассислари (иштирокчилари) умумий мулкидаги ҳиссаси қайтариб берилган ёки бундай мол-мулк бўлинган тақдирда, оддий ширкат шартномаси шериғи (иштирокчиси) томонидан ҳиссаси миқдоридан олинган маблағлар (мол-мулк ёки мулкый ҳуқуқлар);

4) реализация қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) учун олдиндан ҳақ тўлаш (бунак) тариқасида бошқа шахслардан олинган маблағлар (мол-мулк ёки мулкый ҳуқуқлар);

5) мулк ҳуқуқи уларга ўтган пайтга қадар мажбуриятларни қонун ҳужжатларига мувофиқ таъминлаш сифатида гаров ёки закат тарзида олинган маблағлар (мол-мулк ёки мулкый ҳуқуқлар);

6) бюджетдан берилган субсидиялар;

7) агар маблағларни (мол-мулкни ёки мулкый ҳуқуқларни) ўтказиш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида амалга оширилса, текин олинган маблағлар (мол-мулк ёки мулкый ҳуқуқлар), ишлар ва хизматлар;

8) олинган грантлар ва инсонпарварлик ёрдами;

9) акциядор — юридик шахснинг ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдаси устав фондини (устав капиталини) кўпайтиришга йўналтирилганда қўшимча акцияларнинг қиймати ёки акцияларнинг номинал қийматини кўпайтириш тариқасида олинган даромадлари;

10) суғурта шартномалари бўйича суғурта товони (суғурта суммаси) тариқасида олинган маблағлар;

11) воситачига ёки бошқа ишончли вакилга воситачилик, топшириқ шартномаси ёки воситачилик хизматлари кўрсатишга оид бошқа шартномалар бўйича мажбуриятларни бажариш муносабати билан, шунингдек ёки бошқа топшириқ берувчи учун воситачи ёки бошқа ишончли вакил томонидан қилинган ҳаражатларни қоплаш ҳисобига тушган мол-мулк (ҳақ тўлови бундан мустасно);

12) объект қийматининг ижарага берувчи (лизинг берувчи) томонидан олинган ижара (лизинг) туловининг бир қисми тарзида қопланиши;

13) телекоммуникациялар тармоқларида тезкор-қидирув тадбирлари тизимининг текин олинган техник воситалари, шунингдек, мазкур воситалардан фойдаланишга ва уларга хизмат кўрсатишга доир хизматлар;

14) ихтиёрий тугатилаётган тадбиркорлик субъектининг муассисларидан (иштирокчиларидан) уларнинг мажбуриятларини бажариш учун олинган маблағлар. Ихтиёрий тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда тугалланмаган ёки тугатиш тартиб-таомили тугатилган ва фаолият қайта тикланган тақдирда ушбу маблағлар солиқ солиш объектига киритилади ва уларга солиқ солиниши лозим;

15) инвестор билан давлат мулкани бошқариш бўйича ваколатли давлат органи ўртасида тузилган шартномага мувофиқ инвестиция мажбуриятлари сифатида киритилаётган мол-мулк.

Балансининг валюта моддаларини қайта баҳолаш чоғида курсдаги ижобий ва салбий фарқлар ўртасидаги сальдо солиқ солиш объекти ҳисобланади. Салбий курс фарқи суммаси ижобий курс фарқи суммасидан ортиқ бўлган тақдирда, ошиб кетган сумма ягона солиқ туловини ҳисоблаб чиқаришда солиқ солинадиган базани камайтирмайди.

Солиқ солинадиган база.

Қуйидагилар чегириб ташланган ҳолда ҳисоблаб чиқарилган ялпи тушум солиқ солинадиган базадир:

1) давлат қимматли қоғозлари бўйича даромадлар;

2) тулов манбаида солиқ солинадиган дивидендлар ва фоизлар тариқасида олинган даромадлар;

3) дивидендлар тариқасида олинган ва қайси юридик шахсдан олинган бўлса, ўша юридик шахснинг устав фондига (устав капиталига) йўналтирилган даромадлар. Муассислар (иштирокчилар) таркибидан чиқиляётганда (чиқиб кетганда) ёхуд тугатилаётган юридик шахснинг мол-мулки имтиёз қўлланилганидан сўнг бир йил ичида унинг иштирокчилари ўртасида тақсимланганда илгари солиқ солинадиган базадан чегирилган даромадларга тулов манбаида умумий асосларда солиқ солинади;

4) ҳисобот йилида аниқланган ўтган йиллардаги даромадлар. Мазкур даромадларга улар қайси даврда пайдо бўлган бўлса, ўша даврдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқлар ва бошқа мажбурий туловлар бўйича ўтказилган ҳисоб-китоблар инобатга олинган ҳолда солиқ солиниши керак;

5) кўп оборотли қайтариладиган таранинг қиймати, агар унинг қиймати товарларни (ишлар ва хизматларни) реализация қилишдан олинган тушумнинг таркибига илгари киритилган бўлса;

— маҳсулот етказиб берувчиларнинг сийлови (скидка) тариқасида ва асосий воситаларни тугатишда уларнинг илгари қайта баҳолашлардаги қийматининг камайиши суммасидан ортган қисми ҳисобига олинган бошқа даромадлар.

Солиқ солинадиган база қуйидагиларга йўналтирилган маблағлар суммасига камайтирилади:

— янги технологик асбоб-ускуналар олишга, лекин солиқ солинадиган базанинг кўпи билан 25 фоизига. Солиқ солинадиган базани камайтириш технологик асбоб-ускуналарни фойдаланишга жорий этилган солиқ давридан бошлаб беш йил мобайнида амалга оширилади;

— ёш оилалар жумласидан бўлган ходимларга ипотека кредитлари бўйича бадаллар тўлашга ва (ёки) мулк қилиб уй-жой олишга текин йўналтирилган маблағлар суммасига, лекин солиқ солинадиган базанинг кўпи билан 10 фоизига.

Қўшилган қиймат солиғи тўловчилар учун ягона солиқ тўлови суммаси бюджетга тўланиши лозим бўлган қўшилган қиймат солиғи суммасига, лекин ягона солиқ тўлови суммасининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорга камайтирилади.

Қўшилган қиймат солиғини ихтиёрий равишда тўлашга календарь йил бошидан эътиборан ўтмаган тўловчилар ягона солиқ тўлови суммасини қўшилган қиймат солиғи ҳисоблаб чиқарилган ҳисобот даврига тўғри келадиган суммага камайтиради.

Ягона солиқ тўловининг ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органига ортиб борувчи якун билан:

— микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан — йилнинг ҳар чорагида ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда;

— микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига кирмайдиган корхоналар томонидан — ҳар ойда ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда тақдим этилади.

Ягона солиқ тўловини тўлаш ҳисоб-китобни тақдим этиш муддатидан кечиктирмай амалга оширилади.

ХОТИМА

Чет эл ва Европа тажрибалари натижалари шуни кўрсатадики, микромолиявий ташкилотларнинг ривожланиши учун яхши истиқболлари мавжуд ва улар кичик бизнес ҳамда тадбиркорликнинг ривожланишига ёрдам бериши, давлатнинг банк-молиявий тизимининг кейинги ривожланиши ва мустаҳкамланишига жиддий таъсир кўрсата олиши мумкин. Эътиборга олиш керакки, кредит уюшмалари ва микрокредит ташкилотлари фаолияти нисбатан барқарор, иқтисодий сиёсат ўзгаришларига мослашувчан, ҳудуд молиявий хизматлар бозорида ўз ўринларига эгадирлар.

Банк ва nobank микромолиявий тизимларнинг шаклланиши ҳамда ривожланиши республикада кичик бизнес ва тадбиркорлик доирасида келиб чиқадиган кескин муаммоларни ҳал қилишда кўмаклашади, молиявий ресурсларнинг ўзига қийинчиликларни қаратиши, ишлаб чиқаришнинг самарали кенгайишига ва тадбиркорлик фаолиятини қийинлаштирилишига тўсқинлик қиладиган асосий сабабларидан бири ҳисобланади. Лекин кичик бизнес фаолиятида илк капитал оддий бўлиши, аммо асосий қисми қиёсий даражада катта бўлмаган суммаларда ҳам кўринарли даражада ўз ишини очишга тўсиқ бўлиши мумкин.

Микромолиявий ҳаракатларни ривожлантириш ва мукамаллаштириш Ўзбекистонда кредит-молиявий муассасаларнинг турли шакллари ташкил қилиш имконини беради, аҳоли эҳтиёжини қондириш учун максимал даражада фаолият кўрсатади ва умуман олганда, мамлакатнинг социал-иқтисодий ривожланишига имкон яратади.

Кооператив кредит ташкилотларини ташкил этиш республика учун муҳим аҳамиятга эга, шу боисдан улар ривожланиши ва фаолиятининг барқарорлашуви билан аҳоли бўш пул маблағларини аккумуляция қилишда кўмаклашади. Уларни тижорат банкларидан олинadиган кредитлар билан тўлдириб, nobank кредит ташкилотларининг кенг халқ оммаси учун кредитни нисбатан арзон қилишга имкон беради ва кредит алоқаларини оддий ҳолатга айлантиради. Бинобарин, республикада ташкил этилаётган микромолиявий институтлар тижорат банкларининг ўрнини боса олмайдилар, молия бозорида рақобатнинг кучайишига, аҳолига банк хизматлари хилма-хиллиги ва сифатининг ошишига олиб келади.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, микромолия қайси турда шаклланишига қарамай — тармоқланган тизимдаги кредит уюшмалари ва микрокредит ташкилотлари бўлганида ҳам, ўзининг шерик ва мижозларига кенг спектр хизматларини тақдим этадиган, ўзининг акциядорлари ва оддий омонатчиларининг эҳтиёжларини қондирадиган, мустақам структуралардир, мамлакатнинг молиявий бозорида муҳим роль уйнайдиган, бирликда пайдо бўладиган кучдир.

СТАНДАРТ МОЛИЯВИЙ АТАМАЛАР, КЎРСАТКИЧЛАР ВА МИКРОМОЛИЯЛАШТИРИШ УЧУН ТУЗАТИШЛАР ГЛОССАРИЙСИ

Фойда ва харажатлар тўғрисидаги ҳисобот (даромадлар тўғрисида ҳисобот)

Қарзлар портфели (кредит портфели)дан олинадиган фоизли даромад: фақат ялпи қарзлар портфели (кредит портфели) дан олинган фоизлар, йиғимлар ва коммиссион тўловлардан келадиган даромадлар, шу жумладан, портфелга тегишли бўлган инвестициялардан олинган даромад. Ушбу пункт ўз ичига ҳақиқатда ҳисобланган, бироқ ҳали олинмаган фоизларни олади.

Инвестициялардан қўриладиган молиявий даромад — ялпи қарзлар портфели ҳисобланмаган молиявий активлар, масалан, фоизли даромад келтирадиган депозитлар, депозит сертификатлари, облигациялардан келадиган фоизлар, дивидендлардан даромад ва бошқа даромадлар. Ушбу пункт ҳам ўз ичига ҳақиқатда ҳисобланган, бироқ ҳали олинмаган фоизларни олади.

Фоизли даромад/Молиявий даромад (жами) — даромад келтирадиган барча активлардан олинган фоизлар, йиғимлар ва коммиссион тўловлардан даромад.

Молиявий мажбуриятлар бўйича фоизли харажатлар — ташкилотга тегишли бўлган мижозларнинг депозит ҳисоб рақамларига ҳисобланган барча фоизлар, бадаллар ва коммиссион тўловлар, шунингдек, молиявий активларни тўлдириш учун ишлатиладиган тижорат ва имтиёзли қарзлар учун тўловлар. Одатда, бунга оборотдан ташқари активлар, масалан, ипотека кредити ва лизинг тўловларини молиялаштириш учун мажбуриятларга қўйиладиган фоизлар киритилади. Шунингдек, бунга ҳам ҳисобланган, ҳам тўланган маблағлар киритилади.

Молиявий харажатлар — микромолиявий ташкилотлар томонидан мажбуриятлар бўйича тўланадиган барча фоизлар, йиғимлар ва коммиссион тўловлар, шу жумладан, мижозларнинг депозитлари, тижорат ва субсидияланган қарзлар. Буларнинг ичига валюта курслари-

нинг тебранишига тегишли бўлган даромадлар ва харажатлар киритилиши мумкин (агар валюта курслари кредит портфели, кредит линияларидан фойдаланиш учун тўлов билан боғлиқ бўлса). Шунингдек, ҳам ҳисобланган, ҳам тўланган маблағлар киритилади.

Кечиктирилган қарзлар бўйича захиранинг ўзгариши учун кетадиган харажатлар — қарзлар бўйича йўқотишлар учун захирани ошириш, бу фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботда харажатлар сифатида ёзиб қўйилади. Бу харажатлар нақд пул харажатлари ҳисобланмайди. Бу балансда ифодаланадиган захиранинг ўзгариш миқдоридир. Ушбу харажатлар ялпи қарзлар портфелидан фоиз сифатида ҳисоб-китоб қилиниб, бу фоиз қайтарилмаслиги мумкин. Одатда, кечиктирилган ёки кечиктирилмаган қарзлар бўйича захирани таъминлаш атамаси бир-бирини тўлдирувчи атамалар сифатида фойдаланилади. Аналитиклар харажатлар ва захира борасидаги чалкашликнинг олдини олиш учун захира атамасидан баланс ва захиранинг ўзгариши учун харажатлар атамасидан харажатларни ҳисоб-китоб қилиш учун фойдаланишни афзал кўрадилар.

Умумий операцион даромад — микрофаолият билан тўғридан-тўғри боғланган барча даромадлардан келадиган даромад, шу жумладан, молиявий хизматлар учун фоизлар, йигимлар ва комисион тўловлар. Операциялардан келадиган даромад ўз ичига грантларни, шунингдек, ўқиш, техник ёрдам кўрсатиш ва маркетинг қўллаб-қувватлаш учун йигимларни олмайди (агар бу хизматлар молиявий хизматлар билан тўлиқ боғлиқ бўлмаса). Бу самарадорлик коэффициентларини ҳисоб-китоб қилиш учун ишлатилиши зарур бўлган даромадлар кўрсаткичи ҳисобланади. У ўз ичига молиявий ва бошқа операцион харажатларни олади: молиявий даромадга кирмайдиган кредит молиявий хизматлар учун бўлмаган бадаллар ва комисион тўловлар, аъзолик бадаллари, суғурта ва бошқа пуллик хизматлар. Шунингдек, бу ўз ичига валюта курси фарқидан келадиган йўқотишлар ёки фойдани олиши мумкин.

Операцион даромад ўз ичига ташкилотнинг асосий молиявий фаолияти билан боғлиқ бўлмаган даромадларни, масалан, савдодан келадиган даромадларни олмайди. Бироқ, ўқитишдан келадиган даромад операцион даромадга кирмайди (агар ўқитиш ташкилот томонидан кўрсатиладиган молиявий хизматларнинг таркибий қисми ҳисобланса).

Ходимлар учун харажатлар — бу харажатлар ташкилот ходимларининг иш ҳақини, мукофотларни ва иш ҳақидан тўланадиган солиқларни ўз ичига олади. Шунингдек, ишга ходимларни танлаш ва

ишга қабул қилиш учун харажатларни ҳам олиши мумкин. Бунга ходимларни қайта тайёрлаш ва ўқитиш учун харажатлар, яъни маъмурий харажатлар кирмайди.

Маъмурий харажатлар — молиявий фаолиятни таъминлаш ва ташкилотнинг мижозлар билан муносабатларини таъминлайдиган бошқа операциялар билан тўғридан-тўғри боғланган номолиявий харажатлар, масалан, амортизация, коммунал хизматлар, товарлар, реклама, транспортировка қилиш ва алоқа учун тўловлар, консултация учун тўловлар. Бу ерга ходимнинг меҳнат ҳақи жамғармасига ҳисобланадиган маблағлар ва фойда солиғи кирмайди. Бунга қўшимча қиймат солиғи ва транспорт солиқлари кирмаслиги мумкин.

(Умумий) операцион харажатлар — маъмурий харажатлар ва ходимлар учун харажатларнинг йигиндиси. Молиявий харажатлар ва захирани шакллантириш учун харажатлар бунга кирмайди. Шунингдек, бунга номолиявий фаолият билан боғлиқ бўлган харажатлар ҳам кирмайди.

Соф операцион фойда — умумий операцион даромаддан ташкилотнинг асосий молиявий фаолиятига тегишли бўлган барча харажатлар чегириб ташланганидан сўнг қоладиган фойда: умумий операцион харажатлар, молиявий харажатлар, қарзлар бўйича захирани таъминлаш учун харажатлар. Бунга хайр-эҳсон, номолиявий хизматлардан келадиган даромадлар ва харажатлар кирмайди.

Қўлаб микромолиявий ташкилотлар соф операцион фойдани аниқлаб, фойда солиғини (фойдадан туланидиган солиқларни) ҳисоблашмайди, бироқ бунда уларни истисно қилиш ва алоҳида сатр билан кўрсатиш тавсия этилади. Шунинг учун ташкилотлар солиқлар кўриб чиқилган кўрсаткичга киритилганлиги ёки йўқлигини кўрсатишлари зарур.

Нооперацион даромад — ташкилотнинг асосий фаолиятига тўғридан-тўғри тегишли бўлмаган барча даромадлар, масалан, савдо, тренингларни ўтказишдан даромадлар ва ҳ.к. Ихтиёрий бадаллар ва грантлардан даромадлар нооперацион даромадлар ҳисобланади. Улар учун алоҳида ҳисобни юритиш тавсия қилинади. Соф операцион даромадни ҳам ҳисоб-китоб қилиш ҳамда соф операцион даромад ва нооперацион даромадни кўрсатиш тавсия этилади.

Нооперацион харажатлар — ташкилотнинг асосий фаолиятига тўғридан-тўғри тегишли бўлмаган барча харажатлар, масалан, савдо, тренингларни ўтказиш харажатлари (агар бу тренингларни ўтказиш грантларни олиш шarti бўлмаса). Бунга нотипик, бир марталик харажатлар киради. Номолиявий фаолияти катта бўлган ташкилотларга бундай харажатларнинг тулиқ ҳисобини юритиш тавсия этилади.

Солиқлар — соф даромаддан туланадиган ёки бошқа даромад кўрсаткичларидан келиб чиққан ҳолда қонун бўйича туланадиган барча солиқлар. Бунга даромад/фойдадан туланадиган ҳар қандай солиқ кириши мумкин. Бунга ходимлар меҳнат ҳақи жамғармасига ҳисобланадиган маблағлар, асосий воситаларни харид қилиш учун солиқлар ва қўшимча қиймат солиги кирмайди (бундай солиқлар операцияларга харажатларга тегишли бўлади).

Соф фойда — умумий даромадлардан умумий харажатлар, операциялар ва нооперациялар харажатлар чегириб ташланганидан кейин қоладиган фойда. Кўплаб микромолиявий ташкилотлар соф фойдани солиқлар ва пул хайр-эҳсонларини (ва текинга бериладиган пул маблағларини) ҳисобга олмасдан кўрсатишни афзал биладилар. Бундай ҳолда қуйидагини кўрсатиш зарур: пул хайр-эҳсонларини (текинга бериладиган маблағларни) ҳисобга олмаган ҳолдаги соф фойда.

Баланс ҳисоботи (баланс)

Ялпи қарзлар портфели (якуний қарзлар портфели) — мижозлар қўлидаги барча қарзлар, шу жумладан, жорий, кечиктирилган ва реструктуризация қилинган қарзлар. Бунга ҳисобдан чиқарилган қарзлар кирмайди, шунингдек, ҳисобланган фоизлар ҳам кирмайди. Ҳисоблаш бўйича фоизларни ҳисобга оладиган ташкилотлар уларни балансдаги алоҳида сатр билан кўрсатиши зарур. Берилган қарзларнинг баланси ва ҳисобланган ва/ёки олинган фоизларнинг миқдори ажратилмайди. Ялпи қарзлар портфелини берилган қарзлар миқдори билан чалкаштирмаслик керак.

Қарзларнинг якуний портфели — дебиторлик қарздорлиги, яъни мижозларнинг қўлида бўлган пул маблағлари.

Қарзларнинг жорий портфели — бу ялпи қарзлар портфелининг бир қисми бўлиб, улар асосий қарз ва фоизлар (муайян кунлар доирасида) бўйича кечиктирилган туловларга эга бўлади ва шунингдек, улар реструктуризация қилинган ва узайтирилган қарзлар ҳисобланмайди. Бунга ҳисобланган фоизлар кирмайди. Ушбу кўрсаткичнинг таърифи алоҳида эътибор қаратиш керак бўлиб, бунда маълум муддат белгиланиб, ундан кейинги қарзлар кечиктирилган қарзлар ҳисобланади.

Портфель rischi (риск остидаги портфель) — асосий қарз бўйича белгиланган кундан ҳам ортиқ муддатда бир ёки ундан кўп кечиктирилган туловларга эга бўлган мижозлар қўлидаги барча қарзларнинг йиғиндиси. Бунга қарзларнинг барча туланмаган қисми, шу жумладан, ҳисобланган фоизсиз кечиктирилган қарз қолдиги киради.

Бунга реструктуризация қилинган қарзлар кирмайди. Портфель rischi биринчи кечикиш юз берган пайтдан бошлаб вақтларга боғлиқ равишда гуруҳларга бўлинади.

Реструктуризация қилинган портфель — бу тулаш муддати узайтирилган ёхуд киритилган тўловлар миқдори ўзгартирилган қарзлардир. Бунга мижозларнинг олдинги қарзларини қайтаришни таъминлай олишлари учун берилган қарзлар ҳам киради ("қайта молиялаштириш").

Кечиктирилган қарзлар бўйича захира — бу ялпи қарзлар портфелининг бир қисми бўлиб, қарзлар қайтмайдиган ҳолатдан чиқиб кетиш учун қилинади. Ушбу захира кечиктирилган қарзлар бўйича захиранинг ўзгариши учун тўпланган харажатлар билан ҳисобдан чиқарилган қарзларнинг умумий қиймати ўртасидаги фарқдан иборат бўлади. Шунинг билан таъкидлаш жоизки, бу пул захираси эмас, балки қарзлар портфелининг ташкилот йўқотиши мумкин бўлган қисmini кўрсатадиган баланс моддасидир.

Ушбу кўрсаткич бир неча усуллар билан ҳисоб-китоб қилинади:

— ялпи қарзлар портфелидан % сифатида;

— кечиктирилган қарзларни муддатлар бўйича гуруҳлаш йўли орқали ҳар бир гуруҳ учун % ўрнатилади;

— ҳар бир қарз учун индивидуал тарзда ҳисоб-китоб қилинади.

Қарзларнинг соф портфели — ялпи қарзлар портфелидан кечиктирилган қарзлар бўйича захира (қарзлар бўйича зарарлар остидаги захира) чегириб ташланади.

Соф асосий воситалар/активлар (соф айланмадан ташқари активлар) — бу жорий ва ўтган даврлар мобайнида ҳисобдан чиқарилган ва сотилган мулкнинг амортизацияси чегириб ташланганидан сўнг барча амалга оширилган яхшиланишларни ҳисобга олган ҳолда барча моддий активлар (силжимайдиган ва силжийдиган мулкнинг активлари), мебель ва асбоб-ускуналар (шу жумладан, текинга берилган асбоб-ускуна) нинг жорий қиймати. Шунингдек, бу ерга номоддий активлар, масалан, goodwill инвестициялар ҳам киритилиб, улар жорий вақтда эмас, балки келгусида даромад келтиришadi (узоқ муддатли молиявий қўйилмалар).

Умумий активлар (жами активлар) — баланс активининг ижобий кўрсаткичга эга бўлган барча моддаларидан салбий кўрсаткичга эга бўлган барча моддалари чегириб ташланади.

Молиявий активлар — пул маблағлари ва уларга тенглаштирилган активлар. Бунга кассадаги, банк ҳисоб рақамларидаги пул маблағлари, соф қарзларнинг портфели ва бошқалар киради. Бунга соф оборотдан ташқари активлар кирмайди.

Даромад келтирадиган активлар — молиявий/фоизли даромад келтирадиган барча молиявий активлар. Масалан, инвестициялар ва ялпи қарзлар портфели. Касса ва банк ҳисоб рақамларидаги пул маблағлари фойда келтирадиган активлар ҳисобланмайди, агар бу талаб қилингунча бўлган депозит ва фоиз келтирадиган бошқа омонатлар бўлмаса. Бунга банк ҳисоб рақамларидаги пул маблағлари кирмайди.

Депозитлар — талаб қилингунча бўлган омонатлардаги маблағлар ва микромолиявий ташкилотлар омонатчиларга фоиз билан ёки фоизсиз қайтариб бериши керак бўлган тезлик билан бериладиган маблағлар йиғиндиси. Бунга барча жамғарма омонатлари киритилди.

Тижорат қарзлари (қарз олиш) — бу микромолиявий ташкилот томонидан қарз шартномаси, кредит шартномаси ёхуд бошқа шартномалар асосида фоизнинг бозор ставкасида олинadиган маблағлардир, бунга депозитлар тегишли бўлмайди. Қарзни тижорат қарзлари қаторига киритиш учун қандай ставкани таянч ставка сифатида қабул қилишни белгилаш керак. Одатда, хорижда тижорат банклари 90 кун ва ундан кўп муддатда тезлик билан бериладиган депозитларга ҳисобланадиган фоиз ставкасидан фойдаланишади.

Субсидияланган қарзлар — микромолиявий ташкилотлар томонидан бозор ставкасидан пастроқ ставкада олинган қарзлар. Микромолиявий ташкилотлар қандай фоиз ставкасини имтиёзли ставкани белгилаш ва қарзни субсидияланган қарзлар қаторига киритиш асоси учун олишни кўрсатишлари керак.

Молиявий мажбуриятлар — микромолиявий фаолият билан боғлиқ бўлган қарзлар ва операцион харажатларнинг жамғармасини шакллантириш учун мўлжалланган мажбуриятлар. Бунга тўлов учун ҳисоблар ва оборотдан ташқари активларни молиялаштириш учун қарзлар кирмайди.

Умумий мажбуриятлар (жами мажбуриятлар) — барча мажбуриятлар, шу жумладан, қисқа ва узоқ муддатли омонатлар, мажбурий ва ихтиёрий жамғаришлар, банклар ва бошқа ташкилотлардан олинadиган кредитлар ва бошқа мажбуриятлар.

Субсидияланган капитал (грантлар) — текинга берилган капитал. Микромолиявий ташкилотлар субсидияланган капитални ҳисоб-китоб қилиш учун турли хил усуллардан фойдаланишади. Кўпчилик бутун бир субсидияланган капитал миқдорини ундан фойдаланиш йўналишларига боғлиқ бўлмаган равишда ҳисобга олади. Бошқалар ушбу кўрсаткичга фақат қарзлар портфелини молиялаштириш учун маблағларни ёки натурал қўринишдаги грантларни (хизматлар, асо-

сий воситалар ва бошқа шу кабилар кўринишида) киритишади. Ҳар бир ташкилот қандай маблағларни ушбу кўрсаткичга киритишни ўзи ҳал этади. Эҳтимол, бу фақат ялпи қарзлар портфелини молиялаштириш учун кетадиган маблағлар ёхуд оборотдан ташқари активлар бўлади ва ҳ.к.

Ўзлик капитали — жами активлардан жами мажбуриятлар чегирилади. Шунингдек, бу тўловлар чегириб ташланганидан сўнг капиталга тегишли бўлган барча моддаларнинг йиғиндисидир: дивидендлар, акцияларни сотиб олиш учун харажатлар ва акцияларнинг эгалари учун бошқа тўловлар, улушлар.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Қирғизстон Республикасининг "Кредит уюшмалари тўғрисидаги" Қонуни. Октябрь, 1999 йил. www.amfi.kg
2. Қирғизстон Республикасининг "Микромолиявий ташкилотлар тўғрисидаги" Қонуни. Июль, 2002.
3. Закон Республики Казахстан "О кредитных товариществах". Март, 2003 г. www.amfok.kz
4. Закон Республики Казахстан "О микрокредитных организациях". Март, 2003 г. www.amfok.kz
5. Закон Республики Таджикистан "О микрофинансовых организациях". 2004 г. www.amfot.tg
6. Закон Республики Узбекистан "О кредитных союзах". Апрель, 2002 г. www.lex.uz
7. Закон Республики Узбекистан "О микрокредитных организациях". Сентябрь, 2006 г. www.lex.uz
8. Закон Республики Узбекистан "О микрофинансировании". Сентябрь, 2006 г. www.lex.uz
9. Закон Республики Узбекистан "Об акционерных обществах и защите прав акционеров", Апрель, 1996 г. www.lex.uz
10. Указ Президента Республики Узбекистан "О создании акционерного коммерческого банка "Микрокредитбанк". 6 мая, 2006 г.
11. Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан "О мерах по развитию микрофинансирования в Республике Узбекистан", 30 августа, 2002 г.
12. Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан "О мерах по реализации программы микрокредитования с ЕБРР". 10 сентября, 2001 г.
13. Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан "О программе развития микрофинансирования в Республике Узбекистан до 2010 года", 8 июня, 2007 г.
14. План счетов бухгалтерского учета в кредитных союзах. Зарегистрировано в Министерстве юстиции 27 марта 2003 г. №1227.
15. План счетов бухгалтерского учета в микрокредитных организациях. Зарегистрировано в Министерстве юстиции 16 ноября 2006 г. №1639.

16. Положение о порядке выдачи коммерческими банками льготных целевых микрокредитов личным подсобным и дехканским хозяйствам для развития животноводства. Зарегистрировано в Министерстве юстиции. 2 мая 2006 г. №1568.

17. Положение о порядке выдачи коммерческими банками льготных целевых микрокредитов личным подсобным и дехканским хозяйствам для развития животноводства за счет средств государственного Фонда содействия занятости. Зарегистрировано в Министерстве юстиции 2 мая 2006 г. №1657.

18. Положение о порядке выдачи коммерческими банками микрокредитов субъектам малого бизнеса за счет кредитных линий внебюджетных фондов и "Микрокредитбанка". Зарегистрировано в Министерстве юстиции 21 февраля 2006 г. №1548.

19. Положение о порядке выдачи кредитов молодым семьям на льготной основе. Зарегистрировано в Министерстве юстиции 18 июля 2007 г. №1697.

20. Положение о порядке лицензирования деятельности микрокредитных организаций. Зарегистрировано в Министерстве юстиции 31 октября 2006 г. №1635;

21. Правила проведения микрокредитными организациями финансовых операций. Зарегистрированы в Министерстве юстиции 23 ноября 2006 г. №1642.

22. 2008 MIX Global 100 Composite: Rankings of Microfinance Institutions. Microfinance Information Exchange, Inc. Декабрь, 2008 г.

23. Morgan Stanley's Approach to Assessing Credit Risks in the Microfinance Industry. Miguel Arvelo, Ju-Lie Bell, Christian Novak, Juliette Rose and Shally Venugopal. Morgan Stanley. Journal of Applied Corporate Finance - Volume 20 Number 1. Зимний выпуск 2008 г.

24. Pearls Monitoring System. World Council of Credit Unions Toolkit Series Number 4, June 2001.

25. Воздействие Микрофинансирования. Информация для доноров. CGAP, №13, июль 2003 г.

26. Глоссарий стандартных финансовых терминов, показателей и поправок для микрофинансирования: Совместная работа специалистов MicroRate, Alternative Credit Technologies, SEEP Network, CGAP, InterAmerican Development Bank, USAID, Planet Finance, M-CRIL.

27. Анализ финансовых коэффициентов микрофинансовых организаций. SEEP Network Calmedow. 2000 г.

28. Микрофинансовые организации в Центральной Азии: Сравнительный анализ, 2006. Публикация Центрально-Азиатского Мик-

рофинансового Центра (CAMFC), Консультативной группы помощи малообеспеченным (CGAP), Центр микрофинансирования по Центральной и Восточной Европе и странам СНГ (МФЦ), Microfinance Information Exchange (MIX).

29. Практика корпоративного управления в акционерных микрофинансовых организациях. Совет фондов микрофинансовых акционеров, май 2005 г.

30. Практические материалы Центрального банка Республики Узбекистан для микрокредитных организаций и кредитных союзов.

31. Процентные ставки и микрокредитование. Occasional Paper Number 1. Консультативная группа помощи беднейшим (CGAP). Ноябрь, 2002 г.

32. Сравнительный анализ узбекских микрофинансовых организаций за 2005 год. USAID CAMFA project.

33. Управление социальным воздействием в микрофинансировании: Руководящие принципы. Программа Imp-Act совместно с Центром микрофинансирования для Центральной и Восточной Европы и Новых независимых государств, (МФЦ) 2005 г.

34. Финансовые услуги для бедного сельского населения. Информация для доноров. CGAP, №15, октябрь 2003 г.

35. Policy Brief. Microfinance Development in Uzbekistan UNDP, Uzbekistan 2006.

36. Развитие микрофинансирования в Узбекистане, Центр социальных исследований "Tahlil" 2005.

ФОЙДАЛИ ИНТЕРНЕТ РЕСУРСЛАР:

www.cgap.org

www.mfc.org.pl

www.smesupport.spb.ru

www.microinsurance.org

www.ifc.org

www.mixmarket.org

www.planetfinance.org

ИЛОВА

1-илова

Микрокредит ташкилотининг намунавий устави

Микрокредит ташкилоти

МЧЖнинг умумий
йиғилишида
ТАСДИҚЛАНГАН

" _____
" " _____ 20__ йилдаги
_____ -сон Баённома

**«Микрокредит ташкилоти»
МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ
Н И З О М И**

- 20__ йил

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Микрокредит ташкилоти " _____ " Масъулияти чекланган жамиятининг мазкур Низоми Ўзбекистон Республикасининг "Масъулияти чекланган жамиятлар ҳақида"ги ва "Микрокредит ташкилотлар ҳақида"ги қонунларига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1.2. Микрокредит ташкилоти " _____ " Масъулияти чекланган жамият номи (бундан кейин — Жамият) қуйидагича номланади:

1. _____

2. _____

1.3. Жамиятнинг тўлиқ номланиши:

Ўзбек тилида: Mikrokredit tashkiloti " _____ " Mas'uliyati cheklangan jamiyati.

Рус тилида: Общество с ограниченной ответственностью Микрокредитная организация " _____ ".

1.4. Жамиятнинг қисқача номланиши:

Ўзбек тилида: " _____ " Микрокредит ташкилоти МСНҲ

Рус тилида: ООО "Микрокредитная организация" _____ "

1.5. Жамиятнинг почта манзили: индекс: _____, _____ вилояти, _____ шаҳри/тумани, _____ қишлоғи, _____ кўчаси, _____ уй.

1.6. Жамият ўзининг фирма номи, жойлашиши, давлат тилида кўрсатилган думалоқ муҳри, бурчакли штампи, фирма белгиси ва бошқа белгиларига эга.

1.7. Жамиятнинг фаолият кўрсатиш муддати чекланмаган.

2. ЖАМИЯТНИНГ ЮРИДИК МАҚОМИ

2.1. Жамият Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва бошқа меъёрий ҳужжатлар, шунингдек, мазкур Жамият Низоми (бундан кейин — Низом)га мувофиқ ўз фаолиятини олиб боради.

2.2. Жамият юридик шахс ҳисобланиб, мустақил баланси, банкдаги ҳисоб рақами ва ҳисоб рақамларга эга. Жамият ўз фаолиятини хўжалик ҳисоби, ўз-ўзини таъминлаш ва ўз-ўзини қоплаш асосида юритади.

2.3. Жамият қўйилган мақсадларга эришиш учун ўз номидан битимлар тузиш, мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи, масъулият, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ юридик аҳамиятга эга

ҳаракатлар олиб бориш, Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ва ундан ташқарида ҳужалик, фуқаро ва жиноий ишлар бўйича, учлик ва халқаро судларда даъвогар ва жавобгар бўлишга ҳақли.

2.4. Жамият ўзининг ташкилий бўлинмалари, шуъба корхоналари, филиаллари ва ваколатхоналарини тузишга ҳақли. Жамиятнинг ташкилий бўлинмалари, шуъба корхоналари, филиаллари ва ваколатхоналари Жамият томонидан тасдиқланган қоидаларга ҳамда Бош Ташкилот (Бошқарма) томонидан берилган лицензияга асосан ўз фаолиятларини олиб борадилар.

2.5. Жамият ўз мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли бўлган ва чора кўрилиши мумкин бўлган мулк билан Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ жавобгардир.

3. ФАОЛИЯТНИНГ МАҚСАДИ ВА ПРЕДМЕТИ

3.1. Жамиятнинг мақсади даромад олишдан иборат. Жамиятнинг асосий фаолият кўриниши микромолиявий хизматлар кўрсатишдир.

3.2. Ўз мақсадига эришиш учун Жамият фаолиятнинг қуйидаги кўринишларини амалга оширади:

3.2.1. Микрокредитлар бериш бўйича хизматлар.

3.2.2. Микрозаёмлар бериш бўйича хизматлар.

3.2.3. Жамият лизинг берувчи сифатида чиқганда Микролизинг бериш бўйича хизматлар (молиявий ижара).

3.2.4. Қарз мажбуриятларини сотиб олиш ва сотиш (факторинг).

3.2.5. Қонунчиликка мувофиқ истеъмол кредитлари бериш.

3.2.6. Микрокредитлар, микрозаёмлар ва микролизинг бериш билан боғлиқ маслаҳат ва маълумот хизматлари кўрсатиш.

3.2.7. Ўзбекистон Республикасининг "Микрокредит ташкилотлар ҳақида"ги Қонунига мувофиқ бошқа микромолиявий хизматлар кўрсатиш.

3.3. Фаолият турларини лицензиялаш ёки уларга махсус рухсатнома талаб қилинган ҳолда Жамият ушбу фаолият кўриниши учун шундай махсус рухсатнома ёки лицензия олингандан сўнггина амалга оширади.

3.4. Микромолиявий хизматлар кўрсатиш учун маблағлар шаклланишининг манбалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- ўз маблағлари, шу қаторда олинган даромадлар;
- инвесторлар, шу жумладан, хорижлик инвесторлар томонидан инвестиция шартномалари асосида берилган маблағлар;
- банклардан олинган кредитлар ва давлат мақсадли фондлари маблағлари;

- нодавлат нотижорат, шу жумладан, хорижлик ташкилотлар, халқаро молиявий ташкилотлардан олинадиган грант ва заёмлар;
- қонунчилик томонидан тақиқланмаган бошқа манбалар.

4. ЖАМИЯТНИНГ УСТАВ ФОНДИ

4.1. Жамият фаолиятини таъминлаш мақсадида Аъзо 000.000 (_____ миллион) сўм миқдорида Устав фонди шакллантиради.

4.2. Жамиятнинг Устав фонди Аъзолар томонидан қуйидаги тартибда шакллантирилади.

№ Жамият аъзоси. Аъзо улушининг номинал қиймати(сўм)

Т/р	Жамият аъзоси	Аъзо улушининг номинал қиймати (сўм)	Аъзо улушининг ҳажми %
1.		000	50%
2.		000	50%

Аъзо улушининг ҳажми %

1. 000 50%.

2. 000 50%.

4.3. Жамият аъзолари давлат рўйхатидан ўтиш пайтида Устав фондининг _____% миқдорида _____ сўм пул маблағини қўйиш йўли билан шакллантирадилар (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан микрокредит ташкилотлар учун белгиланган Устав фондининг минимал миқдорини шакллантириш лозим). Устав фондининг қолган _____% миқдоридаги қисми аъзолар томонидан Жамият рўйхатга олинган пайтдан бошлаб бир йил давомида шакллантирилади.

4.4. Жамият, Жамият аъзоларининг умумий йиғилиши қарорига асосан, Устав фонди ҳажмини кўпайтириши ёки камайтириши мумкин.

4.5. Устав фондини кўпайтириш аъзоларнинг ўз улушларини тўлиқ топширганларидан сўнг қабул қилиниши мумкин. Устав фондининг кўпайиши аъзолар томонидан улушлар топширилиши ёки Жамият ҳисобидан амалга оширилади. Жамиятнинг Устав фондини кўпайтириш тўғрисидаги қарор Жамиятнинг ўтган йил бўйича йиллик молиявий ҳисоботида асосангина қабул қилиниши мумкин.

4.6. Жамият Устав фондини камайтириш аъзоларнинг улушлари номинал қийматини озайтириш ва (ёки) Жамиятга тегишли бўлган қарзларни тўлаш йўли билан амалга оширилади. Жамият Устав фондини камайтириш ва унинг янги ҳажми ҳақидаги қарор қабул қилин-

гандан кейинги ўттиз кун давомида ўзига маълум барча кредиторларга хабар қилиши, шунингдек, оммавий ахборот воситаларида қабул қилинган қарор ҳақида эълон бериши шарт.

4.7. Устав фондининг ўзгариши туғрисидаги қарор, учинчи шахслар учун фақат Низомдаги тегишли ўзгариш ва қўшимчалар давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейингина кучга киради.

4.8. Жамият аъзоси ўзининг Устав фондидаги улушини сотиш ёки бошқа кўринишда ўтказишга ҳақли. Жамият Устав фондидаги улушнинг ёки унинг бир қисмининг ўтказилиши нотариус томонидан тасдиқланиши шарт. Акс ҳолда бундай битим кучга эга ҳисобланмайди.

4.9. Жамиятнинг Устав фондидаги улушлар ташкилотчилар розилиги билан меросхўрлар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқий ўринбосарлари ихтиёрига ўтади.

4.10. Улушларнинг йигиндиси Жамият Устав фондининг камида ун фоизини ташкил этувчи аъзолар суд орқали ўзининг вазифасини кўпол равишда бузадиган ёки ўзи фаолияти (фаолият кўрсатмаслиги) билан Жамият фаолиятига сезиларли халақит қилаётган, ёки умуман тўсқинлик қилаётган аъзонинг Жамиятдан чиқарилишини талаб қилишга ҳақлидирлар.

4.11. Жамиятдан чиққан ёки чиқариб юборилган аъзонинг улуши Жамият ҳисобига ўтади. Бунда Жамият чиққан ёки чиқариб юборилган аъзога унинг улушининг ҳақиқий қийматини тўлаб бериши ёки шу қийматга тенг бўлган мулкни унинг ўз хоҳишига кўра олти ой давомида тўлаб беришга мажбур. Жамият ҳисобига ўтган улуш бир йил давомида қолган аъзолар ўртасида уларнинг улушларига мутаносиб равишда тақсимланиши ёки барча (айрим) аъзоларга сотилиши лозим.

5. АЪЗОНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА МАСЪУЛИЯТИ

5.1. Аъзо қуйидаги ҳуқуқларга эга:

5.1.1. Қонун ва Низом билан белгиланган тартибда Жамиятдаги ишларни бошқаришда иштирок этиш.

5.1.2. Даромадни тақсимлашда иштирок этиш.

5.1.3. Жамият фаолияти ҳақида маълумот олиш ва бухгалтерия ҳисоботи ҳужжатлари билан танишиш;

5.1.4. Жамият тугатилган ҳолда, кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилиб бўлингандан кейин қолган мулкни олиш.

5.2. Аъзо Ўзбекистон Республикаси қонунчилиғи ҳамда мазкур Низомда кўзда тутилган бошқа ҳуқуқларга эга.

5.3. Аъзо қуйдагиларга мажбур:

5.3.1. Жамият Устав фондида Низомда кўзда тутилган тартиб, муддат ва миқдорда ўз улушини қўшиш.

5.3.2. Жамият фаолияти ҳақидаги маълумотлар сирини маълум қилмаслик.

5.3.3. Мазкур Низом қоидаларига амал қилиш.

5.3.4. Ўзбекистон Республикаси қонунчилиғи ҳамда мазкур Низомда кўзда тутилган бошқа мажбуриятларга эга.

5.4. Аъзо Жамият мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди, Жамият эса аъзолар учун жавобгар эмас.

5.5. Аъзо Жамият фаолияти билан боғлиқ хавфларга ўз улуши доирасида масъулдир. Ўз улушини тулиқ қўшмаган аъзо Жамият мажбуриятлари бўйича ўзининг тўланмаган улуши доирасида ҳамжиҳатлик масъулиятини зиммасига олади.

6. ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИ ОРГАНЛАРИНИНГ ТАРКИБИ ВА ВАКОЛАТЛАРИ

6.1. Жамият бошқарув органлари:

Жамиятнинг энг юқори бошқарув органи деб Жамият аъзоларининг Умумий йиғилиши ҳисобланади;

Жамиятнинг бажарувчи органи деб _____ ҳисобланади;

6.2. Жамият аъзосининг алоҳида ваколатларига қуйдагилар киради:

6.2.1. Жамият фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаш ҳамда бошқа тижорат ташкилотларида иштирок этиш тўғрисида қарор қабул қилиш.

6.2.2. Жамиятнинг Устав фонди ҳажмини ўзгартириш.

6.2.3. Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида қарор қабул қилиш, янги Низомни қабул қилиш.

6.2.4. Жамият директорини тайинлаш ва унинг ваколатларининг муддатидан олдин тугатилиши.

6.2.5. Жамият фаолиятининг йиллик ҳисобот ва балансларини тасдиқлаш.

6.2.6. Жамият аъзолари ўртасида Жамиятнинг соф даромадини тақсимлаш тўғрисида қарор қабул қилиш.

6.2.7. Жамият органларининг фаолиятини белгилаб берувчи ҳужжатларни Тасдиқлаш (қабул қилиш).

6.2.8. Жамият томонидан облигациялар жойлаштирилиши тўғрисида қарор қабул қилиш.

6.2.9. Аудитор текширувини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш, аудиторлик ташкилоти ва унинг хизматларини тулаш ўлчамларини белгилаш.

6.2.10. Жамиятни қайтадан ташкиллаштириш ёки уни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш.

6.2.11. Тугатиш комиссиясини тайинлаш ва тугатиш балансларини тасдиқлаш.

6.2.12. Шуъба ташкилотлари, филиаллар ва ваколатхоналарни ташкид этиш, уларни қайтадан ташкиллаштириш ёки тугатиш ҳақида қарор қабул қилиш, уларнинг меъёрий ҳужжатларини тасдиқлаш.

6.2.13. Жамиятнинг бошқа юридик шахсларда иштирок этиши, акция ва улушлар сотиб олиш.

6.2.14. Жамият томонидан қонун билан белгиланган йирик шартномаларни тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш.

6.2.15. Жамият Директорини мулкый жавобгарликка тортиш.

6.2.16. Жамият аъзоси улушини сотиш тўғрисида қарор қабул қилиши.

6.3. Фақатгина Жамият Умумий йиғилиши ваколати доирасида бўлган масалалар Жамиятнинг ижрочи органига ўтказилиши мумкин эмас.

6.4. Жамиятнинг жорий фаолиятини бошқариш _____ ижрочи орган томонидан амалга оширилади.

6.5. Жамиятнинг ижрочи органи ваколатлари:

6.6. Ижрочи органнинг фаолияти тартиби, қарорлар қабул қилиш тартиби, унинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Низом ҳамда Тартиб, Жамият ва ижрочи орган ўртасида тузиладиган меҳнат шартномаси билан белгиланади.

7. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

7.1. Молиявий ҳисоботларнинг тўғрилиги, бухгалтерия ҳисобининг белгиланган тартибларга мувофиқлигини текшириш учун Жамият аъзоларининг умумий йиғилиши қарори билан қонунчиликда белгиланган тартибда Аудиторлик ташкилоти жалб қилинади.

7.2. Аудитор қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- Жамият фаолияти билан боғлиқ бухгалтерия, молиявий ва бошқа ҳужжатларни масъул шахслардан исталган вақтда талаб қилиш;
- масъул шахслар томонидан ўз вазифаларига совуққонлик билан муносабатда бўлганлиги ва Жамият фаолиятига хавф туғдирган ҳолларда Жамиятнинг навбатдан ташқари йиғилишини чақириш.

7.3. Аудитор қуйидагиларга мажбур:

- Жамият фаолиятини бир йилда _____ марта назорат текшириш;
- ўтказилган текшириш натижаларини Жамият аъзоларининг умумий йиғилишига тақдим этиш.

7.4. Аудитор йиллик ҳисобот ва балансларга ўз хулосаларини беради. Аудитор хулосасисиз йиллик баланс тасдиқланишига йўл қўйилмайди.

7.5. Текширишлар Жамиятнинг тасдиқланган иш тартибига ҳалақит қилмаслиги лозим.

7.6. Жамият ўз фаолияти юзасидан бухгалтерия ва статистик ҳисобларнинг юритилиши Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва меъёрий ҳужжатларига мувофиқ олиб борилишини таъминлайди.

7.7. Жамият фаолияти натижалари белгиланган тартибда тузилган ҳисоботларда акс эттирилади.

7.8. Туланишидан умид бўлмаган қарзлар, камомадлар, товар-материал мулклар, жисмоний ва маънавий эскирган ускуна ва воситаларни Жамият ҳисобидан чиқариш _____ амалга оширилади.

7.9. Молиявий йил 1 январда бошланиб, ўша йилнинг 31 декабрь куни якунланади. Йил якунлангандан сўнг, баланс тузилиб, Жамиятнинг даромад ва зарарлари ҳисобланади.

8. ЖАМИЯТ ҲУЖЖАТЛАРИНИ САҚЛАШ

8.1. Жамият ўз фаолияти давомида Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигига асосан қуйидаги ҳужжатларнинг сақланишини таъминлашга мажбур:

- Жамиятнинг таъсис ҳужжатлари, шунингдек, белгиланган тартибда қайд этилган таъсис ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар;
- Жамият умумий йиғилишлари Баённомалари;
- Жамиятнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги ҳужжатлар;
- Жамият балансидаги мулкка эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар;

- Жамиятнинг филиал ва ваколатхоналари тўғрисида Тартиблар;
- Жамият облигацияларини чиқариш билан боғлиқ ҳужжатлар;
- аудитор ташкилотининг хулосалари;
- амалдаги қонунчиликда кўзда тутилган бошқа ҳужжатлар.

8.2. Низомнинг 8.1-бандида кўзда тутилган ҳужжатларнинг айримларини сақлаш муддати Жамият қарорига мувофиқ қисқартирилиши мумкин.

8.3. Низомнинг 8.1-бандида кўзда тутилган ҳужжатлар ижрочи орган жойлашган ерда ёки аъзога маълум ва тайинли жойда сақланади.

8.4. Аъзо ва Жамиятда меҳнат шартномасига асосан ишлаётган масъул шахслар Низомнинг 8.1-бандида кўзда тутилган ҳужжатлар билан исталган пайтда танишишга ҳақли. Давлат органлари ва мутасадди шахслар Жамият фаолияти ҳақидаги ҳужжатлар, шу қаторда, юқоридаги ҳужжатлар билан Қонунда кўрсатилган ҳол ва тартибдагина танишиш ҳуқуқига эгадирлар.

9. ЖАМИЯТНИ ҚАЙТА ТАШКИЛЛАШТИРИШ ВА УНИ ТУГАТИШ

9.1. Жамиятни қайта ташкиллаштириш (бошқа ташкилотга қушилиши, ажралиб чиқиши, бўлиниши, ўзгартирилиши) ва тугатилиши аъзоларнинг қарорига асосан, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги томонидан белгиланган тартиб ва ҳолларда амалга оширилади.

9.2. Тугатилиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш учун аъзолар томонидан Тугатиш комиссияси тузилади. Тугатиш комиссияси тузилган пайтдан бошлаб Жамиятни бошқариш ваколатлари комиссия зиммасига ўтади. Тугатиш комиссияси Жамият мулкани баҳолайди, дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китобларни аниқлайди ва амалга оширади, тугатилиш балансини тузади ва аъзоларга тақдим этади.

9.3. Жамиятнинг тугатилиши ҳақидаги эълон матбуотда чоп этилади.

9.4. Солиқ ва мажбурий бюджет ва бюджетдан ташқари фондларга тўловлар, Жамият ходимларининг иш ҳақлари ва барча кредиторлар билан ҳисоб-китоблар амалга оширилгандан сўнг, қолган Жамиятнинг мулк ва молиявий воситалари аъзолар ихтиёрига ўтади.

9.5. Ташкилотларнинг ягона давлат реестрига тегишли қайдлар киритилган пайтдан бошлаб Жамият фаолияти тугаган, Жамият эса тугатилган деб ҳисобланади.

10. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

10.1. Низомда қўзда тутилмаган масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ ҳал этилади.

2-илова

Микрокредит ташкилотининг муассислик шартномаси

"_____ mikrocredit tashkiloti"

_____ НИНГ
(ташкилий ҳуқуқий шакли)

Намунавий Муассис Шартномаси

_____ шаҳар 200_____ йил _____

Қуйидагилар:

(бундан буён "Муассислар" деб номланадилар), ушбу шартнома-ни туздилар:

Умумий қоидалар

"_____ mikrocredit tashkiloti" (ташкилий-ҳуқуқий шакли), кейинчалик матн бўйича "Микрокредит ташкилоти" деб номланади, қонун ҳужжатлари асосида ташкил этилади ва ўз фаолиятини амалга оширади.

Микрокредит ташкилоти Муассислари:

Микрокредит ташкилоти чекланмаган муддатга ташкил этилади.

Микрокредит ташкилотининг Устав фонди

Микрокредит ташкилоти фаолиятини амалга ошириш мақсадида Муассисларнинг улушлари ҳисобидан _____ (_____ миллион) сўм миқдорида Устав фонди шакллантирилади.

Микрокредит ташкилоти Муассислари томонидан Микрокредит ташкилотининг Устав фондига киритилган улушларининг миқдори ва номинал қиймати қуйидаги тарзда белгиланади:

Пул, қимматли қоғозлар, ўзга ашёлар ёки мулккий ҳуқуқлар, ёхуд пул баҳосига эга бўлган бошқа шахсга ўтказиладиган ўзга ҳуқуқлар Микрокредит ташкилотининг Устав фондига қўшиладиган муассисларнинг ҳиссалари бўлиши мумкин. Микрокредит ташкилоти Устав фондига Муассислар томонидан киритиладиган пуллик бўлмаган улушларнинг пул баҳоси Муассисларнинг Умумий йиғилиши томонидан бир овоздан қабул қилинган қарорига асосан белгиланади.

Муассисларнинг Микрокредит ташкилоти Устав фондидаги улушлари қуйидагича шаклланади:

- _____ — улушини тўлиқ пул билан шакллантиради;
- _____ — улушини тўлиқ пул билан шакллантиради.

Лицензия олиш учун мурожаат қилинган кунга қадар Микрокредит ташкилоти Устав фондининг энг кам миқдори фақат пул маблағлари билан шакллантирилган бўлиши керак.

Улушни киритиш мажбурияти бўйича муассисларнинг жавобгарлиги

Микрокредит ташкилотининг Устав фондига улуш киритиш муддатини бузган Муассис Микрокредит ташкилотига ҳар бир кечиктирилган кун учун киритилмаган улуш суммасидан 0,05 фоиз миқдорида пеня тўлайди.

Микрокредит ташкилоти Устав фондига улуши тўлиқ киритилмаган Муассис Микрокредит ташкилотининг мажбуриятлари бўйича киритилмаган улуши миқдорида биргаликда жавобгар бўлади.

Фойдани тақсимлаш, зарарларни қоплаш тартиби ва шартлари

Микрокредит ташкилотининг фойдаси бюджетга ва нобюджет фондларга солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан кейин, қонун ҳужжатларида белгиланган чекланишларни

инобатга олган ҳолда Муассислар ўртасида уларнинг Устав фондига киритилган улушларга мутаносиб равишда тақсимланади.

Микрокредит ташкилотининг фойдаси йил якунида бир маротаба Муассислар Умумий йиғилишининг Қарори билан тақсимланиши мумкин.

Микрокредит ташкилотининг мажбуриятлари бўйича Муассислар ўзларининг Устав фондидаги улушлари доирасида солидар тартибда жавобгардирлар.

Молия-ҳўжалик фаолияти юзасидан Микрокредит ташкилотига келтирилган зарарлар ташкил этилган захира фонди ҳисобидан қопланади.

Микрокредит ташкилотининг захира фонди Микрокредит ташкилоти Устав фондининг 15 фоизи миқдорида шакллантирилади. Захира фонди белгиланган миқдорга етгунча Микрокредит ташкилоти ҳар йили олган соф фойдасининг камида 5 фоизи миқдорида ажратмалар амалга ошириш йўли билан шакллантирилади.

Микрокредит ташкилотининг бошқарув органлари

Микрокредит ташкилотининг бошқарув органлари:

Микрокредит ташкилоти Муассисларининг Умумий йиғилиши — олий бошқарув органи ҳисобланади;

Кузатув Кенгаши ва ижрочи директор — ижро этувчи орган раҳбари бўлиб ҳисобланади.

Муассисларнинг Умумий мажлиси ваколатлари, шу жумладан, мутлақ ваколатлари, чақириш муддати ва тартиби, масалаларни кўриб чиқиш учун кун тартибига киритиш, Муассислар Умумий мажлиси қарорларини қабул қилиш Қонун ҳужжатлари ва Микрокредит ташкилоти Устави билан тартибга солинади.

Микрокредит ташкилоти директорининг ваколатлари, тайинланиш муддати, жавобгарлиги ва фаолият юритиш тартиби қонун ҳужжатларида, Микрокредит ташкилоти Уставида, Микрокредит ташкилоти ва директор ўртасида тузилган меҳнат шартномасида белгиланади.

Муассисларнинг Микрокредит ташкилотидан чиқиш тартиби

Муассис хоҳлаган пайтда, қолган муассисларнинг розилигини олмаган ҳолда Микрокредит ташкилотидан чиқиш ҳуқуқига эга.

Микрокредит ташкилотидан чиққан ёки чиқарилган муассисга Микрокредит ташкилоти томонидан муассис қўшган ҳақиқий ҳиссаси ёки муассиснинг розилиги билан унинг қўшган ҳиссасига яраша мулк бериши шарт.

Муассисларнинг Устав фондидаги улушлари меросхўрларига (қонун ҳужжатлари буйича ҳуқуқий ворисларига) ўтиши фақат бошқа муассисларнинг розилиги билан қабул қилинади.

Ушбу шартномани имзоладилар:

Қайдлар учун